

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ  
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ  
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ  
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ФИЛОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

**МУҲАММАД РИЗО ЭРНИЁЗБЕК ЎҒЛИ  
ОГАҲИЙ**

**АСАРЛАР**

**9-ЖИЛД**

**ОГАҲИЙ  
ТАРЖИМАСИДАГИ  
“ГУЛИСТОН”**

**ва**

**“ҲАФТ ПАЙКАР”**

**Тошкент – 2019**

**Атоқли ўзбек адиби, шоир, таржимон ва муаррих  
Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210  
йиллигига бағишлиданади.**

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг 2019 йил 20 мартағи “Муҳаммад Ризо  
Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 210 йиллигини  
нишонлаш ҳамда Хива шаҳрида Огаҳий ижод мактабини  
ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга  
оширилмоқда.

**Тахрир ҳайъати:**

**Ф.Ў.Эрманов** (такрир ҳайъати раиси), **С.К.Салаев,**  
**Б.А.Абдуҳалимов,** **Б.И.Абдуллаев,** **И.И.Абдуллаев,**  
**Н.М.Маҳмудов,** **Ш.С.Сирожиддинов,** **А.А.Аҳмедов** (нашиёт  
бош муҳаррири), **Ҳ.Ж.Абдуллаев,** **С.Рўзимбоев,** **З.Дўсимов,**  
**Г.Холлиева,** **Н.Жабборов,** **Н.Полвонов,** **М.С.Абдуллаев,**  
**Д.Қ.Ғойипов,** **Р.Ҳасанов,** **А.Д.Ўрозбоев** (loyixa  
мувофиқлаштирувчи ижочиси)

**Масъул муҳаррир:**  
**Г.Холлиева,**  
**филология фанлари доктори, профессор**

**Тақризчилар:**  
**Р.Зоҳидов,**  
**филология фанлари доктори**  
**А.Примов,**  
**филология фанлари номзоди, доцент**  
**Шуҳрат Маткаримов,**  
**ёзувчи ва журналист**

**Нашр учун масъул:**  
**Рўзимбой Ҳасан**

**Нашиёт маълумотлари “Шарқ” нашиёти,  
2019 йил**

## МУҲАММАД РИЗО ОГАҲИЙ ТАРЖИМАСИДАГИ АСАРЛАРНИНГ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809 – 1874) Ўрта Осиё тарихида энг сермаҳсул ижодкорлардан бири ҳисобланади. У тарихчи, шоир ва таржимон сифатида олтида тарихий асар<sup>1</sup>, битта девон<sup>2</sup> ва Ўрта Осиё туркийсига таржима қилинган ўн тўққизта асарни<sup>3</sup> мерос қилиб қолдирди. Огаҳий Хива хонлиги Кўнғиротлар сулоласининг (1804-1920) форс тилидан туркий тилга таржима қилувчи таржимонлар мактабининг пешқадами эди. Унинг таржимонлик фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, у ижодининг илк йилларида форс тилидан тарихий асарларни таржима қилишдан бошлаган ва маҳорати ошиб борган сайин бадиий асарларни назмдан назмга ҳамда наср (“Ҳафт пайкар”)га ўғирган. Бугунги кунга келиб, Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодининг салмоқли қисми яхши ўрганилган<sup>4</sup>. Аммо адабнинг таржима асарларини замонавий талаблар асосида тадқиқ қилишга эҳтиёж сезилмоқда.

Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг таржимон экани ҳақидаги илк маълумот венгриялик олим Арминий Вамбери (1832-1913) тадқиқотида келтирилган<sup>5</sup>. Мазкур китобида Арминий Вамбери Хоразмда шеъриятга бўлган катта қизиқиш тўғрисида гапира туриб, шундай ёзади: “Хивада мен икки ака-ука билан танишдим. Бири Мунис бўлиб, у ажойиб шеърлар ёзган; мен уларнинг айримларини кейинчалик нашр қилдирмоқчиман. Иккинчиси Мироб. У улкан сабр билан Мирхонднинг катта тарихий асарини ўғли учун, гарчи ўғлининг ўзи ҳам форс тилидан хабардор бўлса-да, ўзбек-туркий лаҳжасига ўғирмоқда. Бу иш 20 йил давом этган, лекин у буни бирон кимса олдида эътироф этишдан уяларди, зеро диний

<sup>1</sup> Шоир ўзининг ижод намуналарини хронологиясида бешта тарихий асарини келтирган, аммо тоғаси ва амакизодаси Шермуҳаммад Мунис томонидан бошланган “Фирдавс ал-иқбол” асар номини келтирмайди. Бу ҳақда қаранг: Тошев Н. Огаҳийга нисбат берилувчи таржималар: Тарихи жаҳонгушойи Нодирий// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. - № 6. – Б. 30.

<sup>2</sup> Шоирнинг “Таъвиз ал-ошиқин” девони ҳақида батафсил қаранг: Огаҳий асарларининг тавсифи (каталог). Тузувчи: Ф. Ғанихўжаев. – Тошкент, 1986. – Б. 12-19. (Бундан кейин, ОАТ).

<sup>3</sup> ОАТ. – Б. 33-57.

<sup>4</sup> Адабнинг ижодига бағишлиланган қисқача библиография ҳақида қаранг: Erkinov A. Agahi/ Encyclopedia of Iranica 3. – Leiden: Brill, 2015. – pp. 9-10.

<sup>5</sup> Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – Москва, 2003. – С. 255.

илемлардан бошқаси билан шуғуланиш юзакичилик ҳисобланади”<sup>1</sup>. Ушбу иқтибосда келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, Огаҳий Мирхонднинг “Равзат ал-сафо” асарини кўп йиллар давомида таржима қилган ва бошқа таржимонларга ҳам бош-қош бўлган<sup>2</sup>. Огаҳий форс тилидан ўн саккизта ва усмоний туркчасидан битта асар таржима қилган<sup>3</sup>. Хоразмшунос олим Ю.Брегель (1925 – 2016) таржима асарларнинг йиллар кетма-кетлигини аниқлашга қийналган эди<sup>4</sup>. Аммо шарқшунос Н.Тошев бу хронологияни шоир ўз девонида кетма-кетликда берганлигини аниқлаган<sup>5</sup>. Битта мақола доирасида, адабнинг таржимонлик фаолиятининг барча қирраларини қамраб олиш жуда мушкул. Шунинг учун, қуйида асар номларининг девондаги кетма-кетлиги, қайси хон томонидан буюртма берилгани, уларнинг қўллэзмалари ва қаерда сакланиши ҳақида маълумотларни келтириш билан чекландик:

1) *Ravzat ал-сафо'* – Мирхонд Муҳаммад ибн Ховандшохнинг (1433/34 – 1498) тарихий асари. Асар 7 жилдан иборат, Огаҳий асарнинг иккинчи жилд иккинчи қисмини ва учинчи жилдни таржима қилган<sup>6</sup>. Таржима Муҳаммад Аминхон

<sup>1</sup> Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – Москва, 1867. – С. 290; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – Москва, 2003. – С. 255. Китобнинг 2003 йилги таржимаси бевосита аслиятдан, яъни немис тилидан амалга оширилган.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Назирова Ҳ. Вамбери Огаҳий билан учрашганми?// Хоразм Маъмун академияси. – Хива, 2012. - № 3. – Б. 23-27.

<sup>3</sup> Огаҳийнинг таржимонлик фаолияти ҳақидаги адабиётлар рўйхатини қаранг: ОАТ. – Б. 34.

<sup>4</sup> Munis Shir Muhammad Mirab and Agahi Muhammad Riza Mirab, Firdaws al-iqbāl: History of Khorezm/ Transl. from Chaghatai and annotated by Yu. Bregel. – Leiden, 1999. – Р. xxiii. (Бундан кейин, Мунис-Огаҳий, таржима).

<sup>5</sup> Muhammad Riza Mirab Agahi. Jami‘ al-vaqi‘at-i sultani/ Ed. in the original Central Asian Turki with an Introduction and Notes by Nouryaghdi Tashev. – Tashkent-Istanbul, 2012. – С. xiv. (Бундан кейин, Agahi, Jami‘ al-vaqi‘at-i sultani).

<sup>6</sup> Қўнғиротлар сулоласи бу асадан легитимация услуби сифатида фойдаланишмоқчи бўлган, таржима Шермуҳаммад Мунис (1778-1829) томонидан бошланган эди, аммо унинг вафоти туфайли таржима тугалланмай қолган эди. Огаҳий учта тарихий асарни ёзиб тугатгандан кейин, хон томонидан таржима учун буюртма олади. У таржимани иккинчи жилднинг иккинчи қисмидан бошлаган. Учинчи жилдда Огаҳий Муҳаммад Аминхон буйруғи ила форсий шеърларни таржима қилмасдан асл ҳолида қолдирган. Қаранг: ЎзР ФА ШИ қўллэзмаси. Асосий фонд, инв. № 7414, 1<sup>б</sup> варағи; № 1812, 2<sup>а</sup> варағи; ЎзР ФА ШИ қўллэзмаси. Ҳамид Сулаймон фонди, инв. № 1500, 1<sup>б</sup> варағи. Огаҳий умрининг охиригача ушбу асарнинг барча жилларига маъсул муҳаррир сифатида бош бўлди (Бу ҳақида юқорида Армений Вамберининг иқтибосини келтирдик). Россия миллий кутубхонасининг Шарқ қўллэзмалари бўлимида Т.Н.С. 14 (1 ва 2 жилд) ашё рақами остида сакланаётган

томонидан буюрилган<sup>1</sup>. Иккинчи жилднинг 3 та қўлёзмаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида (ЎзР ФА ШИ) ва биттаси Россия миллий кутубхонасида (РМК) сақланади<sup>2</sup>. Учинчи жилд 4 та нусхада ЎзР ФА ШИ фондларида сақланган ҳолда, бизгача етиб келган<sup>3</sup>.

2) **Нодирнома.** Муҳаммад Маҳдий Астрабодий ибн Муҳаммад Носирнинг (1736-1747) *Дуррайи нодира*<sup>4</sup> асари назарда тутилган. Таржима Муҳаммадназар томонидан бошланиб, Муҳаммад Аминхон буйруғи билан 1266/1850 йилда Огаҳий томонидан якунланган. Кўлёзманинг 2 та нусхаси мавжуд<sup>5</sup>.

---

ушбу катта жилд билан бевосита танишганимизда, Мунис ва Огаҳийнинг таржималаридан ташқари, қўлёзмада Муҳаммад Юсуф Рожийнинг таржимаси ҳам қайд этилган. Қаранг: Ч.А. Стори. Персидская литература: Био-библиографический обзор/ Перевел с английского, переработал и дополнил Ю.Э.Брегель, в 3-х частях. Москва, 1972. – Т. 1. – С. 374-375. (Бундан кейин, Стори-Брегель); Қаранг: Смирнов В. Д. [Описание коллекции восточных рукописей]// Отчет Императорской Публичной библиотеки за 1874 год. – СПб., 1875. – С. 74-75. (Бундан кейин, Смирнов). Асарнинг форс тилидаги қўлёзмаси ҳам шу мақолада қайд қилинган (П. Н. С. 4). Смирнов. – С. 73. Ушбу қўлёзма матни (№ П.Н.С. 4) Т.Н.С. 14 ашё рақамли таржима учун матн бўлиб хизмат қилган эҳтимоли кучли.

<sup>1</sup> Батафсил қаранг: Agahi, Jami‘ al-vaqi‘at-i sultani. – С. xi, 91-95 ҳаволалар.

<sup>2</sup> ЎзР ФА ШИ асосий фонди № 7307 қўлёзмаси: нусха тавсифлари ҳақида қаранг: Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. – Ташкент, 1964 – Т. VII, № 5002 (Бундан кейин СВР); Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История/ Составители: Д. Ю. Юсупова, Р. П. Джалилова. – Ташкент, 1998. № 162 (Бундан кейин, СВР-История); ЎзР ФА ШИ Ҳамид сулаймон фонди №№ 908/I, 1515/II қўлёзмалари; қўлёзмалар тавсифлари ҳақида қаранг: Каталог фонда Института рукописей. – Ташкент, 1989. – Т. I. № 962-963 (Бундан кейин, КФИР); РМК Т.Н.С-27 ашё рақамли қўлёзмаси: Барча қўлёзмалар тавсифи шуниндек: ОАТда №№ 34-37 рақамлари остида берилган.

<sup>3</sup> ЎзР ФА ШИ асосий фонди №№ 1812, 7414 қўлёзмалари, (СВР-История, №№ 159, 166); ЎзР ФА ШИ Ҳамид сулаймон фонди №№ 908/II, 1500 қўлёзмалари, (КФИР, №№ 964-965) (= ОАТ, №№ 38-41).

<sup>4</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Тошев Н. Огаҳийга нисбат берилувчи таржималар: Тарихи жаҳонгушойи Нодирий// O‘zbek tili va adabiyoti. – Тошкент, 2009. – № 6. – Б. 30-32.

<sup>5</sup> Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти (РФА ШҚИ) Д 125 ашё рақамли қўлёзмаси: Дмитриева Л. В., Мугинов А. М., Муратов С. Н. Описание тюркских рукописей Института народов Азии. – Москва, 1965. – Т. I. № 157 (Бундан кейин, ОТР, I); ОАТ, № 42; Дмитриева Л. В. Каталог тюркских рукописей Института Востоковедения Российской академии наук. – Москва, 2002. № 123 (Бундан кейин, Дмитриева, каталог); Огаҳийнинг таржимаси қўлёзманинг 67<sup>a</sup> варагидан бошланади. Д 125 ашё рақамли қўлёзманинг тавсифида асарнинг номи ва кўчирилган жойи нотўғри берилган, қаранг: Стори-Брегель, Т. II. – С. 913; Мунис-Огаҳий, таржима. – р. xxii, ҳавола 95). Россия миллий кутубхонаси Шарқ қўлёзмалари бўлими, Т.Н.С 23 ашё рақамли қўлёзмаси (= ОАТ,

3) **Зафарнома.** Шарафиддин Али Яздийнинг (XV) шу номли асари деб тахмин қилинади. Кўлёзмалари номаълум.

4) **Зубдат ал-ҳикоёт.** Мұхаммад Вориснинг (XVII) ахлоқий ҳиқоялардан иборат асарининг таржимаси. Таржима Сайид Мұхаммадхон фармонига биноан амалга оширилган (ЎзР ФА ШИ асосий фонд кўлёзмаси, № 1274, 3<sup>a</sup> варағи). Таржиманинг аниқ санаси берилмаган. Таржиманинг 2 та кўлёзмаси мавжуд<sup>1</sup>.

5) **Мифтоҳ ал-толибин.** Жони Маҳмуд Шайх ‘Али ибн Имомиддин ал-Ғидждувонийнинг (XVI) 1543 йилда ёзилган асари. Огаҳий касал бўлишига қарамасдан, Сайид Мұхаммадхон буйруғи ила 1859 йилда, асарни 44 кун ичида таржима қилган. Асарнинг ягона нусхаси мавжуд<sup>2</sup>.

6) **Ахлоқи Мұхсиний.** Ҳусайн ибн ‘Али Вөйиз ал-Кошифийнинг (1504 йилда вафот этган) этикага, ахлоқ қоидаларига оид асари. Таржима Сайид Мұхаммадхон буйруғи ила 1858-1859 йилларда амалга оширилган. Кўлёзманинг 3 та нусхаси мавжуд<sup>3</sup>.

7) **Бадоеъ ал-вақоеъ.** Зайниддин Маҳмуд ибн Абдилжамил Восифий (1485 – 1551) асарининг Огаҳий томонидан Ўрта Осиё туркийсидаги таржима қилинган ягона нусхаси. Таржима Мұхаммад Раҳимхон II фармони ила қилинган. Уникал нусха ЎзР ФА ШИ фондида сақланади<sup>4</sup>.

---

№ 43; Смирнов. – С. 91-92). Кўлёзманинг муқовасига китобнинг номини «Надидъ-намэ» деб нотўғри ёзишган. Бу қўлёзмада турли дастхатлар мавжуд бўлиб, 265<sup>a</sup> варағидан Огаҳийнинг дастхати бошланади. Иккала қўлёзмада ўхшаш кодикологик хусусиятлар бор, яъни, турли қоғозлар ва турли котибларнинг ёзувларнинг мавжудлиги таржима нусхаларининг бир-бирига боғлиқлигини кўрсатмоқда.

<sup>1</sup> ЎзР ФА ШИ асосий фонд, № 1274/I ашё рақамли қўлёзма: СВР, I, № 89; ОАТ, № 69. Худди шу фондда № 12229 рақамли қўлёзмада Огаҳийнинг таржимаси (л. 167<sup>b</sup>-202<sup>a</sup>) т.ф.н. Н. Тошев томонидан аниқланди. Тавсифдаги ноқисликлар ҳақида қаранг.: Agahi, Jami‘ al-vaqi‘at-i sultani. – С. xii, ҳавола 101.

<sup>2</sup> ЎзР ФА ШИ асосий фонд, № 8473 ашё рақамли қўлёзма: ОАТ, № 47; Долимов С. Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фан. ном.... диссертация. – Тошкент: 1962. – Б. 34.

<sup>3</sup> ЎзР ФА ШИ асосий фонд, №№ 1597 (СВР, Ташкент, 1955. – Т. III, № 2044) ва 8446 ашё рақамли қўлёзмалар :ОАТ, №№ 48, 51; РФА ШҚИ, С 1773 рақамли қўлёзма: ОТР, Москва, 1980. – Т. III. – С. 124; ОАТ, № 49. Огаҳийга нисбат берилувчи таржималарга оид хатолар ҳақида батафсил қаранг: Agahi, Jami‘ al-vaqi‘at-i sultani. – р. XV, ҳавола 103.

<sup>4</sup> ЎзР ФА ШИ Ҳамид Сулаймон фондининг № 2628 рақамли қўлёзмаси. Бу таржима 1980 йил ф.ф.д. Ф. Фанихўжаев томонидан Хоразмда топилган. Қаранг: Ганиходжаев Ф.А. Узбекский перевод “Бадаи ал-вакаи” Зайнаддина Васифи// Памятники культуры. Новые открытия. Ежегодник. – Ленинград, 1985. – С. 67-69; Фанихўжаев Ф. Топилмалар // Атоқли шоир. Тарихнавис. Таржимон. (Огаҳий ҳақида мақолалар). – Тошкент, 1999. – Б. 146-147; КФИР, № 972; ОАТ, № 46. Agahi, Jami‘ al-vaqi‘at-i sultani. – р. XV, ҳавола 104. Ушбу асарнинг олдинги таржимаси Диловар тахаллусли шоир Ҳуббикули хўжа томонидан ўгирилган эди. Бу ҳақда қаранг: Зайниддин Васифи. Бадаи ал-вакаи. – Москва,

8) *Насиҳатномайи Кайкавус / Қобуснома*. Кайкавус бинни Искандар бинни Қобус Вушмагирнинг (1021 – 1087) ахлоқий-дидактик асари. Таржима шаҳзода Муҳаммад Раҳим II тавсиясига биноан амалга оширилган. Қўлёзманинг 3 та нусхаси мавжуд<sup>1</sup>.

9) *Саламон ва Ибсол*. Абдураҳмон Жомийнинг (1414 – 1492) қаламига мансуб асар. Қўлёзмалари номаълум.

10) *Гулистон*. Саъдий Шерозийнинг (1210-1292) дунёга машҳур асарларидан бири. Асар таржимаси шаҳзода Муҳаммад Раҳим II тавсияси ила амалга оширилган. Асарнинг 3 та қўлёзмаси сақланган<sup>2</sup>.

11) *Баҳористон*. Абдураҳмон Жомийнинг юқоридаги асари каби қўлёзмалари ҳали фанга номаълум.

12) *Равзат ал-сафо'йи Носирийнинг* учинчи жилди. Асар муаллифи Ризакулихон Ҳидоят (вафоти 1871). Хива хони Сайид Муҳаммадхон буйруғи ила асар 1860-61 йилларда таржима қилинган. Таржиманинг ягона нусхаси Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади<sup>3</sup>.

13) *Далойил ал-ҳайрот (шарҳи)*. XV асрда мусулмон ақоидшуносларидан Абдулла Муҳаммад ибн ал-Жузулий томонидан араб тилида битилган асар. Унинг шарҳи – Фасиҳ ал-Қасрий томонидан усмонли турк тилида ёзилган. Ягона нусхада сақланган матн усмонли турк тилидан Ўрта Осиё туркийсига

---

1961. – Т. I. С. 11-13, 26-35. Ушбу асарнинг илмий-танкидий матн тузувчиси А. Болдырев Огаҳий бу асарни Диловардан сўнг таржима қилмаган, балки ўзининг таржима асарларининг сонини бирорнинг меҳнатини ҳисобига кўпайтирган, деган фикрни илгари сурган. Ўша асар. – С. 29. Эҳтимол, А. Болдырев Қўнғирот хонларининг битта асарни бир неча таржимасини буортма бериши мумкинлигидан бехабар бўлган.

<sup>1</sup> ЎзР ФА ШИ асосий фонди, №№ 1274/II, 7577/II рақамли қўлёзмалар тавсифига қаранг: ОАТ, №№ 70-71. Худди шу фондда 12229 ашё рақамли қўлёзма Н. Тошев томонидан топилган: асар китобнинг 202<sup>б</sup>-283<sup>б</sup> варагларини ишғол этади.

<sup>2</sup> ЎзР ФА ШИ асосий фонди, №№ 899, 7768 ашё рақамли қўлёзмалар тавсифи: СВР. – Ташкент, 1964. – Т.VII, №№ 5321-5322; 9983/I ашё рақамли қўлёзма тавсифи ва бошқа тавсифлар: ОАТ, №№ 55-57 берилган.

<sup>3</sup> РФА ШКИ Д 119 ашё рақамли қўлёзмалар тавсифи: ОТР, I, № 158; ОАТ, № 53; Дмитриева, каталог, №124 рақами остида берилган. Қўлёзманинг ўзида таржимоннинг исми қайд этилмаган бўлса ҳам, Огаҳий асарнинг биринчи ва иккинчи жилд таржималарида қатнашгани эҳтимолдан ҳоли эмас. РМК Т.Н.С. 21 ашё рақамли қўлёзмасида ушбу асарнинг иккала жилди мавжуд: Смирнов. – С. 79-80. Бу қўлёзма турли хил ёзув ва ҳар хил қоғозларда ёзилган. Огаҳийнинг дастхатини 239<sup>а</sup> – 254<sup>б</sup>, 256<sup>а</sup> – 314<sup>а</sup>, 519<sup>а</sup> -676<sup>а</sup>, 768<sup>а</sup> - 844<sup>б</sup> варакларда учратиш мумкин.

Сайид Муҳаммадхон топшириғига биноан ўгирилган<sup>1</sup>. Таржима санаси номаълум<sup>2</sup>.

14) *Тазкираи Муқимхоний*. Муҳаммад Юсуф муншийнинг (XVII) тарихий асари. 1860-1861 йилларда Қўнғирот хони Сайид Муҳаммадхон фармони ила китобат қилинган<sup>3</sup>. Уникал нусхаси Россия миллий кутубхонасида сақланади.

15) *Табақоти Ақбаршоҳи*. Низомиддин Аҳмад ибн Муҳаммад Муқим Ҳиравийнинг 1592 йилда тасниф қилинган тарихий асари. Таржима Сайид Муҳаммадхоннинг буйруғига биноан қилинган. Кўлёзма ягона нусхада бизгача етиб келган<sup>4</sup>. Асар колофонида Огаҳий таржимани Сайид Муҳаммадхон ҳукмронлиги даврида бошлаганини ёзади, лекин тез орада хон вафот этади ва таржима тугалланмай қолади. Муҳаммад Раҳимхон II тахтга келгандан сўнг таржимани тугатишни буюрди<sup>5</sup>. Таржиманинг ёзилиш тарихини 1864 йил деб ҳисоблаш мумкин.

16) *Ҳафт пайкар*. Абу Муҳаммад Илёс ибн Юсуф Низомий Ганжавийнинг “Хамса” асарининг тўртинчи достони. Кўлёзма ягона нусхада сақланади. Насрий таржима Муҳаммад Раҳимхон сонийга бағишлиланган, унинг фармони ила таржима қилинган. Таржима санаси қайд қилинмаган<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Россия миллий кутубхонаси Т.Н.С 3 ашё рақамли кўлёзмаси, 4<sup>a</sup> вараги.

<sup>2</sup> Смирнов. – С. 77. Ф. Фанихўжаев қўлёзманинг кўчирилиш санасини (1287/1870-1871) адашиб, таржима санаси деб беради: ОАТ, № 68. Бу ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки Огаҳий қўлёзманинг бошида Сайид Муҳаммадхоннинг буйруғига биноан таржима қилғанлигини ёзади (юқоридаги маълумотномага қаранг) ва колофонда Сайид Муҳаммад Раҳимхон номини қайд қиласи, қаранг: РМК Т.Н.С 3 ашё рақамли қўлёзмаси, 515<sup>a-b</sup> вараклар.

<sup>3</sup> Россия миллий кутубхонаси Т.Н.С 105 ашё рақамли қўлёзма. Огаҳийнинг дастхати бўлмиш (ОАТ, № 54) қўлёзманинг ўзида, у хондан буюртма олганини ва таржима қилишга шошғанлигини қайд қиласи: Т.Н.С-105, 3<sup>a-b</sup> вараклар. Ушбу қўлёзма Огаҳийнинг таржимаси бўлиши мумкин. Бу ҳақда қаранг: Mūnis Shīr Muḥammad Mīrāb and Āgahī Muḥammad Rizā Mīrāb, Firdaws al-iqbāl: History of Khorezm/ ed. by Yu. Bregel. – Leiden, 1988. – Р. 10, ҳавола 80. Каталогда муаллифи номаълум асар сифатида берилган, қаранг: Стори-Брегель, Т. И. – С. 1148; Мунис-Огаҳий, таржима. – р. xxiii, ҳавола 94.

<sup>4</sup> Россия миллий кутубхонаси Т.Н.С 106 ашё рақамли қўлёзма, тавсифи ҳақида қаранг: ОАТ, № 58.

<sup>5</sup> Т.Н.С 106 ашё рақамли қўлёзма, 563<sup>a-b</sup> вараклар.

<sup>6</sup> ЎзР ФА ШИ асосий фонди № 7695 рақамли қўлёзмасининг тавсифлари ҳақида қаранг: СВР. – Ташкент, 1960. – Т. V, № 3605; ОАТ, № 72. Ҳафт пайкар таржимаси каталог тавсифларида берилганидек қўлёзманинг барча варакларини ишғол этмаган, балки 1<sup>b</sup>-160<sup>b</sup> варакларни қамраб олган. Батафсил қаранг: Agahi, Jami‘ al-vaqī‘at-i sultani. – р. XIV, ҳавола 112. Худди шу қўлёзмага бағишлиб ёш тадқиқотчи М. Қаландаровнинг турк тилида мақоласи эълон қилинган. Афсуски, тадқиқотчи каталог тавсифларидаи хатоликни

17) *Ҳашт беҳиши*. Хусрав Дехлавийнинг асари. Қўлёзмалари номаълум<sup>1</sup>.

18) *Юсуф ва Зулайҳо*. Абдураҳмон Жомийнинг қаламига мансуб назмий достон. Таржимани адиб Муҳаммад Раҳимхон соний буюртмасига кўра, назмдан назмга ўгирган: Россия миллий кутубхонаси, Т.Н.С. 117 ашё рақамли қўлёзма, 8<sup>б</sup>, 9<sup>а</sup> вараклар. Таржима шаъбон ойида 1285/1868 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ниҳоясига етган. Асарнинг 7 та қўлёзмаси мавжуд<sup>2</sup>.

19) *Шоҳ ва гадо*. Бадриддин Ҳилолийнинг (XV) асарларидан бири. Назмий таржима Муҳаммад Раҳимхон соний фармони ила амалга оширилган: Россия миллий кутубхонаси Т.Н.С. 91 ашё рақамли қўлёзма, 133<sup>а-б</sup> вараклар. Асарнинг иккита қўлёзмаси сақланган<sup>3</sup>.

Хулоса ўрнида шуни қайд қилиш керак, Огаҳий давлат арбоби мироблик касбида расман фаолият юритганига қарамай, Қўнғирот хонлари уни ўткир қалам соҳиби, таржимон, шоир ва муаррих

---

такрорлаган: Kalandarov M. Manzum eseri düz yazıya aktarmada “Haft Peyker” örneği. Example of “Haft Peyker” for transferring verse text into prose// Gazi Türkiyat, Güz 2012/ 11. – S. 69. <http://turkiyat.gazi.edu.tr/posts/download?id=44233>

<sup>1</sup> Етук тадқиқотчи Ж.Шарипов Огаҳийнинг бизгача етиб келмаган 4 та таржима асарларини эҳтиётсизлик билан, бизгача етиб келган асарлар орасида чалкаштириб беради. Бу ҳақда қаранг: Ж. Шарипов. Ўзбекистонда таржима тарихидан. Революциядан олдинги давр. – Тошкент, 1965. – Б. 108-109.

<sup>2</sup> Россия миллий кутубхонаси Т.Н.С 117 ашё рақамли қўлёзмаси, ЎзР ФА ШИ асосий фонди, №№ 1231, 6728, 7787 қўлёзмалари тавсифлари ҳақида қаранг: СВР, VII, № 5052-5054, 809/I, 9576/I, 9983/II ашё рақамли қўлёзмалари. Батафсил тавсифлари ҳақида қаранг: ОАТ, №№ 62-67. Россия миллий кутубхонаси № Т.Н.С 117 қўлёзмасининг охири Тошкент нусхалари билан бир хил, гарчи Ф.Фанихўжаевнинг каталогида *Юсуф ва Зулайҳо* асарининг Тошкент нусхаларида охирги *байт* йўқ деб маълумот берилган, қаранг: ОАТ, № 61. Т.Н.С 117 ашё рақамли қўлёзманинг бошида Тошкент нусхаларида учрамайдиган икки қатор шеър мавжуд, шунингдек асар сўнгида *Лу* йили (туркий тақвимда илон, аждар йили) қайд қилинган, аммо бу сана Тошкент нусхаларида бу тарзда нотўғри кўчирилган, ва қўлёзмадан бу йил деган маъно англашилган, қаранг: Т.Н.С. 117, 114<sup>б</sup> варак; ЎзР ФА ШИ асосий фонди қўлёзмалари: № 1231, 144<sup>а</sup> варак; № 6728, 143<sup>б</sup> варак; № 7787, 143<sup>б</sup> варак; № 809/I, 145<sup>б</sup> варак; № 9576/I, 144<sup>б</sup> варак.

<sup>3</sup> ЎзР ФА ШИ асосий фонди, № 809/II рақамли қўлёзма тавсифи: ОАТ, № 60; Россия миллий кутубхонаси Т.Н.С 91 қўлёзма тавсифи: ОАТ, № 59. Т.Н.С 91 ашё рақамли қўлёзманинг тавсифида Ф.Фанихўжаев асар кўчирилган йил (1282/1865 йил) билан таржима қилинган санани чалкаштирган. Бошқа маълумотларга кўра, таржима [1285/] 1868-69 йилларда амалга оширилган. Батафсил қаранг: F. Каримов, С. Долимов. Муҳаммад Ризо Огаҳий// Огаҳий, Асарлар — Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик/ Нашрга тайёрловчи F. Каримов; масъул муҳаррир С. Долимов. – Тошкент, 1971. – Б. 28. Тошкент нусхасида таржима санаси берилмаган.

сифатида қадрлашган. Адибнинг салмоқли ижодини таржимонлик фаолияти ташкил қилганига қарамасдан, унинг ушбу қирраси ҳали тўлалигича ёритилмаган. Бу эса ўз навбатида, Ўрта Осиё туркий тилига “энг кўб ва энг хўб” таржима қилган мутаржимнинг фаолияти чукур тадқиқотларга тортилиши лозимлигини кўрсатади.


**Ҳилола Назирова,  
ЎзР ФА Шарқшунослик институти  
илемий ходими**

# **ШАЙХ МУСЛИҲИДДИН САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ**

**ГУЛИСТОН**

**Форс тилидан Мұхаммад Ризо Оғажи  
таржимаси**

**Нашрға тайёрловчи Абдулла Ўрозбоев**



## 2<sup>а</sup> УШБУ МУТАБАРРИК ШАЙХ САЪДИЙ РАҲМАТУЛЛОҲИ АЛАЙҲНИНГ “ГУЛИСТОН”И ТУРКИЙСИ<sup>1</sup>

Миннати бемунтаҳо Ҳақ жалла ва ъалоғаким, тоати қурбат мақоми иртифоъининг мужиби ва шукри неъмат анвоъининг издиёди сабабидур. Ҳар нафаским, оғиздин ташқари чиқар, ҳаёт адади ва яна қайтиб ичкари кирав зоти муфарраҳидур. Бас, ҳар нафасда икки неъмат вужудға келур ва ҳар неъматға муносиб шукр вожиб бўлур.

### Қитъа:

Ҳеч кишининг қўли бирла тили  
Неъмат шукрин қила олмас адо.  
Бандага ул яхшиким, ўз ажзининг  
Узрини келтургай этиб жон фидо.  
2<sup>б</sup> Йўқса, худо неъматининг шукрини  
Мумкин эрмас банда келтурмак бажо.

Бахшиши саҳобидин раҳмат борони барча халқнинг<sup>2</sup> бирдек сероб қилур ва карами илгидин неъмат хони барча маконда бирдек ёйилур; улуғ гуноҳлар била бандайи зорларнинг пардасин йиртмас ва кўб хатолар бирла асло рўзихўрларнинг вазифаси кесилмас.

### Қитъа:

Эй каримеки, ғайб хонидин  
Габру тарсони луқмахўр қилғунг.  
Қилғунг аҳбобни қачон маҳрум,  
Билманки, аъдо сари назар қилғунг.

<sup>1</sup> Сарлавҳа тепасида №56. Бекчон Раҳмон ўғли деган ёзув бор. Бекчон Раҳмон ўғли – Мулло Бекчон Раҳмон ўғли, хоразмлик маърифатпарвар, “Хоразм мусиқий тарихчаси” (Москва, 1926 йил) муаллифларидан бири.

<sup>2</sup> Аслида “халқни”.

Ҳақ таъоло лутфу ато муқтазоси била сабо елининг фаррошиға буюрди, то зумуррадгун фаршлар тўшаб, ер юзига зийнат еткурди; баҳор булути доясиға фармойиш қилди, то наботот наботиға ер маҳдида парвариш қилиб, намойиш берди, дарахтлар шоҳиди қомати наврӯзий хилъатла[р] кийдурди ва 3<sup>а</sup> шоҳалар атфоли бошиға баҳор мавсуми кудуми била шукуфа кулоҳин еткурди.

### Қитъа:

Ойу хуршиду еру кўкни худо халқ айлади,  
Токи сан ҳосил қилиб нон егунг огоҳлиғ била.  
Эмди инсоғ улки, сан тобеъ бўлуб фармониға  
Ғафлат ичра умрни ўткурма гумроҳлиғ била.

Хабарда келубдурким, ул коинот сарвари ва ул мавжудот мағхари, ул хулосайи олам ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам мўъжизбаён тили бирла мундоқ беҳиштнишон нукта аён эттиkim, ҳар вақт гуноҳкор ва паришонрўзгор бандалардин бир банда қабул ва ижобат умиди била тавба ва инобат қўлин Ҳақ таъоло даргоҳиға кўтарса ва Ҳақ таъоло анга раҳмат кўзи била боқмаса, ул банда яна дуо қилса, Борий таъоло андин яна 3<sup>б</sup> эъроз этса, ул банда яна умидин узмай тазарруъ ва зорлиғ била дуоға машғул бўлса, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ул ҳолда фаришталарға хитоб қилиб айтур: “йаа малааикати, лақод истаҳайту мин ъабди ва лайса лаҳу ғайрии фақад ғафарту<sup>1</sup>”ки, яъни “Эй фаришталарим, таҳқиқ, мен бандамнинг дуосин қабул этдим ва анга мендин бошқа ҳеч худо йўқтур. Бас, мен таҳқиқ аниғ гуноҳларин афв ва ҳожатин раво қилдим. Нединким, бандам тазарруъ ва зорлиқи кўблигидин мен шарм қилурмен”.

### Байт:

Ҳақ инкофотини кўргил, эй ҳушёр,  
Қилур бандада журм, ул бўлур шамсор.

Жалла жалолуху ва ъамма наволуху.

**Наът.** Дуруди беинтиҳо ҳазрати расули мужтабо Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи вассаламғаким, суннати саниясиға 4<sup>а</sup> мувоғиқ қилмоқ нажот хусулиниғ боиси ва миллати баҳиясиға мутобиъат кўргузмак даражот вусулиниғ сабабидур.

### Қитъа:

Суннатиға кишиким, тобеъдур

<sup>1</sup> – يَا مَلَائِكَةَ إِنَّمَا أَنْهَيْتُكُمْ مِنْ عَذَابٍ لَمْ يَكُنْ لَهُ غَيْرُكُمْ فَقَدْ غَفَرْتُ

Ҳар на коми эса бўлур ҳосил.  
Миллати йўлиға қадам урған  
Бўлғусидур муродиға восил.

Саллаллоҳу алайҳи ва ъало олиҳи ва асҳобиҳи ажмаъин.

**Аммо баъд**, ҳушманд фозиллар ва хирадманд комилларнинг хотири дрнишмаосирлариға равшан ва зоҳир бўлсунким, ҳазрати салтанатмаоб, жалолатоёт, адолатинтисоб, ҳомийи суннат, моҳийи бидъат, шариатпаноҳ ва атуфатдастгоҳ, хуршидкулоҳ хоразмшоҳ, искандарнишон, доропосбон Абулмузаффар ва-л-мансур Сайид Муҳаммад Баҳодирхон халладаллоҳу таъоло мулкаҳу ва султонаҳу<sup>1</sup>- **4<sup>6</sup>** нинг валади амжади ва қуррату-л-айн сармади саодатнишон, муалломакон, донишпаноҳ, бинишдастгоҳ, давлатнадим шаҳзода Муҳаммад Раҳим<sup>2</sup> тўра адомаллоҳу таъоло айёма умриҳи ва иқболиҳи ва ъақода аълома иззиҳи ва афзолиҳи<sup>3</sup>ким, жаннатмакон мажлиси ҳеч вақт китобхонлиғ ва маънидонлиғ баҳори файзидин холи эрмас эрди, ҳамиша лутфу тарбиятидин фазлу фатонат аҳли хурсанду баруманд ва ҳама вақт мададу тақвиятидин фахму фаросат хайли аржуманд ва баҳжатпайванд эрдилар, **маснавий**:

Фазл аҳли лутфидин ўлуб баҳраманд,  
Факр эли эҳсони била аржуманд.  
Ҳам фузало келди дуогўй анга,  
Ҳам фуқаро хайли тиқожўй анга.  
Ҳақ берибон донишу огоҳлик,  
Лойик анга ер юзига шоҳлик.  
**5<sup>a</sup>** Ё раб, анга лутф ила айлаб мадад,  
Рўзи эт иқбол ила умри абад.

Хусусан, бу фақири касиру-т-тақсир ҳақоратинтисоб Муҳаммад Ризо мироб ал-мутахаллис би-л-Огаҳий ғаффараллоҳу зунубаҳу<sup>4</sup>ғаким, ул жанобнинг ададсиз макрамат ва ҳадсиз марҳаматидин барча ашбоҳу амсолим орасида даражайи аднодин марҳамати аълоға тараққий топиб, қуёшдек мумтоз ва сарафroz эрдим, маъ ҳазо “нурун ъало нур”<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Аллоҳ унинг мулкини ва салтанатини адабий қилгай!

<sup>2</sup> С.Долимов нашридаги Муҳаммад Раҳим номи ушбу қўлёзмада йўқ. Лекин сажънинг охирги узви – “давлатнадим” Муҳаммад Раҳимга мос келтирилган.

<sup>3</sup> Аллоҳ унинг умири ва иқболли кунларини давом қилдирсин ва иззат (ғалаба ва устунлик) эҳсон (яҳшилиқ) байроғини илиб (осиб) қўйсин!

<sup>4</sup> Аллоҳ унинг гуноҳларини кечиргай!

<sup>5</sup> Шу билан “нур устига нур”

мазмунича ҳамул иноят устига турлук отифатлар зоҳир қилиб, факирға ҳазрат шайх Саъдий раҳмутуллоҳи алайҳнинг “Гулистон” отлиғ китобин турк[ий] тили била таржима қилмоқ хизматин буюрди. Ва бу муборак хизмат шарофатидин ифтихорим фарқи амомасин қуёшнинг заррин амомалиғ<sup>5</sup> амомаси бошидин ошурди. Агарчи факир ушбу овонда бир шиддатлиғ касал меҳнатидин ниҳоятсиз нотавон ва ғоятсиз хастажон эрдим, аммо ул жанобнинг мундоқ марҳамати дорушшифосидин сихҳат, балки қувват шарбати лаззатин тотиб, бақадри ҳол бу хужастафол хизматни буткармакка мажолим борича жидду жаҳд ишин зухурға еткурдим. Бу авроқ майдонига ҳолим етгунча ибтидо қалами маркабин сурдим. Ҳақ таъоло иноятидин умид улким, факирни итмол сарҳадига восил ва ушбу муродимни ҳосил қилғай, омин, минҳи ал-ҳидояту ва-тавғиқ<sup>1</sup>.

Эмди бу китобни ўқиғувчи сухандонлар билсунларким, мусаниф раҳмутуллоҳи таъоло нодир ҳикоятлар ва музҳик<sup>6</sup> латифалар, муфарриҳ ашъорлар ва ўтган подшоҳлардин воқеъ бўлған ғариб сийрат осорлардин бир неча сўзни ижмол ва ихтисор тариқаси била бу китобға дарж этиб, “Гулистон” от қўюб, секиз боб била секиз беҳишт янглиғ зийнат берубдур.

Аларнинг теъдод ва таржумаси будурким, марқум ва мастур бўлур:

Аввалғи боб: подшоҳлар сийрати зикрида.

Иккинчи боб: дарвешлар ахлоқи зикрида.

Учинчи боб: қаноат фазилати зикрида.

Тўртинчи боб: хомушлиқ фавойиди зикрида.

Бешинчи боб: ишқ ва йигитлик зикрида.

Олтинчи боб: қарилиғ заъфи зикрида.

Еттинчи боб: тарбият таъсири зикрида.

Секизинчи боб: сұхбат ва хизмат одоби зикрида.

---

<sup>1</sup> Ҳидоят ва муваффақ қилиш Ундандир.

# АВВАЛГИ БОБ

## ПОДШОҲЛАР СИЙРАТИ ЗИКРИДА ТУРУР

### **Ҳикоят**

**6<sup>б</sup>** Эшитдимким, бир подшоҳ бир бегуноҳ кишини ўлтурмакка ишорат қилди. Ул бечора ноумидлик ҳолатида қабиҳ сўзлар айтиб, подшоҳға дашном айтти, андоқким, дебурлар: “Ҳар кишиким, жонидин кечар, кўнглидан ҳар на сўз бўлса, ани қўрқмай изҳор этар”.

### **Байт:**

Киши топмаған чоғда жойи гурез  
Тутар илки бирла дами тийғи тез.

### **Қитъа:**

Бўлса ҳар кимса жонидин маъюс,  
Қўли қувват топар, тили узалур.  
Чун пишик тушса итни оғзиға,  
Қичқуруб ит юзига панжа солур.

Подшоҳ аниңг дашномиға тушунмай, вазирларидин сўрадиким: “Ул на сўз айтур?” Бир оқил вазири айди: “Эй подшоҳи олам, ул бечора айтурким, ҳар киши қаҳру ғазабин ютуб, 7<sup>а</sup> халқнинг гуноҳин ўтуб, эҳсон қилса, Ҳақ таъоло ани дўст тутар ва жамеъи гуноҳин ўтар”. Подшоҳга бу сўз хуш келиб, аниңг гуноҳин ўтди. Яна бир ғофил вазир бор эрди. Оқил вазирга қараб деди: “Подшоҳнинг сухбатида сендин ва мендин ёлғон сўз айтмоқ муносиб эрмастур. Бу киши подшоҳға дашном қилди. Сен бу сўзни ёлғон айтурсен”. Подшоҳға бу сўз нохуш келиб андин юз уюруб деди: “Сенинг бу сўзингдин аниңг ул ёлғон сўзи манга кўб яхши кўрунур, нединким, аниңг бу сўзи амният ва маслаҳат биносиға истеҳком берур ва сенинг сўзинг фасод ва шарорат турғузмоқни тақозо қилур, андоқким, хирадманлар айтибдурлар: “Маслаҳатомиз ёлғон 7<sup>б</sup> сўз фитнаангиз рост сўздин яхшироқдур”.

### **Байт:**

Эйки, султон оллида сўзинг топибдур эътибор,  
Яхши сўз айтурни пеша қил ўзингга зинҳор.

Бу байтлар Фаридун айвонининг тоқиға ёзилмиш эрдиким,  
**маснавий:**

Жаҳон мулки эрмастурур пойдор,

Кўнгул боғла бас Ҳақға, эй ҳушёр.  
Анга айлама такя қилмоқни иш,  
Ки ўлтурди кўбни қилиб парвариш.  
Фурур этма кўб бўлса дунёу зар,  
Еган эрмас андин даме кимса бар.  
Чиқар вақтда teng дуур жони пок,  
Бадан жойи тахт ўлсуну йўқса хок.

### Ҳикоят

Хурросон подшоҳларидин бири султон Маҳмуд Сабуктегинни вафотидин юз йил ўткандин сўнг тушида кўрдиким, барча аъзоси туфроқ бўлмишдур, **8<sup>a</sup>** магар икки кўзи тирик кишининг кўзидек хонасида айланиб, ҳар тарафга назар қилур. Барча ҳакимлар ва муаббирлар ул тушнинг таъвил ва таъбиридин ожиз бўлдилар. Аммо бир дарвеш бу хизматни бажо келтуруб, деди: “Неча йиллардурким, анинг мулкига ўзгалар мутасариф бўлуб юрубдурким, ул ҳануз ҳасрат била анга қараб турубдур”.

### Қитъа:

Кўб номдор шоҳ ер остида тутти ер,  
Ким ер юзида қолмади андин даме нишон.  
Кўб хоксор сойил этиб туфроқ ичра жой,  
Туфроқ еб ани қолмади осори устухон.  
Нўширавоннинг оти тирик қолди адл ила,  
Бўлди агарчи ўзи ўлуб хок аро нишон.  
Бас, хайр эт, эй фалон, тутуб умрингни муғтанам  
Андин бурунки, халқ дегай қолмади фалон.

### Ҳикоят

**8<sup>b</sup>** Ҳикоят эшийтдим, бир подшоҳзоданинг қадди бағоят кўтоҳ ва сурати ҳақир эрди. Ўзга биродарлари баланд қомат ва хўбрўй эрдилар. Бу жиҳатдин отаси анга кароҳат ва ҳақорат била назар қилур эрди. Шаҳзода бу ҳолни фаросат ва басорат била билиб, деди: “Эй ота, донойи кўтоҳқомат нодони зебосуратдин яхшидур. Ҳар кишининг шаклу сурати зебо бўлмоқ била қиммати кўб ва сийрати марғуб бўлмағусидир”. Андоқким дебдурлар, **назм**:

Кўй кичиклик била латиф дуур,  
Фил мурдору ҳам касифдуур.  
Тоғларнинг кичикрагидур Тур,

Тенгри олдида бас шарифдуур.

**Қитъа:**

Деди бир вақт бир ориқ доно,  
Семуз аблაҳга нуктайи марғуб.

**9<sup>a</sup>** Ки бедав от агарчи лоғардур.  
Лек бордур семуз эшакдин хүб.

Подшох бу сўздин хандон бўлди. Аркони давлат дағи бу сўзни қабул эттилар ва биродарлари ранжида бўлуб, хижолатдин ўлум ҳолиға еттилар, **назм**:

То мард сўз ошкор қилмас,  
Айбу ҳунарин кимса билмас.  
То билса, нетонг, хаёл қилма,  
Ҳар бешада шери нар топилмас.

Эшиздимким, иттифоқо, ҳамул овонда подшоҳга улуғ душман пайдо бўлуб, икки лашкар икки тарафдин саф чекиб, уруш майдонин ороста қилдилар. Аввал кишиким, от суруб майдонға кирди, ҳамул шаҳзода эрдиким, шери ғуррондек наъра уруб деди.

**Қитъа:**

Ман анингдек кимса эрмасманки, ёвдин қочға-9<sup>b</sup> мен,

Мардман, андоқки, кўргунгдур танимни қон аро.

Ким урушға чиқғуси кечмак керакдур жонидин,  
Қониға қолғай черикнинг, гар қочар майдон аро.

Бу сўзни айтиб, ўзин душман сафиға урди ва кўб кишини хаёт маркабидин мамот туфроқиға тушурди. Андин сўнг отаси олдиға келди ва таъзим била ер ўпуб, деди.

**Қитъа:**

Қилмадинг суратим ҳақир кўруб,  
Манда мундоқ улуғ ҳунарни гумон.  
Ориқ от иш кунида буткарур иш,  
Бўлмас ул иш семуз ўкуздин аён.

Дебдурларким, душман лашкари бағоят кўб эрди. Ложарам, бу тарафдин бир жамоа қочмоқға майл эттилар. Ул чоғда шоҳзода наъра уруб, майдон сори от суруб деди: “Эй баҳодирлар, мардана кўшиш қилинг, то ҳазимат топиб, хотунлар либосин киймагайсиз!”. **10<sup>a</sup>** Анинг бу сўзидин барча лашкарнинг ғайрат ва таҳаввури зиёда бўлиб, барча бирдин иттифоқ била ҳамла уруб, душманга шикаст бериб, зафар

топтилар.

Андин сўнг подшоҳ шаҳзодани қучоғиға олиб, бошу кўзин ўпуб ва кун-кундин зиёдароқ тарбият қилиб ўзига валиахд этти. Бу жиҳатдин шаҳзоданинг биродарлари рашку ҳасад қилиб таомиға заҳар солиб олдиға келтурдилар. Ул ҳолда шаҳзоданинг қиз қариндоши дарчадин кўруб эшикни қоқти. Шаҳзода эшик садосин эшитиб, ҳамул ишни фаросат юзидин фаҳм этиб, қўлин таомдин чекти ва деди: “Эй биродарлар, бу на ҳолдур, хунармандлар ўлуб, бехунарлар анинг ўрнини тутмоқ маҳол- $10^6$  дур”.

#### Байт:

Тиламас ҳеч кимса сояйи бүм,  
Гар ҳумо бўлса даҳрдин маъдум.

Бу ҳолдин подшоҳни огоҳ қилдилар. Подшоҳ шаҳзоданинг биродарларин олдиға чақириб, гўшмол ва танбех берди. Андин сўнг ҳар бирига атрофдағи шаҳрлардин бир шаҳрни ҳисса ва суюргол қилди, то ўртадин фитна ва низоъ кўтарилиди.

Дебурларким, ўн дарвеш бир гилам остиға сиғар, аммо икки подшоҳ бир иқлим ичиға сиғмас.

#### Қитъа:

Гар ярим нон топса ногаҳ бир фақир,  
Ёримин дарвешларга базл этар.  
Етти иқлим олса гар бир подшоҳ,  
Ҳам яна иқлим фикрига кетар.

#### Ҳикоят

Араб ўғриларидин бир тоифа бир улуғ ва баланд тоғнинг устида маскан қилиб, корвон йўлин боғламиш эрдилар. Барча шаҳарларнинг фуқаро ва риоёси 11<sup>а</sup> аларнинг тааддиси остида манкуб ва сultonнинг лашкари ҳам аларға муқобил бўла олмай мағлуб эрди. Анинг учунким, бир баланд тоғнинг қалъасин тасарруфлари қўлиға киргузуб, ул маҳкам жойни ўзлариға макон ва маъво қилмиш эрдилар. Ложарам, барча уқало ва мудаббирлар жамъ бўлуб иттифоқ била аларнинг мазаррати дафъида машварат қилиб, бир-бирига дедиларким: “Агар бу тоифа ушбу тариқа била<sup>1</sup> бир неча вақт қароқчиликға мудовамат кўргузсалар, булар била муқовамат қилмоқ мумкин

<sup>1</sup> “Бу тарафдин” сўзи ортиқча

бўлмағусудур.

### Маснавий<sup>1</sup>:

Дарахте, агар тоза тутса тамур,  
Қатиғ зўр била қўпорса бўлур.  
Агар ўтса андин неча ойу йил,  
Қўпормоқ ани узуб мушкул бўлур.  
Бўлур чашма **11<sup>6</sup>** бошин тутуб майл ила  
Ўтуб бўлмас ул тўлишса сел ила.

Сўзни мунга қарор бердилар, бир одамнинг аларнинг аҳволин билмакка таъйин қилдилар. Ул одам вақте қароқчилар бир қумин тутуб, қуб ва буқъаларин ташлаб эрди, келиб хабар берди. Дарҳол қавме воқеадийда ва жангозмуда диловарларга буюрдилар, тоғнинг бир ғориға кириб пинҳон ўлтурдилар. Вақтеки, ўғрилар торожу ғорат қилиб, макониға келиб ғаниматларин қўйдилар ва танларин силоҳларин чешдилар. Ул душманки, аларға чопди, уйқу эрди, чандонки кечадин ўтти.

### Байт:

Фарси хуршид ўтуб сиёҳиға,  
**12<sup>a</sup>** Кирди Юнус даҳони моҳға.

Хуллас калом, ўғрилар уйқуға борғандин сўнг мазкур бўлған диловарлар камингоҳдин чиқиб, қароқчиларнинг устиға тўкулуб, барчасин тутдилар ва қўлларин орқасиға маҳкам боғладилар. Тонг отғандин сўнг подшоҳнинг даргоҳиға олиб бордилар. Подшоҳ аларнинг қатлиға фармон қилди. Иттифоқо, аларнинг орасида бир ёш йигит бор эрдиким, бағоят хушсуврат ва ҳусни тоза ва тар эрди. Вазирларнинг бири ул йигитнинг ҳолиға раҳм этиб, подшоҳнинг тахти оёқини ўпуб, аниг гуноҳига шафеъ бўлуб, деди: “Бу йигит ҳануз ҳаёт боғидин бар емамишдур **12<sup>b</sup>** ва йигитлик замонидин ҳеч нафъ олмамишдур. Подшоҳона карамингиздин умид ва илтимосим улдурким, фақирға ул йигитнинг гуноҳин бағишлаб, жонимға миннат қўйсангиз”. Бу сўз подшоҳнинг равшан табъиға мувофиқ тушмай, вазирдин юз уюруб, деди.

<sup>1</sup> Бу маснавий эмас, қитъа. С.Долимов фойдаланган нусхада қитъа деб тўғри кўрсатилган. С.Долимов нашрида:

Дарахтики, навкештадур бир киши  
Қўпормоқ ани асрү осон бўлур.  
Вале неча йил ўтса юз фили маст,  
Қўпормоқлиғ ани на имкон бўлур.

### **Байт:**

Зоти ҳар кимнинг ямондур, яхши ҳаргиз бўлмағай,  
Гунбаз узра ғўз қўймоқ тарбият қилмоқ анга.

Аларнинг бунёдин қўпормоқ ва наслин мунқатиъ қилмоқ яхшироқдур, нединким, ўтни ўчуруб, ахгарни қўймоқ ва афъини ўлтуруб баччасин парвариш қилмоқ ақллиғ кишиларнинг иши эрмастур.

### **Қитъа:**

Абр ёгдурса гар ҳаёт суйин,  
Ема бед шохасидин бар.

**Яхшилиғ 13<sup>a</sup> қилмағил ямондин уммид,**  
**Ки, найи бўриё берурму шакар?**

Вазир бу сўзни эшитиб хоҳ-ноҳоҳ қабул этти ва подшоҳнинг ақлиға таҳсин кўргузуб, деди: “Айтған сўзингиз, оре, рост турур ва лекин бу йигит агар қароқчиларнинг сұхбатида доимий қолса эрди, аларнинг табиатиға хўй қилур эрди. Аммо банда умидворменким, солиҳларнинг тарбиятин кўрса, хирадмандларнинг табиатига хўй этгай, нединким, ҳоло ёшдур ва қароқчиларнинг фасод ва иноди ҳануз аниг табиатида барқарор бўлмамишдур.

Хабарда андоқ келибдурким, ҳар фарзанд онадин туғса ислом фитратида туғулғусудур. Сўнгра сұхбат таъсиридин ота ва онаси яҳудий бўлса – яҳудий, 13<sup>b</sup> насроний бўлса – насроний бўлгусидур.

### **Қитъа:**

Нух ўғли бўлуб ямонлар ила,  
Еди наслий нувуввати барҳам.

**Яхшилар изиға эгарган учун  
Бўлди Асҳоби қаҳф ити одам”.**

Вазир бу сўзни айтиб, маҳрамлардин бир неча кишини ўзига кўмакчи қилиб, ҳамул йигитнинг гуноҳин ибром била тилади. Охир подшоҳ аниг қонин аларға бағишлиди ва деди: “Агарчи бағишиламоқ маслаҳат эрмас эрди, аммо сизларнинг зорингиз учун бағишиладим.”

### **Қитъа:**

Рустамға насиҳат юзидин Зол деди:

“Душманни ҳақир онглаб анга бўлма шафик.  
Кўрдумки, неча қатла кичик чашма суйи,  
Қилди кўпалиб тева била юкни ғарик”.

Алқисса, вазир ул йигитни нозу **14<sup>a</sup>** неъмат била парвариш қилиб, тарбияти учун устоди адаб таъйин этди, то савол ва жавоб қовоидин ва подшоҳлар хизмати одобин ўрганди ва барчаға мақбул бўлди.

Бир кун вазир аниг фазлу камолин подшоҳнинг олдида таъриф этиб, дедиким: “Оқилларнинг тарбияти анга таъсир этибдур. Қадими жаҳли аниг табиатидин кетибдур.” Подшоҳ бу сўзни эшишиб, табассум қилиб, деди.

### **Байт:**

Бўри фарзанди бўри бўлгусидур,  
Нечаким одам ичра улғайсун.

Бир-икки йил ўтгандин сўнг, маҳалланинг авбош ва бебоклари анга қўшулдилар ва бир-бир мувофақат ахду паймонин маҳкам қилдилар, то бир кун фурсат топиб вазирни **14<sup>b</sup>** барча фарзандлари бирла ўлтуруб, кўб мол ва асбобни олиб, хамул тоғнинг устига чиқиб отасининг ва ҳампешаларининг макониға бориб, ўрунларида ўлтурди.

Подшоҳ бу воқеани эшишиб, ҳасрат бармоқин ҳайрат тиши била тишлаб, деди.

### **Қитъа:**

Яхши қилични кимса темурдин нечук ясар,  
Нокас бўлурму тарбият лутф бирла кас.  
Ёғмур агарчи шаҳр ила сахроға teng ёғар,  
Гулшанда лола, шўрада бутгуси хору хас.

### **Қитъа:**

Замини шўра сумбулбар кетурмас,  
Нечукким, тухм қилсанг жонфишонлиғ.  
Ямонға яхшилиғ қилмоқ биайниҳ  
Эрур яхшиға қилмоқлиғ ямонлиғ.

### **Ҳикоят**

Бир сарҳангзодани **15<sup>a</sup>** кўрдумким, ақлу каёсат ва фаҳму фаросатда тавсифдин зиёда ва мубарро эрди. Ёши кичик эрса ҳам, манглайида иззат ва улуғлик осори пайдо эрди ва фазлу камол даражасиға етушмиш эрди, барча уқало аҳлиға қабул тушмиш эрди.

### **Байт:**

Бор эрди бошида қилсанг назора,  
Хирад хуршидидин равшан ситора.

Филжумла, подшоҳнинг табъиға мақбул тушти ва улуғ мансабларға етушди, нединким, хирадмандлар дебурлар: “Тавонгарлик ҳунар била бўлур, мол била ва толош била бўлмас. Улуғлиқ ақл била бўлур, жусса ва лош била бўлмас”. Чун бир неча сипоҳ аниг мансаб ва жоҳиға рашку ҳасад кўргузуб, ани бир хиёнатға муттаҳам қилдилар, подшоҳнинг олдида кўб бефойда сўзлар айтиб, аниг қатлиға кўб саъ-ю кўшиш кўргуздилар.

### Байт:

**15<sup>6</sup>** Кимсага гар дўст бўлса меҳрибон,  
Душмани кўб бўлса, андин не зиён.

Подшоҳ андин сўрдиким: “Сенинг ҳақингда буларнинг хусуматиға сабаб недур?” Ул жавоб бердиким: “Сизнинг сояйи давлатингизда барчани ўзумдин рози ва хушнуд қилмишмен, аммо ҳосидлар ҳеч нима била рози ва хушнуд бўлмаслар, магар менинг жоҳу неъматим ва давлатим заволи била хушнуд бўлурлар”.

### Қитъа:

Кишига истарам асло етурмамак озор,  
Вале на судки, ҳосид кўрар ўзидин ранж.  
Ўл, эй ҳасудки, ранжи азимдур ҳасадинг,  
Ки токай ондин ўлурсан малули меҳнатсанж.

### Қитъа:

Кўра олмас ҳамиша бадбаҳт эл,  
Некубаҳт ўлған **16<sup>a</sup>** элга неъмату жоҳ.  
Кундуз, ар кўрмас эрса шаппара нур,  
Чашмайи офтобға на гуноҳ?

### Ҳикоят

Ажам подшоҳларидин бирини айтурларким, раъийят молиға зулм била татовул қўлин узатмиш эрди ва ул масобада жавру ситам қилмоқни оғоз этмиш эрдиким, халойиқ аниг жаври шиддатидин ғурбат ихтиёр этиб, ҳар тарафға кеттилар. Вилоят ва раъийят кам бўлғандин сўнгра зироат ва тижоратға нуқсон етти ва хазина холи қолиб, душманлар ҳар тарафдин хужум этти.

### Назм:

Мададкор истасанг вақти мусибат,

Саломат вақтида қилғил саховат.  
Қочар базл этмасанг банданг эшикдин,  
Қилур бегона лутф, этсанг итоат.

Бир кун аниг мажлисида “Шоҳнома” китоби ўқилур эрди. **16<sup>6</sup>** Сўз Захҳокнинг давлати завол топиб, Фаридун салтанатининг зикрига етган чоғда бир доно вазир подшоҳдин сўрдиким: “Фаридуннинг асло ганж ва мулк ва ҳашмати йўқ эрди. Мунча мамлакат нечук аниг тасарруфи қўлиға кириб, салтанат анга муқаррар бўлди?” Подшоҳ деди: “Кўб халқ таассуб ва ғайрат юзидин аниг атрофиға жамъ бўлуб, анга қувват ва мадад еткуур эрдилар, то ул подшоҳлиқға етти”. Вазир деди: “Чун халқнинг жамъ бўлмоқи подшоҳлиқға сабаб бўлса, сен халқ[ни] недин паришон қилурсен, магар сенда подшоҳлик сурмак орзузи йўқтуур?”

### **Байт:**

Сипоҳ ҳолидин қилғил огоҳлиғ,  
Ки шаҳ лашкар ила қилур шоҳлиғ.

Подшоҳ сўрдиким: “Сипаҳ ва раъийят жамъ бўлмоқиға **17<sup>a</sup>** сабаб недур?” Вазир деди: “Подшоҳға карам қилмоқ керакдур, то халойик атрофиға жамъ бўлуб келгайлар ва адл этмак керакдур, то сояйи давлатида фароғат била ором қилғайлар. Сенда бу икки шарофатлиғ иш йўқтуур.”

### **Маснавий:**

Айлағай жавр пеша султонлиғ,  
Гар бўри қўйга қилса чўфонлиғ,  
Подшоҳеки, зулм этар бунёд,  
Қилғай ўз мулку давлатин барбод.

Подшоҳға ул давлатҳоҳ вазирнинг насиҳати мақбул бўлмай, олдидин қувди ва кўб муддат ўтмасдин бурун амакилари анга хусумат пайдо қилиб, урушмоқ учун лашкар ороста қилдилар. Подшоҳнинг жафоси шиддатидин жониға етиб, атроф жавонибға кетиб паришон бўлған халойик амакиларининг хизматиға жамъ бўлуб ихлос **17<sup>b</sup>** била мадад ва қувват<sup>1</sup> еткурдилар, то мулк подшоҳнинг қўлидин кетиб, амакилариға муқаррар бўлди.

### **Қитъа:**

Подшоҳеким, раво кўргай раъийятға ситам,

---

<sup>1</sup> Қўлёзмада مەدەت. Бу сўзнинг ۲۲۰ –мадад эканига шубҳа йўқ.

Бошиға тушса қатиғ иш, дўсти душман бўлур.  
Хасмдин эмин бўлай десанг раъийятпарвар ўл,  
Ким, шаҳи огоҳга ҳусни ҳасин бу фан бўлур.

### Ҳикоят

Бир подшоҳ бир ажамий ғулом била кемага минди. Ғулом ҳаргиз дарёни кўрмамиш эрди ва кема ҳайбат ва меҳнатин билмамиш эрди. Ваҳм била кўб йиғлаб, зорлиғ қилиб, аъзо ва андомиға ларза ва бекарорлиғ етушти. Ҳар нечаким, мулотафат кўргузуб тадорикин қилур эрдилар, асло ором топмас эрди. Бу жиҳатдин подшоҳнинг айши тийра бўлди, ҳеч чорасин топмас эрдилар, аммо ҳамул кема **18<sup>a</sup>** ичида бир ҳаким бор эрди. Подшоҳга деди: “Агар рухсат берсанг, мен бир иш этиб ани хомуш қилурмен”. Подшоҳ аиди: “Агар мундоқ қилсанг, бизнинг ҳақимизда ниҳоятсиз карам қилмиш бўлғайсен”. Андин сўнг ҳаким буюрди, то ғуломни сочидин тутуб дарёға ташладилар. Уч навбат чўмгандин сўнг тортиб кеманинг олдиға ёвук келтурдилар. Ғулом жон ҳавлидин икки қўли била кемадаги кишиларнинг қўлига ёпушиб зўр била ўзин кема ичига олиб, бир гўшада ўлтуруб, ором тутди. Подшоҳга бу ҳол таажжуб кўрунуб сўрдиким: “Мунда на ҳикмат бор эрди?” Ҳаким деди: “Ғулом бурундин ғарқ бўлмоқ меҳнатин кўрмамиш **18<sup>b</sup>** эрди, ложарам кема ичининг саломатлигин қадрин билмас эрди, эмди билди, андоқким, офият қадрин бир мусибатға гирифтор бўлған киши билгусидур”.

### Қитъа:

Қорнинг тўқ эрса арфа нони яхши кўрунмас,  
Гар оч эсанг ой қурси киби хўб эрур ва соф.  
Аъроф беҳишт ўлғусидур дўзах элига,  
Жаннат элига бўлғуси дўзах вале аъроф.

### Ҳикоят

Ануширвон ўғли Хурмуздин сўрдиларким: “Отангнинг вазирларидин на хато кўрдингким, аларни банд этдинг?” Хурмуз деди: “Ҳеч хато кўрганим йўқ, аммо билдимким, аларнинг кўнгулларида менинг ҳайбат ва салобатим бағоят кўбтурур, менинг аҳду паймонимға эътимодлари йўқ-**19<sup>a</sup>** туур. мен қўрқдимким, ўзларининг жонлари хавфидин мени ўлтурмакка қасд этгайлар”.

### **Қитъа:**

Қўрқғил ҳар кимки, сендин қўрқса,  
Гарчи сенда бор эса юз анча зўр.  
Айлагай бўлған чоги ожиз танинг  
Шерға чангал уруб кўзини кўр.

### **Ҳикоят**

Араб подшоҳларининг бири қарилиғ ҳолатида ранжур бўлди ва тириклиқдин умид узди. Ул ҳолда бир киши эшигидин кириб, башорат еткурдиким, фалон қалъани сизнинг давлатингиз зўри била ва лашкарингиз қуввати била фатҳ ва душманларингизни асиру дастгир қилдуқ ва ул тарафнинг жамеъ фуқаро ва раъоёси мутеъу фармонбардор бўлдилар. Подшоҳ бир охи сард чекиб, деди: “Бу мужда манга мужда эмастур, **19<sup>б</sup>** балки душманларимға, яъни мамлакатим ворислариға муждадур”.

### **Қитъа:**

Умри азиз ўтди бу ёнглиғ уммид ила  
Ким, ҳар на ким кўнгулга мурод ўлса еткамен.  
Ҳоло уммид эшиги очилди юзимга, лек  
Умреки ўтди, келмас эса ани неткамен.

### **Қитъа:**

Кўси риҳлатни қоқти дasti ажал,  
Эй икки кўз, видоъ сар қилингиз.  
Эй оёку қўлу тану бошим,  
Бир-бирингизни боҳабар қилингиз.  
Келди устумга марги душманком,  
Эмди, эй дўстлар, гузар қилингиз.  
Мен [чу] нодонлиқим била ўтдим,  
Сизлар ани билиб ҳазар қилингиз.

### **Ҳикоят**

Фақир Дамашқда бир кун Яхё алайҳиссаломнинг марқади бошида эътикоф ўлтурмиш эрдим. Подшоҳларнинг бириким, ноинсофликда мавсуф ва машҳур эрди, келиб намоз ўқур [эрди] **20<sup>а</sup>** ва ҳожат тилади.

### **Байт:**

Дарвешу ғанийдур эшигида туфроқ,  
Ҳар кимки, ғанийроқ эҳтиёжи кўброк.

Менга деди: “Сен дарвешдурсен, ҳиммат қилиб, менинг ҳаққимда пок кўнгул била дуо қил, нединким, бир қавий душмандин хавфим бордур”. Мен дедим: “Ожиз раъийятға лутфу марҳамат қил, то қавий душмандин зўру заҳмат кўрмагайсен”.

### **Назм:**

Киши неча қавий зўрдаст бўлса агар,  
Керак етурмаса ул зери дастларга зарар.  
Ҳар одамики, йиқилған улус қўлин тутмас,  
Йиқилса кимса қўлин тутмағай бўлуб ёвар.  
Бас эмди сен бўлуб огоҳ халқ додин бер,  
Йўқ эрса сендин алар додини олур довар.

### **Маснавий:**

Бир-бирига улус эрур аъзо,  
Зоти бирдур бориға, эй доно.  
**20<sup>6</sup>** Етса ҳар аъзоға агар озор,  
Қолмағай ўзга узвларға қарор.  
Ўзгалар дардидин эсанг беғам,  
Лойик эрмас сени демак одам.

### **Ҳикоят**

Бағдодға бир мустажобуддуо дарвеш зоҳир бўлди. Ҳажжож бинни Юсуфға андин хабар бердилар. Ҳажжож анинг олдиға бориб, деди: “Менга дуойи хайр қил”. Дарвеш деди: “Худоё, мунинг жонин олғил!” Ҳажжож деди: “Худо учун рост дегил, бу нечук дуодур?” Дарвеш деди: “Бу дуойи хайдур, ҳам сенинг ҳақингда ва ҳам жумла мусулмонларнинг ҳақида”.

### **Маснавий:**

Эй амир, ўлмағил фақирозор,  
Токай ўлғуси гарм бу бозор.  
Гар санга жавру зулм эса марғуб,  
Ўлганингдур тириклигингдин хўб.

### **Ҳикоят**

Эшитдимким, подшоҳларнинг бири кеча-ю кундуз май ичиб, маст **21<sup>a</sup>** бўлуб, айшу ишратға машғул эрди ва мастилик охирида бу байти ўкур эрди.

### **Байт:**

Йўқтур жаҳон ичра манга асло бу дамдин яхши дам,

Ким неку баднинг фикридин кўнглумда йўқ бир зарра ғам.  
Бир ялангоёқ ва яланбош ва яланғоч дарвеш ул атрофда  
ётмиш эрди, ани эшитиб, деди.

**Байт:**

Эйки, олам мулкинг ўлмиш якқалам,  
Сенда гар ғам бўлмаса, йўқ бизда ҳам.

Подшоҳга бу сўз хуш келиб минг тиллолиқ зарни бир  
харитаға солиб, даричадин узатиб, деди: “Эй дарвеш, этагингни  
тутғил”. Дарвеш деди: “Мен этакни қайдин олайким, танимда  
либосим йўқтурур”. Анинг ҳолиға подшоҳнинг раҳми келиб,  
бир хильат била ҳамул зарни олдиға **21<sup>б</sup>** йиборди. Дарвеш ул  
зарни оз муддатда еб ва паришон қилиб, йўқ этти. Андин сўнг  
яна подшоҳнинг олдиға келиб, деди.

**Байт:**

Қарор тутмағай озодалар қўлида мол,  
Нсчукки, сув йўлиға монеъ ўлмағай ғарбол.

Бу ҳолда подшоҳ бошқа ишга машғул эрди, дарвешнинг  
сўзига бокмай юз эвурди, нединким, дониш ахли дебурлар:  
“Ҳар кишиким, ҳушманд бўлса, подшоҳлар табъининг ҳиддат ва  
шиддатидин эҳтиroz этмак керакдур, нединким, аларнинг  
ҳиммати аксар авқотда мамлакатнинг улуғ ишлари шуғлиға  
мутаалликдур ва авомнинг издиҳомиға таҳаммул қилмаслар”.

**Маснавий:**

Ҳаром ангадур неъмати подшоҳ,  
Ки сўз вақтини қилмас эрса нигоҳ.  
Сўз айтур чоғин билмасанг, **22<sup>а</sup>** бўл хамуш,  
Ки бу иш эрур айбингга пардапўш.  
Била олмасанг гар муни урма дам,  
Дебон бемаҳал қилма қадрингии кам.

Подшоҳ деди: “Бу гадойни уруб қовингларки, анча  
неъматни андак муддатда исроф била йўқ этибдурким,  
байтулмол хазинаси фуқаро ва масокиннинг луқмасидур.  
Шаётин лашкарининг луқмаси эрмастур”.

**Байт:**

Аблаҳеким, ёқғай ул исроф ила кундуз чароғ,  
Тездурким, қолмағай оқшом чароғи ичра ёғ.

Носих вазирларнинг бири деди: “Эй подшоҳи олам,  
маслаҳат улдурким, мундок кишиларга важҳи кафоғни кам-кам  
бергил, то нафақада исроф қилмасунлар, аммо мундок зажр ва

манъингни хуш кўрмасман, нединким, бир кишини лутф била умидвор қилиб, **22<sup>б</sup>** яна ноумидлик била қовуб озор бермак ҳиммат ақлининг ҳолига муносиб эрмастур”.

### **Қитъа:**

Мумкин эрмастур, ташна қолғай эл  
Шўр сувнинг лабиға келгайлар.  
Бўлса ҳар ерда чашмайи ширин,  
Халқ анда ҳужум қилгайлар.

### **Ҳикоят**

Ўтган подшоҳларнинг бири раъийятнинг риёётида сустлиқ қилур эрди ва лашкарни қатиғлиқ била тутар эрди. Бу жиҳатдин бир қавий душман пайдо бўлуб, барча лашкари подшоҳдин юз эвурдилар.

### **Байт:**

Сипаҳдин агар зар тутулса дариғ,  
Сипаҳ дағи чекмас адув сори тийғ.

Ҳамул узрни айтиб, юз эвурган лашкарияning бири менинг дўстим эрди. Анга маломат қилиб, дедим: “Бу нечук носипос-**23<sup>а</sup>** лиқ ва кўрнамакликдурким, ҳол андак тағайор топмок била қадимий маҳдумингиздин юз эвуруб, неча йилғи неъматлари ҳуқуқидин кўз юмдингиз?” Ул деди: “Карам қилиб мени маъзур тут[ким], ул воқеада менинг отим емсиз лоғар бўлуб минмакка ярамас эрди ва эгар, тузугим бир кишининг қўлида гаровда эрди. Билгилким, ҳар подшоҳ лашкар ҳаққида баҳиллик қилса, андин ҳеч вақт саховат ва жувонмардлик умид этиб бўлмас”.

### **Байт:**

Олса зар хизмат учун аҳли сипаҳ бергай бош,  
Зар агар олмаса ҳар сари бош олиб кетгай.

### **Ҳикоят**

Маъзул бўлған вазирлардин бири дарвешлар ҳалқасиға келди ва азизларнинг сұхбати баракати анга асар **22<sup>б</sup>** қилди, хузури қалб ва жамъияти хотир мұяссар бўлди.

Подшоҳнинг кўнгли яна анга майл этиб, бурунғи амалин берди, ул қабул этмади ва деди: “Маъзуллик машғуллиқдин яхшироқдур”.

### **Рубоий:**

Ул хайлки, бир гўшага юз урдилар,

Фориғ элу ит тишидин ўлтурдилар.  
Йиртиб қоғозу қаламни синдурдилар,  
Ҳам ўзларини, ҳам элни тиндурдилар.

Подшоҳ анга деди: “Мамлакат умурининг тадбири учун бизга хирадманд киши даркордур”. Ул деди: “Хирадманд кишининг нишонаси улдурким, мундок ишларга ризо бермагай”.

### **Байт:**

Шариф андин эрур барча қушлар ичра хумо,  
Ки еб сўнгак тиламас ҳеч жонварға ийзо.

### **Ҳикоят**

Бир қароқулокға дедиларким: “Сен шер сұхбати **24<sup>a</sup>** мулозаматин на важҳ била ихтиёр қилурсан ва не сабабдин аниңг хизматида субҳу шом бўлмоқни ўзингга пеша қилдинг?” Ул деди: “Важҳи буким, ул сайд этиб, бир жонвар андин ортиб қолур ва баъд аз аниңг давлатидин андин қолғанин мен ермен ва яна ҳам аниңг паноҳида душманларимдин хавфсих юрармен. Яна анга дедиларким: “Чун шернинг ҳимояти соясига кирмишсен ва неъмати шукриға эътироф кўргузурсен, нечун аниңг қошиға ёвукроқ бормассен, то сени хос маҳрамлари [ҳалқасиға] киргузуб, ихлослик бандалари зумрасиға дохил қилғай”. Қароқулок деди: “Шернинг қаҳру ғазабидин эмин эрмасмен”.

### **Байт:**

Агар габр ўтни равшан қилса юз йил,  
Даме ул ўтға тушса, ёнғуси бил.

Гоҳо бўлурким, подшоҳлар надими бўлған **24<sup>b</sup>** киши зар олур ва гоҳо бош берур. Ҳукамо дебдурларким, подшоҳлар табъининг тағайюр ва табдилидин ҳазар қилмоқ керакдур, нединким, гоҳо салом берган кишидин ранжида бўлурлар ва гоҳо дашном қилған кишига неъмат берурлар ва хилъат берурлар. Ва яна дебдурларким, кўб ҳазл ва зарофат қилмоқ надимларнинг ҳунари ва ҳакимларнинг айбидур.

### **Байт:**

Сен виқору қадру тамкин узра бўлғил мустақим,  
Айласун ҳазл ўюнни пеша ҳаззолу надим.

### **Ҳикоят**

Бир кун рафиқларимдин бири менинг олдимға келиб, рўзгордин шикоят қилиб, деди: “Бағоят тангдастмен, дахлим оз ва аёлим кўбдур. Бу ҳолға тоқатим йўқтур, эмди бошқа бир иқлимга кўчуб бормоқни истармен, то ҳар сурат била авқотгузорлик қилсан, ҳеч ким менинг яхши-ямоним **25<sup>a</sup>** билмагай.

### Байт:

Кўб киши оч ётди-ю, бир кимса ҳолин билмади,  
Кўб киши фавт ўлди-ю, бир кимса гиря қилмади.

Ва яна душманлардин андиша қилурменким, шамотат юзидин таъна қилиб, менинг изимдин кулгайлар ва аёлимни ташлаб кетганимни bemуруватликка ҳамл қилғайлар ва дегайларким, **қитъа**:

Анингдек беҳамиятнинг юзига,  
Назар қилманг, ким улдур бесаодат.  
Ки ўз нафсиға айшу роҳат истаб,  
Зану фарзандиға қўйғуси меҳнат.

Ҳамага маълумдурким, муҳосаба илмидин хабардормен. Агар сизнинг саъйингиз била подшоҳға мени ҳолим маълум бўлуб, менга бир амал муқаррар бўлса, хотирим жамъятиға сабаб бўлур ва қолған умримни анинг шукриға сарф қилурмен”. Мен дедим: “Подшоҳнинг амалида икки ҳол бордур. Бири **25<sup>b</sup>** нон умиди ва бири жон бийми. Бу умид била андоқ биймга тушмак оқил кишиларнинг иши эмастур”. Ул менга деди: “Бу сўзни ҳолимға мувоғиқ айтмадинг ва менинг саволимға лойик жавоб бермадинг, нединким, ҳар киши хиёнат қилса, ҳисобда қўли титраб укубат кўрар”.

### Байт:

Ҳақни билган кимса айлар ростлиғ,  
Ростға йўқ камлигу ҳам костлиғ.

Ҳакимлар дебдурларким, тўрт киши тўрт кишидин ранжирадур: ҳароми султондин, ўғри посбондин, фосиқ ғаммоздин, сахройи муҳтасибдин. Чун ҳар кишинингким, ҳисоби пок бўлса, анга на бийм ва на бокдур, андоқким, дебдурлар, **қитъа**:

Юрма бепарво амал ичра агар оқил эсанг,  
Токи душман топмағай ҳаргиз шикастингға мажол.  
Сен либосинг пок тут, андиша қилма **25<sup>a</sup>** кимсадин,  
Йўқ эса гозур уруб, тош узра айлар поймол.

Мен дедим: “Сенинг бу сўзинг ул тилкунинг сўзиға ўхшарким, йиқилиб туруб жон ҳавлидин суръат била қочиб борур эрди, ул ҳолда бир киши ани кўруб сўрдиким: “Мунча хавф ва суръат била қочмоқингға на офат боис бўлди?” Тилку деди: “Шерларни тутуб банд этмак учун кўб киши қасд этмишлар, анинг учун қочармен”. Ул киши деди: “Хомуш бўлким, шернинг сенга на муносабати ва сенинг шерга на мушобаҳатинг бортурур?” Тилку деди: “Эй беакл, агар мени ҳосидлар ва ғаразгўйлар шер десалар, бу жиҳатдин балоға гирифтор бўлсам, мени ким халос қилур ва қайси киши аҳволим ҳақиқатин билур, **26<sup>6</sup>** то Ироқдин тарёқ келтургунча йилон чақиб заҳар солған киши ўлғусидур”. Эмди, эй биродар, билгилким, сенинг фазлу фатонат, тақво ва диёнатинг тарёқ манзиласидадур ва лекин мунофиқлар сенинг қасдинг била ҳамиша каминда ва муддаъийлар доимо сенга ҳамнишин бўлуб, қахру киндадурлар. Агар алар иттифоқ била сени бир хиёнатға мансуб этиб диёнатинг хилофин тақрир этсалар, сен подшоҳнинг хитобу сиёсатиға гирифтор бўлсанг, ул чоғда подшоҳға сўз маъқул этмакка ҳеч кишида қувват ва ёро қолмас ва сен ҳалокат домиға мубтало бўлурсен. Эмди мен ул ишни маслаҳат қилиб кўрарменким, сен [қаноат] мулкин ҳиросат қилиб раёсат орзусин тарк этгил”.

### **Байт:**

Дурри нофеъ баҳр ародур бешумор,  
**27<sup>a</sup>** Гар саломат истасанг тутғил канор.

Ул рафиқ мендин бу сўзларни эшишиб, кўнгли озурда бўлуб, ниҳоятсиз ранжиш била деди: “Бу нечук ақлу фаросат ва фаҳму каёсатдурким, ҳакимларнинг сўзи рост келдиким, демишлар: “Дўстлар дўстнинг ишиға зинданға тушкан ҳолда ярарлар, аммо дастурхон устига етушган чоғда барча душманлар ўзларин дўст тутарлар”.

### **Қитъа:**

Дўст ани дема неъмат вақтида,  
Гар урар ҳар лаҳза лофи ёрлиғ.  
Дўст улдур: тангдаст ўлған чоғи,  
Дастгир ўлуб, қилур дилдорлиғ.

Кўрдимким, бағоят мутағайюр ва малул бўлиб, менинг насиҳатимни ғараз фаҳм этгусидур. Ложарам, соҳибdevonning олдиға бордим, нединким, қадим- **27<sup>b</sup>** дин анинг била андак

ошнолиқим бор эрди. Анга ул рафиқнинг ҳолин айтиб, аҳлият ва истехқоқин баён этдим, то ани бир кичик амалға насл қилдилар ва бир неча кундин сўнг анинг табъи латофатин ва тадбири зиёдатин кўруб ҳама писанд эттилар, то иши тараққий топиб баландроқ мартабага етти. Подшоҳга муқарраб бўлуб, эътибор даражасига уруж этти. Мен анинг ҳолин кўруб, шодмон бўлуб, дедим.

### **Байт:**

Агар ишингға гирих тушса ноумид ўлма,

Ки зулмат ичра шак эрмаски, бордур оби ҳаёт.

Ҳамул овонда мен ёрларимдин бир жамоа била Макка сафариға кетдим ва зиёрат қилиб қайтиб, вилоятға икки манзиллик йўл қолғанда ҳамул рафиқим олдимға чиқди: ҳоли паришон ва ҳайъати ниҳоятсиз ямон ва ифлослиқи беҳаду бегарон. мен сўрдим: “Бу не ҳолдур?” Ул **28<sup>a</sup>** деди: “Сенинг айтғанингдек бир тоифа ҳасад қилиб, мени бир хиёнат била муттаҳам қилдилар ва подшоҳ анинг ҳақиқатин сўрмади ва қадимий ёрлар ҳақ сўзни айтмадилар ва сухбат ва ошнолиғ ҳукуқидин кўз юмдилар.

### **Қитъа:**

Киши топса давлатға даст аҳли даҳр,

Бош олдида қўйғай келиб қошиға.

Тушурса оёқдин агар даври чарх,

Урар тепку олам эли бошиға.

Алқисса, бандга тушуб турлук уқубатға мубтало эрдим, то ушбу ҳафтада ҳожиларнинг саломат келгани хабари етти. Анинг учун барча бандиларни ва мени банддин халос эттилар ва мен сизларнинг истиқболингизга келдим”. Мен анга дедим: “Бурун сенга кўб айтиб эрдимким, подшоҳнинг амали дарё сафаридек-**28<sup>b</sup>** дур, суди кўбдур, аммо хатари андин ҳам кўбдур, анга майл этмагил, сен менинг сўзимни ғараз англаб, қабул қилмадинг”.

### **Қитъа:**

Бўлуб ғофил улус пандин эшитмай,

Оёқинг бандға бўлди гирифтор.

Гар эмди сенда йўқтур тоқати ниш,

Чаён сурохиға қўл урма зинҳор.

### **Ҳикоят**

Бир неча киши менинг сухбатимда бўлур эрдилар.

Барчасининг зоҳири зуҳду салоҳ била ороста эрди ва улуғлардин бирининг бу тоифанинг ҳақида ихлос ва эътиқоди кўб эрди ва бу жамоа учун вазифа муқаррар қилмиш эрди. Бир кун бу жамоанинг бири бир иш қилдиким, дарвешлар ҳолиға муносиб эрмас эрди. Андин сўнг ҳамул азизнинг **29<sup>a</sup>** бу тоифа ҳақида қилған эътиқоди бузулди ва муқаррар бўлған вазифалари кесилди ва бу жамоанинг бозори косид бўлди. Мен бу тоифанинг нафақаси учун бир нима муайян қилмоқ тилаб ҳамул азизнинг эшикига бордим. Дарбонлар мени ичкари кирагра йўл бермай, кўб озор бердилар. Мен аларни маъзур тутдим, андоқким, зарифлар дебдурлар.

### **Қитъа:**

Шоҳу миру вазир эшикига  
Бормағил бир василасиз асло.  
Кўрса ноошно иту дарбон,  
Бири йиртар этак, бириси яқо.

Аммо сўнгроқ ул азизнинг муқарраблари менинг ҳолимдин хабардор бўлиб, эъзоз ва икром била ичкари киргудилар ва баланд мақомда ўлтурғудек жой кўргудилар, аммо мен тавозуъ бирла ошокроқ ўлтуруб, дедим.

### **Байт:**

“Мен бандани қўйгил, эй неку рой,  
То қуллар орасида топай жой”.

Ул азиз деди: “Субҳоналлоҳ, на ҳол воқеъ бўлдиким, бу сўзни айтурсен?”

### **Байт:**

Гар бошимиз узра айласанг жой,  
Бўлғунг танимизға роҳатафзор.

Алқисса, ўлтуруб ҳар тарафдин сўз айтмоқ оғоз этдим, то сўз ҳамул тоифанинг мазаллат ва ҳорлиқиға етти, бу абётни ўқудим.

### **Назм:**

На журм кўрган экан мунъими карамосор,  
Ки бандани назарида ҳамиша тутғуси хор.  
Улуғлиқу карам ул Тенгрига мусалламдур,  
Ки нон берур нечаким банда бўлса бадкирдор.

Ул азизға бу сўз хуш келиб, буюрди, то яна ул тоифанинг маоши асбобин **30<sup>a</sup>** муҳайё қилдилар. Мен ул неъматға шукр этдим ва хизмат туфроқин ўпдим ва ҳамул ҳисоратға узр айтиб,

дедим.

### Қитъа:

Чу каъба қиблайи ҳожатдуур үзок йўлдин,  
Борур зиёратиға эл юруб неча фарсанг.  
Таҳаммул айла, юзингни уюрма бизлардин,  
Ки нахл мевасиз ўлса анга эл отмас санг.

### Ҳикоят

Бир подшоҳзоданинг отасидин кўб ганжу мол мерос қолди. Шаҳзода карам ва саховат қўлин очти, кўб мол, неъматин сипоҳ ва раъийятға сочти.

### Қитъа:

Неча хушбўй бўлса таблайи уд,  
Чиқармас ўтға солмай бўйи анбар.  
Улуғлиқ истасанг, зарпошлиқ қил,  
Ки сочмай тухм ҳосил бўлмағай бар.

Анинг нодон ҳамсуҳбатларининг бири анга насиҳат **30<sup>б</sup>** қилиб деди: “Ўткан подшоҳлар бу мол, неъматларни кўб кўшиш била жамъ этибдурким, бир маслаҳат учун сақламишлар, сен ани исроф била йўқ этмакдин илик чеккилким, олдинга воқеалар ва изингда душманлар кўбдур. Агар ҳожат вақтида ожиз ва нотавон бўлсанг, пушаймонлиғ фойда қилмас.

### Қитъа:

Авомунносға ганжингни тўксанг,  
Бўлурсен тангдаст, кўргасен ранж.  
Агар ҳар биридин бир танга олсанг,  
Ниҳоятсиз сенга жамъ ўлғуси ганж”.

Шаҳзоданинг табъиға [мувоғиқ] тушмай, бу сўздин юз эвурди ва ул носиҳни зажру манъ этиб, деди: “Ҳақ таъоло ўз карами била менга бу мулк ато қилибтуур. Мен сақламоқға посбон эрмасмен, кўнглум тилаганча **31<sup>а</sup>** ермен ва халойиқға ҳам бағишлармен.

### Байт:

Ўлди юз ганжи била Қорун кириб ер остиға,  
Базл ила оламда Ҳотам яхши отидур тирик”.

### Ҳикоят

Келтурубдурларким, бир кун Ануширвон шикоргоҳда эрди. Анинг учун бир сайдни кабоб қилмоқ тиладилар. Аммо туз йўқ

эрди. Бир ғуломни туз келтурмак учун бир кентга йибордилар. Ануширвон ул ғуломға деди: “Зинхор тузнинг баҳосин бермай олмағил, подшоҳлар орасида бу иш расм бўлуб, кентга хароблиғ етмасун”. Ул чоғда муқарраблари дедилар: “Бир овуч туз била кентга на заарар етгусидур?”. Ануширвон деди: “Бурун зулм бунёди жаҳонда бағоят оз эрди, ҳар кишиким келди, анга бир нимарсани зиёда қилди, то бу ғоятға етти”.

### **Қитъа:**

Кирибон бир олма шаҳ олиб раъийят боғидин,  
Туғмаси чопиб дарахтин боғини айлар хароб.  
Йўқ эса бир байза олса, зулм ила султони мулк,  
Лашкари барча товуқларни егай айлаб кабоб.

### **Ҳикоят**

Эшитдумким, бир омил султоннинг хазинасини обод этмак учун раъийятнинг уйин хароб қилур эрди. Ҳакимларнинг бу сўзидин ғофил эрдиким, дебдурлар: “Ҳар киши бир маҳлуқнинг кўнглин олмоқ учун Ҳақ субҳанаҳу таълонинг бир бандасиға озор еткурса, Ҳақ таъоло анга ҳамул бандани мусаллат қилур, то аниг рўзгоридин дамор чиқарур. Айтурларким, ҳайвонотнинг сарвари шердур ва жониварларнинг залили эшакдур. Ҳама **32<sup>а</sup>** оқилларнинг иттифоқи била мардумозор шердин борбардор эшак яхшироқдур.

### **Маснавий:**

Гар эшак хору бетамиз ўлди,  
Юк кўтармак била азиз ўлди.  
Гарчи ҳайвонлар ичрадур адно,  
Лек золимдин афзалу аъло.

Ул омилнинг халойиққа зулму ситам қилғани подшоҳга маълум бўлуб, буюрди, то юз турлук азобу уқубат била ўлтурдилар. Ул ҳолда ситам кўрганларнинг бири аниг устига келиб, юзига боқиб, деди:

### **Қитъа:**

“Ҳар киши топса қавий бозу била мансабға даст,  
Салтанат бирла улус молин емак осон эмас.  
Зўр ила синған сўнгакни гар ўтурса бўғзидин,  
Йиртмай **32<sup>б</sup>** кўймок етушгач қорниға имкон эмас”.

## Ҳикоят

Айтурларким, бир мардумозор киши бир солих дарвешнинг бошиға бир тош била урди. Дарвешнинг интиқом олурға қудрати йўқ эрди, ҳамул тошни олиб сақлади, то бир кун подшоҳ ҳамул кишига қаҳр этиб зиндонға буюрди. Ул чоғда дарвеш ҳамул тошни қўлиға олиб келиб аниңг бошиға урди. Ул киши деди: “Сен кимсен ва бу тошни менинг бошимға невчун урдинг?” Ул деди: “Мен фалон дарвешмен ва бу тош ул тошдурким, фалон йилда менинг бошимға урмиш эрдинг”. У киши деди: “Мунча вақтдин бери қайда эрдинг?” Дарвеш деди: “Бу вақтғача сенинг давлату жоҳингдин андиша қилдим **33<sup>a</sup>** ва ҳоло сени некбату чоҳ ичинда кўруб фурсатни ғанимат билдим, нединким, дебдурлар, **маснавий**:

Кўрсалар гар бир ямонни баҳтиёр,  
Оқил эл таслим этарлар ихтиёр.  
Сенда чун йўқ зўр дасту тийғи тез,  
Айлама ҳаргиз ямон бирла ситез.  
Сабр қил, то илкин анинг рўзгор  
Боғласун, сўнгра сен эт кўксин фигор”.

## Ҳикоят

Ўтган подшоҳларнинг бирига бир ямон мараз ориз бўлдиким, ани зикр этмак тарки адабдур. Юнон ҳакимларидин бир тоифа иттифоқ била дедиларким, бу дардга ҳеч давое йўқтур, магар фалон сифатлиғ ва фалон суратлиғ одамийнинг заҳраси давойидур. Подшоҳ буюрди, то талаб қилиб бир дехқоннинг ўғлин **33<sup>b</sup>** ҳакимлар айтған суратда топтилар ва анинг ота-онасин чақириб, кўб дунё ва неъмат бериб, рози ва хушнуд қилдилар ва қози ҳукм этдиким, подшоҳнинг вужуди саломати учун раъийятдин бирининг қонин тўкмак раводур ва жаллод ул ўғлоннинг қатлиға қасд этди. Ул ҳолда ҳамул ўғлон осмон жонибиға қараб табассум қилди. Подшоҳ таажжубға қолиб деди: “Бу жой кулгу жойи эмас турур, на сабабдин кулдинг?” Ўғлон деди: “Эй подшоҳи олам, фарзанднинг нозин ота ва она кўтарур ва даъвони қозининг олдиға олиб борурлар ва додни подшоҳдин талаб қилурлар. Ҳолоким, отам ва онам дунё моли учун қоним тўкулурга **34<sup>a</sup>** ризо бердилар ва қози қатлимға ҳукм қилди ва подшоҳ марази сиҳҳатин менинг ҳалокатимда билди, эмди мен Ҳақ таъолодин ўзга ҳеч паноҳ

топмасман. Бу жиҳатдин кулдим”.

### **Байт:**

Мен кимга қилай сенинг қўлунгдин фарёд,  
Сендин тиларам, сенинг қўлунгдин ҳам дод.

Подшоҳнинг кўнгли бу сўз ҳайбатидин куюб, ваҳмнок бўлуб ва кўзиға ёш эврулуб, деди: “Сенингдек бир бегуноҳни ўлтургандин ўзимнинг ўлганим яхшироқ туур”. Дарҳол ҳамул ўғлонни қучоқлаб, бошин ва кўзин ўпуб, кўб неъматлар бағишлиб, озод қилди ва подшоҳнинг марази дағи ҳамул ҳафта шифо топди.

### **Қитъа:**

Неча йил бу байт фикрида эдим  
Ким, ўқур эрди ани бир филбон:  
“Мўрни кўрсанг **34<sup>б</sup>** оёқинг остида,  
Фил оёқида ўзинг қилғил гумон”.

### **Ҳикоят**

Амр Лайс<sup>1</sup> бандаларидин бири қочмиш эрди. Бир неча киши изиндин қовуб, тутуб келтурдилар. Ул бандадин вазирнинг бир важҳ била дилгирлиги ва ғарази бор эрди. Амр Лайс вазирнинг саъий била ул банданинг қатлиға ишорат қилди, то ўзга бандалар ибрат олғайлар. Ул банда Амр Лайснинг олдида бошин ерга қўйиб, деди:

### **Байт:**

“Сен раво кўрсанг ҳар ишни ким писанд ўлғай манга,  
Хожа не ҳукм [этса] йўқдур бандага чуну чаро.

Аммо мен неча умрдин бери бу хонадоннинг неъмат-парвардаси туурмен. Ложарам, менинг қоним учун қисматда уқубат домиға гирифтор бўлмоқингни **35<sup>a</sup>** раво кўрмасмен. Агар бу бандани ўлтурмак тиласанг, шариат ҳукми била ўлтургил”. Амр деди: “Бу маҳал шариат ҳукми била ўлтурмак нечук бўлур?” Ул банда деди: “Рухсат бергил, то мен бурун бу вазирни ўлтурай, андин сўнг буюргил, мени анинг қасоси учун ўлтурсунлар, токим мени баҳақлик била ўлтурмиш бўлғайсен”. Подшоҳ бу сўздин хандон бўлди, вазирга қараб, деди: “На маслаҳат берурсан?” Вазир деди: “Эй худованд, бу ҳаромзодани худо учун озод қил, то мени бир балоға гирифтор қилмасун,

<sup>1</sup> Кўлёзмада عمر لیث . Аслида عمر وابن لیث – Амр ибн Лайс саффорийлар силсиласи иккинчи ҳукмдори, Яъқуб ибн Лайснинг укаси.

нединким, гуноҳ мендадур ва ҳакимларнинг бу сўзига амал қилмадим, дебдурлар, қитъа:

Кулухандоз аблаҳ чун бошладинг жанг,  
Бошигни жаҳл тоши бирла ёрдинг,  
Чу 35<sup>6</sup> ўқ отдинг боқиб душман юзига,  
Ҳазар қилғилки, омоч узра бординг”.

### Ҳикоят

Эшидумким, араб подшохларидин бири ўз одамлариға айтур эрдиким: “Фалон кишининг муқаррарий вазифасин икки ҳисса қилинг, нединким, тун-кун эшигимиизда ўлтуруб ҳамиша хизматға мунтазирдур. Ўзга хизматкорлар лаҳву лаъб ва айшу тарабға машғул бўлуб, хизмат адосида сустлик қилурлар”. Бу сўзни бир соҳибдил киши эшитиб, деди: “Ҳақ таъолонинг даргоҳида мухлис бандаларнинг мартабалариға мисол ушбу сўздур”.

### Қитъа:

Бирав икки кунгина шоҳ хизматиға келур,  
Учинчи кун шоҳ анга лутф ила нигоҳ қилур.  
Кишики, қилса ибодат худоға сидқ била,  
Не тонг юзиға 36<sup>a</sup> агар мақсад эшиги очилур.

### Ҳикоят

Айтурларким, бир золим ҳоким зўр била дарвешларнинг ўтунин арzon сотғун олур эрди ва ани тавонгарларга муфт берур эрди. Бир соҳибдил киши ани кўруб, деди.

### Қитъа:

Гарчи бизга сенинг етар зўринг,  
Лек етмас худойи доноға.  
Ҳазар эт пир эли дуосидин,  
Ки етар осмону аълоға.

Ҳоким бу сўзга илтифот этмади, балки ранжида бўлуб, андин юз эвурди, то бир оқшом ул ҳокимнинг ошхонаси ўти омборхонасиға тушуб барча амлок ва асбобин куйдурди ва ўзи нарм бистардин жудо бўлуб, гарм хокистарда ўлтурди. Иттифоқо, ҳамул кеча ул азизнинг йўли анинг устидин 36<sup>b</sup> тушуб, эшидимким, ул золим қошидаги одамларға дер эрди: “Билмасменким, бу ўт қайдин тушди?” Ул чоғда ҳамул азиз деди: “Билгилким, дарвешлар оҳи ўтидин бир учқун етушди”.

## **Байт:**

Хазар қил охидин дарвешларнинг,  
Ёнар бир учқунидин [жумла олам].

## **Ҳикоят**

Бир киши кураш тушмок илмида бағоят олим эрди ва уч юз олтмиш амал билур эрди. Иттифоқо, ўз шогирдларидин бирининг жамолиға хотири майл этиб, ҳар кун зиёдароқ тарбият қилур эрди ва таълим берур эрди. То уч юз эллик тўққуз амални ўргатди. Аммо бир амалнинг таълимида таъхир қилиб, тааллулға солди. Алқисса, шогирд қувват ва суръатда барча полвондин баланд бўлди ва анинг била кураш тутмоқға **37<sup>a</sup>** ҳеч кишида қуввату мажол қолмади, то бир кун подшоҳнинг олдида дедиким: “Устодимнинг мендин зиёдалиғи тарбиятда улуғлик жиҳатидиндур, йўқ эрса қувватда мен андин кам эрмасман ва санъатда<sup>1</sup> баробардурман”. Подшоҳга бу сўз оғир келди, буюрди, то иккови кураш тутғайлар ва бир улуғ майдонни таъйин этдилар. Подшоҳ бошлиғ аркони давлат ва аъёни ҳазрат ва барча шахру сахронинг халойиқи ва ер юзининг паҳлавонлари – барча ҳозир бўлдилар. Шогирд фили мастдек бир навъ садмат била майдонға кирдиким, агар олдида кўхи оҳанин бўлса эрди, бир ҳамлада жойидин қўпорур. Устод билдиким, қувватда ўзидин зиёда туур. Ҳамул **37<sup>b</sup>** ўргатмай пинҳон сақлаған амали била кураш тутди. Шогирд ани дафъ эта олмай ожиз бўлди. Устод ани икки қўли бирла ердин кўтариб, боши устиға чиқариб андоқ ерга урдиким, халойик ғариву ғулғула садосин фалак авжидин ошурди ва подшоҳ устодға хилъат ва неъматлар берди ва шогирдға зажру маломат қилди ва деди: “Нечун тарбият қилған устодингға бевафолиғ қилиб, муқобил бўлдинг?” Шогирд ер ўпуб деди: “Эй подшоҳ, устод зўрлик била мени йиқмади, лекин кураш илмида бир амални мендин дариғ тутуб ўргатмамиш эрди. Бугун ҳамул амал бирла мени йиқди”. Устод деди: “Ул амални мундоқ бир кун учун ўргатмай сақлаб **38<sup>a</sup>** эрдим, нединким, ҳакимлар дебурлар: “Дўстға андоқ қувват бермағилким, бир вақт сенга душманлик қилса, муқобил бўла олмағайсен. Эшитмадингмуким, бир киши ўзининг парвариш қилған шогирдидин жафо кўруб на сўз

---

<sup>1</sup> Бу қўлётмада “сифатда”. Албатта, С.Долимов нашридаги вариант тўғри.

айтибдур.

### Қитъа:

Вафо йўқ эрдиму оламда ҳаргиз,  
Ва ёхуд қилмади аҳли замона.  
Ки ҳар ким отмоқ ўқ ўрганди мендин,  
Мени ул оқибат қилди нишона”.

Подшоҳға устоднинг бу достони бағоят хуш келиб, буюрди, то анга яна хильят бериб, кўб нсъматлар еткурдилар ва шогирдға сарзанишу таъна таёқин урдилар, то мундин сўнгра устоди ҳақида бевафолиғ қилмагай ва ўзгаларга дағи танбех бўлғай.

### Ҳикоят

Вазирларнинг бири бир кун Зуннуни **38<sup>б</sup>** Мисрийнинг олдиға келиб, деди: “Оқшом ва кундуз султоннинг хизматига машғул бўлуб, лутфидин умидвор ва уқубатидин хавфнокмен”. Ул чоғда Зуннун йиғлаб, айтди: “Сен султонға парастиш қилғандек, мен Яздонға парастиш қилсанм эрди, сиддиқлар жумласидин бўлур эрдим.

### Қитъа:

Жаҳонда гар умиду роҳату ранж ўлмаса эрди,  
Фалак бошидин ўтгай эрди факр аҳли, оёқи ҳам.  
Вазирлар қўрқса эрди худойдин, ўйлаким шаҳдин,  
Бўлур эрди малак, балким малакнинг яхшироқи ҳам.

### Қитъа:

Шаҳға мушкил иш етушса агар,  
Анга тадбиру сабр эрур чора.  
Сабр қилмай нечук илож этсун,  
Банда чун ишида бўлса бечора<sup>1</sup>.

### Ҳикоят

Бир дарвеш бир сахро гўшасида танҳо ўлтурмиш эрди. Ҳамул вақтнинг подшоҳи сайр асносида анинг устидин келди. Ул бошин кўтариб подшоҳ жонибиға **39<sup>a</sup>** илтифот этиб қарамади. Подшоҳ андин ранжида бўлуб, деди: “Мундок хирқапўш тоифа ҳайвон янглиғ бўлурлар, ахлият ва одамиятни билмаслар”. Ул чоғда вазирларнииг бири дарвешнинг қошига

<sup>1</sup> Мазкур варакнинг ҳошиясидаги ушбу қитъа бошқа нашрларда йўқ.

бориб, деди: “Эй дарвеш, ер юзинииг подшоҳи сенинг устингга келди. Невчун иззат қилмадинг ва адаб шартин бажо келтурмадинг?” Дарвеш деди: “Подшоҳға айтғилким, иззат ва хизматни андоқ кишидии кўз тутсунким, ул марҳамат ва неъмат кўз тутғусидур ва яна улким, подшоҳ раъийят посбонлиқи учундур, аммо раъийят подшоҳ хизмати учун эрмастур”.

### Қитъа:

Подшоҳ дарвеш учундур посбон,  
Йўқки маҳз давлату шавкат учун.  
Билки, қўй чўпон учун эрмастурур,  
Балки чўпондур анга хизмат учун.

Подшоҳға дарвешнинг бу сўзи хуш **39<sup>б</sup>** келиб, деди: “На тилагинг бўлса, мендин тилагил”. Дарвеш деди: “Тилагим улким, мундин сўнг менга заҳмат бермагил”. Подшоҳ деди: “Менга бир панд бергил”. Дарвеш бу байтни ўқуди:

Бу неъматким, қўлунгда ер тутубдур,  
Яқин билким, неча қўлдин ўтубдур.

### Ҳикоят

Бир киши Ануширвонға мундоқ хушхабар еткурдиким, Худойи таъоло фалон душманингни жаҳондин кўтарди. Ануширвон анга деди: “Ҳеч эшитдингмуким, Худойи таъоло мени жаҳонда доимий қўярму?”

### Байт:

Гар адув ўлса, анга бўлмасмен асло шодмон,  
Ким ўзим дағи жаҳонда қолмағумдур жовидон.

### Ҳикоят<sup>1</sup>

Хорун ар-Рашид Миср вилоятин мусаххар қилғандин сўнг деди: “Миср вилоятининг ғуури била худолик даъво қилған тоғийнинг хилофиға бу мамлакатни **40<sup>а</sup>** ўз бандаларимдин бир адно ва камтарин бандамга бағишлармен”. Айтурларким, [Хорун ар-Рашиднинг] Ҳасиб отлиғ бир ҳабаший туғмаси бор эрди. Миср мамлакатин анга мусаллам тутти. Келтурубдурларким, ул туғманинг ақл ва каёсати ул мартабада эрдиким, Миср деҳқонларидин бир жамоа анинг олдиға келиб шикоят қилдиларким, Нил дарёсининг канорида ғўза экмиш эрдук,

<sup>1</sup> С.Долимов нашрида кейинги икки ҳикоят ўрни алмашган.

ёмғур бевақт ёғиб, барчаси зоеъ бўлди. Туғма деди: “Сўнг эксангиз керак эрди”. Бир доно дарвеш бу сўзни эшишиб деди.

### Қитъа:

Кўпалса эрди донолик била нон,  
Топа олмас эди бир луқма нодон.  
Етар нодонға андок ризқ ҳар дам,  
Ки донолар анга ҳайрон бўлур ҳам.

### 40<sup>6</sup> Ҳикоят

Подшоҳ бир бегуноҳни қатл этмакка ишорат қилди. Ул бегуноҳ деди: “Махз манга бир қаҳр этмак била ўзингга кўб озор истамагил, нединким, бу уқубат мендин бир дамда ўтгусидур, баъд аз туганмас мазлама сенинг бўйнингда қолғусидур, қиёмат кунида пушаймон бўлғунгдур”.

### Қитъа<sup>1</sup>:

Сахро елидек ўтгуси даврони бақо,  
Айшу тарабу роҳату зишту зебо.  
Золимки, хаёл этар, қилур элга ситам,  
Элдин кетиб айлар яна ўз бўйнида жо.

Подшоҳга анинг насиҳати писанд тушуб, қонин ўтуб, озод қилди.

### Ҳикоят<sup>2</sup>

Подшоҳларнинг бирига бир хўтани канизак келтурдилар. Подшоҳ мастилик ҳолида ул канизак била жамъ бўлмоқ тилади. Канизак ибо кўргузуб манъ қилди. **41<sup>a</sup>** Подшоҳнинг қаҳри келиб бир ғоятсиз қаро ва бадшакл туғмаға бердиким, юқори лаби бурнидин ўтмиш эрди ва ошоқ лаби юқоридин тўман тушмиш эрди. Бадҳайъатлигидин девлар қочар эрди ва бадбўйлиғидин гугурд чашмасиға сасиғлиғ етар эрди.

### Байт:

Анингдек зиштрўй эрди-ю бадбўй,  
Ки андин дев қочарди кўй бар-кўй.

<sup>1</sup> Бу шеър қўлёзма қитъа деб кўрсатилгани билан С.Долимов нашрида берилганидек рубоийдир.

<sup>2</sup> Бу ҳикоят С.Долимов нашрида берилмаган.

Айтурларким, ҳамул муддатда ҳамул туғманинг нафси бағоят толиб ва шаҳвати ғолиб эрди. Ложарам, қаҳри ҳаракат қилиб канизакнинг дуржи муҳрин қўпорди ва тонг отғандин сўнг подшоҳ канизакни талаб қилиб топмади. Муқарраблари оқшомғи бўлған воқеани айтилар. Подшоҳ [дар]ғазаб буюрди, то ҳамул туғмани канизак бирла қўл ва оёқин боғлаб қалъа **41<sup>б</sup>** устидин хандак остиға ташлағайлар. Ул чоғда бир соҳиброй вазир шафоат учун подшоҳнинг олдида туфроқға юз қўюб дедиким: “Ул бечора туғманинг бу ишда ҳеч гуноҳи йўқ турур, балким ўзгалар дағи подшоҳнинг мундок навозиш ва инъомидин умидвордурлар”. Подшоҳ деди: “Агар туғма бир кеча канизакка қўл еткурмай таъхир қилса на бўлур эрдиким, мен анга канизакнинг баҳосидин неча чандон зиёда зар бериб олур эрдим”. Вазир деди: “Эй подшоҳи олам, шул айтған сўзинг росттуур ва лекин эшитмадингизмуким, дебдурлар

### Қитъа:

Етса бир ташна агар чашмайи ҳайвон уза  
Келмас асло зарари фили дамон ёдиға.  
Бўлса уй холи ва хон<sup>1</sup> ичра тўла нон турса,  
Мулҳид ар оч эса тушмас **42<sup>a</sup>** рамазон ёдиға”.

Подшоҳға бу сўз маъқул келиб деди: “Туғмани сенга бағишиладим. Аммо канизакни на қилурмиз?” Вазир деди: “Канизакни туғмага бағишилағил, нединким, анинг қўли тегмиш, яна ҳам анга берилса муносибдур”.

### Қитъа:

Дўст тутма ўзингга ҳаргиз ани,  
Ким ямон бирла бўлди бир дам ёр.  
Ташна бўлмоқ била ичраму киши  
Сувники, қилди ит тегиб мурдор.

### Ҳикоят

Искандар Румийдин сўрдиларким: “Машриқ ва Мағриб диёрин на тариқа била олдингким, ўтган подшоҳларнинг ганжу лашкарлари сендин зиёда эрди, ҳеч бирига мундок фатҳ мұяссар

<sup>1</sup> “Дастурхон” маъносидаги бу қўлёзмада . خان . Аслида .

бўлмади?” Искандар деди: “Ҳақ таълонинг мадади била ҳар мамлакатниким олдим, раъийятиға озор бермадим ва яхшиларнинг отин ямон[ға] чиқармадим.

#### **42<sup>6</sup> Байт:**

Улуғ андоқ кишини қилма гумон,  
Ки улуғлар отин чиқарди ямон.

#### **Ҳикоят**

Бир шайёд алвийман деб, гисуллариға тоб бериб Ҳижоз қофиласи била шаҳрга келди ва дедиким: “Ҳаждин келурмен”. Ва бир яхши қасида подшоҳнинг олдиға олиб бориб, даъво қилдиким, муни ўзим айтибдурмен” Подшоҳ анга кўп неъмат бериб, иззат ва икром қилди. Подшоҳ мажлисининг надимларидин бири ҳамул йил дарё сафаридин келмиш эрди. Ул деди: “Мен бу кишини қурбон ийдида Басра вилоятида кўрдим. Бу нечук ҳожи бўлур?” Яна бир киши деди: “Мен муни танурмен, отаси насроний эрди, ватани Малатиядадур”. Андин сўнг билдиларким, ҳожи ва саййид **43<sup>a</sup>** эрмас эркан ва келтурган қасидасин Анварийнинг девонидин топдилар. Подшоҳ буюрди, то мунча ёлғон сўз дегани учун зажр этиб таёқлағайлар. Ул шайёд деди: “Эй подшоҳ, яна бир сўзим бордур, агар ул рост бўлмаса, ҳар турлук уқубатким, буюрсанг сазовормен”. Подшоҳ деди: “Айтғил!” Ул деди, **қитъа**:

Бир ғарib олдингға келтурса қатиқ –  
Икки паймона сувдур, бир чўмча дуғ.  
Лағв агар десам менга қилма итоб,  
Ким жаҳонгард ўлса, кўб айтур дуруғ.

Подшоҳ хандон бўлуб, деди: “Ҳаргиз мундин ростроқ сўз айтған эрмассен”. Ва буюрди, то яна бурунғи чоғлиғ инъомни зиёда қилиб, вақтин хуш этиб узатдилар.

#### **Ҳикоят**

**43<sup>b</sup>** Хорун ар-Рашиднинг ўғулларидин бири отасининг олдиға бир кун йиғлаб, қаҳр била келиб деди: “Фалон саркарданииг ўғли менга дашном қилди”. Хорун ар-Рашид деди: “Мундоқ кишининг жазоси на бўлур?” Мажлис аҳлиниң бири деди: “Анинг сазоси ўлтурмакдур” ва бири деди: “Тилин кесмак керак” – деди ва яна бири “Таёқламоқ керак” – деди ва яна бири

“Кўлидин барча амлок ва асбобии олмоқ керак” – деди. Баъд аз Хоррун ар-Рашид деди: “Эй ўғлум, агар қила олсанг, карам қилиб, аниг гуноҳин афв этгил ва агар қила олмасанг, ул нечук дашном қилған бўлса, андоқ дашном қил ва андин зиёда қилмағил, сендин зулм зоҳир бўлмасун”.

### Назм:

44<sup>a</sup> Биравга зишт хўйе қилди дашном,  
Қилиб сабр ул деди: “Эй хўбфаржом,  
Сўзинг айбимға зоеъ қилмағайсен,  
Ки айбимни ўзимдек билмагайсен”.

### Хикоят

Фақир улуғлардин бир тоифа била кемага минмиш эрдук ва кемамиз изида бир қайиқ келур эрди. Ҳақ таъоло тақдири била гарқ бўлди. Аниг аҳлидин икки биродар бир гирдобға туштилар. Улуғлардин бири кемачига деди: “Бу икки биродарни тутғил, то ҳар бири учун сенга эллик тилло берурмен”. Кемачи ўзин сувға ташлаб, юзиб бориб бирин тутуб ўлумдин қутқарди ва ул бири ҳалокат қаъриға борди. Фақир дедим: “Ул бирининг умри туганмиш эркан, ул жиҳатдин 44<sup>b</sup> ани тутмоқда таъхир воқеъ бўлди ва мунинг умри боқий эркан, ложарам, муни тутмоқда таъжил кўргузулди”. Кемачи деди: “Бали, сўзинг ростдур ва лекин менинг кўнглум муни ҳалокатдин қутқармоқға кўброк майл этди, нединким, бир кун биёбонда пиёда келур эрдим. Бу мени тевасиға миндурди ва ул бири бир вактда менга бир тозёна урди, иккови ҳам қилған амалининг жазосин топдилар” Мен дедим: “Субҳоналлоҳ!”

### Қитъа:

Қилмағил ҳеч бир кўнгулни харош,  
Ки бу йўл узра хорлар бордур.  
Ажз элининг ишини буткаргил,  
Ки сенга дағи корлар бордур.

## ИККИНЧИ БОБ

### ДАРВЕШЛАР АХЛОҚИ ЗИКРИДА

#### **Ҳикоят**

Улуғларнинг бири бир порсо кишига **45<sup>a</sup>** деди: “Фалон обиднинг ҳақида на сўз айтурсанким, ўзгалар анинг изидин таъна қилиб, кўб сўз айтурлар”. Порсо деди: “Зоҳирида ҳеч айб кўрмасмен ва ботинида на айби борин билмасмен”.

#### **Қитъа:**

Кимда тақво либосини кўрсанг,  
Порсо бил ани ва яхши киши.  
Кўнглида на борин чу билмассен,  
Мухтасибнинг уй ичига йўқ иши.

#### **Ҳикоят<sup>1</sup>**

Бир дарвешни кўрдимким, бошини Каъба осто ниға қўюб, нола қилиб дер эрдиким: “ЁFaфур, ё Раҳим, ўзинг билурсенким, зулму жуҳулнинг қўлидин ҳеч иш келмас.

#### **Қитъа:**

Гунаҳим узрини келтурмишмен,  
Ки савобиға йўқтур...<sup>2</sup>  
Журмидин осий айлагай тавба,  
Зуҳдидин ориф этгай **45<sup>b</sup>** истиғфор”.

Обидлар тоат ва жазосин, бозургонлар бизоат баҳосин тилагайлар. Мен banda тоат келтурмамишман, умид келтурмишмен ва тижорат учун келмамишмен, гадолик осто ниға юз урмишмен.

#### **Қитъа:**

Каъбада уйла сойиле кўрдим,  
Ки дер эрди фифон ила ҳар дам.  
Тоатимни қабул эт демагум,  
Чек гуноҳимға афв бирла ракам.

<sup>1</sup> Бу ҳикоят С.Долимов нашрида берилмаган.

<sup>2</sup> Шу ўринда бир сўз йўқ

## **Ҳикоят<sup>1</sup>**

Абдулқодир Гилоний<sup>2</sup> раҳматуллохи алайхини Каъба ҳарамида кўрдиларким, бошини тошға уруб дер эрди: “Эй бор Худоё, гуноҳимни бағишлиғил ва агар уқубатға сазовор бўлсам, мени гўрдин кўр этиб турғизғил, то яхшиларнинг олдида шармсор бўлмағаймен”.

### **Қитъа:**

Ажз туфроғиға **46<sup>a</sup>** юзим қўярам  
Ҳар сахар вақтидаким, эсгай бод.  
Уйлаки, ҳаргиз сени унутмасмен,  
Бандани ҳеч айлагунму ёд.

## **Ҳикоят**

Бир порсонинг уйига ўғри кириб, кўб ахтариб, ҳеч нимарса топмади. Охир малул ва шикастадил бўлуб қайтур эрди. Порсо андин хабар топиб, ўғри маҳрум бўлуб қайтмасун, деб остиға тушаб ётған кўхна гиламни кўтариб ўғрининг йўлиға элтиб ташлади.

### **Қитъа:**

Эшитгилки, яздонталаб бандалар,  
Юзин қилмадилар адувға туруш.  
Қачон етгусидур сенга бу мақом,  
Ки сен дўстлар бирла қилғунг уруш.

Сафо аҳлининг маваддат ва ошнолики **46<sup>b</sup>** кишининг юзида ва изида бирдекдур. Изингдин айб ва юзингдин мадҳ, сано деб таҳсин кўргузмаслар ва андоқ кишиларнинг равишин тузмаслар-ким, **байт:**

Юзингдин мулойим бўлуб қўй киби,  
Изингдин бўридек эрур пардадар.

### **Байт:**

Ўзгалар айбини улким сенга етгургусидур,  
Билки айбингни сенинг аларға етуур.

<sup>1</sup> Бу ҳикоят С.Долимов нашрида берилмаган.

<sup>2</sup> Кўлёзмаданинг бу ўрнидаги “-ни” ортиқча.

## **Ҳикоят**

Бир зоҳид бир подшоҳнинг зиёфатига борди. Таом ер вақтда бурунғи одат қилған таомидин оз еди ва намоз ўқур вақтда аввалғи иродат қилған намозидин кўб ўқуди, токим подшоҳ ани яхши киши гумон этиб, эътиқоди зиёда бўлғай.

### **Байт:**

Етмагунг Каъбаға, эй аъробий,  
Ки йўлунг борғуси **47<sup>a</sup>** Туркистонға.

Уйига қайтиб келгандин сўнг, таом емак учун дастурхон талаб қилди. Анинг бир фаросатлиғ ўғли бор эрди. Ул деди: “Эй ота, подшоҳнинг зиёфатига бориб ҳеч нимарса емадингизму?” Зоҳид деди: “Тўйғудек нимарса емадим”. Ўғли деди: “Андок эрса намозингни ҳам қазо қил, недиким, қабул бўлғудек намоз ҳам ўқумамишсен”.

### **Қитъа:**

Эй, ҳунарларни элга кўргузубон,  
Айлагунг жумла айбларни ниҳон.  
Айлаёлмай бу қалб тангани харж,  
Бўлғасен тонгла ҳашр аро ҳайрон.

## **Ҳикоят**

Мусоғирлардин бир неча киши ҳамроҳ бўлуб саёҳатда бирбири била муттағиқ, ранжу роҳатда шерик ва мувоғиқ эрдилар. Фақир дағи аларға рафиқ бўлмоқ тиладим, алар қабул этмадилар. Мен дедим: **47<sup>b</sup>** “Мискинлар мусоҳабатидин юз қайтармоқ ва фойдани дариғ тутмоқ улуғларнинг карам ва ахлоқидин<sup>1</sup> таажжубдур. Менда андок қувват ва суръат бордурким, порсолар хизматида шотир бўлурмен, аммо бори хотир бўлмасмен”.

Аларнииг орасидин бири менга деди: “Сен бизларнинг бу сўзимиздин дилтанг бўлмағилким, бу кунларда бир ўғри солиҳлар суратида пайдо бўлиб, бизларнинг орамизға қўшулди.

### **Байт:**

Уй ичра ким бор эканин не ёнглиғ эл идрок этар,  
Ҳар кимки ёзмиш номани, мазмуни фаҳмиға етар.

Бизлар ани ботинида на шарорат борин билмай, зоҳирин порсолар либоси била ороста кўруб, ҳамроҳлиқин қабул этдук.

---

<sup>1</sup> Кўлёзмадаги “ахлоқидур”. С.Долимов нашрига асосан тўғрилаб ўқилди.

### **Маснавий:**

Аҳли ирфон **48<sup>a</sup>** ҳоли пинҳон далқ аро,  
Жони холиқ бирла, жисми халқ аро.  
Қил амалға саъй, кийгил кимхо,  
Кўй бошингға тожу эгнингга ливо.  
Порсолик – тарки дунёву ҳавас,  
Маҳз йиртуқ жанда киймаклик эмас.

Алқисса, бир кун то ксчгача йўл юруб, кеча бир қалъанинг остиға бориб ётмиш эрдук, ҳамул бетавфиқ ўғри бир рафиқимизнинг ибриқин, таҳорат қилурмен, деб олиб қочти. Андоқим, назаримиздин ғойиб бўлди ва қалъанинг бир буржиға бориб, бир дурж ўғурлади ва тонг отғунча кўб йўл юруб ўзин хавотирдин қутқарди. Ва бизлар бегуноҳ рафиқларимиз била ётмиш эрдук, тонг отғандин сўнг қалъа аҳли бизларни ўғри хаёл этиб, тутуб, қалъага киргузуб зиндонға солдилар. Бизлар андин бери **48<sup>b</sup>** киши сухбатин тарк қилдуқ ва узлат тариқин тутуб, саломат ваҳдатда эрканин билдук”.

### **Қитъа:**

Бир гуруҳ ичра ямон бўлса бири,  
Барчасининг обрўйин йўқлағай.  
Пода ичра бўлса бир бадхў сиғир,  
Минг сиғирнинг яхши отин йўқлағай.

Мен дедим: “Худоға шукурким, сизларнинг насиҳатингиздин кўб манфаат олдим. Эмди барча умримда бу насиҳат менга басдур ва мундин зиёда панд бўлмағусидур”.

### **Ҳикоят**

Фақирнинг ёдимдаким, тифллигим замонида обид ва шабхез эрдим. Бир кеча отамнинг хизматида қўлумға мусҳаф олиб, қуръон тиловатиға машғул бўлдим ва бир неча киши бизларнинг атрофимизда уйкуда ётмиш эрди. Ул ҳолда мен отамға дедим: “Буларнинг бирави бошин **44<sup>a</sup>** кўтариб, икки ракъат намоз ўқумаслар”. Отам деди: “Эй жон ўғлум, бу сўз билан халқнинг роҳатин бузғанингдин сен ҳам агар уйқуда ётсанг яхширокдур”.

### **Қитъа:**

Ўзингдин ўзгага кўз солмағунг ҳеч,  
Ки то олдингда ўзлук пардаси бор.  
Худобин кўз санга гар берса Тенгри,

Ўзингнн кўргунг элдин ожизу зор.

### **Ҳикоят**

Баалбак шаҳрининг масжиди жомеъида суврат оламидин маъни жонибиға йўл элитмаган бир афсурдадил жамоанинг орасида ваъз тариқаси била сўз айтур эрдим. Кўрдимким, ўт ҳўл ўтунға таъсир этмагандек иссиғ нафасим аларнинг ҳеч бирига таъсир қилмас эрди. Охир, ул сутурларға тарбият қилиб, ул кўрларнинг **49<sup>б</sup>** олдиға ойина тутғанимдин дариф еб, сўзни бу ерга еткуруб дер эрдим.

#### **Байт:**

Дўст мендин менга ёвукроқдур,  
Турфаким, мен анга узокроқмен.

Чун ушбу сўз шаробидин маст эрдимким, бир киши йўли мажлис каноридин тушуб ушбу сўз қулоқиға етушди ва анга таъсир этиб, бир наъра урдиким, ўзгалар дағи анга мувафақат қилиб хурушға ва мажлис ходимлари дағи жўшға кирдилар. Мен дедим: “Субҳоналлоҳ, боҳабар йироқлар ёвукда ва бебасар ёвуклар йироқдадур”.

#### **Қитъа:**

Мустамаъ гар қилмаса фаҳми сухан, эй ҳушманд,  
Куввати табъ истабон урма сухангў сори рўй.  
Англагил, сидқу иродат саҳни майдонин васеъ,  
То сухангў мард урсун ушбу майдон ичра гўй.

### **Ҳикоят<sup>1</sup>**

Бир кеча Макка биёбонида уйқусизликдин юрмакка мажолим қолмади. Охир бошимни ерга қўйдим ва сорбонға дедим: “Менга асло тегмагил, [бағримни] тилмагил”. Сарбон деди: “Эй биродар, Ҳарам олдингдадур, ҳаромилар изингдадур. Агар юрсанг, жонингни солим қутқарурсан ва агар ётиб қолсанг, ўлум уйқусиға борурсан”.

#### **Байт:**

Қачонға тегру пиёда киши юра олғай,  
Ки тева бўлғуси бу дашт қатъида ожиз.

---

<sup>1</sup> Бу ҳикоят С.Долимов нашрида берилмаган.

## **Ҳикоят<sup>1</sup>**

Мағриб дарёсининг канорида бир порсо киши кўрдимким, жисмида оғир яроси бор эрди ва ҳеч дору била соғалмас эрди. Кўб муддатлар ҳамул шиддатлиғ ранжин чекиб дағи шукр қилур эрди. Бир киши анга деди: “Чун сенинг ҳолинг будур, нега шукр этарсан?” Ул **50<sup>b</sup>** деди: “Анинг учун шукр этарманким, маъсиятға гирифтор бўлмай, мусибатға гирифтор бўлмишман, нединким, мардлар мундоқ балоларға сабр қилмишлар.

### **Байт:**

Гар раво қўрса ўлумни манга ул Ёри азиз,  
Кўнглума жон ғами тушмакни даме қилма гумон”.

## **Ҳикоят**

Бир дарвешнинг олдиға бир зарурий иш тушуб, бир дўстининг уйидин бир гилам ўғурлади. Ҳоким анинг қўлин кесмакка ҳукм қилди. Гилам эгаси шафоат қилиб, дедиким: “Мен ани биҳил қилдим”. Ҳоким деди: “Сенинг шафоатинг била ҳадди шаръни тарк этмасман”. Гилам эгаси деди: “Рост айтурсен, аммо ҳар киши вақф молидин бир неча ўғурласа, анинг қўлин кесмак лозим эрмастур, нединким, ҳар наким, дарвешларнинг молидур, **52<sup>a</sup>** муҳтожларнинг вақфидур”. Ҳоким бу сўзни эшитгандин сўнг, дарвешнинг озоридин қўл кўтариб, маломат қилиб, деди: “Жаҳонда бошқа уй қурубму эрдиким, мундоқ жонкуяр дўстинг уйин ўғурламишсен”. Дарвеш деди: “Эй ҳоким, эшитмадингмуким, дебурлар: “Дўстларнинг уйин супурғил ва душманларнинг эшикидин йирок юргил”

### **Байт:**

Чун қатиғлик ичра қолсанг берма ожизлиқға тан,  
Душманинг пўстини юлғил, дўстингнинг пўстинин.

## **Ҳикоят<sup>2</sup>**

Бир ялангбош ва ялангоёқ ҳажжож корвони била Куфадин бизларга ҳамроҳ бўлди ва ҳеч нимарсаси йўқ эрди. Ниҳоятсиз завқ-шавқ ила йўл юруб дер эрди, **назм**:

Не йўлида бўлмишам уштурсавор,  
Не юк остида шутурдек хору зор.

<sup>1</sup> Бу ҳикоят С.Долимов нашрида берилмаган.

<sup>2</sup> Бу ҳикоят С.Долимов нашрида берилмаган.

Не бўлурман ҳам раъийят Тенгриға,  
Не бўлурман ҳам ғуломи шаҳриёр.

Бир тева минган тавонгар ул дарвешга деди: “Қайтғил, на ерга борурсенким, бу йўл шиддатидин бир ерда ўлуб қолурсен”. Дарвеш анинг сўзин қабул қилмади ва биёбон қатъиға қадам урди ва кўшиши тамом бирла йўл юрди. Нахлайи маҳмуд отлиғ мавзеъға етканда ҳамул тавонгарни ажали етиб, дорулбақоға риҳлат қилди. Ул дарвеш анинг ўлуғи устига келди [ва] деди: “Мен меҳнат фарсадалиқи била ўлмадим, сенроҳат осудалиқи бирла ўлдинг”.

#### Байт:

Бир киши тонг отғунча бемор уза йиғлар эди,  
Тонгла<sup>1</sup> 52<sup>a</sup> ул ўлди, туруб бемор анга тутти азо.

#### Ҳикоят

Солиҳларнинг бири бир подшоҳни тушида кўрдиким, беҳишт гулистонида хиромондур ва бир порсони кўрдиким, дўзах ичра сўзонтуур. Сўрдиким, анинг бу даражотиға сабаб недурким, ҳамма халойиқ мунинг аксин гумон қилур эрдилар. Ул чоғда нидо келдиким, бу подшоҳ дарвешларга ихлос ва иродатининг сабаби билан беҳиштга сазовор бўлди ва ул порсо подшоҳларға ихтисос ва қурбатининг мужиби бирла дўзахға дучор бўлди.

#### Қитъа:

Далқу тасбеҳу мураққаъдин санга ҳеч суд [йўқ],  
То ямон афъолдин пок ўлмайин беиштибоҳ,  
52<sup>b</sup> Ҳожат эрмас суратинг дарвешлардек тузмакинг,  
Сийратингни соғ эту бошингға қўй заррин қулоҳ.

#### Ҳикоят

Бир обидни подшоҳ талаб қилди. Обид ўзига дедиким, бир дору еб ўзимни заиф ва ожиз қилиб борайин, токим подшоҳнинг эътиқоди менинг ҳаққимда зиёда бўлғай. Айтурларким, еган доруси заҳри қотил эрди, билмайин еб, ўлуклар қаториға кирди.

#### Қитъа:

Пистадек бир мағз эл бўлғусидур,  
Пўст узра пўст андоқким пиёз.

<sup>1</sup> Бу сўз икки марта ёзилган.

Юз кетурган порсо махлукға,  
Орқани қибла дебон айлар намоз.

### Ҳикоят

Юнон заминида бир жамоа корвонини қароқчилар уруб, ғорат этти ва кўб молу матоъ олиб **53<sup>a</sup>** кетди.

Корвон аҳли кўб гиряу зорлиғ зуҳурға еткурдилар ва худони ва пайғамбарни шафөъ келтурдилар, ҳеч фойда бермади.

### Байт:

Чу ўғри эрур мол ила шодмон,  
Не ғам анга минг йиғласа корвон.

Айтурларким, Луқмони ҳаким ҳам ул корвоннинг орасида эрди. Корвонийларнинг бири анга деди: “Ўғруларнинг қошиға бориб аларға мавъиза ва ҳикмат тариқаси била бир неча сўз дегил, шоядким, кетган молларимиздин бир оз мол қайтиб қўлимизға келгай, нединким, неъмат ва молимиз бағоят кўб эрди, борчаси билкулл зоеъ бўлмағай”. Ҳаким деди: “Қароқчиларға ҳикмат сўзин айтмоқ бефойдадур?”

### Қитъа:

Ҳар темурники, занг кўб босса,  
Сайқал урмоқ била кетурмас занг.  
Тийрадилға на суд ваъз демак,  
**53<sup>b</sup>** Михи оҳанин қабул этмас санг!

Ва деди: “Ҳамоноки, гуноҳ бизларнинг тарафимизда туур”.

### Қитъа:

Йиқилған эл қўлини тут, саломат истар эсанг,  
Ки поси хотири мискин балони қайтарғай.  
Гадо агар тиласа бер насиб молингдин,  
Йўқ эрса золим ани зўр ила олиб борғай.

### Ҳикоят

Луқмон ҳакимга дедиларким: “Адабни кимдин ўргандинг?”  
Луқмони ҳаким деди: “Беадаблардин ўргандим. Нединким, аларнинг ҳар ишиким, кўзимга ямон кўрунди, андин ихтиroz қилдим”.

### Қитъа:

Эшитган сўз агар бозийча эрса,  
Олур панд андин аҳли ҳуш жони.  
Ўқусанг нечаким нодонға ҳикмат,

Билур ул ҳазл ила бозийча ани.

### Хикоят

Айтурларким, **54<sup>a</sup>** [бир обид] бир кечада ўн ботмон таом ер эрди ва тонг отғунча “Куръон”ни хатм қилур эрди. Ани бир сохибдил эшитиб, деди: “Агар яrim нонни еб тонг отғунча уйқуласа эрди, ул миқдор таом еб “Куръон” ўқуғанидин афзалроқ ва яхшироқдур”.

### Қитъа:

Луқмадин ични уйла холи топ,  
Маърифат нури бирла тўлғайсен.  
Маърифат кўнглунга нечук кирсун,  
То бурун туъмадин пур ўлғайсен.

### Хикоят

Машойихдин бирининг олдида гила қилдиким, фалон киши менинг ҳаққимда фасодға гувоҳлиқ бериб турур. Ул деди: “Сен ани салоҳ бирла хижил қил”.

### Байт:

Сен ўзингни яхши қил, то бадсигол  
Топмасун айбингни айтурға мажол.

### 54<sup>b</sup> Хикоят

Маноҳийға машғул бўлған бир киши тавфиқи илоҳий била тавбаға келиб, дарвешлар ҳалқасиға кирди ва ямон афъоли яхши ахлоқға мубаддал бўлди ва ҳавоу ҳавасдин қўлин чекти. Андоқ эрса ҳам анинг ҳақида аввалғидек таъна тилин очдилар ва анинг зуҳду<sup>1</sup> салоҳи номаълум бўлди.

### Байт:

Қутулса тавба бирла Ҳақ азобидин бўлғай,  
Валек ҳалқ тилидин қутулмок ўлмағуси.

Эл тилининг жавриға тоқат қила олмай тариқат пирининг олдиға бориб шикоят қилдиким: “Халқнинг тилидин кўб ранжишдадурмен”. Пир жавоб бердиким: “Бу неъматнинг шукрин нечук қила **55<sup>a</sup>** олурсенким, аларнинг гумон этганидин яхшироқдурсен”.

<sup>1</sup> Қўлёзмада “зоҳид” шаклида хато ёзилган.

### **Байт:**

Сен агар яхши бўлуб, олам сени деса ямон,  
Яхшидур бўлсанг ямону эл сени яхши дегай.

Масалан, мени халойиқ соҳибкамол гумон этарлар, [лекин] мен айни нуқсонда туурмен. Эмди менга бир андиша этмак ва бир илож қилмоқ керакдур, то халқнинг гумонига мувофиқ бўлғаймен.

### **Байт:**

Халқдин айбимни яшурмоқ не суд,  
Ким Худо доно туур аҳволима.

### **Ҳикоят<sup>1</sup>**

Машойихнинг биридин сўрадиларким: “Тасаввуф ҳақиқати не туур?” Ул деди: “Мундин бурун бир тоифа бор эрдиларким, сувратлари паришон ва сийрат- **55<sup>б</sup>** лари жамъ эрди. Эмди бу замонда бир жамоа пайдо бўлмишдурким, зоҳирлари жамъ ва ботинлари паришондур”.

### **Қитъа:**

Кўнглинг ҳар нафас бир ерга борса,  
Санга нофеъ эмас узлатгузинлик.  
Ўзинг халқ ичра ва Ҳақ бирла кўнглинг,  
Гар ўлса ул эрур хилватнишинлик.

### **Ҳикоят**

Фақир Ҳижоз сафарида бир тоифа соҳибдил йигитлар бирла ҳамдам ва ҳамқадам эрдим. Алар ҳар вақт замзама қилур эрдилар ва муҳаққиқона байтлар ўқур эрдилар. Бир обид ҳам бизларга ҳамроҳ эрдиким, дарвешлар ҳолиға мункир ва аларнииг дардидин бехабар эрди, токим Бани Ҳилол қабиласиға етушдук, анда бир хаймадин бир қаро кўзлик ўғлон чиқиб, бир овози хуш ва сурати дилкаш **56<sup>а</sup>** зухурға еткурдиким, ҳаво қушларини ерга тушурди ва обиднинг теваси обидни ерга уруб, сахро жонибиға қараб сурди. Мен обидға дедим: “Бу дилкаш садо ҳайвонға асар қилди, сенга ҳеч тафовут этмагусидур”.

### **Маснавий:**

Ҳама Ҳақ зикрида афғон қилурлар,  
Вале ани қулоқлиғ эл билурлар.

---

<sup>1</sup> Бу ҳикоят С.Долимов нашрида берилмаган.

На ёлғуз ёдин уйла булбули зор,  
Ки бир тил келди тасбиҳиға ҳар хор.

### Ҳикоят

Подшоҳлардин бирининг умри муддати охир бўлди ва қойиммақоми йўқ эрди. Аркони давлатиға васият қилдиким, мен фавт бўлғандин тонг отғанидин сўнг ҳар ким бурун шаҳрга кирса, тожни анинг бошиға кийдуриңг ва мамлакатни анинг қўлиға топшуринг. Иттифоқо **56<sup>б</sup>** шаҳрга барчадин бурун бир гадое кирдиким, барча умрида луқма жамъ этар эрди ва ҳирқасига ямоғ устига ямоғ тикар эрди. Аркони давлат подшоҳнинг васиятин бажо келтурдилар ва қалъаларнинг ва хазиналар калидларин анинг қўлиға топшурдилар. Ул бир неча муддат салтанат сурди, сўнгроқ умаронинг баъзиси итоатидин бош чекдилар. Подшоҳлар атрофдин анинг мамлакати қасдиға келдилар ва муҳораба учун лашкар ороста қилдилар. Алқисса, душман ғолиб бўлуб, атрофдағи шаҳрларнинг баъзиси дарвешнинг тасарруфи қўлидан чиқди. Дарвеш бу воқеа сабабидин хаста- **57<sup>а</sup>** хотир эрди, то бир кун қадимий дўстларининг бириким, дарвешлик ҳолатида ҳамсухбати эрди, ҳамул овонда сафарга кетмиш эрди, сафардин қайтиб келиб, дарвешни подшоҳлик мартабасида кўруб, деди: “Худоға шукрким, гулинг тикандин, тикан оёқингдин жудо бўлуб туур. Бахт раҳбарлик ва саодат ёварлик қилибдур, то мундок олий мартабага етишмишсен”. Дарвеш деди: “Эй ёр, менинг ҳолимға таъзият қил ва таҳният қилмағил, нединким, бурун сен кўрганингда менда бир ноннинг ғами бор эрди, эмди бошимға бир жаҳоннинг ғами тушмишдур”.

### Маснавий:

Бўлмаса дунё, бўлурмиз дардманд,  
Бўлса меҳриға бўлурмиз **57<sup>б</sup>** пойбанд.  
Бу жаҳондин кўр ямонроқ йўқ бало,  
Бўлса-ю бўлмаса тортамиз ано.

### Қитъа:

Гар тавонгарлик тиларсен, жуз қаноат истама,  
Ким қаноат давлатедур, пойдор ҳам ҳаний<sup>1</sup>.  
Кўб улуғлардин эшитдимким, дер эрдилар мудом.

<sup>1</sup> Ҳаний – мاشаққатсиз қўлга киртиладиган нарса.

Сабр дарвеш этса яхши, базл қилғандин ғаний.

### Ҳикоят

Фақирнинг ёдида борким, бир кеча корвон била шабгир қилмиш эрдук ва сахар вақти бир бешанинг канориға бориб етмиш эрдук. Ҳамул сафарда бир шўридаҳол киши бизларга ҳамроҳ эрди. Ул бир наъра уруб, биёбон йўлин тутди ва саргашталиқдин бир нафас ором тутмади. Тонг отғандин сўнг мен анга дедим: “Кеча не сабаб била андоқ **58<sup>a</sup>** қилдинг?” Ул деди: “Кўрдимким, булбуллар дарахтларда ва какликлар доғларда ва қурбақалар сувларда ва жонварлар бешаларда нола қилурлар, андиша қилдимким, ҳама махлук тасбих айтиб, мен уйқуда роҳат била ётмоқни муруватдин кўрмадим”.

### Қитъа:

Бир қуш айтти сахар чоғи нола,  
Мен ҳам айтдим фиғон бўлуб бехуш.  
Эшитиб бир рафиқим ул чоғда,  
Менда ушбу сифат фиғону хуруш.  
Деди: “Эй ёр, бовар этмасмен,  
Сени қуш савти айлагай мадҳуш”.  
Мен дедим: “Шарти одамият эмас,  
Мурғ гўё саноға, мен хомуш”.

### Ҳикоят

Абу Ҳурайра разийаллоҳу **58<sup>b</sup>** анху ҳар кун пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хизматиға келур эрди. Ул ҳазрат дедилар: “Эй Абу Ҳурайра, ҳар кун келмагил, то ўртада муҳабbat зиёда бўлғай ва соҳибдиллар дебурларки, агарчи офтобнинг мунча ҳусну хўблиқи бордур, аммо ҳеч киши ани дўст тутмағусидур, анинг учунким, ҳар кунда кўрунадур ва лекин қишдаким, аксар вақт маҳжубдур, бу жиҳатдин ҳаммага маҳбубдур”.

### Байт:

Дўстни кўрмакка бормоқ айб эмас,  
Лек безор ўлғудек кўб бормағил.  
Қил муҳабbatни фузун кам-кам бориб,  
Бехадду ортуқ сен ранж ахтармагил.

## **Ҳикоят<sup>1</sup>**

Улуғлардин бирининг қорнида мухолиф ел зўр ила печутоб урди. **59<sup>a</sup>** Ани сақламоқға тоқат қила олмади, беихтиёр ўсурди. Деди: “Эй дўстлар, бу иш мендин беихтиёр воқеъ бўлди, мунинг учун менга гуноҳ ёзмассизлар дағи карам била маъзур тутинг”.

### **Маснавий:**

Коринdur елга зиндон, эй хирадманд,  
Ки оқил киши елни айламас банд.  
Ичингда елни ҳаргиз қўйма зинҳор,  
Ки ул елдур кўнгул ичра оғир бор.

## **Ҳикоят**

Дамашқ ёрларининг сұхбатидин факирға бир малолат пайдо бўлуб, Қуддус биёбониға юз урдим ва ҳайвонотға унс тутуб, алар била қўшулуб юрдим. То вақтиким, фаранг халқиға асир бўлдим ва мени жуҳудлар била Тароблис қалъаси хандақин қазмоқ ишиға солдилар ва Ҳалаб улуғларидин **59<sup>b</sup>** бириким, бурундин менинг била ошнолики бор эрди, баногоҳ устумдин йўли тушуб, келиб мени таниди ва деди: “Бу на ҳол туур?” Мен дедим: “Ҳалойиқдин қочиб тоғ, даштда манзил тутуб ҳайвонотға қўшуладим. Тенгри тақдири била эмди кофирларнинг жафоси қайдига гирифтор бўлдим”

### **Байт:**

Дўстлар олдида побанд ўлсам эрди жовидон,  
Яхши эрди ажнабий бирла кезардин бўстон.

Менинг бу ҳолимға анинг раҳми келиб, ўн тилло бериб, фаранг улусининг жафоси бандидин озод қилди ва ўзига ҳамроҳ қилиб Ҳалабга олиб борди ва бир зиштрўй ва бадхўй қизи бор эрди, ани никоҳ қилиб менга берди ва юз тилло маҳриға солди ва бир оз муддат ўткандин сўнг, қиз бадхўйлик ва ситета- **60<sup>a</sup>** рўйлик бошлаб, менинг айшимни тийра ва ҳолимни паришон этди.

### **Маснавий:**

Яхши одам уйида бадхў зан –  
Бедаво дард, беҳаё душман.  
Бўйла хотундин истарам зинҳор,  
[Раббано]... “ва қийно азобан нор”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Бу ҳикоят С.Долимов нашрида берилмаган.

Охируламр таъна тилин очиб, деди: “Сан андоқ киши эрмасмусенким, отам ўн тилло бериб, сени фаранг қайдидин халос қилиб олди?” Мен дедим: “Бали, мен ул кишименким, отанг мени ўн тилло била фаранг қайдидин халос қилиб олди, аммо юз тилло била сенинг қўлингға гирифтор этиб, жавру ситам бандига солди”.

### **Маснавий:**

Бир киши бир қўй устиға етти,  
Ки бўри илкидин халос этти.  
Кеча чолмоқға қўйни бўлди равон,  
Қўй кўруб ани айлади афғон:  
“Ки бўрини тутар эдим душман,  
Эмди билдим, бўри сен эркан **60<sup>б</sup>** сан”.

### **Ҳикоят**

Ўтган подшоҳлардин бири бир аёлманд обиддин сўрдиким: “Авқотингиз на тариқа била кечатуур?” Обид жавоб бердиким: “Кечалар муножотда ва сахарлар дуо-ю ҳожотда ва кундузлар рўзи харожот фикри била кечар”. Подшоҳға ҳамул ишорат била обиднинг кинояти мазмуни маълум бўлди ва буюрди, то анга вазифа муқаррар қилдилар, то аёли аҳволининг фикри кўнглидин чиқиб хотиржамлик била ибодатға машғул бўлғай.

### **Маснавий:**

Эйки, қилдинг ўзингни банди аёл,  
Эмди осудаликни қнлма хаёл.  
Нону фарзанду жома фикратидин,  
Тушдинг айру худо ибодатидин.  
Ҳар кун этгунг бу қасдни ҳар дам,  
Ки ибодатни қилғамен оқшом.  
Кеча кўнглинг намоз ичидা **61<sup>а</sup>** дегай,  
Ки “Аёлим на тульма тонгла егай”.

### **Ҳикоят**

Шом обидларидин бири бир гўшада ибодат қилур эрди ва таом ўрниға дарахтларнинг яфроғин ер эрди. Подшоҳ зиёрат тариқаси била анинг олдиға бориб, деди: “Агар маслаҳат кўрсанг, шаҳрда сенинг учун бир мақоми олий мухайё

<sup>1</sup> وَقْنَا عَذَابَ النَّارِ (“Ва бизни дўзах азобидан асрагин”, “Бақара” сураси 201-оятининг бир қисми)

қилурмен, токим санга фориғболлиқ била мундин яхшироқ ибодат даст бергай ва ўзгалар ҳам сенинг нафасинг баракатидин фойда олғайлар ва ўзларин аҳли тақво зумрасига солғайлар”. Баъд аз ул зоҳид подшоҳнинг бу сўзин қабул қилмади. Вазирларнииг бири анга деди: “Подшоҳнинг кўнгли учун бир неча кун шаҳрга бориб бўлғил ва мақом **61<sup>б</sup>** кайфиятини маълум қилғил. Агар вақтинг сафосиға ағёр сухбатидин кудурат етса, ихтиёр ўзингда турур”. Ноилож зоҳид қабул қилиб шаҳрга келди, подшоҳнинг хос бўстон саройинким, бағоят дилкушо ва роҳатафзо эрди, анга таъйин эттилар.

### Маснавий:

Гулидур дилраболарнинг нуридек,  
Эрур нарғислари хўблар кўзидек,  
Фазоси равза боғидек мусафро,  
Ҳавоси дилкушо-ю роҳатафзо.

Подшоҳ дарҳол бир хўбрўй ва мушкбўй канизак обиднинг хизматиға юборди.

### Назм:

Ажаб маҳпорайи обид фириби,  
Фаришта манзари, товус зеби.  
Ани кўрган замон мумкин эмастур,  
Ки қолғай порсоларда шикиби.

Анинг изидин бир **62<sup>а</sup>** bemisol ва соҳибжамол ғуломбачча йибордиким, **қитъа:**

Хуснининг ўтиға улус бирён  
Лаби соқий-ю лек лоясқий.  
Кўз тамошосидин даме тўймай,  
Баҳрдин ул сифатки мустасқий<sup>1</sup>.

Обид лазиз таомларни еб ва нафис хилъатларни кийиб, турлук қандолот ва мевалардин ҳаловат топиб, нафс тақозоси била ғулом ва канизакнинг ҳусни тамошосиға машғул бўлди. Андоқким, хирадманлар дебдурлар: “Хўбларнинг зулфи ақл оёқининг занжири ва зийрак қушнинг тузоқи турур”. Алқисса, шайхнинг вақти жамъияти давлатининг камолиға завол етти. Андоқким, бир шоир дебдур, **маснавий:**

Даҳр аро гар пир бўлсун, гар мурид,  
Софдил бўлсун, нечукким Боязид.

<sup>1</sup> Ташналик касалига чалинган одам.

Чунки дунё сори майл этти **62<sup>б</sup>** аён,  
Сўнг халос ўлмоқ анга қилма гумон.

Подшоҳ бир кун обидни кўрмакка борди ва кўрдиким, бурунги ҳайъати бузулубдур. Ранги қизил ва бадани семуз бўлуб туур ва нафис такяга суюниб ўлтурубдур ва парий-пайкар ғулом олдида қўл қовуштуруб, таъзим била турубдур. Анинг ҳоли саломатига шодмон бўлуб, деди: “Мен жаҳонда икки тоифани дўст тутармен, бири олимлар ва бири зоҳидлар”. Ул ҳолда подшонинг қошида бир доно вазири бор эрди. Ул деди: “Эй подшоҳ олам, дўстлиғ шарти улдурким, агар бу икки тоифаға яхшилиғ қилмоқ тиласанг, олимларға зар бергил, то илм ўқусунлар, зоҳидларға ҳеч нимарса бермагил, то зоҳидлиқидин айрилмасунлар”.

### **Байт:**

Кимки, зоҳиддур анга ҳожат эмас **63<sup>a</sup>** дунёу зар,  
Зоҳид эрмас ҳар кишиким, қилса дунёға назар.

### **Ҳикоят**

Парҳезкор олимларнинг биридин сўрдиларким: “Вақф нонининг ҳаққида на сўз дерсен?” Ул деди: “Агар нонни кўнгул жамъияти учун олсалар ҳалолдур ва агар нон олмоқ учун ўлтурса ҳаромдур”.

### **Байт:**

Гўшада жамъияти хотир учун нон олдилар,  
Яхшилар нон олғали бир гўшада ўлтурмади.

### **Ҳикоят**

Бир дарвеш бир мажлисға келдиким, мажлис эгаси зиёда карамлик киши [эрди] ва анинг сухбатида фазлу камол аҳлидин бир тоифа ўлтурмиш эрдилар ва бир-бири била латифа ва базла айтушур эрдилар. Ул дарвеш узок йўлдин **63<sup>б</sup>** ҳориб келмиш эрди ва бағоят оч эрди. Мажлис аҳлининг бири зарофат тариқаси била деди: “Сен ҳам бир нима дегил”. Дарвеш деди: “Менинг ўзгалардек фазлим йўқ туур ва қорним ҳам очдур. Мендин бир байтға қаноат қилинглар”, – деди. Алар “Яхши эрса ўқигил”, – дедилар. Ул деди, **байт:**

Мен очмен, олдимда дастурхон эрур нондин тўла,  
Гўё ғарибмен, ташқари хотун тўла ҳаммом аро.

Мажлис аҳли онинг ниҳоятсиз очлиқин билиб, олдиға

дастурхон келтурдилар. Уй эгаси анга деди: “Эй ёр, оз фурсат таваққуф қилким, уйда ходимларим кўфта бирён пишуурлар”. Анда дарвеш дастурхондин **64<sup>a</sup>** бошин кўтариб, деди, **байт**:

Кўфта гар бўлмас эса бок йўқ,  
Нон манга ушбу дам эрур кўфта.

### **Ҳикоят**

Бир факих отасиға деди: “Аҳли илмнинг рангин ва ширин сўзларининг ҳеч бири менга асар қилмағусидур. Ул жиҳатдин-ким, аларнинг кирдори гуфториға мувофиқ эрмастур”.

### **Маснавий:**

Элга дунёдин берурлар биймлар,  
Ўзлари доим йигарлар сиймлар.  
Чун амал қилмас эса олим агар,  
Ул сўзи айлагай кимга асар.  
Олим улдурким, асар қилғай сўзи,  
Демагай ул сўзниким, қилмас ўзи.  
Қайси олимким, баданпарвар бўлур,  
Ўзи гумраҳдур, нечук раҳбар бўлур.

**64<sup>b</sup>** Отаси деди: “Эй фарзанд, маҳз мундоқ ботил хаёл била носиҳлар тарбиятидин юз эвурмак ва уламони залолатға мансуб қилмоқ ва пок олим талабида илм фойдасидин маҳрум қолмоқ бир кўр ҳолиға ўхшарким, лойга ботмиш эрди ва қичқиур эрдиким: “Эй мусулмонлар, менинг йўлумға бир чироғ келтиринглар”. Ул чоғда бир фоҳиша хотун анга бонг уруб деди: “Сенким, чароғ кўрмассен, чароғ била қайси нимани кўрарсен”.

Бас, мажлис баззоз дўконига ўхшар, анда то накд бермагунча, матоъ ола олмассен ва мунда то иродат келтурмاغунча саодат элта олмассен”.

### **Маснавий:**

Рағбатинг бирла эшит олим сўзин,  
Гар мувофиқ қилмас ул сўзга ўзин.  
Муддаъийларнинг бу сўзин билма чин,  
Ким дегайлар зоҳирида қахру кин.  
Ҳар кишиким ўзи уйқуда **65<sup>a</sup>** ётур,  
Уйқуда ётғани найлаб уйғотур.  
Мард улдурким, амал қилғай анга,  
Панд агар ёзилса бир девор аро.

Зоҳид ўзни зўр бирла қутқарур,  
Неча гумраҳларни олим бошқарур.

### Ҳикоят

Бир киши маст ва беихтиёр бўлуб, йўл устида ётмиш эрди. Бир обид анинг устига келди ва анинг қабих ҳолиға кароҳат кўзи билан назар қилди. Ул ҳолда ул йигит бошин кўтариб, деди.

### Қитъа:

Итоб, эй зоҳид, этма журм элиға,  
Карам бирла алар сори назар қил.  
Агарчи мен гунаҳкору ямонмен,  
Менга сен яхшилар янглиғ гузар қил.

### Ҳикоят

Бир мурид пирига шикоят юзидин деди: “На иш қилайким, халойиқнинг қўлидин кўб ранж чекармен. Кўб киши зиёратимға келурлар ва вақтимни **65<sup>6</sup>** ниҳоятсиз тийра қилурлар”. Пир деди: “Аларнинг ҳар қайси қашшоқ бўлса, анга бир нима қарз бергил ва ҳар қайси тавонгар бўлса андин бир нима талаб қилғил, токим сўнгра асло сенинг қошингға келмагайлар”.

### Байт:

Гар гадо саркарда бўлса лашкари исломға,  
Илтимоси биймидин кофир қочар то Чинғача.

### Ҳикоят

Риндлардин бир тоифа бир дарвешға мухолифат кўргузуб, дашномлар қилиб кўб урдилар. Дарвеш тариқат пирининг олдиға келиб, алардин шикоят қилди. Пир деди: “Эй фарзанд, дарвешларнинг жомаси ризо хирқасидур. Ҳар дарвешким, номуродлик кисватига сабр қилмаса, муддаъий туур ва анга хирқа ҳаромдур”.

### Байт:

Кимки беҳуда бошнни кўтарур,  
Тездур- **66<sup>a</sup>** ким, боши ошоқға борур.

### Ҳикоят

Соҳибдилларининг бири бир қувватлиғ ва зўrozмой кишини кўрдиким, ниҳоятсиз ғазабнок бўлуб, бир тош олиб кўлинини

юқори күтарибдур. Ул азиз сүрдиким, мунга на ҳол воқеъ бўлубдуур. Жавоб бердиларким: “Фалон киши мунга дашном этибди”. Ул азиз деди: “Бу бечоранинг минг ботмон тошни кўтармакка қуввати бордур, аммо бир сўзни кўтармакка тоқати йўқ туур”.

### **Байт:**

Шижаат бирла зўру мардликдин ҳеч лоф урма,  
Ки то нафс оллида ожиз бўлуб, хотундек ўлтурғунг.  
Агар мард эрсанг, этгил талхком оғзини сен ширин,  
Эмасдур мардлик улким, бирав оғзиға тош урғунг.

### **Ҳикояти 66<sup>б</sup> манзума**

Бор эди Бағдод аро бир пирмард,  
Ким эди табъи латиф андоқки вард.  
Кафшгар устодға берди қизин,  
Хора бирла жуфт қилди қирмизин.  
Тишлабон ул қиз лабини кафшгар,  
Қон оқизди уйлаким ёқути тар.  
Пир тонгла келди, мундок деди сўз  
Кафшгарга боқибон: “Эй очкўз,  
Бўйла қатиғ тишламак қилдинг аён,  
Лабни фаҳм этдинг магарким сахтиён.  
Ҳазл ила қилмиш эсанг гар бўйла иш,  
Ташла ҳазлингни, кўтаргил эмди тиш.  
Хўйи бад тутса киши табъида жо,  
Бўлмағай то ўлгунча андин жудо”.

### **Ҳикоят**

Бир фақиҳнинг ниҳоятсиз бадрўй қизи бор эрди. Кўб яшаб, хотунлар ҳолиға етмиш эрди. Тузук ва асбоби бағоят кўб эрди. Анинг била ҳам ҳеч киши анинг мунокаҳатиға рағбат қилмас эрди. Алқисса, зарурат юзидин ани бир кўр кишига 67<sup>а</sup> никоҳ қилиб бердилар. Иттифоқо, ҳамул йил Сарандибин бир ҳаким келмиш эрдиким, ҳикмат била кўр кўзларни очар эрди. Фақиҳфа дедилар: “Куёвингнинг кўзиға нечун илож қилдурмассен?” Фақиҳ деди: “Кўрқаманким, агар кўзи очилса, қизимни талоқ этгай!”

### **Байт:**

Бадрўй хотуннинг эри яхшидуур гар бўлса кўр,

То айласун онинг била кўрмай юзин завқи суур.

### Ҳикоят

Бир подшоҳ ҳақорат кўзи бирла дарвешлар тоифасига назар қилур эрди. Ул тоифанинг пири деди: “Эй подшоҳ, бизларниңг бу дунёда сендин жайшимиз озрок ва айшимиз кўброкдур. Бизлар ўлмакда сенинг бирла баробар, қиёматда сендин азиз ва сарвартурurmиз”.

### Маснавий:

Агар султон ғаний ва комрондур,  
Ва гар дарвеш ҳожатманди нондур.  
**67<sup>б</sup>** Иков ҳам элта олмас жонпарвар ҳол,  
Кафандин ўзга даҳр амволидин мол.  
Чу қилғунг мулку молингдин жудолик,  
Эрур шаҳлиқдин авлороқ гадолик.

Дарвешларниң зоҳири жанда либос ва кўхна палосдур. Ҳақиқати тирик кўнгул ва ўлук нафсдур, тариқати зикр ва шукру хизмат, тоат ва қаноат, тавҳид ва таваккул, таслим ва таҳаммулдур. Ҳар киши бу сифатлар била мавсуф бўлса, дарвешдур, аммо баъзи бенамоз ва ҳарзагард ва ҳавасбоз кишиким, шаҳват бандида кундузларни кечага ва ғафлат уйқусида кечаларни кундузга еткуурурлар ва олдиға на учраса ер, тилиға ҳар на келса дер, дарвеш эмастур, балки кофир кишитурур.

### Маснавий:

Эйки, кўнглунгда йўқ туур тақво,  
Бермагил сувратингға ҳам оро.  
Токи **68<sup>а</sup>** остингда бўриё бордур,  
Билки, кўнглинг аро риё бордур.

### Ҳикоят

Бир ҳакимдин сўрдиларким, “Саховат яхшироқму ва ё шижоат?” Ҳаким деди: “Саховат бўлса, шижоатға ҳожат йўқтуурур”.

### Байт:

Дахмайи Баҳром уза топмиш рақам,  
Ким: “Қавийдур зўри бозудин карам”.

## **Ҳикоят**

Бир азиздин ихвони сафо сийратидин сўрдим, яъни қариндош ва ақрабо ва ошнолар ҳақида на тариқа равиш ва на янглиғ иш қилмоқ муносибдур? Ул азиз деди: “Адноси улким, ёрларнинг хотири муродин ўз муродидин муқаддам тутғайларким, ҳакимлар ва донишмандлар дебдуурлар: “Ҳар биродарким, ўз ишининг бандидадур, биродар эрмастур”.

### **Байт:**

Қариндошингда агар йўқтур диёнат,  
Анга **68<sup>6</sup>** қатъ айла раҳм этмак муруват.

Муддаъийлардин бир кишини кўрдимким, менинг бу сўзимга эътиroz этиб, деди: “Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло “Қуръони мажид”да қатъи раҳмдин манъ этиб, зулқурба муваддатига амр қилубдур. Сенинг бу сўзунг анга муноқиздур”. Мен дедим: “Ғалат айтурсан. Менинг сўзум “Қуръон”га мувофиқдур”.

### **Байт:**

Эса минг хеш бегона Худодин,  
Барини садқа қил бир ошнодин.

# УЧИНЧИ БОБ

## ҚАНОАТ ФАЗИЛАТИ ЗИКРИДА

### Ҳикоят

Бир сойил Ҳалаб бazzозлари сафиға келиб, айтур эрдиким: “Эй давлатлиғ бойлар, агар сизларда инсоф ва бизларда қаноат бўлса эрди, савол расми жаҳондин кўтарилиур эрди”.

### Қитъа:

Эй қаноат, тавонгар айла мани,  
**69<sup>a</sup>** Ки сенингдек азизи неъмат йўқ.  
Кунжи сабр ихтиёри Луқмондур,  
Сабр йўқ ҳар кишида ҳикмат йўқ.

### Ҳикоят

Миср вилоятида икки амирзода бор эрди. Бири илм ўрганди ва бири мол жамъ этти. Охируламр бири алломайи аср бўлди ва бири Азизи Миср бўлди. Сўнгрок ул бириким, мол жамъ этмиш эрди, илм ўрганганга ҳақорат кўзи билан қараб, деди: “Мен салтанатға етушдим, сен ҳануз бурунғи мискинатда турмишсен”. Бу деди: “Эй биродар, Ҳақ таълонинг бу неъмати шукрини ҳаргиз адо қила олмасменким, пайғамбарлар меросин топмишмен, яъни илм ўрганмишмен ва сен Фиръавн ва Ҳомоннинг меросин топмишсен, яъни Миср мамлакатиға подшоҳ бўлмишсен”.

### Қитъа:

Эрурмен нотавон **69<sup>b</sup>** ул навъким мўр,  
Эмасмен нишсан андоқки занбур.  
Мунинг шукрин нечун қилғум мени зор,  
Ки эрмасмен қавий-ю мардумозор,

### Ҳикоят

Эшитдимким, бир дарвеш фоқа ўтиға ёнар эрди ва хирқасиға ямоғ устиға ямоғ ямар эрди, кўнгулиға таскин бермак учун бу байтни ўқур эрди.

### Байт:

Қилурмен кўхна хирқамға қаноат,  
Вале чекмон кишидин бори миннат.

Бирав анга деди: “Не учун бу ерда ўлтурмишсенким, фалон киши бу шаҳрда бағоят каримтуур ва карами амимтуур ва озодаларнинг хизмати учун камар боғлаб, кўнгулларин шод этмакга ўзин чоғламиш туур. Агар сенинг ҳолингдин хабардор бўлса, хизматингни ғанимат **70<sup>a</sup>** билиб, жонига миннат тутар эрди”. Дарвеш деди: “Хомуш бўлким, кишиға арз ҳожат қилғандин фока шиддатидин ўлган яхсидур”.

### Қитъа:

Сабр кунжин маскан айлаб руқъа тиккан яхсидур,  
Хожалар олдиға бориб жома қилғандин талаб.  
Дўзах ичра минг уқубат тортған авлодуур,  
Киргали жаннат аро ҳамсоя бўлғандин сабаб.

### Ҳикоят

Ажам подшоҳларининг бири ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васалламнинг хизматиға бир ҳозиқ табиб йиборди. Ул араб диёрида кўб муддат таваққуф қилиб турди, ҳеч киши анинг олдиға бориб муолажа [талаб] қилмади. Охир пайғамбар алайҳиссаломнинг **70<sup>b</sup>** муолажаси учун йибормиши эрдилар. Бу муддатда ҳеч киши илтифот этиб, менинг қошимға келмадилар ва мен муқаррар бўлған хизматни бажо келтура олмадим. Хожайи олам саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдиларким: “Бу тоифанинг одати улким, то иштаҳа ғолиб бўлмағунча ҳеч нимарса емаслар ва ҳануз иштаҳа тамом бўлмасдин бурун таомдин қўлларин чекарлар”. Анда ҳаким деди: “Сиҳҳат ва тандурустлик сабаби ушбутуур”. Андин сўнг рухсат олиб, ер ўпуб ва таъзим кўргузуб, ўз юртиға қайтди.

### Маснавий:

Айтур андок маҳалда сўзни ҳаким,  
Ки ани демаганда бор эса бийм.  
Луқма ер ул замон бўлуб музтар,  
Ки етар емаганда жонға зарар.  
Ложарам, бўлди дегани ҳикмат,  
Бор **71<sup>a</sup>** келтурди егани сиҳҳат.

### Ҳикоят

Ардашер Бобаконнинг сийратида келибдурким, бир араб ҳакимдин сўрдиларким: “Ҳар кун не миқдор таом емак

керакдур?” Ҳаким деди: “Юз танга оғирича емаклик кифоя қилур”. Яна сүрдиларким: “Бу миқдор емак баданға қувват берурму?” Ҳаким деди: “Бу миқдор таом есанг, сени күтарур ва мундин зиёда есанг, сен ани күтарурсен”.

### Байт:

Билким, тирик юрмакдуур, лукма емакликтин мурод,  
Сан жаҳлу ғафлатдин мунинг аксиға қилдинг эътиқод.

### Ҳикоят

Хурросоний икки дарвеш бир-бири била ҳамроҳ бўлуб, саёҳат<sup>1</sup> қилур эрдилар. Бири ожиз эрди, нединким, икки кечада бир ифтор қилур эрди ва бири қавий эрди, нединким, ҳар кунда уч маротаба 71<sup>6</sup> таом ер эрди. Иттифоко, бир шахрда жосуслиқ тухматиға гирифтор бўлдилар. Алғараз, иккови бир уйга солиб, эшикин маҳкам этиб, лой била сувадилар. Икки ҳафтадин сўнгра аларнинг begunoҳ эркани маълум бўлди. Эшикни очиб кўрсаларким, ул бири қавий эрди, ўлуб турур ва ул бириким, ожиз эрди, саломат ўлтуруб турур. Ани кўруб ҳамма таажжуб қилдилар. Ул вақтда бир ҳаким деди: “Бу ҳикмат таажжуб эрмасдур. Агар мунинг акси воеъ бўлса, таажжуб бўлур эрди, нединким, ул бири кўб таом емакка хўй этмиш эрди. Бу жиҳатдин очлик шиддатиға тоқат қила олмади, ўлди ва бу бири таомни оз емоқни одат этмиш эрди, ложарам сабр қилиб, ҳалокат оғатидин эмин бўлди. Андоқким, дебурлар.

### Қитъа:

72<sup>a</sup> Кишиға кам емак бўлса табиат,  
Қатиғлиғ келса бўлғай анга осон.  
Вагар худ кўб ебон танпарвар ўлса,  
Тура олмай<sup>2</sup> қатиғлиқга берур жон.

### Ҳикоят

Ҳукамонинг бири ўз ўғлиға кўп емакдин наҳй этиб, дедиким: “Кўб емак одамни ранжур қилур”. Ўғли деди: “Эй ота, одамни очлик ўлтурур, эшитмадингмуким, зарифлар дебурлар: “Очлик ранжин чеккандин, тўқлиқ билан ўлган яхшидур”. Отаси деди: “Ўлчак била егилким, чунончи будурким, “кулуу

<sup>1</sup> Кўлёзмада “сиёsat”.

<sup>2</sup> Матнда “таза олмай” Бизнингча, “тура олмай” тарзида ўқиш маъкул. Кўлёзмада бир нуқта ортиқча.

вашрабуу ва лаа тусрифуу”<sup>1</sup>.

### **Маснавий:**

Ема күб, ўйлаким бўғзингға етгай,  
Егил оз, ўйлаким жонроҳат этгай.  
Қоринни ул 72<sup>6</sup> сифат тўйдурма ҳар тун,  
Ки келтургай мусибат топмаган кун.

### **Ҳикоят**

Бир қассобнинг бир неча тангаси насия гўшт олған учун сўфийларнинг устиға йиғналмиш эрди. Қассоб ҳар кун тангасини талаб этиб, қатиғ сўзлар айтур эрди. Сўфийлар анинг таънасидин бағоят тангдил эрдилар ва ҳеч чора топмас эрди. Бир соҳибдил муни эшитиб, деди: “Қассобға танга бермак ваъда қилғандин нафсға таом бермак ваъда қилған осонроқтуур”.

### **Қитъа:**

Олмағандур яхши шаҳ инъомини,  
Ким кўрар бўлса жафо наввобдин.  
Яхшироқдур гўштни ўлган емай,  
Кўрганидин бир ситам қассобдин.

### **Ҳикоят**

Бир йигит тотор урушида 73<sup>a</sup> оғир яра кўтардн, анга дедиларким: “Фалон бозургонда нўшдору бордур, андин бир оз тилагнл, шоядким, дариғ тутмай бергай”. Айтурларким, ул бозургон баҳиллик билан машхур эрди. Ул жавонмард йигит деди: “Агар андин нўшдору тиласам, берарму-бермасму гумона туур ва агар берса, анинг манфаат қилури ва қилмаси номаълумдур. Ва хукамо дебдурларким, масалан, агар оби ҳаётни сотсалар лозимдурким, ани обрў бериб олмағайлар, нединким, миннат кўтариб тирик юргандин иллат бирла ўлган хўб яхшидур”.

### **Байт:**

Сенга хушхў киши гар берса туфрок,  
Ани бил дурру гавҳардин хўброк.

### **Ҳикоят**

---

<sup>1</sup> – وَكُلُواْ وَاَشْرِبُوْاْ وَلَاْ شُرْفُواْ – “Шунингдек, енглар ва ичинглар, (лекин) исроф қилмангизлар” (“Куръони карим” “Аъроф” сураси, 31-оят)

**73<sup>б</sup>** Уламодин бирининг таомхўри ва мутаалиқоти кўб эрди ва дахлу кафофи оз эрди. Ғанийлардин бириғаким, ани яхши киши гумон этар эрди, туршлиқ билан аҳволин баён этди. Ғаний анинг таваққуъидин юз эвурди. Аммо андоқ кишининг саволидин билкул таарruz қилмоқ назариға қабиҳ кўрунди.

### Қитъа:

Дўстунг олдиға борма туршрўй,  
Ким онинг айшини ҳам талх этгасен.  
Тозарў борғил на эрса ҳожатинг,  
Мақсадингға бу сабабдин етгасен.

Айтурларким, ғаний анинг вазифасин андак зиёда этди ва ихлосин кўб гум этди. Олим бир неча кундин сўнгра билдиким, анга ғанийнинг бурунғи иродат ва муҳаббати йўқдур. Ложарам, деди, **байт**:

Ноним афзун бўлди, лекин обрўйим бўлди кам,  
Бенаволиғ яхши кўргандин тамаънинг зиллатин.

### Ҳикоят

Искандарияда **74<sup>а</sup>** бир йил андоқ қаҳат ва ғало балоси воқеъ бўлдиким, халойиқнинг тоқати инони иликларидин кетти ва осмон ёмғур ва бўрон эшикларин Искандария юзига берк этди. Даҳр аҳлининг фиғон ва фарёди осмон авжига етти.

### Байт:

Бори инсону ҳайвону жамеъ жонварларнинг,  
Камоли бенаволиғдин фалакка чиқти афғони.

Ушбу йилда бир муханнаским, анинг васфин баён этмак адаб таркидур ва эҳмол тариқаси била ани айтмай ўтмак ҳам муносиб эрмасдур, токим, ғаразгўйлар фақирнинг ажзиға ҳамл этмагайлар. Бу сабабдин икки байт била ихтисор қилдимким, оз бўлса ҳам кўбдин ишорат ва овуч бўлса ҳам, харвордин иборат турур.

### Қитъа:

Кундузу кечада бу муханнаснинг  
**74<sup>б</sup>** Ғурби жумла олам устида.  
Ҳам бўлуб наҳр кўпруги янглиғ,  
Остида сув ва одам устида.

Мундок кишинингким, сифатин эшитдинг, ушбу ямон йилда неъмати бағоят кўб ва бегарон эрди ва ҳамиша мусофиirlарға зар берур эрди, тангдастларға суфра ёйиб таом едуур эрди. Ва

чун дарвешлар жамоаси қашшоқлиқ ва очлиғ шиддатидин жонлариға етмиш эрдилар. Ложарам, аниг даъватиға бормоқни илтизом этиб, менга мушовират қилдилар. Мен аларнинг раъйлариға мувофақат кўргузмай дедим, **қитъа**:

Емагай шер сарқутин итнинг,  
Ўлса гар очлиғда хору зор.  
Оч ўлуб ўлмагингга рози бўл,  
Сифладин луқма истама зинҳор.  
Гар Фаридун- **75<sup>6</sup>** дек ўлса неъматда,  
Киши деб беҳунарни қилма шумор,  
Кийса ноақл эгниға кимхо,  
Бордуур зарҳал айлаган девор.

### Ҳикоят

Бир дарвеш бир вақтда бир оз неъматга муҳтож бўлди. Бир киши анга деди: “Фалон кишининг неъмати бағоят кўб турур. Агар сенинг муҳтожлиғингдин хабар топса, таваққуф қилмай, ҳожатингни буткарур эрди”. Дарвеш деди: “Мен ани билмасмен”. Ул киши: “Мен бошлаб олиб борай”, деб қўлидин тутуб, ул соҳиби неъмат ғанийнинг олдиға еткурди. Дарвеш ани ул ҳолда кўрдиким, юзи бағоят совуқ ва лаби ошоқға осилған ва манглайи чину печон бўлған. Ани кўргач, ҳеч сўз демай, дарҳол изиға қайтди. **75<sup>6</sup>** Баъд аз йўлдоши сўрдиким: “На иш қилдинг?”. Дарвеш деди: “Аниг атосин лиқосиға бағишлидим”.

### Қитъа:

Туршрўй оллида арз этма ҳожат,  
Ки бад афъолидин фарсада бўлғунг.  
Дегил ҳар ҳожатинг, андоқ кишига,  
Ки яхши хўйидин осуда бўлғунг.

### Ҳикоят

Хотами Тойидин сўрдилар: “Ўзунгдин баланд ҳимматроқ кишини ҳеч кўрдунгму ва ё эшитдингму?” Анда Хотам деди: “Бир кун халойиқни меҳмон қилмоқ учун қирқ тева курбон қилмиш эрдим. Ул чоғда сахроға чиқиб кўрдимким, бир киши бир оз тикани чопиб кўтармак учун даста қилиб турур. Мен анга дедим: “Хотамнинг уйиға не учун бормас-**76<sup>a</sup>** сенким, кўб халойиқ аниг хони эҳсонига жамъ бўлмишлар?» Ул деди,

## **байт:**

Кимки нон ер чекиб ўзи меҳнат,  
Чекмагай Хотам илкидин миннат.

Хотам деди: “Ани ўзимдин баландхиммат ва жувонмард кўрдим”.

## **Ҳикоят<sup>1</sup>**

Мусо алайҳиссалом бир дарвешни кўрдиким, киймакка нимарса топмай қумға кириб ётмиш эрди. Ул дарвеш Мусо алайҳиссаломни кўруб деди: “Эй ҳазрати Мусо, бир дуо қил, то Худойи таъоло манга қудрат ва неъмат берсунким, бенаволикдин жонға етмишмен”. Баъд аз ҳазрати Мусо дуо қилиб ўтуб кетти. Бир неча кундин сўнг қайтиб ҳамул ерга келиб ул дарвешни гирифтор кўрдиким, атрофиға кўб киши жамъ бўлмишлар. Ҳазрати 76<sup>6</sup> Мусо алардин сўрдиларким: “Бу на ҳолдур?” Алар айдилар: “Бу киши арак ичиб маст бўлуб, арбада қилиб биравни ўлтуруб турур. Ҳоло қасос учун ани боғлаб олиб борурлар”. Ҳазрат алардин бу сўзни эшитиб, баъд аз бу байтнинг мазмуниға мутакаллим бўлуб ўтти, **байт:**

Улки, давлатдин сени қилмиш йироқ,  
Маслаҳат билгувчи сендин яхшироқ.

## **Ҳикоят**

Бир аъробийни кўрдимким, Басра жавҳарларининг аросида ўлтуруб ҳикоят қилур эрдиким: “Бир вақт бир биёбонда йўлдин адашиб эрдим ва озукдин ҳеч нимарса қолмамиш эрди ва ўлумға кўнгул қўймиш эрдим. Ногоҳ бир инжу тўла харита топиб, қовурмоч хаёл этиб, ниҳоятсиз шод бўлдимким, ҳаргиз ул шодлиғ ёдимдин чиқмағусидур. Сўнгра анинг инжу эрканин билиб, андоқ ноумид бўлдимким, ҳануз ул ноумидликнинг талхлиғи хаёлимдин кетмагусидур”.

## **Қитъа:**

Ташнанинг оғзида сувсиз дашт аро,  
Тенгдуур, гар бўлса дур ёхуд садаф.  
Тўшасиз қолған кишига бирдуур,  
Белида гар сийми бўлсун, гар хазаф.

---

<sup>1</sup> Бу ҳикоят С.Долимов нашрида берилмаган.

## Ҳикоят

Бир мусоғир бир сувсиз даштда йўлин йўғалтурмиш эрди, ҳам қувват, ҳам қути тамом бўлмиш эрди ва белида бир неча тангаси бор эрди. Ҳар нечаким, ҳар тарафга юз урди, йўл топмади. Охир очлиғдин ўлди. Сўнгроқ бир жамоа аниг устиға келиб, кўрдиларким, тангаларнн олдида қўюбдур ва бармоқи била ерга мундоқ ёзибдурким, **қитъа**:

Воғир ўлмоқ бирла зар дафъ этмагай,  
Очиқни тушасиз нокомдин.

**77<sup>6</sup>** Ким биёбон ичра оч ўлса, анга  
Хом шалғам яхши сийми хомдин.

## Ҳикоят

Подшоҳларнинг бири хосларидин бир неча киши била шикорға чиқиб, аморатдин узоқға тушдилар. Алғараз, кечгача юруб бир дехқоннинг уйиға ёвуқ еттилар. Ул ҳолда подшоҳ рафиқлариға қараб дедиким: “Бу кеча шул уйга борумиз, токим, совуқ заҳматидин эмин бўлғаймиз”. Анда вазирларининг бири деди: “Дехқоннинг уйиға бориб меҳмон бўлмоқ подшоҳнинг қадриға [лойик] эрмастурур. Баъд аз ушбу ерга тушуб, ҷодир қуруб ўт ёқармиз”, – деди. Дехқон мундин хабар топиб, дарҳол бир оз таом тартиб бериб, подшоҳнинг олдиға келтуруб, таъзим била ер ўпуб, деди: **78<sup>a</sup>** “Подшоҳнинг баланд қадри дехқон уйиға меҳмон бўлмоқ била паст бўлмас эрди ва лекин дехқоннинг қадрини баланд этмакни тиламайдурлар”. Алғараз, подшоҳға аниг сўзи хуш келиб, манзилиға борди ва кеча меҳмон бўлуб, тонг отғунча роҳат қилиб, андин сўнгр зар ва хильат инъом қилди. Дехқон подшоҳ қайтғанда рикобида бир неча қадам йўл юруб, дер эрди, **қитъа**:

Сенингдек шоҳнинг қадридин асло ҳеч бўлмас кам,  
Менингдек хор дехқон уйиға бўлмоқ била меҳмон.  
Вале дехқон кулоҳи гўшаси афлокдин ўтгай,  
Бошиға соя солса лутф айлаб, сен киби султон.

## Ҳикоят<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Бу ҳикоят С.Долимов нашрида берилмаган.

Эшитдимким, бир гадо **78<sup>б</sup>** күб мол жамъ этмиш эрди. Подшоҳларнинг бири ани чақириб дедиким: “Сенинг молинг бағоят фаровон эрмиш ва бизга бир оз мол даркор бўлубдур. Эмди сен шул молингни баъзисин бериб бизларга дастгирилик қилсанг. Атрофдин божу хирож келгандин сўнг молингни қайтиб берурмиз”. Анда гадо деди: “Эй подшоҳи олам ва эй султони бокарам! Тамаъ қўлин узатмоқ сенингдек баландхиммат подшоҳнинг қадриға лойик эрмастур. Нединким, гадолик била дона-дона жамъ этмишмен”. Подшоҳ деди: “Зарари йўқтурким, молингни кофирға берурмиз. Хabis нимарсалар хабис кишиларга **79<sup>а</sup>** муносиб туур, назм:

Насоро чоҳи суйи гар эмас пок,  
Жуҳуд мурда ювсам йўқ туур бок”.

Эшитдимки, гадо подшоҳнинг фармонин қабул қилмайдур ва бефойда далилу ҳужжат келтурмак бошлади. Подшоҳ буюрди, то зажру мусодара била андин босиб олдилар.

#### **Байт:**

Латофат бирла чунким бутмаса иш,  
Кетиб ҳурмат, келур, албатта, коҳиш.  
Киши ўз ҳолиға раҳм этмас изҳор,  
Не тонг раҳм этмаса ҳолиға ағёр.

#### **Ҳикоят**

Эшитдимким, бир бозургоннииг юз эллик тева моли ва қирқ banda хизматкори бор эрди. Бир кеча Кеш жазирасида мени қошиға чақирди ва баъд аз тонг отғунча тинмай паришон ва малолангиз сўзлар айтди, андок- **79<sup>б</sup>** ким, Туркистонда фалон миқдор амборим бордур ва Ҳиндустон[да фалон] чоғлиғ молим бордур. Бу хат фалон ернинг хатидур, фалон нимарсага фалон киши зомин туур”. Ва гоҳ дер эрдиким: “Искандария ҳавоси кўнгулға тушуб туур”. Ва яна дер эрдиким: “Диёрнинг ҳавоси дилкаш эрмасдур”. Яна деди: “Эй Саъдий, оллимда яна бир сафарим бордурур, агар андин фориғ бўлсам, қолған умримни бир гўшада ўткарурмен”. Мен дедим: “Ул на сафардур?” Ул деди: “Гугурдни Форсдин Чинга олиб борурмен, нединким, қиммати анда баланд эрмиш туур. Андин чиний косаларни Румға элтармен, андин Рум деболарин Ҳиндистонға еткуурман, андин хиндуйи **80<sup>а</sup>** фўлодларни Ҳалабга келтуурмен, андин ҳалабий шишаларни Яманға дохил қилурмен, андин

яманий бурдларни Форс[га восил қилурмен]. Андин сўнгра тижоратни тарқ этиб, дўконда ўлтуурмен”. Мундоқ моли-хулиё ҳарзалардин ул миқдор сўз айтдиким, менда эшитгудек тоқат қолмади. Сўнгра деди: “Эй Саъдий, сен ҳам бир сўзни дегил, қачонғача бу сўзларға рози бўлуб ўлтурасен?” Мен дедим, **Қитъа**:

Бир кишининг тушти маҳмилдин юки,  
Бир биёбондин қилур чоғда муур.  
Деди: “Дунёдорларнинг оч кўзи,  
Ё қаноат тўлтуур ё хоки гўр”.

### Ҳикоят

Бир ожиз сайёднинг домиға бир қувватлиғ балиқ тушди. Ани забт этгудек **80<sup>6</sup>** тоқати йўқ эрди. Балиқ анга ғолиб бўлуб, домни қўлидин олиб қочди.

### Қитъа:

Борди дарёға олғали сув ғулом,  
Зўр этиб сув ғуломни олди.  
Дойимо дом олур эди балиқ,  
Балиқ охирда домни олди.

Ўзга сайёдлар дариф еб, анга маломат қилдиларким: “Андоқ сайд сенинг домингға тушубдур, сен ани забт этиб сақлай олмамишсен”. Ул деди: “Эй ёрлар, на иш қилайким, менга ул балиқ рўзий бўлмамиш эрди ва умри туганмамиш эрди. Берўзий сайёд Дажладин балиқ тута олмағусидур ва беажал балиқ қирға чиқиб ўлмагусидур”.

### Ҳикоят

Қўл ва оёқи кесилган бир одам бир ҳазорпойни ўлтурди. Бир **81<sup>a</sup>** соҳибдил киши ани кўруб деди: “Субҳоналлоҳ, ул жониварнинг минг оёқи бўлса ҳам, ажали етган вақтда қўлсиз. оёқсиз кишидан қочиб, ўзин андин қутқара олмади”.

### Маснавий:

Лашкаре зўр агар етушса равон,  
Қолмағай ўқ отарға тобу тавон.  
Душмане отмайин бошиға каманд,  
Ажал этгай анинг оёқини банд.

### Ҳикоят

Бир ўғри бир гадойға деди: «Уялмасмусанким, бир нон учун бир лаимнинг оллида ожизлик аён этиб, қўлингни узатурсен?” Анда гадой деди, **байт**:

Қўл узатмоқлиқ улус оллида ёрим нон учун  
Яхшироқдур қўл кесилгандин ёрим анбон<sup>1</sup> учун.

### Ҳикоят

Айтурларким, бир муштзан **81<sup>6</sup>** ва зўрманд киши мухолиф даҳрнинг гардишидин фифонға ва тангдастликдин жонға етмиш эрди. Отасининг олдиға бориб, шикоят қилиб деди: “Манга ижозат бергилким, сафарға азм этгум, токим қўлимға ҳар на тушса, амон бермасмен ва қўлим қуввати била дунё ҳосил [қилғаймен ва] муроду мақсадға восил бўлғаймен, нединким, улуғлар дебдурлар, **қитъа**:

То дўкону уюнгғадурсан банд,  
Ҳаргиз, эй хом, бўлмағунг одам.  
Чиқиб уйдин жаҳонни сайд этгил,  
Андин аввалки, бўлғунг аҳли адам”.

Баъз аз отаси деди: “Эй фарзанд, агарчи сафарнинг манфаати кўб туур ва лекин сафар беш тоифаға мусалламдур. **82<sup>a</sup>** Аввал бозургонеким, неъмат ва макнат ва ғулом ва канизак ва чобук хизматкорлари кўб туур, ҳар кун бир шаҳрда ва ҳар тун бир мақомда роҳат қилиб, ҳар дам бир тамошагоҳда сайд этиб, дунё неъматларидин маҳзуз ва баҳраманд бўлурлар.

### Қитъа:

Мунъим ғаридашту биёбон аро эмас,  
Ҳар ерға борса қурғуси хиргоҳу боргоҳ.  
Ҳар кимсаким, муроди жаҳондин раво эмас,  
Ўз манзилида ғурбат аро ҳолидур табоҳ.

Иккиланчи олимеким, фасоҳат ва балоғат ва ширин сўзлари воситаси била ҳар ерғаким борса, хизматига келиб, ҳама халойик иззат ва икром қилурлар.

### Қитъа:

Келди дононинг вужуди ўйлаким покиза зар,  
Борса ҳар ерға билурлар халқ қадру қийматин.

<sup>1</sup> Бу сўзнинг қўлёзмадаги ёзилишида нұкталар жойлашуви уни “ибон” ёки “анбон” тарзида ўқиш имконини беради. Сўзни С.Долимов нашридагидек “ибон” деб ўқисак, “муқим бўлиш”, “анбон” деб ўқисак, “катта кисса”; “қорин” каби маънолар беради. Бизнингча, “анбон”нинг маъноси матнга мувофиқ.

Шаҳрдин чиқмас **82<sup>б</sup>** улуғзода, агар нодон эса,  
Не учунким, тутмағайлар ўзга ерда иззатин.

Учунчи хўбрўй дилбареким, соҳибдилларнинг кўнгуллари мулотифат этмакка майл этар, нединким, улуғлар дебурлар: “Кўб молдин оз жамол яхшироқдуур ва зебо юз хаста кўнгулларнинг марҳами ва боғлиғ эшикларнинг калиди туур. Ложарам, аниг сұхбатин ғанимат билиб хизматин жонлариға миннат тутарлар”.

### Назм:

Дилбарки, ҳусну лутф ародур ўйлаким парий,  
Ғам йўқ анга ота ва онадин эса нари.  
Ҳар ергаким, етушса талабгоридур улус,  
Дурри ятимга бўладур барча муштари.

Тўртланчи хушвозеким, нағмайи довудий била сувни жараёндин ва қушни тайрондин қолдуур. Бас, бу фазилат василаси била **83<sup>а</sup>** барчанинг кўнгулин сайд этар ва маъни аҳли аниг мулоғиматиға рағбат кўргузурлар.

### Қитъа:

Хуш ўлғуси овози хуш нағмаси,  
Оларғаки бўлғуси масти сабух;.  
Эрур хўбрўдин хуш овози хуш,  
Ки ул ҳази нафс ўлди, бу қуввати рух.

Бешланчи ҳунарвареким, билагининг қуватти била егудек нимарса ҳосил қилур, то нон учун обрўй тўкулмагай, андоқким, дебурлар, **қитъа:**

Бўлса ғарib айрилибон шаҳридин,  
Чекмагуси хорлиғ аҳли ҳунар.  
Мамлакатидин агар ўлса жудо,  
Ётғуси оч подшоҳи баҳру бор.

Эй фарзанд, бу сифатларниким эшийтдинг, сафарда хотир жамъиятининг сабабидур. Ҳар кишиким, булардин бебаҳрадур, ботил хаёл била ўз диёридин айрилиб, оворалиғ биёбонига юз ураг, сўнгра ҳеч киши аниг ном ва нишонин **83<sup>б</sup>** эшиитмас.

### Қитъа:

Кишики, чарх аниг гинасини қасд этса,  
Йўл анга кўргузур овворалиқ сари айём.  
Гар ўлса қушға насиб ошёндни айрилмок,  
Қазо ани қиладур мубталойи донаву дом”.

Ўғли деди: “Эй ота, ҳукамонинг сўзиға нечук ихтилоф

қилурменким, дебдурлар: “Агарчи ризқ мақсумдур, аммо аниңгасбобиға қўл урмоқ шартдур ва агарчи бало муқаддардур. Аммо онинг духули эшигидин ихтиroz этмак вожибдур.

### Қитъа:

Гарчи етгусидур гумонсиз ризқ,  
Истамак шарт келди ҳар дардин.  
Гарчи ўлмас киши ажал етмай,  
Қочмоқ авло даҳони аждардин.

Чун мендаким, бу сурат ва бу қувват бордур, фили дамонға дакка урғумдур ва шери жаёнға **84<sup>a</sup>** панжа еткургумдур. Бас, маслаҳат улким, сафар қилурмен, нединким, мундин зиёда бенаволиқға тоқатим йўқ турур.

### Қитъа:

Чун ҳар киши гар этса сафар ўз мақомидин,  
Не ғам ангаки, жумла офот жойидур.  
Кеча ғанийлар айласа роҳат саройида,  
Дарвешнинг на ерда кеч ўлса саройидур”.

Бу сўзни айтиб, отаси била видолашиб равон бўлди. То бир улуғ сувнинг канориға етдиким, салобатидин тош тошға тегар эрди ва хуруши бир тош ерга етар эрди. Маъбарида бир жамоани кўрдиким, кемага юкларин солиб кетарга муҳайё бўлуб турмушлар. Аларнинг қошиға бориб кўп зорлик қилди, алар анга ёрлиғ **84<sup>b</sup>** қилмадилар ва кемачи аниңг бенаво эрканин билиб, таъна ва сарзаниш қилди, мурувват кўргузмай кемани сув ичига сурди.

### Байт:

Бўлмаса зар зўр ила дарёдин ўтмак бўлмағай,  
Бир кишининг зарри яхши ўн кишининг зўридин.

Баъд аз кемачининг таънасидин йигитнинг кўнгули озурда бўлуб, тиладиким, андин интиқом олғай, аммо кема узокроқ кетмиш эрди, дарҳол қичқуруб дедиким: “Агар мени карам қилиб кемага минурсанг, эгнимдаги ушбу либосимни берурмен”. Кемачи тамаъ этиб кемасин қайтарди.

### Байт:

Шараманд<sup>1</sup> этар дийдайи ҳушманд,  
Тамаъ кўб қилур мурғу моҳийни банд.

Баъд аз йигит кемачининг сақолин ва яқосин тутуб, ўзига

<sup>1</sup> Кўлёзмада شرہ بند “шарабанд”. Аслида شرہ بند “шараманд” – очкўз, ҳарис.

чекиб, бемухобо урди. Баъд аз бу ҳолни **85<sup>a</sup>** кемачининг ёри кўруб йўлдошиға ёрий бермак учун кемадин [чиқиб] анга ёрий бермак тилади. Ул йигитнинг мушти қувватин ва дуруштлиги шиддатин кўруб, ҳазимат сари юз эвурдилар. Охируламр ул жамоа масолаҳа этиб, ани кемага музд олмай миндурмакдин ўзга чора топмадилар. Ложарам, ўтган ишнинг узрин қилиб оёқига йиқилдилар, бошин ва юзин бўса қилдилар. Кемага миндуруб равон бўлдилар, то Юнон аморатидин қолған бир сутунға етдиларким, сув ичида турмиш эрди. Ул чоғда кемачи деди: “Кемага бир халал воқеъ бўлубтур. Сизларнинг орангизда қайси киши қавий ва зўрманд бўлса, бу сутунға **85<sup>b</sup>** чиқиб, кеманинг танобин тутуб турсун, то мен кеманинг бузулған жойин тузатай”. Ҳамул йигит диловарлигига мағрур бўлуб, озурдадил бўлған ҳасмдин андиша қилмадиким, хукамо дебдурлар: “Ҳар кишининг кўнглига бир ранж еткурган бўлсанг, ҳамул ранждин эмин бўлмағил, нединким, пайкон жароҳатдин ташқари чиқар ва озори кўнгулда қолур”.

### Қитъа :

Билгил, албатта, тангдил бўлғунг,  
Танглик бирла кўнгулга еткурсанг,  
Ёғусидур бошинг уза юз тош,  
Қалъанинг борусиға<sup>1</sup> тош урсанг.

Далирлик қилиб, кеманинг танобин билагига чўлғаб сутун узра чиқди. Кемачи қўлидин зўр билан танобни тортиб олиб, кемани сурат била сурди. Ул йигит **86<sup>a</sup>** бечора мутахайир сутуннинг устида қолиб кўрдиким, уч кунғача сутун устида ёпушуб турди, учунчи кун уйқу ғалаба қилиб сувға йиқилди, сесканиб уч кеча-кундуз муддатида юзуб ва қалқиб бир канорға чиқтиким, жонидин рамақи қолмиш эрди. Дараҳтларнинг юфроқларин ва тамурларин еб, андак қувват топиб биёбонға озим бўлди. Нихоятсиз очлиғ ва ташналик бирла бир қудук бошиға этиб, бир жамоани кўрдиким, бир ерда жамъ бўлуб, таом еб, шарбат ичиб ўлтурмишлар. Ул йигитнинг ҳеч нимар- саси йўқ эрди, талаб этти ва бечоралиғ кўргузди. Алар онга ҳеч тараҳҳум этмадилар ва мурувват қилмадилар. Охируламр ул йигит таадди **86<sup>b</sup>** қўлин кўтариб, неча кишини уруб йиқди ва алар ҳам иттифоқ била анга ғалаба этиб, уруб

<sup>1</sup> Кўлёзмада بارو. Бизнингча, – қалъа девори.

барча аъзосин мажрух этдилар.

### Қитъа:

Жамъ бўлуб пашша йиқар филни,  
Гар анга кўб қувват ила иҳтишом.  
Қилса агар мўрчалар иттифоқ,  
Шери жаёндин чекадур интиқом.

Охиуламр заруратдин бир корвоннинг изини кўриб аниг кейинидин кетти. Кеча бир манзилға еттиким, анда ўғридин хавф-хатар кўб эрди. Анда корвонни кўрдиким, хавфдин аъзолариға ларза етушти ва алар ҳолиға етушуб эрдилар. Аларға деди: “Хеч нимадин андиша қилманларким, сизларнинг орангизда менинг бир ўзум эллик мубориз мардга жавоб айтурман ва ўзга йигитлар менинг изимдан туруб ёри берсунлар”. Бу сўзни айғандин **87<sup>a</sup>** сўнгра корвон аҳлиниг кўнгуллари аниг лофидин қувват топиб, сухбатидин шодмон бўлдилар ва таом ва шароб бердилар. Ул йигит иштаҳо била таомни еб, шаробни ичиб, кўнгули оромида бўлуб уйқуға борди. Аммо корвон орасида кўб кишини кўрган ва кўб ишни тажриба қилған бир қари киши бор эрди. Ул деди: “Эй ёрлар, мен сизларнинг бу бадрақангиздин андок кўрқарманким, ўғридин ул масоба қўрқмасмен. Айтурларким, бир аъробийнинг бир неча тангаси бор эрди. Кечаси ўғри ташвишидин уйида ёлғуз ёта олмас эрди. Ўз дўстларидин бирисин чақириб аниг бирла бир неча муддат ҳамсухбат бўлди. Ул дўсти аниг тангасидин огоҳлик топиб, бир кеча фурсат топиб **87<sup>b</sup>** ўғурлаб олиб кетти, тонгла кўрдиларким, араб гирён ва урён туур. Бир киши деди: “Бу на ҳол туур, магар тангаларингни ўғри олибдур. Ул деди: Воллоҳки, ўғри олмади, бадрақа қилған дўстим олди.

### Қитъа:

Эмин ўлтурмадим йилондин ҳеч,  
Токи билдим, анга недур хислат.  
Ичиди бор адовати заҳри,  
Гар мулойим эрур анга сурат.

На билурсизларким, бу ҳам ўғрилар жумласидин бўлғай-ким, айёрлик била бизларнинг орамизға келмиш бўлғай, то фурсат топиб, ёрлариға хабар бериб, иттифоқ била устимизга тўкулуб, амволимизни ғорат этгай, эмди маслаҳат улким, ул уйқуда ётған чоғда тамоми юкларимизни кўтариб кетали, ул уйқуда қолсун”.

Ул қарининг тадбири йигитларга **88<sup>a</sup>** маъкул тушуб, юкларини юклаб, ул йигитни ташлаб кетдилар. Баъд аз ул йигит тонгла устига куёш тушгандин сўнгра уйқудин туруб, кўрдиким, корвон кетибдур, бечора бўлуб ҳар тарафға югурди, ҳеч ерга йўл элта олмади, ташналиқдин ўлумға кўнгул қуюб, дер эрди.

### **Байт:**

Гурбат аҳли қадрини билмас киши.

Токи ғурбат бирла тушмайдур иши.

Ул йигит бу сўзда эрдиким, бир подшоҳзода бир сайднинг изидин қовуб, лашкаридин йироқ тушуб, анинг устидин келди. Ҳайъатиға қараб, зоҳири суратин покиза кўруб, сўрдиким: “На одамсен ва бу биёбонға нечук тушдинг?”

Ул бошидин ўтган воқеани тақрир қилди. Шаҳзода анинг ҳолиға **88<sup>b</sup>** раҳм этиб, хилъат ва неъмат берди ва бир мұтамад кишисига ул йигитни топшуруб, ўз вилоятиға йиборди. Отаси ани кўруб шодмон бўлди. Анинг саломат келгани учун кўб шукр этди ва кеча атосининг хизматида ўлтуруб кеманинг ҳолин ва кемачининг ва сахроийларнинг жафосин, корвонийларнинг узрин ва барча бошидин ўтган воқеаларни отасиға тақрир этди. Отаси деди: “Эй фарзанд, кетар вақтингда демадиммуқим, тухидастларнинг далирлиги қўли синуқ ва шерлиги оёқи чопуқдур”. Ўғли деди: “Эй ота, то ранж чекмай, ганж ҳосил бўлмас ва то жонни хатарға солмай, душманға зафар топиб бўлмас, то дона сочмай ҳосил **89<sup>a</sup>** олиб бўлмасдур. Кўрмасмусанким, оз ранж чекмак била на чоғлиқ роҳат ҳосил этдим ва бир ниш емак била на миқдор асал олиб келдим.

### **Маснавий:**

Гарчи қисматдин фузун бўлмас емак,

Шум эрур, лекин талаб тарқ айламак.

Ўзни гар офот фикриға солур,

Дур қачон ғаввос илкига олур.

Осиёning ошоқ тоши ҳаракат қилмаған жиҳатидин ҳамиша оғир юқ остидадур”. Отаси деди: “Эй фарзанд, бу навбат фалак ёварлик ва иқбол раҳбарлик қилдиким, бир соҳибдавлат сенинг бошинг устиға етубдур ва сенга карам ва тараҳхум этибдур. Мундок иш кам воқеъ бўлғусидур ва мунга хукм айтиб бўлмагусидур”.

### **Байт:**

Сайёд домини қуруб **89<sup>б</sup>** ҳар кун шағол этмас асир,  
Бир кун бўлурким, айлагай шери нар ани дастгир.

### Ҳикоят

Андоқким, Форс подшоҳларидин бирининг хотамида бир баланд қиймат нигини бор эрди. Бир кун сайру тамошо тариқаси била ўз хосиди бир неча кишини ҳамроҳ этиб, Шероз шахридин чиқиб, Мусалло отлиғ майдонға борди ва буюрди, то ҳамул хотамни Азудуд-давланинг<sup>1</sup> гумбазига наслб этдилар, то ҳар киши ўқ отиб, ўқин ҳамул хотам ҳалқасидин ўткарса, хотамни ул киши олсун.

Иттифоқо, хизматида тўрт юз қодирандоз ўқчи бор эди. Барчасининг ўқи хато тушти, магар, бир ёш ўғлонким, бир учокнинг устида **90<sup>a</sup>** ўйнаб, ҳар тарафға ўқ отар эрди. Ногоҳ боди сабо анинг ўқин кўтариб, хотам ҳалқасидин ўткарди. Подшоҳ анга кўб неъмат ва хилъат бериб, ҳамул хотамни дағи карам қилди. Айтурларким, андин сўнг ўғлон ўқ ва ёсин ўтға ёқди. Андин сўрдиларким: “Не учун мундок қилдинг?” Ул ўғлон жавоб бердиким: “Бурунғи отғанимнинг равнақи кетмай жойида турсун деб қилдим”.

### Қитъа:

Гаҳ бўлурким, ҳаким илкмдин  
Келмагай жаҳд бирла бир тадбир.  
Гаҳ бўлурким, ўюн аро гўдак  
Ғалат айлаб уор нишонага тир.

### Ҳикоят

Бир дарвешни эшитдимким, бир гор ичида ўлтуруб, эшикин **90<sup>б</sup>** жаҳон ҳалқининг юзиға боғламиш эрди ва ҳиммати назарида подшоҳ ва вазирнинг ҳайбат ва шавкати қолмамиш эрди.

### Қитъа:

Ким юзиға очар савол эшикин,  
Ўлгуча ул ниёзманд бўлур.  
Ҳирсни ташла, подшаҳлик қил,  
Бетамаъ эл боши баланд бўлур.

Ул тарафнинг подшоҳларининг бири анга ишорат

<sup>1</sup> Кўлёзмада – پلاکى نېنگ ”пилокининг”. “Пилок”нинг муайян белгиланган худуд маъноси ҳам бор. Бу ўринда С.Долимов нашридагидек берилди.

қилдиким: “Сизнинг карамингиздин умидвормизким, бу кун бизга меҳмонсиз, нон ва намакда мувофақат кўргузсангиз”. Дарвеш ризо берди, анинг учунким, даъватни қабул қилмоқ суннат турур. Сўнгғи кун подшоҳ дарвешнинг мақомига борди. Дарвеш подшоҳни кўргач, жойидин турди ва қучоқига **91<sup>a</sup>** олиб, хизмат шартин бажо келтурди. Сано айтиб, кўб лутф ва хулқи хуш зуҳурга еткурди. Подшоҳ кетгандин сўнгра мажлис аҳлидин бир одам дарвешдин сўрдиким, подшоҳнинг ҳаққида бу кун мунча мулотифат қилмоқингиз одатға хилоф эрди. Дарвеш деди: “Бу маънини эшиitmадингмуким, соҳибдиллар дебдилар, **байт**:

Хон агар ҳар ким оллида ёйсанг,  
Хизматига қиём эрур вожиб.

**Маснавий:**

Бўлмағуси ҳеч қулоқға зарар,  
Етмаса овози на-ю чанг агар.  
Бўлмаса гар кўзға тамошойи боғ,  
Анда ҳам ўз ҳолида бўлғай фароғ.  
Бўлмаса гар уйку чоғи муттако,  
Бошға бўлур тош дағи муттако.  
Лек қоринким, кўб эрур **91<sup>b</sup>** офати,  
Бўлмағуси ҳеч нима тоқати”.

# ТҮРТЛАНЧИ БОБ

## ХОМУШЛИҚ ФАВОЙИДИ ЗИКРИДА

### Ҳикоят

Дўстларнинг биридан сўрдумким: “Сўз демакдин имтиноъ кўргузмак на иллат била ихтиёр этилди?” Деди: “Ул иллат билаким аксар авқот сўзда яхши ва ямон воқеъ бўладур. Душманларнинг кўзи ёмондин ўзгага тушмагус”. Мен дедим: “Яхшироқ улким, душман кўзи яхшилиқни кўрмагай”.

### Қитъа:

Хунар адув кўзиға кўринур улуғроқ айб,  
Агарчи Саъдий эрур гул, адувға хордуур.  
Нечаки меҳр зиёбахш келди оламға,  
Ва лек шаппара кўзиға зишт, тордуур.

### Ҳикоят

Бир бозургонға бир сафарда минг тилло заар бўлди. Ўғлиға **92<sup>a</sup>** деди: “Бу сўзни ҳеч кишига айтмағил”.

Ўғли деди: “Фармонбардормен ва лекин тиларменким, мунинг фойдасин менга айтғил, то огоҳлиғ топайким, пинҳон тутмоқда маслаҳат недур?” Отаси деди: “Маслаҳат улким, бир мусибат икки бўлмағай, бири фойданинг нуқсони, яна бири ҳамсоянинг шамотати”.

### Байт:

Ғамингдин душманингга дема ҳеч қавл,  
Ки дегай шодлиғлар бирла: “Ло ҳавл”.

### Ҳикоят

Бир хушманд йигитнинг фазойили фунундин воғир ҳаззи ва сўзламакдин ноғир табъи бор эрди. Ҳар нечаким, донишмандларнинг мажлисларида ўлтуур эрди, асло сўз айтурға тил очмас эрди. Бир кун отаси деди: “Эй фарзанд, [сен] дағи **92<sup>b</sup>** ҳар на билганингни айтғил”. Ул деди: “Кўрқаменким, бир нима сўрсалар, мен ани билмасам, шармсор ва хижолатманд бўлғаймен”.

### Қитъа:

Қоқар эрди, эшитки, бир сўфи  
Мих кафшининг остиға маҳкам.

Тутубон ани, деди бир сарҳанг:  
“Наъл қоқғил менинг отимға ҳам”.

### Ҳикоят<sup>1</sup>

Мўътабар уламодин бири бирла малоҳида<sup>2</sup> аросиға мунозара ва мухосама тушти. Олим ани ҳужжат била мулзам қила олмади, бошини қуи солиб, туруб кетти. Бир киши анга деди: “Мунча илму фазл била ва дониш бир бединнинг баробарида санга ҳеч ҳужжат қолмади”. Олим деди: “Менинг илмим “Қуръон”у ҳадис 93<sup>a</sup> ва машойих сўзидур ва анинг буларга эътибори йўқ туур ва қулок солмағусудур. Бас, анинг куфрин эшитмак менга на баркордур”.

#### Байт:

Тутмаса ҳар ким “Қуръон”у хабар сори қулок,  
Берсанг, ҳеч жавоб ўлғай анга яхши жавоб.

### Ҳикоят

Жолинус ҳаким бир аблахни кўрдиким, қўлин бир донишмандинг яқосиға еткуруб, неча навъ беҳурматлик билан ҳақорат берадур. Деди: “Агар бу доно бўлса эрди, иши анингдек нодон била бу мартабаға ҳаргиз етушмас эрди”.

#### Байт:

Киши гар бўлса ақлу донишосор,  
Уруш жоҳил била ҳеч этмас изҳор.

#### Маснавий:

Биравга қилди бир бадхўй дашном,  
Қилиб сабр ул деди: “Эй хўбфаржом,  
Сенинг бу деганингдин ҳам ямонмен,  
Ки ўз айбимға асру хурдадонмен”.

### Ҳикоят

Саҳбони Воилни сўз айтурда беназир, дер эрдилар. Ул жиҳатдинким бир йил бир жамоанинг орасида ўлтуруб сўз айтса, бир калимани мукаррар айтмас эрди. Подшоҳ ҳазратида надим бўлғанларнинг адаб жумласидин бири будурким, сўзни мукаррар демакдин ижтиноб қилғайлар.

#### Байт:

<sup>1</sup> Бу ҳикоят С. Долимов нашрида берилмаган.

<sup>2</sup> 1. “Мулҳид” – коғир сўзининг кўплиги. 2. Ҳасан Саббоҳ издошлари.

Чу сўз нечаким, софу ширин эрур,  
Сазовори таъзиму таҳсин эрур.  
Мукаррап ани айламак хўб эмас,  
Ки ҳалвони бир егилу айла бас.

### Ҳикоят

Эшитдимким, ҳакимлардин бири дер эрди: “Ҳаргиз ҳеч киши ўз жаҳлиға иқрор қилмамишдур. Магар ул кишиким, яна бир одам сўз айтиб турған ҳолда сўзин тамом этмасдин бурун орасиға суқулуб **94<sup>а</sup>** сўз бошлиғай”.

### Маснавий:

Оёқу боши сўзниң ўлмиш тўкуз,  
Сўз ўртасиға ҳеч келтурма сўз.  
Ақллик киши ҳеч демас калом,  
Каломин бирав қилмағунча тамом.

### Ҳикоят

Султон Маҳмуднинг бандаларидин бир нечаси Ҳасан Маймандийдин сўрдиларким: “Султон бу кун фалон маслаҳатда на сўз сенга деди?” Ҳасан Маймандий деди: “Ул сўз сизларга ҳам пўшида қолмас”. Алар деди: “Ул сўзни сенга айтур, бизнингдекларга ани айтмоқни раво кўрмагусидур”. Ҳасан деди: “Менга ул эътимол била сўз айтурким, аниң сиррини айтмағумдур, бас, невчун ани мендин сўрарсизлар?”

### Байт:

На сўз эшитса ани демакдур оқил иши,  
Ки шоҳ сиррини деб, бошини берурму киши?

### Ҳикоят<sup>1</sup>

Фақир бир уйни **94<sup>а</sup>** сотғун олмокда мутараддид эрдим, бир жуҳуд деди: “Мен бу маҳалланиң кадхудоларидин [мен] ва бу уйни айбу ҳунарин барчадин яхши билурмен. Олғилким, бағоят яхши уйдур, ҳеч айби йўқ турур”. Мен айдим: “Анга сенинг ҳамсоялиғинг улуғ айбдур”.

### Қитъа:

Ҳар уйеким, сен анга қўнгшисен,  
Ўн бузук тангадур баҳоси аниң.

<sup>1</sup> Бу ҳикоят С.Долимов нашрида берилмаган.

Лекин уммидким, сен ўлган сўнг  
Минг бўлур қиймати<sup>1</sup> тиллоси аниng.

### Ҳикоят

Бир порсоға амакилари авлоди таракасидин кўп молу неъмат етушди. Ул мол ва неъмат кўплугидин фиску фужур ва бебоклик тариқасиға тушди, андоқким, жаҳонда ичмаган шароби ва қилмаған исёни қолмади. Фақир бир кун анга дедим: “Эй фарзанд, дахли оби равон ва харжи осиёйи гардондур. Фаровон харж этмак андоқ кишига мусалламдурким, фаровон дахл анга муайян бўлмиш бўлғай”.

### Қитъа:

Чу дахл оз ўлса, харжинг оз қилғил,  
Ки айтурлар кемачилар суруди,  
Ки “Гар ёғмас эса тоғ узра ёғмур,  
Бўлур бир йилда Дажла хушк руде”.

Бир неча муддатдин сўнг кўрдумким, яна бурунғидек фиску фужурға машғулдир. Мен яна анга дедим: “Ақл ва адаблик бўлғил ва лаҳву лаъбни тарк этгилким, чун мол тамом бўлса, қатиғлиғ чеккунгдур ва пушаймонлиғ егунгдур, аммо фойда қилмасдур”. Порсо нозу наим ва ҳавоу ҳавас лаззатиға мустағрақ бўлмиш эрди, бу сўзларни эшитмай мендин юз эвурди ва деди: “Бугуннинг роҳатин сўнгғи куннинг ташвиши била тийра қилмоқ **95<sup>6</sup>** хирадмандлар раъйининг хилофидур”.

### Байт:

Кишиким, бор эса яхши қилиқлик,  
Қатиғлиғ биймидин чекмас қатиқлик.  
Тараб қил, анчаким бор эрса матлуб,  
Емак тонгла ғамин бугун эмас хўб.

Кўрдумким, менинг насиҳатимни қабул этмагусидир. Охируламр, сухбатни тарк этдим ва саломат гўшасида ўлтурдум. Бир оз муддатдин сўнг кўрдумким, менинг айтғанимдек ҳоли сурати тағайюр топиб, бенаволикдин руқъя устига руқъя еткарур ва луқма устига луқма йиғадур. Кўнглум аниng ҳолиға куйди ва ул ҳолда аниng кўнгли жароҳатиға маломат била харош еткуруб, намакпошлиғ қилмоқни муруватдин кўрмадум ва ўз кўнглумға дедим.

<sup>1</sup> Кўлёзмадаги “қиммати”дан кўра “қиймати” – “баҳоси” шакли тўғри.

### **Маснавий:**

Чу сифла масть ўлуб ўзини билмас,  
Сочар нақдин, сўнгин андиша қилмас.  
Хазон **96<sup>a</sup>** баргин шажар сочғуси ҳар ён,  
Қолур мундин зимиштон ичра урён.

### **Ҳикоят**

Шоирларнинг бири ўғрилар амирининг қошиға бориб, анга сано айтди. Амир буюрди, то аниг либосин эгнидин олиб, ўзин ташқари чиқариб қувуб йибордилар. Шоир ҳам яланғоч бўлуб, совуқ еб борур эрди, итлар изиға тушуб, ҳужум этиб қопмоқ бошладилар. Ул итларни урмоқ учун тош ахтариб, қўлини ерга урди, ерда муз тўнгмиш эрди, ожиз бўлуб, деди: “Бу нечук ҳаромзода одамлардурким, итни бўш йибориб, тошни боғламишлар”. Ўғриларнинг амири даричадин қараб ўлтуруб эрди, аниг бу сўзини эшитиб кулди ва ҳолига раҳм этиб, деди: “Эй ҳаким, мендин **96<sup>b</sup>** бир нима тилагил!” Шоир деди: “Агар тараҳхум қилсанг, ўзумнинг либосимни тиларман”.

### **Байт:**

Одам умидвор бўлур халқ молиға,  
Сендин умид айламон, озор бермагил.

Амир бу сўздин хушҳол бўлди ва либосиға бир пўстин ва бир неча тангани қўшуб берди.

### **Ҳикоят**

Бир мунажжим ташқаридин келиб уйига кирди, кўрдиким, бир бегона одам хотуни била ўлтурубдур. Анга дашном этди, ул дағи мунга дашном этиб, уруш бошлаб фитна ва ошуб тургудилар. Бир соҳибдил ул ҳолдин хабардор бўлуб, деди, **байт:**

На билурсен фалакнинг ашколин,  
Билмагунг ўз уюнгнинг аҳволин.

### **Ҳикоят**

Бир бадовоз хатиб ўзин ўз хаёлиға хушваз **97<sup>a</sup>** билур эрди ва бефойда фарёд қилур эрди ва андоғ бадовоз эрдиким, гўё “инна анкара-л-асвот...”<sup>1</sup> ояти аниг шаънида нозил эрди ва қариянинг<sup>2</sup> одамлари анга ёвуқлик иллатидин кўб балийят

<sup>1</sup> إِنْ أَنْكَرَ الْأَصْنَوَاتْ لَصَوْثُ الْحَمْبِرْ – (“Куръони карим” “Лукмон” сураси 19-оятидан иқтибос)

<sup>2</sup> Қария – қишлоқ

чекар эрдилар ва анга изо еткурмакни маслаҳат кўрмас эрдилар. То бир кун ул иқлимнинг хатибларидин бирисиким, анга пинҳоний адовати бор эрди, ани кўрмакка келиб, деди: “Мен андоқ бир туш кўрмишменким, сен бағоят хушвоз бўлмишсен ва халойик сенинг нафасингдин ҳама роҳатда-дурлар”. Хатиб бу сўзни эшитиб, бир лаҳза андиша этиб, деди: “Бу бир муборак тушдурким, кўрмишдурсен ва мени айбимдин хабардор қилдинг. Маълум бўлди<sup>1</sup>- **97<sup>b</sup>**ким, менинг овозим бағоят нохуш эркантур ва халқ ани эшитиб кўб ранж чекар эрканлар. Мен эмди аҳд этдимким, мундин буён хутба ўқумағаймен. Агар ўқусам, оҳистароқ ўқиғаймен”.

### Қитъа:

Қочармен уйла ноқис дўстдинким,  
Менга айбим ҳунар кўргузгусидур.  
Борурман, уйла душманинг қошиға  
Ки деб айбимни ҳолим тузгусидур.

### Ҳикоят

Бир киши Санжор шаҳрининг масжидида тавъ ва рағбат била аzon айтур эрди. Андоқ бадовоз эрдиким, эшиитган халқ андин нафрат этиб, қочар эрдилар ва масжид соҳиби бир амир эрдиким, бағоят одил ва нексийрат эрди, ҳеч кўнгулға озор бермакни тиламас эрди, охир деди: “Эй жавонмард, **98<sup>a</sup>** масжиднинг бурундин бир неча муаззини бордур ва аларнинг ҳар бирин беш тилло муқаррар қилиб тутмишмен. Сенга ўн тилло берурмен, токим, сен бошқа жойға борғил”. Ул киши бу сулҳни қабул этиб, ҳамул масжиддин кетти. Бир оз муддатлардин сўнг яна қайтиб амирнинг олдиға келиб, деди: “Эй амир, менинг ҳаққимға жабр қилмишсен, нединким, мени ўн тилло бериб ул масжиддин чиқариб йибордунг, ҳоло борған жойимдин бошқа жойға кетгил деб йигирма тилло берурлар. Мен қабул қилмасмен”. Амир хандон бўлуб, деди: “Зинҳор қабул қилмағилким, эллик тиллоға рози бўлурлар”.

### Байт:

Унинг анингдек этар халқға хароши дил,  
Ки теша анча йўна олмағуси тошдин гил.

---

<sup>1</sup> Бу сўз икки марта ёзилган.

## **Хикоят**

Бир бадовоз киши “Куръон”ни баланд садо бирла **98<sup>б</sup>** ўкур эрди. Бир сохибдил ани эшитиб, анга деди: “Сенинг на миқдор вазифанг бордуур?” Ул деди: “Хеч вазифам йүқдур”. Сохибдил деди: “Бас, не учун ўзунгга мунча захмат берурсан?” Ул деди: “Азбаройи худо ўқурмай”. Анда сохибдил деди: “Азбаройи худо, ўқумағил!”.

## **Байт:**

Сен агар “Куръон” ўқурсен бу сифат,  
Қолмағай ислом динда манзилат.

## БЕШИНЧИ БОБ

### ИШҚ ВА ЙИГИТЛИК ЗИКРИДА

#### Ҳикоят

Ҳасан Маймандийдан сўрдиларким: “Султон Маҳмуднинг соҳибжамол бандаси бағоят кўбдур. Ҳар бири яктойи замон ва ҳайрататозойи аҳли жаҳондур. Нечун Аёз янглиғ аларнинг ҳеч бириға майл ва муҳаббати йўқтурким, Аёзниң ҳусни аларнинг ҳеч бириси чоғлиқ **99<sup>a</sup>** эрмастурур”. Ҳасан Маймандий деди: “Ҳар нимарсаким, кўнгулга маҳбуб тушса, кўзга хўб кўрунур”.

#### Маснавий:

Кимгаким, подшоҳ мурид ўлса,  
Кўрунур пок агар палид ўлса.  
Кимгаким, подшоҳ назар қилмас,  
Кўзига ҳеч бир киши илмас.

#### Ҳикоят

Айтурларким, бир хожанинг бир соҳибжамол бандаси бор эрди. Анга маваддат ва диёнат тариқаси била назар этар эрди. Бир кун дўстларининг бириға деди: “Эй дариғ, менинг бу бандамда мунча ҳусн ва жамол бордурким, агар узун тили бўлмаса эрди, бағоят яхши бўлур эрди”. Анда дўсти деди: “Эй биродарлар, чун анга муҳаббат пайдо қилмишсен, эмди андин хизмат умиди қилмағил, не учунким, чун ошиқлик ва маъшуқлик ораға кирди, моликлик ва мамлуклик ўртадин **99<sup>b</sup>** кўтарилди”.

#### Байт:

Хожа гар хўбрўй banda била  
Қилса бозий ва айласа ханда.  
Тонг йўқ, ул хожадек суруб ҳукмин,  
Чекса бу нозин уйлаким banda.

#### Ҳикоят

Бир порсони кўрдимким, бир кишининг муҳаббатиға гирифтор бўлуб, кўнглида сабру тоқат ва тилида сўз дерга қувват қолмади. Ҳар нечаким маломат кўруб, ғаромат чекар эрди, асло тарқ этмас эрди ва дер эрди: “Агар ўлсан ҳам ишқи этагин кўлумдин йибормагумдур”. Факир бир марта анга

маломат қилиб, дедим: “Нафис ақлингға на бўлдиким, хасис нафс сенга ғолиб бўлубдур”. Ул бир лаҳза фикр этиб, деди.

### Қитъа:

Қолмағай келса агар султони ишқ,  
Куввати бозуи тақвоға маҳал.

**100<sup>a</sup>** Найлаб ўлсун покдоман ул киши,  
Ким бошидин то аёқидур ваҳал.

### Ҳикоят

Бир кишининг кўнгли илкидин кетиб, жони чиқарга ёвук етмиш эрди ва назарининг тушган ери хатарнок ва вартаи ҳалок эрди. На анга оху афғон етар эрди ва на анга зўру зар таъсир этар эрди.

### Байт:

Зорингға назар шоҳид этмас агар,  
Баробар сенга бўлгуси хоку зар.

Ёрлар анга панд-насиҳат қилиб, дедиларким: “Бу муҳол хаёлдин ўтгил, нединким, кўб ҳалқ бу ҳавас қайдиға асирдурлар, дардлариға даво топмай ажалга дастгирдурлар”. Ул йиғлаб деди: “Эй дўстларим, менга насиҳат қилмангизларким, жон андишаси била жонон ишқин тарқ этмак маваддат шарти**100<sup>b</sup>** эрмас туур”.

### Байт:

Кимда андак муҳаббат жондур,  
Анга даъвойи ишқ ёлғондур.

Анинг дўстлари ва қариндошлари ҳар нечаким панд бериб банд этдилар, асло суд қилмади.

### Байт:

Дардоки, табиб сабр буюргусидур<sup>1</sup>,  
Бу нафси ҳарисға керакдур шукур.

Айтурларким, бир подшоҳзода анинг назариға манзур бўлмиш эрди. Ул шаҳзодаға хабар қилдиларким, бир йигит бу майдоннинг бир тарафида дойимо бўлур, кўб хуш табъдур, латиф сўзи ва бадеъ нуктаси бордур. Мундок маълум бўлурким, кўнглининг бир ошуфталиғи ва бошининг бир савдоси бордур. Шаҳзода билдиким, ул йигит ўзига ошиқдур. Дархол анинг жонибиға от сурди. Ул йигит кўрдиким, шаҳзода

<sup>1</sup> Бу сўзни С.Долимов тўғрилаб ўқиган.

анинг устиға озимдур. Ул йиғлаб ўзига деди.

**Байт:**

**101<sup>a</sup>** Келди, мен нотавонга бўлғай қотил,  
Мақтулиға кўнгли магар ўлмиш мойил.

Шаҳзода лутфу иноятлар кўргузуб, ҳар неча сўрдиким: “На кишисен, ҳолинг нечукдур ва на хунаринг бордуур?” Ул муҳаббат ва ҳайрат баҳриға<sup>1</sup> андоқ ғариқ эрдиким, дам урғудек маҳоли йўқ эрди, хомуш бўлди. Шаҳзода яна деди: “Менинг била недин сўзлашмассенким, мен сенинг ҳалқа ба-гўшиңгдурмен”. Ул йигит чун шаҳзоданинг мундок лутфу тараҳҳум кўргузганин билди, бир наъра тортиб жонин жонофаринға таслим этди.

**Байт:**

Дўст даргоҳида ўлмак йўқ ажаб,  
Ўлмайин қолмоқлик анда-ўқ ажаб.

**Ҳикоят**

**101<sup>b</sup>** Бир муаллимнинг бир шогирдиға майл ва муҳаббати бор эрди ва ўзга ўғлонларға қилған зажру коҳишни ангараво кўрмас эрди ва дер эрди, **байт:**

Андоқ сенга машғулмен, эй сарвқадду гулжабин,  
Ким бўлмишам ўз хотирим ёдидин ўзум доғи йўқ.  
Боқған чоғи рухсорингга кўзумни ҳаргиз юммағум,  
Гар ўтруда кўрсам келур, кўзум сари ҳар лаҳза ўқ.

Бир кун ул ўғлон анга деди: “Менинг дарсим одобига тааммул қилғанингдек нафсим одобиға ҳам тааммул қилғил, то агар менда бир нописандида феъл кўрсанг, мен ани билмасам, мени андин хабардор қилғил, то мен ул феълнинг табдилиға саъй кўргузай”. Анда муаллим деди: “Эй фарзанд, бу сўзни бошқа бир кишидин сўрғил, **102<sup>a</sup>** нединким, менинг бу кўзимким, сенга назар қилур, хунардин бошқа нимарсани кўрмагусидур”.

**Байт:**

Кўр бад андишнинг ўлсун кўзи,  
Айб кўрар юз ҳунар ўлса агар.  
Гар ҳунаринг бўлса биру айб юз,  
Кўрмагуси дўст бажуз бир ҳунар.

---

<sup>1</sup> Кўлёзмада ж. Аслида ҳунар

## Ҳикоят

Бир донишманд кўрдимким, бир кишининг муҳаббатига мубтало бўлуб, рози ҳаммаға ошкоро бўлуб эрди. Кўб жаврлар чекиб, ниҳоятсиз сабрлар қилур эрди. Бир кун насиҳат этиб, дедим: “Агарчи билурманким, сенинг бу муҳаббатингда бир иллати манзур ва бир зиллати малҳуз эрмастуур. Мундок эрса ҳам, ўзни муттаҳам қилмоқ ва беадабона жаврлар чекмак сенингдек уламонинг шаъниға лойик эрмастуур”. Ул деди: “Эй ёр, менга **102<sup>6</sup>** итоб қилмағилким, мен ҳамиша бу андишада-дурмен. Менга анинг ҳижрониға сабр этмакдин жафосиға сабр этмак осонроқдурким, хукамо дебурлар: “Мушоҳададин кўз юммоқдин муҳоҳадаға кўнгул қўймок осонроқдуур”.

### Байт:

Бўлмағай дўст дўстдин безор,  
Кўрса гар юз жафо ва минг озор.  
Гоҳ эҳсону лутф бирла севар,  
Гоҳ қаҳру итоб бирла қувар.

## Ҳикоят

Бир кеча яхши кўрган бир азиз ёrim эшикдин кирди ва мен андоқ чустлик била жойимдин турдимким, илким тегиб чироқни ўчурди. Баъд аз ёrim ўлтуруб, қаҳру итоб оғоз қилдиким: “Мени кўргач, чироғни ўчурдунг, мунинг маъниси недур?” Мен дедим: “Хаёл этдимким, офтоб чиқди” ва яна икки байт хотиримға келдиким, қитъа:

Бир туршрўй келса мажлисға,  
Сен ани **103<sup>a</sup>** жамъ орасида ўлтур.  
Бўлса гар ханданоку ширин лаб,  
Тут анинг илкини ва шамъ ўчур.

## Ҳикоят

Бир зебожамол дўстим ағёр орасида бўлуб, неча замондин бери ани кўрмамиш эрдим. Бир куни мени кўруб, деди: “Сен қайси ерда эрдингким, мен сенга кўб зиёда муштоқдурмен?” Мен дедим: “Кўб кўруб малул бўлғандин муштоқ бўлған яхшироқдур”.

### Байт:

Кеч келдинг, аё нигор сармаст,  
Эмди этагингдин олмағум даст.

### **Қитъа:**

Агарчи бир нафас ағёр бирла бўлсанг ёр,  
Яқин эрурки, мени рашк тифи ўлтургай.  
Кулуб дедики: “Ёруқ шамъдурман, эй Саъдий,  
Манга на бўлғуси, парвона ўзни куйдургай”.

### **Ҳикоят**

Ўткан **103<sup>б</sup>** замонда менинг бир соҳибжамол дўстим бор эрди. Бир пўстда икки мағздек бир-биrimiz била сухбат тутар эрдук. Ногоҳ ул бир тарафга сафар этди. Бир неча муддатдин сўнг яна қайтиб келиб, қахру итоб оғоз қилдиким: “Мунча вақтлар ўтди, сен ҳаргиз бир қосид ва нома йиформадинг ва бизга асло илтифот қилмадинг!” Мен дедим: “Мен маҳрум бўлуб, қосиднинг кўзи сенинг жамолинг нури била мунааввар бўлмоқни раво кўрмадум”.

### **Байт:**

Тил била тавба менга бермағил, эй ёри азиз,  
Ки менга тиғ била тавба бериб бўлмағуси.  
Рашк этармен сени сайр этса биравнинг назари,  
Яна дермен, анга ҳеч бир киши сер ўлмағуси.

### **Ҳикоят**

**104<sup>а</sup>** Фақир йигитлик айёмида бир шоҳидға муҳаббат пайдо этдимким, юзи қуёшдек рангин ва сўзи оби ҳаётдек ширин эрди.

### **Байт:**

Улки, набот оразин оби ҳаёт ичгусидур,  
Ҳар киши боқса шакар сори набот ичгусидур

Иттифоқо, андин бир иш кўрдимким, табиатимнинг хилофи эрур, сўнгра анинг меҳрин кўнгулдин чиқариб, дедим, **байт:**

Кет, эй ёр, борғил ўз ишинг сори,  
Ишинг йўқ бизнинг бирла, борғил нари.

Эшитдимким, мендин ранжида бўлуб борур ва айтур эрди.

### **Байт:**

Шаппар ўлса қуёшдин безор,  
Синмағуси қуёшға бозор.

Бу сўзни айтиб сафар этди. Анинг паришонлиқи менга таъсир **104<sup>б</sup>** этиб, дедимким, **байт**:

Келиб қайтиб мени ўлтургил, эй жон,  
Ки сенсиз зиндаликдин марг осон.

Қабул қилмай кетди ва бир оз муддатдин сўнгра қайтиб келди. Кўрдимким, жамоли тағайор топиб, занахдони олмасиға беҳидек гард ўлтурубдур ва ҳусни бозорининг равнақи синубдур. Уммидвор бўлдиким, мен ани қучоқламоқ учун қучоғимни очғаймен. Анга илтифот қилмай, ўзимни бир тарафға чекдим ва дедим, **байт**:

Ул кунки, бор эрди шаҳди ҳуснунг,  
Кувдунг назар аҳлини назардин.  
Сулҳ этгали ушбу кун келибсен,  
Найлайки, асар йўқ ул шакардин.

### **Маснавий:**

Сизнинг бори вақтингиз ўтубдур,  
Бизнинг доғи ўтумиз **105<sup>a</sup>** ўчубдур.  
Гар қилсангиз эмди неча тадбир,  
Бир заррача қилмағуси таъсир.

### **Ҳикоят<sup>1</sup>**

Уламонинг биридин сўрдиларким: “Бир киши қамар юзлук маъшуқа била бир хилватда ўлтуруб, эшик боғлиғ ва нафс толиб ва шаҳват ғолиб бўлса, ҳеч бўлғаймуқим, такво ва парҳезкорлик била ул моҳрўйдин саломат қолғай?” Олим деди: “Агар андин саломат қолса, бадгўй тилидин саломат қолмағай”.

### **Байт:**

Ҳар нечаким, ўз иши бирла ўқ-дур,  
Элнинг тилидин қутулмоқ йўқтур.

### **Ҳикоят**

Бир тўтини бир зоғ била бир қафасға солдилар. Тўти зоғнинг дийдори мушоҳадасидин ранж чекар эрди ва дер эрди: “Эй ғуроб, бу нечук мукриҳ талъат ва малъун манзар ва номавзун **105<sup>b</sup>** суратдурким, сенда жамъ бўлубдур? Кошки сенинг бирла менинг орамизда узоқлик масофати мағриб била

<sup>1</sup> Бу ҳикоят С.Долимов нашрида берилмаган.

машриқ йироқлиғиңа бўлса эрди, сенинг кариҳ дийдорингни кўруб, мунча азоб чекмагай эрдим”. Ажаброқ буким, ғуроб дағи тўтининг сухбатидин танг бўлуб, маломат жониға етмиш эрди, “лоҳавл” ўқуб фалак гардишидин нолиш қилур эрди ва дер эрдиким: “Бу нечук бахти забун ва толеъи дун ва айёми буқаламундур? Менинг қадрим лойиқи ул эрдиким, бир зоғнинг сухбатида бўлуб, бир боғнинг девори устида хиромон ва шодмон юрсам эрди. Билмасмен, бу кажрав фалакка на гуноҳ қилмишменким, мени мундоқ **106<sup>a</sup>** худрой ва ҳарзадарой<sup>1</sup> ва ножинс аглаҳнинг сухбати домиға гирифтор қилмишдур”.

### Қитъа:

Уйла деворға киши боқмас,  
Ким анинг суратин нигор қилур.  
Гар анинг жойи бўлса жаннатда,  
Ўзгалар дўзах ихтиёр қилур.

Бу масални анинг учун келтурдимким, то билгайсенким, доноға нодондин на чоғлиқ нафрат бўлса, нодонға донодин ул миқдор ваҳшатдур.

### Қитъа:

Риндлар мажлисида бир зоҳид  
Ўлтуруб, қилди танглик изҳор.  
Деди: “Ҳар кимса, турш ўлтурма,  
Биз дағи сандин ўқтамиз безор”.

### Ҳикоят

Бир рафиқим бор эрдиким, неча йиллар ҳамсафар бўлуб, туз еб, орамизда кўб сухбатлар ҳуқуқи собит эрди. Охируламр андак манфаат сабабли менинг хотиримға кўб озорлар еткурди ва дўстлик шартларин барҳам урди. Мунча била **106<sup>b</sup>** ҳам икки тарафдин бирав-биравга майлони хотир бор эрди. Эшитдимким, бир кун бир мажмаъда менинг ашъоримдин икки байтни ўқур эрдилар. Дўстларимдин бир тоифа сўзим лутфиға ва сийратим ҳусниға гувоҳлиқ бериб, таҳсин ва офарин қилур эрдилар, ул дўст ҳам бу маънида муболаға кўргузуб қадимий сухбат ва давлатин кўлдин берганиға пушаймон бўлуб, ўз хатосиға иқрор этар эрди. Чун билдимким, менинг сухбатимға анинг рағбати бордур, ложарам, бу абётни ёзиб йибориб сулҳ

<sup>1</sup> Кўлёзмада *هرزه درای* Аслида – “ҳарзадарой”, яъни бекор гапиравчи, сергап.

ҚИЛДИМ.

### Қитъа:

Арода бир эди аҳду вафолар,  
Недин бадаҳдликлар қилдинг, эй ёр.  
Санга кўнглумни маҳкам боғлаб эрдим,  
Узок бормай жудолик қилдинг изхор.  
Агар қайтиб яна келсанг қошимға,  
Бурунғидек **107<sup>a</sup>** бўлурсан иззатосор.

### Ҳикоят

Фақир йигитлик айёмида бир гуландомға шифта эрдим. Бир куни бир кўчадин юруб борур эдим. Таммуз фасли эрдиким, ҳарорати оғизни қозондек қайнатур эрди ва самуми устихон мағзиға етушур эрди. Куёш ҳароратиға тоқат қилолмай, ожиз бўлуб бир девор соясига илтижо элтиб, бошимға паноҳ қилдим. Ул умид билаким, бир киши бир коса совуқ сув бериб, баданим ҳароратин сокин қилғай. Ногоҳ бир уйнинг қоронғу даҳлизидин бир равшанлик кўрунди, яъни ҳамул соҳибжамол дилбарким, фасоҳат тили анинг сабоҳати баёнидин ожиздур, кеча қоронғусига офтоб етгандек ва зулумотдин оби ҳаёт зухур этгандек қўлида бир коса сувниким, анга шакар ва арак қўшулуб гулоб била **107<sup>b</sup>** хушбўй бўлмиш эрди ва юзи гулидин бир неча қатра шабнам оқиб, анга қўшулушиш эрди, келтуруб одоби тамом бирла манга тутди. Мен анинг илкидин олиб ложуръа сипқардум ва масту ҳайрон бўлуб ўзимдин бордим.

### Қитъа:

Не бало фархунда толеъдурки, кўз  
Бўйла фаррух юзға тушгай ҳар сабоҳ.  
Мости май ёрим кеча бедор ўлур,  
Маст соқий турғуси маҳшар сабоҳ.

### Ҳикоят

Бир йил султон Муҳаммад Хоразмшоҳ бир маслаҳат учун Хитой улуси бирла сулҳ қилди. Фақир ҳамул айёмда ул диёрда эрдим. Бир кун Кошғарнинг масжиди жомеъиға кирдум. Бир йигитни кўрдимким, бағоят зебожамол ва соҳиби эътидол, нозпарвар ва ишвагар эрди, андоқким, зарифлар дебурлар, **байт:**

Сенга **108<sup>a</sup>** устодинг ўргатмиш магар қонуни дилбарлик,

Жафоу зулму қахру ишвау нозу ситамгарлик.

Алломайи Замахшарийнинг<sup>1</sup> нахви муқаддимасин қўлиға олиб, мундоқ ўқур эрдиким, “урди Зайд Амри, ваҳоланки, Амр ситам қилғувчи эрди”. мен анга дедим: “Хитой била Хоразм сулҳ этдилар Амр била Зайднинг хусумати ҳануз боқийдуур”. Ул хандон бўлуб сўрдиким: “Қайси вилоятнинг одамисан?” Мен дедим: “Шероз вилоятидин бўлурмен”. Ул деди: “Саъдийнинг ашъоридин ҳеч нима ёдингда борму?”. Мен дедим: “Бордур”. Икки арабий байт ўқудум. Ул бир лаҳза андиша қилиб, деди: “Бу вилоятда анинг форсий ашъори кўбдур. Агар андин билсанг ўқигил, фаҳми осонроқ бўлур”. Мен **108<sup>6</sup>** дедим: “Бағоят яхшидуур” ва икки байт ўқудим, анинг таржимаси бу туур:

Токи таъбингға ҳавои наҳвдур  
Кўнглимиздин ақл нақши маҳвдур.  
Ошиқинг по банд доми қайдға,  
Лек сен машғул Амру Зайдға.

Тонглаким, менга сафар азми жазм бўлди, ул йигитга дедиларким: “Ҳамул киши Саъдий туур”. Дархол югуруб келиб талаттуф ва таассуф кўргуздиким: “Бу муддатғача не учун ўзингни маълум қилмадинг, то мен сенингдек кишининг хизматиға камар боғлар эрдим. Ҳоло ҳам на бўлғай бу кишварда бир неча кунлар таваққуф қилсанг, то хизматингдин мустафид ва баҳраманд бўлғай эрдим. Мен дедим: “Кетмагим зарурийдур, тура олмасмен”. Ложарам, бир-биrimизнинг юзимиздин бўса этиб видолашдуқ.

### Байт:

Айламоқ ёр орази-**109<sup>a</sup>** ни не суд  
Бўса ул вақтким, қилур падруд.

### Ҳикоят<sup>2</sup>

Ҳамадон қозисининг кўнгли бир наълбанд йигитнинг ишқи майидин сархуш ва наъл дар оташ эрди. Неча вақтлар васли талабида пўёну жўён, гирёну нолон эрди. Эшитдимким, ул йигит бир кун йўл асносида қозининг олдия келди. Қози

<sup>1</sup> Кўлёзмада алломанинг нисбаси нотўғри кетган. Ҳошияга қалам билан бошқа бирор томонидан тўғри шакли ёзилган.

<sup>2</sup> Бу ҳикоят С.Долимов нашрида берилмаган.

ҳолин анга баён қилди. Ул сўзни эшитгач, кўб ранжида бўлуб, ғализ дашномлар қилиб, тош бирла уруб, ниҳоятсиз хурматсизлик зуҳурға еткурди. Ул ҳолда мўътабар уламодин бири қозига ҳамроҳ эрди, қози анга боқиб деди: “Мұҳабbat аҳлиға дилдор илкидин тош ва мушт емак лазизроқ турур”.

**Байт:**

Емак оғзимға мушт илкидин осон  
Емакдин ўз қўлим бирла исиф нон.

Бу сўзни айтиб қазо маҳкамасиға келди. Одил кишилардин бир нечасиким, қозининг сухбатида бўлур эрдилар, хизматида **109<sup>б</sup>** ер ўпуб дедиларким: “Ижозат берсангиз, бир неча сўзимиз бордур. Агарчи тарки адаб бўлса ҳам айтurmиз, **байт**:

На ҳар сўзда баҳс этмак раводур,  
Улуғларға тараф бўлмоқ хатодур.

Аммо бу бандалар кўб муддатлар мулозамат қилиб, инъому эҳсонингизни кўб кўрмишмиз. Бу жиҳатдин сизнинг ҳақингизда ҳар маслаҳатким, билсак, ани эълом қилмасак, хиёнатдин бўлғусудур. Эмди маслаҳат улдурким, бу йигитнинг мұҳаббатин кўнглингиздин чиқариб, ҳавас бисотин ародин кўтаринг. Нединким, қозилиқ мансаби бағоят улуғ турур, то бу мансаб маснадида ўлтуруб, шанеъ гуноҳнинг ўти била мулаввас бўлмағайсиз”.

**Байт:**

Қозонса киши яхши от моҳу сол,  
Қилур ҳар ямон от ани поймол.

Қозига дўстлари сўзи маъқул [тушуб], раъйлари ҳусниға **110<sup>а</sup>** офарин қилди ва деди: “Азизларнинг иши менинг ишим маслаҳатида айни савобдур ва бу масъала бежавобдур ва лекин на қилайким, **байт**:

Ҳар нечаким ювсангиз собун била  
Занги аъзоси қароси кетмагай”.

Бу сўзни айтиб ҳамул йигит аҳволининг таҳаффусиға киши йиборди ва кўб зару неъмат тўкти. Андоқким, дебурлар “Ҳар кишининг тарозусида зари бордур”.

Алқисса, йигит васлиниң хилвати мұяссар бўлди, қози ул кеча шароб ичиб, шоҳид жамоли нашъасидин сармаст бўлуб, жаҳондин бехабар эрди. Бу воқеадин шахна хабардор бўлди. Қози бу ҳолатда эрдиким, бир мулозими эшикдин кириб деди: “Турғил, ўзга бир уйга қочиб киргилким,

хосидлар шаҳнага хабар берибдурлар, балки ҳақ сўзни дебдурлар. Ҳолоки, фитна ўти шуъла уомамишдур, 110<sup>6</sup> бизлар тадбир суйи бирла ўчуурмиз, токи тонгла шуъласи баланд чиқиб оламнинг бошдин оёқин тутмағай”. Қози табассум қилиб деди, **байт**:

“Шерким, панжа сайдға урмиш,  
Йўқ хавотир анга ит урганидин”

[Подшоҳдан сўрадилар]: “Ҳамул кеча подшоҳнинг мамлакатида мундоқ ямон воқеа ва улуғ мункир ҳодис бўлуб, на ҳукм қилурсен?” Подшоҳ деди: “Мен ул қозини замоннинг диёнатлиғ фузалосидин билурмен ва жаҳоннинг амин ва ягонаси фаҳам қилурменким, бу сўз ҳосидлар сўзибур, менга қабул бўлмағусудур, магар улким ўз кўзим била кўргаймен”.

Айтурларким, ҳамул кечаси сахар вақтида бир неча маҳрамлари била қозининг устиға келиб кўрдиким, шамъ ёниб туруб туур, қози мастлик уйқусида ўзидин бехабар ётубдур. Подшоҳ лутф бирла оҳиста уйғотиб деди: “Турғилким, офтоб чиқти”. 111<sup>a</sup> Қози ҳол на эрканин билиб, латифа тариқаси била деди: “Офтоб қайси жонибдин чиқти?” Подшоҳ деди: “Машриқдин”. Қози деди: “Алҳамдуиллаҳки, ҳоло тавба эшиги очуқ эркан, тавба қилдим”.

### Қитъа:

Солди исёнға мени икки нима –  
Бахти нофаржому ақли нотамом.  
Ҳар иш этсанг, анга лойиқмен, вале  
Авф яхши тортғандин интиқом.

Подшоҳ деди: “Гуноҳинг жазосидин огоҳлиғ топғандин сўнг тавба қилғанингдин ҳеч суд йўқ туур. Мундоқ мункирким, мендин ҳодис бўлуб туур, эмди сенга халослиқ суврати мумкин эрмастур”. Буюрди, то муаккиллар укубут қилмоқға равон бўлдилар. Қози ул ҳолни кўруб фарёд қилдиким, “подшоҳнинг хизматида айтилмай сўзим қолибдур”. Подшоҳ деди: “Не сўзинг бўлса, айтғил!” 111<sup>b</sup> Қози деди, **маснавий**:

Сен неча топқай эсанг мендин малол,  
Мен қўлум сендин кўтармакдур малол.  
Гар исёнимға ҳад эрмас падид,  
Лек лутфингдин эмасмен ноумид.

Подшоҳ деди: “Сен агарчи бу бадеъ латифани келтирдинг, бу ғариб нуктани зухурға еткурдинг, аммо

маҳолдурким, мундоқ фасоҳат ва балоғат сени уқубат чангидин қутқарғай. Маслаҳат улдурким, сени қалъа устидин ошоқға ташлатурмен, ўзгалар андин ибрат олғайлар”. Қози деди: “Эй подшоҳ, мен бу хонадоннинг қадимий неъматпарвардасидурмен ва жаҳонда танҳо мен бу журмни қилғоним йўқ туурур ва мунга иқдом кўргузган киши кўбдур, бошқа бир кишини қалъадин ташлағил, то мен андин ибрат олғаймен”.

Подшоҳ бу сўздин хандон бўлуб, гуноҳин авф этти ва хилъати хос арзоний тутди.

#### **Байт:**

Ҳар киши ўзи айбини кўрса,  
Кўруб ўз айбини урмағай таъна.

#### **Ҳикоят**

Бир йигит бир покрўй дилбарға ошиқ ва муҳаббат тариқасида покбоз ва содик эрди. Бир кун бир улуғ дарёда иккови ҳам ғарқ бўлдилар. Кемачи ани ўлум гирдобидин ҳалос этмак учун чобуклик кўргузуб, сар вақтиға етди. Ул андоқ гирдобда ғарқоблиқ ҳолида деди: “Мени қўйғил ва ёримнинг қўлини тутғил, то ул ҳалокат гирдебида нобуд бўлмасун”. Ҳалойиқ аниңг бу сўзин эшитиб, маломат ва сарзанишлар қилдилар. Ул жон берур ҳолда бу маломатни эшитиб, деди,

#### **байт:**

Нечук ишқ ичра бўлғай ул киши шод,  
Ки қатиғликда ёрин айламас ёд.

## 112<sup>б</sup> ОЛТИНЧИ БОБ

### ЗАИФ[ЛИК] ВА ҚАРРИЛИҚ ЗИКРИДА

#### Ҳикоят

Фақир бир кун донишмандлардин бир тоифа била Дамашқ жомеъида ўлтуруб, баҳс қилур эрдим. Бир киши келиб, деди: “Сизларнинг орангизда форсий тилин билатурған бир киши бордурму?” Барча менинг тарафимга боқиб, ишорат қилдилар. Мен дедим: “На ишинг бордур?” Ул деди: “Юз йигирма ёшиға кирган бир қарри бор эрди, назъ ҳолатидадур ва форсий тили била бир нимарса дер. Бизлар ани фаҳм қилмасмиз. Агар карам бирла қадам ранжида қилсангиз, бағоят миннатдор бўлурмиз, шоядким, бир васият қилғай”. Мен ул ранжур қаррининг такяси ёвуқиға бордим. Эшитдимким, дер эрди, **қитъа**:

Дедим, неча дам ком ола олғамен,  
Дариғоки, банд ўлди роҳи нафас.

**113а** Чу умру бақо хони алвонидин  
Неча луқма егач, дедиларки, бас.

Мен бу сўзнинг маънисин тозий тили билан дамашқийларга баён қилдим. Аларнинг мунча узоқ умр топиб, ҳануз дунё ҳаёти учун таассуф еганига таажжуб кўргуздилар ва мен ул қарриға дедим: “Бу ҳолатда нечукдурсан?” Ул деди, **қитъа**:

Несин сўрарсан ўшул кимсанинг ямон ҳолин,  
Ки қолмайин бири кетмиш даҳонидин дандон.  
Қиёс қилки, на ҳолат бўлур ҳамул соат,  
Ки борғусидур анинг хаста пайкаридин жон.

Мен анга дедим: “Ўлум фикрин кўнглунгдин чиқарғил ва табъингни муставлий қилмагилким, юнон ҳакимлари дебдурлар: “Агарчи мизож мустақим бўлса ҳам, бақоға эътимод этиб бўлмағусидур. Мараз агарчи шадид бўлса ҳам, ҳалокатға 113<sup>б</sup> далолат қилмағусидур”. Ва агарчи буюрсанг, бир табибни келтуурмиз, то санга муолижа этсун”. Анда ул қарри кўзидан ашк оқузуб, деди, **маснавий**:

Бир қарри дер эди, етушгач ажал,  
Хотуниғаки суртма сандал.  
Забт учун топди эътидол мизож,  
На давое асар қилур, на илож.

## Ҳикоят

Айтурларким, бир қарри киши бир ёш қиз олмиш эрди ва хужрасин турлук бисот била ораста қилиб, аниг бирла бир хилватда ўлтуур эрди. Узок оқшомда кўз ва кўнгулин анга машғул қилиб ҳазллар ва латифалар айтур эрди, токим қизнинг вахшати кетиб, аниг била унсу улфат тутғай. Жумладин, улким қизға деди: “Давлатинг қавий эрканким, сен қарри кишининг сұхбатиға **114<sup>a</sup>** етушдингким, бағоят пухта рой ва жаҳоннамой, исіғ ва совуқни кўрган, яхши ва ямонни билган, мушфиқ ва меҳрибон, хуштабъ ва шириңзабон, сұхбат одобин зуҳурға еткурган, муладат шартин бажой келтургандур. Андок йигитнинг қўлиға тушмадингким, худсар ва сабукпой ва тийрагой, ҳар дам бир орзуда ва ҳар лаҳза ҳар кўйда, ҳар кун бир жойда ва ҳар тун бир саройда ва ҳар мақомда ўзга бир ёр била ўлтуур”.

## Қитъа:

Йигит ҳар неча хўбу хушнамодур,  
Ва лекин йўқтуур ҳаргиз вафоси.  
Вафо уммид этиб бўлмас йигитдин,  
Ки кўбдур бошида турлук ҳавоси.

Ул қарри деди: “Бу янглиғ сўзларни кўб айтиб гумон этдимким, кўнгли қайд ва ўзи менга сайд бўлди”. Ногоҳ пурдард кўнглидин бир охи **114<sup>b</sup>** сард чекиб дедиким: “Бу миқдор диловиз сўзларниким, дединг, менинг ақлим тарозусида ул бир сўзнииг вазнича йўқтурким, бир кун эшитмиш эрдим ўзимдек қиздинким, деди: “Йигит<sup>1</sup> хотуннинг ёнида қарри эрнинг ўлтурғани[дин] жониға ўқ тегиб, юз озор еткургани яхшироқдур”.

Алқисса, ҳар кеча эрнинг асоси бир неча мартаба турмас, хотун бир кун аниг уйида рози бўлуб ўлтурмас.

## Назм:

Хотун эридин чу беризо турғусудур,  
Уйдин неча фитна-ю бало турғусудур.  
Қарриким, асоси била туур жойидин,  
Дегилки анга: “Қачон асо турғусудур?”

Алқисса, мувофақат қила олмай бирав-биравидин айрилмишилар ва иддат муддати ўтгандин сўнг **115<sup>a</sup>** қизни андок

<sup>1</sup> Ёш, навқирон. Бу сўзнииг ҳозирда истеъмолдан чиққан мазкур маъноси қуйироқда яна келади.

бир йигитга никоҳ қилдиларким, бағоят тундхўй ва туршрўй ва тухидаст ва майпараст эрди. Андин кўб жавру жафо кўрар эрди ва ранжу ано чекар эрди. Мундок ҳолда дер эрдиким: “Ҳақ таълонинг карам ва неъматиға юз минг шукрким, андоқ азоби алимдин йироқ тушдим ва мундок роҳати азимға етушдим”<sup>1</sup>.

### Ҳикоят

Диёрбакрда бир қарри кишига меҳмон бўлдимким, моли фаровон ва бепоён эрди ва бир соҳибжамол ўғли бор эрди. Бир кун ул киши ҳикоят қилдиким: “Аввалғи ҳолимда менинг фарзандим бўлмас эрди. Оқшом ва кундуз фарзанд орзусида **115<sup>6</sup>** эрдим. Ҳақ таълодин тазарруъ ва зорлиғ била фарзанд талаб қилур эрдим. Ва бу водийда бир дарахт бордурким, улуғ зиёратгоҳ туур ва барча халойиқ анинг атрофиға бориб ҳожатларин худодин тиларлар. Мен ҳам ул дарахтнинг остиға бориб, неча кечалар анинг тубида юзимни ожизлиқ туфроқиға суртуб тазарруъ ва ниёзлар кўргуздим, то Ҳақ таъло мундок оқил ва зебожамол фарзандни менга ато қилди”. Ўғли бу сўзни эшитиб, қошидағи ёрлариға оҳиста дер эрдиким: “Агар ул дарахтнинг қайси ерда эрканин билсам эрди, мен ҳам анда бориб дуо қилғай эрдим, то отам ўлғай эрди”. Бу турфадурким, отаси ўғлум оқил деб, шодлиғ зухурға еткуурур ва ўғли отам фартут деб, ўлумин тилар.

### Қитъа:

Неча йил ўтгуси ва урмас- **116<sup>a</sup>** сен,  
Ўз отанг гўри туфроғи сори юз.  
Сен отанг ҳакқида на иш қилсанг,  
Тутғил ўғлунгдин ани сен дағи кўз.

### Ҳикоят

Бир кун сафар<sup>2</sup> асносида йигитлик ғуури била узок масофатни пиёда қатъ этиб бағоят бориб бир тўпанинг остиға этиб ётмиш эрдим. Бир ожиз қарри киши корвоннинг изидин келур эрди. Менинг устумға этиб, дедиким: “Бу ерда недин ётмишсанким, уйқу жойи эрмастурур”. Мен дедим: “Нечук юрайким, оёқимда юргудек қувват қолмамишдур”. Ул деди: “Эшитмадингмуким, улуғлар дебдуурларким, югуруб ета

<sup>1</sup> Шу ўриндаги тўрт мисрали қитъани беришни лозим топмадик.

<sup>2</sup> Кўлёзмада صفر. Аслида سفر.

олмай қолғандин оҳиста юруб борғанлиқ яхши туурп”.

### Қитъа:

Эйки, манзилға етмак истарсен,  
Юрма таъжил бирла, сабр ила юр.  
От на ерга шитоб ила борса,  
Юруб оҳиста тева дағи борур.

### Ҳикоят

Бир хандон, латиф ва ширинзабон йигит 116<sup>б</sup> бизларнинг ишратимиз ҳалқасида эрдиким, ҳеч вақт ғамгин, андуҳи кин бўлмас ва лаби кулгудин бир нафас юмулмас эрди. Иттифоқо, кўп йиллар бирав-биравдин йироқ тушуб, аҳволимизни билмадук. Бир неча йилдин сўнг ани кўрдимким, хотун олиб, бир неча фарзанди бўлубдур. Нишоти нахли томури кесилиб, ҳаваси гули пажмурда бўлубдуур. Мен андин сўрдимким, нечукдурсен ва ҳолинг нечукдур. Ул дедиким: “То бир неча ёшларни пайдо қилдим, сўнгра ёшлиқ қилмадим”.

### Қитъа:

Кетди илгимдин йигитлик мавсуми,  
Оразимдин борди ранги дилфууз.  
Шерлик сарпанжасидин айрилиб,  
Шодман, бир луқмаға андоқки юз.

### Ҳикоят

Бир вақт жоҳиллик ва йигитлик айёмининг муқтазоси била онамга бир қатиғ сўз айтдим. Онам озурда ва гирён бўлуб, бир гўшада ўлтуруб, дер эрди: “Магар 117<sup>а</sup> ёшлиқ вақтин ёдингдин чиқардингким, менга мунча дуруштлик қилиб, қатиғ сўз айтурсен”.

### Қитъа:

Деди фарзандига бир золи ожиз,  
Кўруб ани қавий бозу ва пурзўр:  
“Кичиклик вақтин этсанг эрди гар ёд,  
Ки оғушимда эрдинг зору ранжур.  
Бу кун мундоқ жафову жавр қилмай,  
Мени айлар эдинг шодону масур”.

### Ҳикоят

Бир баҳил бойнинг бир касалманд ўғли бордур эрди. Анинг

некхөх дүстлари анга дедилар: “Маслаҳат улдурким, ўғлунг касали сиххати учун ё хатми “Қуръон” ва ё бир қўйни курбон қилғил”. Бой бир оз муддат чуқур фикрга чўмуб кетди, сўнгра бош кўтариб деди: “Хатми “Қуръон” қилмоқ авлодур, нединким, қўйларимиз узокда туур”. Бир соҳибдил бу сўзни эшитиб, деди: “Хатми “Қуръон” тилнинг учидадур, молу зар жоннинг ичиладур”.

### Назм:

Дариғоки, тоатға 117<sup>6</sup> қўймоқ бўюн –  
Бахил олдида яхши бўлмас ўюн.  
Эшакдек чекар юкни бир фулс учун,  
Юз “Алҳамд” ўқур бир десанг, тортиб ун.

### Ҳикоят<sup>1</sup>

Эшиитдимким, бир қарри киши бу муддатларда уйланмак орзу қилиб, гавҳаронлиғ бир хўбрўй ва соҳибжамол қиз 118<sup>a</sup> олди. Олған оқшом ҳар нечаким зўр қилди, асоси турмади. Нединким, қалин ва қатиғ либосни фўлод игна била тикарлар. Суст ришта била тикмак муюссар бўлмағусудур. Ложарам, дўстлариға муҳаббат, хотундин шикоят қилиб деди: “Бу хотун бағоят бебок ва нопок эркан, менинг барча молу асбобимни паришон ва хонумонимни вайрон қилди. Охируламр эр бирла хотуннинг аросида улуғ уруш пайдо бўуб, иш қози ва ҳокимнинг олдиға бормоқға оид бўлди. Ул чоғда Саъдий зарофат юзидин деди:

Гуҳарни тешгали йўқ мисқабингда чун қувват,  
Анга бу шўришу ғавғода юклагунг не гуноҳ”.

### Ҳикоят

Бир қарри кишига дедилар: “Недин хотун олмассен?” Ул қарри деди: “Қарри хотуннинг сұхбатида айш қила олмағум туур” Анга дедилар: “Чун молу дастгоҳинг кўбдур, ёш қиз олғил” Ул деди: “Эй азизлар, менки қарриман, қарри хотунлар била улфат ва муҳаббатим бўлмағусидур, бас, ул хотунким йигитдур, менингдек қарри била нечук улфат тутуб, сұхбат қила олур ва на янглиғ дўст бўла олур”.

---

<sup>1</sup> Бу ҳикоят С.Долимов нашрида берилмаган.

## ЕТТИНЧИ БОБ

### ТАРБИЯТ 118<sup>б</sup> ТАЪСИРИ ЗИКРИДА

#### Ҳикоят

Замон вазирларидин бирининг бир ақлсиз гўдак ўғли бор эрди. Ани дониш аҳлидин бирининг хизматига йибордиким, бу ўғулға тарбият қилсун, шоядким, аниг тарбияти баракатидин оқил ва доно бўлғай.

Ул донишманд кўб муддатлар жидду жаҳд била таълим берди, асло анга таъсир қилмади. Охируламр, отасининг олдиға киши йибориб, дедиким: “Сенинг бу ўғлинг ҳаргиз оқил ва ҳушманд бўлмағусидур ва мени беҳуш ва девона қилди.

#### Қитъа:

Ҳеч сайқал сафо бера олмас,  
Ҳар темургаки, бадгуҳар бўлғай.  
Етти дарёда итни гар юсанг,  
Нажас аввалғидин батар бўлғай<sup>1</sup>.

#### Ҳикоят

Бир ҳаким ўғуллариға мундоқ панд берур эрдиким: “Эй жон фарзандларим, ҳунар ўрганинглар, нединким, мулк ва молға эътимод йўқ турур. Сийм ва 119<sup>а</sup> зар хатар маҳаллидадур: ё ўғри барчасин бирдин олур ва ё ҳоким оз-оз олиб йўқ қилур. Аммо ҳунар чашмайи равон ва давлати бепоён турурким, агар ҳунарманд киши давлатдин тушса, ҳеч ғами йўқ турур. Нединким, ҳунар аниг зотида улуғ давлаттур ва ҳар ергаким борса, соҳиби қадр бўлур ва мажлиснинг юқорисида ўлтурур ва ҳунарсиз киши гадойлик қилур ва ҳар жойғаким борса, бекадр ва беэътибор бўлур”.

#### Байт:

Ота меросини гар истасанг, ўрган ота илмин,  
Ки қолған мол отадин сахл муддатда тамом ўлғай.

#### Ҳикоят

---

<sup>1</sup> Қўлёзмада اولغاي

Уламодин бири бир подшоҳзодаға таълим берур эрди ва бемухобо уруб, қатиғ зажр қилур эрди. Шахзода бетоқат бўлуб, отасининг олдиға келиб, шикоят қилиб йиғлади. Отасининг **119<sup>б</sup>** кўнгли куюб, устодини чақириб келтуруб, дедиким: “Фуқаро ва раъоёдин бирининг фарзандиға қилмаған жафо ва озорни менинг фарзандимға қилдинг. Мунга сабаб недур?” Устод деди: “Сабаб улдурким, барча халойиқға, хусусан, подшоҳларға сўзни андиша била сўзламак ва яхши равиш била ҳаракат қилмоқ лозимдур. Нединким, подшоҳларнинг қўлидин ва тилидин ҳар иш ва ҳар сўзким зоҳир бўлур, дарҳол оғизларға, барча оламға ёйилур ва авомунноснинг қавли ва феълиға ул микдор эътибор йўқтур.

### Қитъа:

Гадодин зоҳир ўлса минг бузук сўз,  
Улус мингдин бирини билмагайлар.  
Агар шоҳ айтса бир базла ногаҳ  
Ёярдин даҳр аро тортилмағайлар.

Бас, муаллимға вожибдурким, подшоҳзодаларнинг таъдиби ва ахлоқининг таҳзибидаги авомуннос **120<sup>a</sup>** фарзандлари ҳаққида қилған жафодин кўброк жафо ва жаҳд кўргузгай.

### Қитъа:

Кўрмаса ёшлиқида кимса адаб,  
Топмағуси нажот бўлса улуғ.  
Бўлғуси ҳўл яғоч илик била рост,  
Бўлмағай ўтға солмай ўлса қуруғ.

Подшоҳға муаллимнинг мундок тадбир ва тақрири ҳусни бағоят хуш келиб, кўб зару неъмат берди ва мансабининг поясин баланд қилди.

### Ҳикоят

Мағриб диёрида бир муаллимни кўрдимким, бағоят туршрўй ва талхгўй ва бадхўй ва мардумозор ва гадотабъ ва нопарҳизкор эрди. Мусулмонларнинг айши ани кўргач, тийра бўлур эрди ва “Қуръон” ўқуб халқнинг хотирин тийра қилур эрди. Бир жамоа покиза ўғуллар ва душиза қизлар анинг жафоси қайдиға гирифтор бўлуб, асло бир ханда ва бир гуфтор зоҳир **120<sup>б</sup>** ва ошкор қила олмас эрдилар. Гоҳо бирининг сиймин оразиға таппонча уур эрди ва гоҳо бирининг биллурин соқин шиканжаға солур эрди. Алқисса, бир кун эшийтдимким,

андин бир хиёнат топиб, уруб қовдилар ва андин сўнг анинг мактабин бир солиҳ ва бир порсо ва ҳаким<sup>1</sup> кишига топшурдиларким, зарурат бўлмай сўз демас эрди, чун ўғлонлар анинг ҳалимлигин ва мулойимлигин кўрдилар, бурунғи устоднинг ҳайбатин ёдидин чиқардилар ва сўнгғи устоднинг ҳилмиға эътиомод этиб, бурунғи устоддин ўрганган илмларин фаромуш этдилар ва ҳар бири бир девдек бўлуб, ўюнға машғул бўлуб бир-бирин урдилар ва тахталарин бир-бирининг бошида синдурдилар.

### **Байт:**

Муаллим бўлса беозор, хушҳол,  
Урарлар бир-бириға мушт **121<sup>a</sup>** атфол.

Факир бир-икки ҳафтадин сўнг йўлум тушуб ҳамул масжиднинг эшикидин юрдум, бурунғи муаллимни кўрдимким, хушҳоллик била ўз жойида ўлтурубдур. Ранжида бўлуб, дедимким, бу иблиси лайнни яна недин малоикаға муаллим қилмишлар. Бир жаҳонгардлик қилған зарофатлиғ қарри киши ул ҳолда ҳозир эрди, менинг бу сўзумни эшитиб, кулиб деди,

**байт:**

Йиборди ўғлини мактабга бир шоҳ,  
Кумуш тахта бериб, ул навъким моҳ.  
Ҳамул тахта бошиға ёзди зардин:  
“Муаллим жаври беҳ меҳри падардин”.

### **Ҳикоят**

Бир подшоҳ ўғлин устод адибға топшуруб, дедиким: “Бу сенинг фарзандинг туур, ўз фарзандларингнинг биридек мунга дағи тарбият қил”. Устоди қабул қилиб, кўб муддатлар саъй ва кўшиш- **121<sup>b</sup>** лар кўргузди. Аммо шаҳзодаға таъсир қилмади ва устодининг ўз ўғлонлари fazлу балоғат камолиға етдилар. Бу жиҳатдин подшоҳ муаллимни мувоҳаза ва муотаб этиб, деди: “Ваъдаға хилоф қилдинг, вафо шартин баржой келтурмадинг”. Муаллим деди: “Подшоҳнинг хотириға пўшида қолмасунким, тарбият баробар ва яксондур, аммо табойиъ мухталиф ул-алвондур”.

### **Қитъа:**

Сийму зар чиқғусидур тошдин,

---

<sup>1</sup> Матн мазмунига “халим” мос.

Барча тошдин чиқмағуси сийму зар.  
Чун қуёш ер юзиға партав солур,  
Барча ерда лола бўлмас жилвагар.

### Ҳикоят

Бир аъробийни кўрдимким, ўзининг ўғлиға айтур эрди: “Эй ўғлум, қиёмат кунида сандин сўрарларким, амалинг<sup>1</sup> недур ва сўрмасларким, отанг кимдур, деб”.

### Қитъа:

Жомаеким, кийдуурурлар Каъбаға,  
Пилла қуртидин<sup>2</sup> 122<sup>a</sup> эмастур номдор.  
Бир азиз ила ўтурди неча кун,  
Бу жиҳатдин бўлди соҳибэътибор.

**Тамсил:** Бир чаёндин сўрдиларким, қишда недин ташқариға чиқмассен? Чаён деди: “Ёз чиқиб [на] хурмат кўрдимким, қишда чиқиб на хурмату иззат кўргаймен”.

### Ҳикоят

Бир дарвешни кўрдимким, барча умрида бир фарзанди бўлмамиш эрди. Сўнгроқ дуо ва зорлик қилғанидин сўнг, хотуни бўғоз бўлди. Дарвеш дедиким: “Агар ҳазрати Воҳиб улатоё менга бир ўғул берса, эгнимдаги хирқамдин ўзга барча молимни дарвешларга нисор қилурмен”. Иттифоқо, ўғли бўлди ва ваъдаси мујиби била дарвешларнинг олдиға суфра ёйиб, таом бериб, бору йўқин нисор қилди. Фақир ул овонда Шом сафариға кетдим. Бир неча йилдин сўнг яна қайтиб 122<sup>b</sup> келиб ул дарвешнинг маҳалласиға бордим ва ани ахтардим. Топмай ул ердағи ҳозир бор кишилардин сўрдум. Алар дедилар: “Ул дарвеш зинданда турур”. Фақир аниңг сабабин сўрдим. Алар дедилар: “Ўғли арак ичиб, мастлик ҳолида бир кишини ўлтуруб қочти. Эмди аниңг учун отасин тутуб, зинданға солиб, оёқин банд этиб занжир била маҳкам қилмишлар. Мен дедим: “Бу балони худодин ўзи тиламиш эрди”.

### Қитъа:

Бўғоз хотун ибо донои ҳушёр,  
Туғар вақтида гарчи мор туғрай.

<sup>1</sup> Кўлёзмада қўлёзмада – علمینگ – илминг. Аслида – амалинг. Қиёматда амал – банданинг фоний ҳаётда қилган ишларидан сўралади. С.Долимов матнни тўғрилаб ўқиган.

<sup>2</sup> Матндаги “кудратдин” сўзи С.Долимов тўғрилаб ўқиганидек, “қуртидин” маъкул.

Басе яхшидур ул фарзанддин ким,  
Ани нодону ноҳамвор туғғай.

### Ҳикоят<sup>1</sup>

Фақир туфулийят ҳангомида бирав ўғлумдин<sup>2</sup> булуг нишонин сўрдим. Ул деди: “Китобларда уч нишона битибдурлар: аввал ўн беш ёшиға етмак, иккинчи эҳтилом бўлмоқ ва уч- **123<sup>a</sup>** ланчи қосиқға тук чиқмоқ.

Аммо ҳақиқатда бир нишонаси бордурким, ўз нағсининг ҳази пандида бўлғандин кўпроқ Ҳақ таъоло ризоси бандида<sup>3</sup> бўлғай ва ҳар кишида бу сифат мавжуд бўлмаса, ҳақиқат аҳлининг олдида болиг эрмастур”.

#### Қитъа:

Қилиб бир қатра судин тамкин раҳмда,  
Қилур қирқ кунда одам шаклин изҳор.  
Вагар қирқ яшаса ақлу адабсиз,  
Ани одам дема, эй марди<sup>4</sup> ҳушёр.

### Ҳикоят

Бир йил Макка сафарида пиёдаларининг орасига низоъ тушти, шўру шар садоси гунбази фалакка етушти. Фақир дағи ҳамул сафарда пиёда эрдим. Бирав-биравга ғализ дашномлар қилиб, юмрук ва таёқ уруб, фисқу фужур мартабасин камолиға еткурдук. Ул ҳолда бир кажовада **123<sup>b</sup>** ўлтурған одамдин эшитдимким, ўзининг ҳамроҳиға дер эрди: “Бу ажабдурким, ож пиёдаси шатранж арсасин қатъ этса, фарзин бўлур, яъни бурунғи ҳолидин яхшироқ бўлур ва ҳож пиёдалари ҳар нечаким бодияни қатъ этсалар, бурунғидин ёмонроқ бўлурлар”.

#### Қитъа:

Дегил ҳожийи бадгуҳарға мендин,  
Ки йиртиб эл тўнин еткурсун озор.  
Анинг йўқ тевача қадри, нединким,  
Ебон ул хор доим тортадур бор.

<sup>1</sup> Бу ҳикоят С.Долимов нашрида берилмаган.

<sup>2</sup> Бу ўринда котиб хатоси бор.

<sup>3</sup> Қўлёзмада аксар қўлёзмалар каби “банд” ва “панд” сўzlари бир хил ёзилган. Матн мазмунига кўра уларнинг бирини “панд” ва бирини “банд” деб ўқидик. Парчада мумтоз бадиятдаги тажниси хаттий санъати қўлланилган.

<sup>4</sup> “Эй мард” икки марта ёзилган.

## **Ҳикоят**

Бир нодон кишининг кўзи оғриди. Ул байторнинг, яъни чаҳорпойлар дарди табибининг олдиға борди, то анга давое қилгай. Байтор чаҳорпойлар кўзиға суртадурған дорудин аниг кўзига суртуб кўр қилди. Ани ҳокимнинг олдиға олиб бордилар. Ҳоким 124<sup>a</sup> деди: “Анга ҳеч тавон йўқ туур, нединким, агар бу эшак бўлмаса эрди, кўзи дардининг иложи учун байторнинг олдиға бормас эрди”.

Бу сўздин муроду мақсад улдурким, ҳар киши имтиҳон этилмаган ва иш ҳақиқатин билмаган кишига улуғ ишни буюрса, нодим ва пушаймон бўлур ва хирадманлар аниг раъйин енгилликка ҳамл этиб, нодонликға мансуб қилурлар.

### **Қитъа:**

Ҳушманд ўлған эл кичикларға,  
Улуғ ишлар ҳаволасин қилмас.  
Бўриёбофagarчи моҳирдур,  
Лек нақши ҳарирни билмас.

## **Ҳикоят**

Улуғлардин бирисининг ўғли вафот топти. Анга дедиларким: “Ўғлингиз қабрининг лавҳиға қайси сўзни ёзали?” Ул деди: “Қуръони мажид” оётин мундоқ жойларға ёзмоқ яхши эрмастур. Нединким, бир оз муддатдин сўнгра суда бўлуб, ерга тўкулур, халойиқнинг оёқи остиға ёюлур. Агар бир нимарсани ёзмоқлик зарурий бўлса, бу икки байт ёзилса кифоя қилур,

### **Қитъа:**

Оҳким, топғай эди кўнглум фараҳ,  
Сабзани қилсан тамошо ҳар баҳор.  
Эмди туфроқим сори қилсанг назар,  
Кўргасен устимда турлук сабзазор”.

## **Ҳикоят**

Бир бойзодани кўрдимким, отаси гўрининг устида ўлтуруб бир дарвешбачча била мунозара қилиб, айтурким: “Менинг отамнинг қабри тошдин, китобаси зардин, фарши сиймдин ва хишти фирузадин тузалибдур. Ва сенинг отангнинг гўриға бир неча адад кирпич ва бир неча этак туфроқ ўгулубдур”. Дарвешбачча деди: “То сенинг отанг 125<sup>a</sup> ул тошларни кўтариб остидин турғунча, менинг отам беҳишт бўстониға ўзини

еткургусидур”.

### Қитъа:

Фақру фоқа юкини тортса дарвеш агар,  
Марг даргоҳиға, албатта, сабукбор келур.  
Роҳату неъмат ила кимсаки умр ўткарди,  
Ҳеч шак йўқ туурүр ўлмак анга душвор келур.

### Ҳикоят

Бир порсонинг йўли бир давлатманд кишининг қошидин тушди. Кўрдиким, ул давлатманд бир бандани яланғочлаб, қўлин ва оёғин боғлаб, турлук уқубат била азоблар берадур. Порсо деди: “Эй тавонгар, Ҳақ субҳанаҳу ва таъоло сенинг ўзингдек махлукни сенинг ҳукминг сарпанжасиға асир этубдур ва сени анга зўр ва ҳоким қилибдур. Сен анга мунча ситам қилмағилким, мабодо, маҳшаргоҳда анинг ҳоли сендин яхшироқ бўлуб, сен анинг олдида шарманда **125<sup>a</sup>** ва шармсорлик чекмагайсан.

### Маснавий:

Эй хожа, қилиб итоб изҳор,  
Бандангға етурма жавру озор.  
Сен ани неча дирамға олдинг,  
Зўр этдингу хизматингға солдинг.  
Аммо ани сен яратмамишсен,  
Жисми оро жонни қотмамишсен.  
Бўлма бу сифат ғуурпайванд,  
Бор сендин улуғ дағи худованд.  
Гар ақл ила бор эсанг ҳамоғуш,  
Ҳақ қаҳрини айлама фаромуш”.

Хабарда андоқ келибдурким, Ҳазрат хожайи коинот ва хулосайи мавжудот алайҳиссалавоту вассалом деди: “Қиёмат кунида улуғроқ ҳасрат ул бўлғайким, бандайи солиҳни беҳиштга элтарлар ва гуноҳкорларни дўзах[га] йиборурлар”.

### Қитъа:

Кўб итобу хитоб айламагил,  
Бўлса гар хизматингда бир банда.  
Ки қиёматда бас қатиғ ишдур,  
**126<sup>a</sup>** Банда озоду хожа шарманда.

### Ҳикоят

Бир улуғдин “Аъдо адуввик нафсука аллатий байна жанбайк”<sup>1</sup> ҳадиси маънисин сўрдим. Ул деди: “Маъниси улдурким, ҳар душманғаким эҳсон қилсанг, ул сенга дўст бўлур. Магар нафским, анга ҳар неча мадоро қилсанг, мухолифатни зиёда қилур”.

### Қитъа:

Фариштахўй бўлур одамий емакдин кам,  
Йиқилғуси еса ҳайон киби нечукки жамод.  
Мутеъинг ўлғуси ҳар ким муродини берсанг,  
Валек нафс бўлур ҳокиминг чу топди мурод!

---

<sup>1</sup> “Аъдо адуввик нафсука аллатий байна жанбайк” – “Энг адоватли душманинг вужудингдаги нафсингдир”. Ушбу ҳадис Байҳақийнинг “Аз-зухду-л-кабир” китобида берилган. Ҳадиснинг санад ва матни қуйидагича:

رواه سيدنا عبدالله بن عباس عن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: ”اعدی عدوک نفسک الّتی بین جنیبک“

## САККИЗИНЧИ БОБ<sup>1</sup>

### ТАВОНГАРЛИК ВА ДАРВЕШ[ЛИК] БАЁНИДА САЪДИЙНИНГ МУДДАЛЬИЙ БИРЛА ЖАДАЛ ҚИЛҒАНИ

Суврати дарвеш, сийрати бадкеш бир мажлисда ўлтуруб, сўз айтур эрди. Шикоят дафтарин очиб, тавонгарларни мазамматин оғоз қилиб бу ерга етмиш эрдиким, “дарвешнинг 126<sup>6</sup> қудрати қўли боғлиқ ва тавонгарнинг иродати оёғи тушоғлиғ туур”.

#### Байт:

Карим эл қўлларида бир дирам йўқ,  
Дирамлик кимсаларда бир карам йўқ.

Фақирғаким, улуғларнинг турлук неъматлари бирла парвариш топмиш эрдим, бу сўз бағоят душвор келди. Ложарам дедим: “Эй ёр, тавонгарлар мискинларнинг моддайи тўъмаси ва гўшанишинларнинг захираси ва зойирларнинг мақсади ва мусофиirlарнинг маржаъидурлар. Ўзгаларнинг роҳати учун оғир юкларни кўтарурлар, то мутааллиқ ва зирдастлари суфра устида ҳозир бўлмағунча таомға илик урмаслар ва аларнинг инъом ва эҳсони барча халқға бирдек етгуси туур.

#### Назм:

Тавонгар элға эрур вақфи назр ва меҳмонлиғ,  
Закоту фитра-у эътофу ҳади-ю қурбонлиғ.  
Қачон етушкунг алар давлатиға, йўқ сенда,  
Жуз икки ракъату бор, анда юз паришонлиғ.

Жуд қуввати ва сужуд қудрати тавонгарларға ўзгалардин яхшироқ мұяссар бўлур. Нединким, закотлиғ моли ва пок жомаси ва фориғ кўнгли бордур. Ва тоат қуввати лазиз луқмада ва ибодат сихҳати латиф жомада пайдо бўлурким, холи меъдада на қувват бўлур ва тухидастлардин на муруват зухурға келур. Ва оёқсиз киши нечук сайр қилур ва оч киши на янглиғ хайр қила олур.

#### Қитъа:

Кеча уйқу ҳаром бўлғпий анга,  
Егудек тонгла йўқ уйида хуруш.

<sup>1</sup> Қўлёзмада “Еттиланчи боб” деб янгиш берилган.

Мўрча ёз дона жамъ айлар,  
То фароғат била ўтурғай қиши.

Бас, бу жамоанинг ибодати қабул бўлмоқга ёвуқроқдур, нединким, дилжамъ ва ҳозирдурлар, паришон ва пароканда хотир эрмасдурлар. Ибодатлари асбоби муҳайё ва жамиятлари аввоби ҳамиша очук ва дилкушодур. Хабарда келибдурким, “Ал-факру саводу-л-важҳи фий-д-дорайн”<sup>1</sup>. Ул деди: “Бу ҳадисни эшитмишсен, аммо ул ҳадисни эшитмамишсенким, “Ал-фахру фахрий”<sup>2</sup>. Мен дедим: “Ҳазрати саййиди олам саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ишорати ул тоифанинг факриғаким, ризо майдонининг марди ва қазо ўқининг ҳадафидурлар. Аммо бу жамоадек эрмасларким, аброр ҳирқасин кийгайлар ва идрор луқмасин егайлар.

### Рубоий:

Эй табли тухий, мунча недур бонгу садо,  
Пайи тўша на? Тадбир эмас маҳшар аро.  
Гар мард эсанг, тамаъ ўтидин куйгил,  
**128<sup>a</sup>** Тасбиҳни минг доналиғ этма адо.

Маърифатсиз дарвеш то факри куфрға оид бўлмағунча ором қилмас. Анда иқлими Арабда айтурлар: “Кодал факру ан йакууна куфран”<sup>3</sup>, “то неъмат бўлмағунча ялангѓочға либос бериб бўлмас ва бир гирифторни банддин қутқариб бўлмағусудур. Бизлардек ожизларни алар мартабайи олий[ға] еткуурлар ва қавий била иликларимизға кувват бердилар. Кўрмасмусенким, Ҳақ таъоло каломи қадимийда беҳишт неъматидин хабар берибдур, **қавлуху таъоло**: “Улааика лаҳум ризқун маълумун”<sup>4</sup>.

Вақтеким, мен бу сўзни эшитиб дедим, дарвешни тоқати инони таҳаммул қўлидин кетти. Факоҳат майдонида фасоҳат отин суруб, тилининг ўткур қиличин тортиб, **128<sup>b</sup>** деди: “Тавонгарнинг ҳақида ва ахли дунёнинг васфида мунча

<sup>1</sup> “Факирлик икки дунёда юз қоралиқдир”. Манбасини топа олмадик.

<sup>2</sup> الفَقْرُ فَخْرٍ – “Ал-факру фахрий”, яъни “Факирлик менинг фахримдир”. Журжонда туғилиб, Астрободда вафот этган, ҳадис талабида Ироқ, Миср, Ҳижозда таҳсил олган Ибну Удийнинг “Ал-комил” китобида келтирилган. “Ал-комил” таъдил ва жарҳ бобидаги китоб.

<sup>3</sup> “Факирлик куфрға сабаб бўлишига сал қолди”. Аз-захабийнинг “Мизону-л-иътидол” китобида келтирилган.

<sup>4</sup> أَوْلَئِكَ لَهُمْ رِزْقٌ مَعْلُومٌ (“Айнан ўшалар учун маълум ризқ”, “Куръони карим” “Вас-соффот” сураси 41-оят)

муболаға кўргузуб паришон ва беҳуда сўзларни айтдинг ва ҳам тасаввур қилурким, тарёқ емишсен ва ё азроқ хазойинининг калиди қўлунгға етушмишдур. Ҳар неча мутакаббир ва мағрур ва дунёдор ва зиштиридорларким, ҳама халқ аларға кароҳият била назар қилурлар ва сафоҳат бирла сўз айтурлар ва алар уламони гадоликға нисбат берурлар ва фуқарони бе сарупой деб таъна қилурлар. Мол ғурури ва жоҳ иззати била барчадин юқорида ўлтурмоқ истарлар ва ўзларин жумла халойик ва уламодин афзал билурлар ва ҳеч кишига тавозуъ бошин эгмаслар. Ҳукамо сўзидин хабарсиздурларким, **129<sup>a</sup>** айтурлар: “Ҳар киши тоатда ўзгалардин кам ва неъматда зиёдадур, сувратда тавонгар ва маънида дарвешдур”.

### **Байт:**

Гар бехунар манолиға фахр этса, эй ҳаким,  
Гар гованбар эрса ани куни хар дегил.

Мен дедим: «Аларға мазамматни раво кўрмагилким, карам соҳибидурлар». Дарвеш деди: “Ғалат айтурсенким, алар дирам бандасидурлар. Не фойдаким, сувлиғ булутдурлар, аммо ёғмаслар ва равshan офтобдурлар, аммо ҳеч кишига партав солмаслар ва иститоат маркабига минибдурлар, аммо муруват тариқиға сурмаслар ва худо учун бир қадам йўл юрмаслар. Миннатсиз бир дирам бермаслар ва кўб молни жамъ этиб, ҳоло муҳаббат била сақларлар, тонгла ҳасрат била ташларлар. Андоқким, дебдурлар: “Бахилнинг сийм ва зари **129<sup>b</sup>** ул вақтда туфрок остидин чиқғайким, ўзи туфрок остиға киргай”.

### **Байт:**

Бирав чекиб неча ранж айлагуси ҳосили ганж,  
Яна бирав келиб ўлғай эга анга беранж.

Мен дедим: “Неъмат аҳлининг баҳиллиқидин огоҳлиғ топмамишсен, магар гадолик иллати била огоҳлиғ топмишсен. Йўқ эрса ҳар кишиким, тамаъни тарқ этса, карим ва баҳил анга бирдек кўрунур. Зар нечук эрканин маҳак билур ва мумсик<sup>1</sup> ким эрканин гадо фаҳм қилур”. Ул деди: “Мен сўзни тажриба била айтурменким, эшикларида ғализ ва шадид кишиларни қўярлар, токим азизларни ичкари киргумай, соҳиби тамизларнинг сийнасиға имтиноъ қўлин урарлар, **130<sup>a</sup>** дерларким, ичкарида киши йўқтур. Алҳак, бу сўзни рост

<sup>1</sup> Кўлёзмад яна “маҳак”. Аслида С.Долимов нашридагидек “мумсик” мувофиқ.

**дерлар, байт:**

Улким, эмастур ақл ила тадбир аниңг иши,  
Деди үй ичра: “Йўқ туур үй ичра ҳеч киши”<sup>1</sup>.

Мен дедим: “Алар дарвешлар қавлидин жонға етмишлар ва гадолар руқъасидин фиғонға келмишлар ва маҳолдурким, агар бир биёбон дур бўлғай, эшикка келган гадоларнинг кўзи они олмоқ била тўлғай. Кўргилким, ҳар ерда қатиғлик чеккан дарвеш, ўзин ҳирс била хавфлиғ ишларға солур ва ҳеч нимарсадин парҳез этмас, Ҳақ таълононинг уқубатидин қўрқмас ва ҳалолни ва ҳаромни билмас”.

**Қитъа:**

Кесак келса агар итнинг бошиға,  
Туруб сачраг, ки бу бир устухондур.

**130<sup>б</sup>** Бирав бошға кўтарса бир сабадни,  
Гумон этгай лаиму-т-табъ нондур.

Алқисса, бу сўз устида бирав-биравимиз била яқолашуб, шўру шарни ҳаддин ўткардук. Охиуламр бу сўзнинг мурофаасин истаб қозининг олдиға бордук ва адл ҳукуматиға ризо бўлдуқ, то мусулмонларнинг ҳокими бир маслаҳат кўруб, дарвешлар орасида бир фарқ баён қилғай. Қози, чун бизларнинг сўзимизни эшитди ва мақсадимизни билди, бир оз замон бошин тафаккур яқосиға чекти ва кўб андишадин сўнг бошин кўтариб, менга қараб, дедиким: “Сенким, тавонгарлар[ға] сано [ва] дарвешларға жафо раво кўрдинг, билгил, ҳар жойда гул бор ва хор [бор], хамр бор – хумор бор, ганж бор – мор бордур ва дурри шаҳвор бор – **131<sup>а</sup>** наҳанги мардумхор бор, дунё айши лаззатининг сўнггида ажал нишининг заҳмати бор – беҳишт неъмати олдида риёзат девори машаққати бор. Бўстонға назар қилғилким, беду мушк бор, чўби хушк ҳам бор. Ва бу тариқада тавонгарлар зумрасида шокир бор – кафур ҳам бор. Дарвешлар ҳалқасида собир бор – маҳжур ҳам бор.

**Байт:**

Чу ҳар қатраси жоланинг бўлса дур,  
Бўлур эрди дурдин жаҳон мулки пур.

Ҳақ таъоло ҳазратининг муқарриблари дарвешсийрат тавонгарлардур ва тавонгарҳиммат дарвешлардур. Дарвешлар-

<sup>1</sup> Таржимон ۋى - “үй” ва “ўй” сўzlари шаклдошлигидан тажниснинг ажойиб намунаси яратган.

нинг<sup>1</sup> яхшироқи улдуурким, тавонгарларнинг олдиға тамаъ билан бормағайлар”.

Қози бу сўздин сўнг итоб юзин дарвеш жонибиға қаратиб, деди: **131<sup>6</sup>** “Сенким, тавонгарларни табоҳиға побаст ва малоҳийға майидин маст деб, мазаммат қилдинг. Билгилким, алардин бир жамоа бордурким, қосири химмат ва кофири неъмат дунёни жамъ қилурлар. Ўзлари ҳам емаслар ва ўзгаларга ҳам бермаслар. Масалан, агар ёғмур ёғмай, қаҳат пайдо бўлса ва ё тўфон балосидин жаҳон тўлса, ўзини давлат ва неъматиға такя қилиб, дарвешлар ҳолин сўрмаслар ва Аллоҳ таъолодин қўрқмаслар ва айтурларким, **байт**:

Агар очлиғдин эл ўлса ҳалок,  
Чу тўқман, менга йўқ туур ҳеч бок.

Алардин бир жамоа бордурким, неъмати хонин ёйиб ва карам қўлин очиб, ҳам от ва ҳам мағфират толибидурлар. **132<sup>a</sup>** Ҳам дунё ва ҳам охират соҳибидурлар”.

Чун қози сўзни бу ерга еткурди ва муболаға отин қиёсимиз майдони сарҳадидин илгари сурди, қазо ҳукмиға ризо бўлуб, ўтган можародин ўтдук ва мадоро тариқин тутдук ва тадорик бошин бир-биrimizning оёқимизға қўйдуқ ва бир-биrimizning бош ва юзимиздин бўса қилдук ва сўз охирни эрдиким, тамом бўлди.

### Қитъа:

Сипехр давридин этма шикоят, эй дарвеш,  
Ки бу равишда агар ўлсанг ўлғасен хосир.  
Бугунки, давлатинг илкингда, эй тавонгар, бор,  
Ебон бағишла, сенга икки даҳр ўлур хозир.

---

<sup>1</sup> Кўлёзмада “тавонгарларнинг”. Аслида С.Долимов нашридагидек “дарвешларнинг” тўғри.

# ТҮҚҚИЗИНЧИ БОБ<sup>1</sup>

## СУҲБАТ ОДОБИ ЗИКРИДА

### Ҳикоят

Баданимда 132<sup>б</sup> либосим остида бир пинҳон ярам бор эрди. Шайх раҳматуллоҳи алайҳ ҳар кун андин сўрар эрдилар ва қайси узвимда эрканин сўрмас эрдилар. Андин иҳтиroz этар эрдиким, ҳар узвни зикр этмак раво эрмастурур. Хирадмандлар дебдурларким, ҳар кишининг саволидин ранжида бўлсалар, жавобидин ранжида бўлурлар.

### Байт:

То ростлигин сўзни агар билмасанг хўб,  
Айтурға ҳамул сўзни оғиз очмағил асло.

### Насиҳат:

Мол умр осойиши учундур, умр мол жамъ этмак учун эрмастурур.

Бир оқилдин сўрдиларким: “Некбаҳт кимдур ва бадбаҳт кимдур?” Ул оқил киши деди: “Некбаҳт улдур- 139<sup>а</sup> ким, еди ва бағишлади ва бадбаҳт улдурким, ўлди ва ташлади”.

### Байт:

Намоз андоқ кишига қилма зинҳор,  
Ки кўб мол этти жамъу қилмади хайр.

### Ҳикоят

Мусо алайҳиссалом Қорунға насиҳат қилдиким, Ҳақ таъоло сенга кўб мол эҳсон этди. Сен дағи халқға андоқ эҳсон эт. Бу насиҳатни қабул қулоқи бирла эшитмай, инод зоҳир этди. Эшитдингким, аниңг охири не ерға етти.

### Байт:

Агар нафъ истасанг молу дирамдин,  
Халойиқға худой учун карам қил.

### Ҳикмат

Араб айтурким: “Аъти ва ло тамнун фа инна-л-фоидата илайка оидатун”, яъни “...Ато қил ва миннат қилма, бас аниңг фойдаси сенга етишгай”.

<sup>1</sup> Кўлёзмада саккизинчи боб. Аслият ҳам саккиз боб. С.Долимов нашрида тўққизинчи боб сифатида берилган.

### **Қитъа:**

Чу экдинг дарахт карам, эй карим,  
Боши чархдин ўтди, топиб камол.  
Агар бар емак истасанг қилмағил,  
Анга теша миннатдин урмоқ хаёл.

### **Хикмат**

Икки киши беҳуда ранж кўрдилар ва бефойда саъй зухурға еткурдилар. Бири улким, кўб мол йифнади ва емади. Яна бири улким, кўб илм ўрганди ва амал қилмади.

### **Маснавий:**

Илм аро гар ваҳиди давронсен,  
Амалинг бўлмас эрса нодонсен.  
Топмағунг дониш аҳли ичра ҳисоб,  
Бир эшаксен, сенга юк ўлди китоб.  
Бўлмағай ҳаргиз ул эшакға хабар,  
Ўтун устида ё эрур дафтар.

Илмни ўрганмак ислом динға парвариш қилмоқ учундур, аммо дунё неъматин емакка васила ва равеш қилмоқ учун эрмастурур.

### **Байт:**

Илм сотмоқға кимки юз урди,  
Жамъ этиб хирман ўтға куйдурди.

### **Хикмат**

Парҳезкор 134<sup>а</sup> бўлмаған олим машъаладор бўлған кўрдур. Ўзгани йўлға солур ва ўзи йўлдин қолур.

### **Байт:**

Илмдин ҳар кишики олмади ком,  
Бир матоъ олмай этди зарни тамом.

### **Хикмат**

Подшоҳлар хирадмандлар насиҳатиға хирадмандлар подшоҳлар насиҳатига мухтож бўлғанидин зиёдароқ мухтождурлар.

### **Қитъа:**

Панд эшитсанг агар, эй подшоҳ,  
Жуз бу сўз ўзга нима бил, панд эмас:  
“Кимки хирадманд, анга бергил амал,

Гарчи амал кори хирадманд эмас”.

### **Ҳикмат**

Уч нимарса [уч] нимарсасиз пойдор қолмағусидур: мол тижоратсиз, илм баҳссиз ва мулк сиёсатсиз.

### **Байт:**

Гоҳ қаҳр этмак керакдур, гоҳ лутф,  
Гоҳ меҳр этмак керакдур, гоҳи итоб.

### **Панд:**

Жон бақоси бир дамнинг ҳимояти паноҳидадур ва дунё вужуди икки адамнинг саройи орасида- 134<sup>6</sup> дур. Динни дунёға сотған эшакдур, балки эшакдин ҳам камракдур. Душман сўзи била дўст паймонин синдердинг. Кўргилким, кимдин жудо бўлуб, ўзингни кимга еткурдунг. **Қола Аллоҳу таъоло:** “Алам аъҳад илайкум йаа баний Аадама ан лаа таъбдуу-ш-шайтона иннаху лакум адуввун мубин”<sup>1</sup>. Шайтон мухлисларға – султон ва то муфлисларға зўрлиғ еткура олмасдур.

### **Маснавий:**

Бермагил бенамоз улусға вом<sup>2</sup>,  
Оч ўлуб жони лабга етса тамом.  
Ёдиға солмас фарзни ҳеч,  
Чунки қилмас адой қарзни ҳеч.

Ҳар кишинингким, тириклика нонин емасалар, ўлганидин сўнгра отин тутмағайлар.

Узум лаззатин бева билур, мева эгаси на билур? Юсуф алайҳиссалом Мисрда қаҳат ҳангомида тўйғунча таом емадилар, токим, очларни 135<sup>a</sup> ёдларидин чиқармағайлар.

### **Маснавий:**

Кимки, роҳатда ўткарур ҳолин,  
На билур очларнинг аҳволин.  
Очлар ҳоли ул киши билгай,  
Бошиға очлиғ ғами келгай.

### **Қитъа:**

Эйки, мининг югурук от уза, огоҳ ўлғил,

---

<sup>1</sup> – أَلْمَ أَعْهَدْ إِلَيْكُمْ يَا بْنِي آدَمَ أَنْ لَا تَعْبُدُوا الشَّيْطَانَ إِنَّهُ لَكُمْ عَذُونٌ مُّبِينٌ – “Мен сизларга тавсия қилиб: “Эй Одам болалари, шайтонга ибодат (итоат) қилмангиз, чунки, у сизларга очиқ душмандир...”, – [демаганмидим?!]”, (“Қуръони карим” “Ёсин” сураси, 60-оят)

<sup>2</sup> Кўлёзмада бу сўз “дом” шаклига жуда яқин ёзилган. Лекин гап “вом” –“қарз” ҳақида кетмоқда.

Ки юк остида эшак ожизу банди гилдур.  
Оч қўнгшунгни уйиға борибон ўт тилама,  
Ки уий тунглукидин чиқғани дуди дилдур.

Очлиғ ҳангомида ожиз дарвешдин сўрмағилким, ҳолинг нечукдур, деб сўраганингдан сўрмағилким, ҳолинг нечукдур, магарким бир нимарсани бергил ва сийнасининг захмиға марҳам еткургил.

### Қитъа:

Йиқилған ўлса агар лой ичида ожиз эшак,  
Кўнгул била шафқат айла, очма сўрғали тил.  
Нечун йиқилғанини чун аниг бориб сўрдинг,  
Ўзингға қуйруқидин тормоқлик лозим бил.

### Нукта:

Икки нимарса ақлға муҳолдуур: бири мақсум бўлған ризқдин зиёда емак ва бири **135<sup>б</sup>** маълум бўлған вақтдин бурун ўлмак.

### Қитъа<sup>1</sup>:

Борму<sup>2</sup> ўзга қазо шукру шикоятға,  
Киши чиқарса агар беҳисоб нола-ю оҳ.  
Аниг жазосини чун фаришта эрур вакил,  
Чароғ ўчса не ғам парра золға ногоҳ.

### Панд:

Ёмонлар ҳолиға раҳм этмак – яхшиларға ситам еткурмакдур, золимлар гуноҳин афв этмак мазлумларға жаврни раво кўрмакдур.

### Байт:

Хабис[ға] агар эҳсон парвариш қилсанг,  
Сўнгида молинга айлар шериклик даъво.

### Ҳикмат

Чин душманнинг агарчи ҳийласи таъсир қилмади, магар этмакдин ожиз бўлса, ҳийла била дўстлик мақомиға келур ондин сўнг дўстлиғ сурати била андок ишлар қилурким, ҳеч бир душман қила билмас. Бас, йилоннинг бошин душманнинг қўли бирла ёнчғилким, мунда икки нафънинг **136<sup>а</sup>** бири бор турур: агар бу ғолиб бўлса, йилонни ўлтурмиш бўлғойсен ва агар ул ғолиб келса, душманнинг қўлидин қутулмиш бўлғайсен.

<sup>1</sup> Ундан олдинги “нукта” қайди ортиқча.

<sup>2</sup> Қўлёзмада چورمو. Бизнингча, “борму” сўзи муносиб.

**Байт:**

Урушда бўлмағил имин заиф душмандин,  
Ки шер мағзин оқузғой гар узса жондин умид.

**Панд:**

Сўз айтур кишининг сўзин то яна бир киши айб қилмағунча  
сўзи ислоҳ топмағусидур ва халқға мақбул бўлмағусидур.

**Байт:**

Сўзинга ғурра бўлма ширин деб,  
Анга нодонлар айласа таҳсин.

**Ҳикмат:**

Барча кишиға ўз айби ҳунар ва камол ва ўз фарзанди  
соҳибжамол кўрунгусидур.

**Маснавий:**

Бир мусулмон, бир жуҳуд қилди уруш,  
Бўлдим ул ҳангомда мен дағи тўш.

Деди ул: “Ёлғон десам Ҳаййу Вадуд,  
Мени расво айлаб ўлтурсун жуҳуд”.

Деди бу: “Ёлғон десам онт 136<sup>б</sup> ичкамен,  
Даҳрдин сендек мусулмон кечгамен”.

Ақлдин холи агар бўлса жаҳон,  
Ҳеч ким нодон ўзин қилмас гумон.

**Ҳикмат**

Нодонға хомушлиғдин яхши нима йўқдур, агар муни билса  
эрди, нодон бўлмас эрди.

**Маснавий:**

Фазлинг ар йўқ эса ани билгил,  
Ки сўз айтурға очма ҳаргиз тил.

Одамийни тил этгуси расво,  
Очма оғзингни, бўлма бепарво.

**Ҳикмат**

Жувонмардиким, молни егай ва бергай, ул обиддин  
яхшидурким, йиғнағай ва тергай.

Ҳар кишиким, халқ қабули учун шаҳватни тарқ қилибдур  
ва ҳалол шаҳватдин қочиб, ҳаром шаҳватга йиқилибдур.

**Байт:**

Бир гўшада обидки, риё бирла ўтурғай,  
Ойинаси бас тийрадур, анда нени кўргай.

### **Ҳикмат**

Зарра-зарра хайл бўлур ва қатра-қатра сел бўлур, **137<sup>a</sup>** ул кишиларким, ҳоло қувватлари қўли ожиздуур, ушоқ тошларни йиғнаб сақларлар, токим фурсат вақтин топиб, душманнинг рўзгоридин дамо[р] чиқарурлар.

### **Байт:**

Андак-андак йиғилғуси бисёр,  
Дона-дона ўгулгуси амбор.

### **Ҳикмат**

Насиб бўлмаған нимарсага қўл етишмагусидур ва насиб бўлған нимарса ҳар жойдаким бўлса, етушгусидуур.

### **Байт:**

Скандар ўлди чу саъй ила озими зулумот,  
Неча миҳан чекиб андин сўнг ичти оби ҳаёт.

### **Ҳикмат**

Рўзиси бўлмаған сайёд Дажлада балиқ тута олмағусидур ва ажали етмаган балиқ қурук ерға тушган била ўлмагусидур.

### **Байт:**

Мискин ҳарис олам аро тинмайин юрар,  
Ул ризқ изида, ажал анинг изида.

## **137<sup>b</sup> Ҳикмат**

Фосиқ тавонгар зарандуд кесакдуур вадолиҳ дарвеш хоколуд шоҳдур<sup>1</sup>. Бу Мусонинг муракқаъ далқидур ва ул Фиръавннинг мурассаъ сақоли. Яхшилар шиддатининг юзи фараҳғадур ва ёмонлар давлатининг боши ошоқғадур.

### **Қитъа:**

Бўлубон ҳар кишида давлату жоҳ,  
Хаста кўнглин биравнинг олмағуси.  
Хайр этгил, ангаки, сийму зари  
Охиратға захира қолмағуси.

### **Ҳикмат**

Ҳар осийким, дуоға қўл кўтарур ул обиддин яхшидурким,

---

<sup>1</sup> Қўлёзмада “шоҳид”. Бизнингча, “шоҳ” тўғри.

ҳавоға бош күттарур.

**Байт:**

Бил мулойимхўй осий яхшидур,  
Мардумозор обиди худройдин.

*Ҳикмат.* Муруватсиз киши хотундур ва тамаълик зоҳид қароқчиdur.

**Қитъа:**

Эй, улусға қабул тушмак учун,  
Жома қилған сафиду нома сиёҳ,  
Даҳрдин чек қўлунгни қилғунча,  
Остининг дароз, элинг кўтоҳ.

**Панд:**

Икки кишининг **138<sup>a</sup>** кўнглидин ҳасрат жудолиқ қилмас ва оёқидин кулфат лойи айрилмас: бири кемаси синған тожир ва бири қаландарлар била ўлтурған зоҳид.

**Қитъа:**

Факр эли оллидадур қонинг мубоҳ,  
Бўлмаса гар ўртада молинг сабил,  
Борма ё кўк жомалиғ ёр олдиға,  
Ёки ҳолинг манглайиға торт тил.  
Ёхуд этма филбонға дўстлиғ,  
Ё уюнг кенг айлагил, сиғғунча фил.

**Ҳикоят**

Ҳазрати имом Муҳаммад Газзолийдин сўрдиларким, улумда мундоқ олий мартабаға нечук етушдинг? Имом деди: “Билгилким, ҳар нимарсанниким билмадим, ани кишидан сўрмоқда нангу номус қилмадим”.

**Қитъа:**

Умиду оғият ул вақт ўлур мувоғиқ ақлға  
Ки, арзи набзни қилсанг ҳакими ҳозиқға.  
Не сўзни билмас эсанг, сўрки сўрмоқинг зилли<sup>1</sup>  
Сенга далил бўлур роҳи қариб Холиқға.

**Панд:**

Ҳар нимани билсангким, **138<sup>b</sup>** сўнгрок сенга маълум бўлур,

<sup>1</sup> Бу одат, равиш, тарз маъносидаги сўз.

ани таъжил қилмағил. Нединким, бу сўз султоннинг ҳайбатин кам қилур.

### **Қитъа:**

Чу Довуд илгига билдики Луқмон,  
Темурлар мўъжиз ила бўлғуси мум.  
“Не иш қилғунг?” – деб андин сўрмади ҳеч,  
Ки эрди кўрмайин оллида маълум.

### **Ҳикмат:**

Ёлғон сўз айтмоқ қилич зарбиға ўхшар, агарчи яраси бутса ҳам, нишони қолур. Андоқким, Юсуф алайҳиссаломнинг биродарлари ёлғон сўз била машҳур бўлдилар ва аларнинг рост сўзлариға ҳам эътимод қолмади.

### **Қитъа:**

Биравким, эрур одати рост сўз,  
Хатойин дағи чин этарлар гумон.  
Вагар ёлғон айтурда чиқса оти,  
Билур, чин сўзин ёлғон, аҳли жаҳон.

### **Ҳикмат:**

Агар қаҳри тифин сурса, набий ва валий бўюнларин илгари тутуб, рози бўлур ва агар лутф ғамзасин зуҳурға еткурса, ямонларни яхшилар мартаба- 139<sup>а</sup> сиға еткуур.

### **Қитъа:**

Қаҳр ила гар қилса маҳшарда итоб,  
Анбиё ҳам айлай олмас маъзират.  
Гар кўтарса лутф юзидин ниқоб  
Ашқиёга бор уммиди мағфират.

### **Ҳикмат:**

Ул кишиниким, ароти қулоқи оғирдур, нечук қилиб эшитгай ул кишиниким, саодат каманди тортиб олиб борур, нечук этиб таваққуф этгай.

### **Қитъа:**

Шукриға дўст бўлған кечаси  
Кундуз кўрунур зиёу баҳо.  
Ҳосил эмастур ушбу саодат ўлмаса агар,  
Бахшишу лутф қилмас эрса Худо.

### **Ҳикмат:**

Гадойи неканжом подшоҳи бадфаржомдин яхшидур.

### **Байт:**

Ҳар ғамеким, охири бўлгуси хуррамлиқға зам,  
Яхшидур, ул шодлиғдинким сўнгида бор ғам.

**Ҳикмат:**

Ҳақ таъоло халойиқ айбларин кўрар ва пинҳон тутар ва ошкоро қилмас.

**Байт:**

Наъзу биллаҳи **139<sup>б</sup>** агар билса эрди айбини эл,  
Ўзиға таъна урап эрди тинмайин бир дам.

**Ҳикмат:**

Бир дарвеш муножот вақтида дер эрди: “Раҳмат қил!  
Нединким, яхшиларға раҳмат қилмишсен вааларни яхши яратмишсен”.

**Ҳикоят**

Аввалги кишиким, аламға жома кийдуруб, илкига хотам олди Жамшид эрди. Андин сўрдиларким: “Не учун барча зийнатни чап қўлингға бердинг, бовужудиким, рост қўлунг афзалдур”. Ул жавоб бердиким: “Ростға ростлиғ улуғ зийнатдур”.

**Байт:**

Ёмонни тут азиз, эй марди ҳушёр,  
Ки яхшининг ўзидур иззатосор.

**Ҳикмат:**

Барча кишининг тиши турш нимарсалар била ўтмас бўлур, аммо қозиларнинг тиши ширин ва лазиз нимарсалар билан ўтмас бўлур.

**Байт:**

Қозики, егай ришва била беш **140<sup>б</sup>** хиёр,  
Собит сенинг учун қилур ўн ҳарбузаға зор.

**Ҳикоят**

Бир ҳакимдин сўрдиларким, “Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло кўб номдор дарахтларни яратубдур ва баруманд ва баркамол этубдур, аларнинг ҳеч бирисини озод атамамишдур. Магар сарвни озод атамишдурким, ҳеч меваси ва самараси йўқтур. Мунда ҳикмат недур?” Ул вақтда ҳаким деди: “Ўзга дарахтларнинг ҳар бирисига маълум вақтда бир даҳл муайяндур ва гоҳо онинг вужуди била тоза бўлур ва гоҳо анинг

адами била пажмурда<sup>1</sup> бўлур. Сарв дарахтида бу ҳол йўқ туур ва бу жаҳатдин тозадур ва бу сифат озодаларнинг сифати туур.

### **Байт:**

Келур қўлингдин агар, нахлдек карим ўлғил,  
Йўқ эрса олам аро сарв янглиғ ўл озод.

### **Ҳикмат:**

Икки киши ўлуб адам сарманзилиға етти, иккови ҳам кўб ҳасрат ва надоматни **140<sup>6</sup>** олиб кетти. Бири улдурким, моли бўлуб, емади ва яна бири улким, билиб амал қилмади.

### **Байт:**

Кўрса ҳар ким баҳил фозилни,  
Айбини олам ичра айлар аён.  
Минг гунаҳ гар каримда бўлса,  
Карами барчасин қилур пинҳон.

## **КИТОБ ХОТИМАСИ**

Ҳазрати Молики мустаъон инояти била “Гулистон” китоби тамом бўлди. Бу китобда ўзга муаллифларнинг расми била юқорида ўтган шуаронинг шеъридин бир неча абёт ва ашъорни истиора тариқаси била муносиб жойларда келтурулмади ва ҳар шеърниким, муносиб ерларда ёздим, ўз табъимнинг зодасидурур.

### **Байт:**

Ўзининг кўхна хирқасин киймак,  
Жомайи ориятдин афзалдур.

Саъдийнинг аксар сўзи тарабангиз ва фараҳомиз туур. Бу иллат ва бу меҳнат била баъзи кўтоҳ- **141<sup>a</sup>** назарлар таъна тилин мундок узатурларким, мунча беҳуда ва бемаъни сўз демак ва думоғ мағзин бефойда ва беманфаат емаклик – хирадмандларнииг иши эрмасдур. Лекин соҳибдилларнинг равshan раъйлариға пўшида қолмасунким, шофий мавъизаларининг дурларин иборот риштасиға чекмишман ва насиҳат талх дорусин зарофат шаҳди била оғушта

---

<sup>1</sup> С.Долимов нашрида шу сўз тўғри. Бу қўлёзмада “мужда”.

қилмиш[мен], токим қабул давлатидин маҳрум қолмағай.

**Маснавий:**

Биз насиҳат бажой келтурдук,

Пандни охираға еткурдук.

Гар киши майл этиб қулоқ солмас,

Биздин элга паём бўлғаю бас.

Таммату-л-китоб би-авни-л-Малики-л-ваҳҳоб. 1321<sup>1</sup>

Рақами фақири-л-ҳақир домулло Абдураззоқ маҳдум қори ибн домулло Абдулжаббор қори эшон мархумий шаҳрли, ғафараллоҳу таъоло, фий шаҳри шаъбон<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Милодий 1902 – 1903 йиллар.

<sup>2</sup> Шу йили шаъбон 1902 йил 2 ноябрдан бошланган.

## **Нашрга тайёрловчидан:**

“Шарқ қўлёзмалари каталоги” (СВР)да Оғаҳий таржимасидаги “Гулистон”нинг 2 қўлёзма нусхаси борлиги (ЎзР ФА ШИ асосий фонди, №№ 899, 7768 ашё рақамли қўлёзмалар тавсифи) ҳақида маълумот берилган бўлса<sup>1</sup>, Ф.Фанихўжаев унинг 3 та нусхасини (юқоридагиларга қўшимча Ўз Р ФА ШИ асосий фонди 9983/I ашё рақамли қўлёзма) тавсифлайди<sup>2</sup>. Мухими, шарқшунос Ҳ.Назирова ушбу асарнинг 4 та қўлёзма мавжудлиги (қўшимча равишда қайд этилган фонддаги 11462 ашё рақамли қўлёзма) ҳақида ёзади<sup>3</sup>.

Кўринадики, нусхаларни солиштириш унинг илмий-танқидий матнини тузиш имконини беради. Бундан ташқари Оғаҳий таржимасидаги “Гулистон”нинг мавжуд нашри қайси қўлёзмага асосланганлигини аниқлаш зарур. Асарни нашрга тайёрлаган С.Долимов<sup>4</sup> қайси нусхадан табдил қилганини қайд этмаган. Биз дастлабки кузатувлар натижасида мазкур нашр ва асарнинг 7768 ашё рақамли қўлёзма ўртасида эътиборга молик фарқлар мавжудлиги аниқладик. Бундай фарқларни дастлаб қуйидагича таснифлаш мумкин: 1. Грамматик фарқлар. 2. Сўзлар ўртасидаги фарқлар. 3. Структурал фарқлар. 4. Жумла тузилишидаги фарқлар. 5. Котиблар иш жараёни билан боғлиқ фарқлар ва ҳоказо.

Ҳар иккала нашр ўртасидаги фарқлар ниҳоятда кўп бўлгани боис айрим муҳим ўринларгина қайд этилди.

Ушбу нашрнинг техник жараёнида Хоразм Маъмун академиясида фаолият олиб бораётган А-ФА-2019-9 шифрли “Қадимий ёзма ноёб қўлёзма ва манбаларни тадқиқ қилиш, уларнинг рақамлаштирилган библиотекасини яратиш” амалий лойиҳаси (лойиҳа раҳбари филол. ф.д. А.Д.Ўрозбоев) ходимлари иштирок этди.

---

<sup>1</sup> СВР. – Ташкент, 1964. – Т.VII, №№ 5321-5322.

<sup>2</sup> Фанихўжаев Ф. Оғаҳий асарлари тавсифи (каталог) – Тошкент: 1986. – Б. 48 – 49.

<sup>3</sup> Назирова Ҳ.Б. Самый плодотворный переводчик Центральной Азии: Мухаммад Риза Агахи // Вестник МИЦАИ, №27, 2018. – С. 104 ва ушбу китоб муқаддимаси.

<sup>4</sup> Мухаммад Ризо мироб Эрниёзбек ўғли Оғаҳий. Асарлар. 4-жилд. Нашрга тайёрловчи С.Долимов. – Тошкент: Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. – Б. 88 –182.

# **ХАФТ ПАЙКАР**

**(ЕТТИ ГҮЗАЛ)**

**НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ АСАРИ**

**Форс тилидан Мухаммад Ризо Огаий настрий таржимаси**

**Субутой Долимов нашри асосида қайта тайёрловчи  
Абдулла Ўрозбоев**

**1<sup>a1</sup>** Ва вофир ҳамд жавоҳири ул қодир Подшоҳнинг ҳазратига нисордурким, жаҳон султонлари аниңг азамати даргоҳининг ҳақир бандаси ва мутакосир сано завоҳири<sup>2</sup> ул зоҳир Шаҳаншоҳнинг маолийи даргоҳига сазовордурким, даврон хоқонлари аниңг иззати остоининг ожиз сарафкандасидурлар. Ададсиз дуруд ул охир замон пайғамбариғаким, барча мавжудот аниңг муборак вужуди азамати ва ҳадсиз дуо ул икки олам<sup>3</sup> сарвариғаким, пайғамбарлар гуруҳи аниңг **2<sup>b</sup>** чокари хайлидурлар<sup>4</sup>.

Аммо баъд, бу беҳжатафзо нусхани ўқиғувчи доно хосларнинг донишоро хотирлариға равшану хувайдо бўлсунким, ҳазрати хилофатпаноҳ, салтанатдастгоҳ, сулаймонмакон, жамшидсавлат, баҳромсалобат<sup>5</sup> ваadolатмаоб, саховат ...<sup>6</sup> инсон, **маснавий**:

Шоҳи гардунжаноби мусаффобаҳт,  
Хусрави баҳру бар, исқандартахт.

---

<sup>1</sup> Асар қўлёзмаси ҳақида Ф.Фанихўжаев “Огаҳий асарлари тавсифи” (Каталог)да ( – Тошкент, 1986, 57-бет) маълумот берган. Лекин тавсифда қатор таҳрирталаб ўринлар бор:

Биринчидан, ўқувчида асар бутун китобни эгаллаган, деган тасаввур пайдо бўлади. Ваҳоланки, “Ҳафт пайкар” 161<sup>b</sup> варакдан бошлиб асарга тааллуқли бўлмаган қайдлар, 164<sup>a</sup> дан эса бошқа ёвузлар келади. Биз ушбу ёзувларни муфассал ўқиб, хulosага келаганимча йўқ. Лекин сарлавҳада “Ҳажжи Исо тўра бин Раҳимқулихон ибн Аллоҳқулихон ибн Муҳаммад Раҳимхони Аввал” деб ёзилган.

Иккинчидан, котиб номи асар охирида эмас, қўлёзма охири – 311<sup>b</sup> да қайд этилган: Мулло Ёқчи Мулло Бойниёз Ибн Бобо Халифа.

Қўлёзма хусниҳат ва имло масаласида қанчалик камчиликлари бўлмасин, ягона нусхалиги, “қатор нуқсонларга эга” шу китоб бўлмаганда биз Огаҳий таржимасидаги бир асадан (“Ҳашт беҳишт”, “Баҳористон” каби) баҳраманд бўла олмаслигимиз эҳтимоли бўлганлигини эътиборга олиб, унга нисбатан танқидий муносабатда бўлишимизadolатдан эмас. Шунинг учун ҳам Субутой Долимов қўлёзмани ўқишида матншунослик борасидаги бор маҳоратини ишга солган. Биз фақат уни қайта кўздан кечириб, зарур тузатиш ва ўзгартиришлар киритдик. Эзгу ниятдаги бу интилишимизни адабиёт ихлосмандлари ва Устоз (Субутой Долимов)нинг ворислари қўллаб-қувватлайдилар деган умиддамиз.

<sup>2</sup> Қўлёзмада زوھری . Огаҳийнинг бошқа асарлари тилига қиёсан бу сўз – завоҳири эканига шубҳа қилмаймиз.

<sup>3</sup> Қўлёзмада عالی - олам эканига шубҳа йўқ.

<sup>4</sup> С.Долимов қўлёзма имлосини тўғрилаб ўқиган.

<sup>5</sup> Қўлёзмада بهرام صحبت Огаҳий асарлари тили хусусиятларига кўра юкоридаги тарзда ўқиш тўғри.

<sup>6</sup> Бир сўзниңг ўқилиши матн мазмунига мос эмаслиги учун очиқ қолдиридик.

Уйла келди тенг<sup>1</sup> мақоми аниң,  
 Гаҳе подшоҳлар ғуломи аниң.  
 Карам оягини<sup>2</sup> қилур ҷоғи пош,  
 Даҳр аро, нечукким, қуёш.  
 Дурру лаъл элга қилғали эҳсон,  
 Бордуур икки илги баҳри кон.  
 Хайли чокар анга Искандар, Сом қилибон,  
 Куллуғини минг Баҳром [қилибон].  
 Фазлу дониш била эҳсон аро тоқ,  
 Лутфу баҳшишда шинамроқ<sup>3</sup>.  
 Адл бирла жаҳон бўлуб хуррам,  
 Топди зийнат некуқки **2<sup>a</sup>** боғи Эрам.  
 Қилди андок атони баҳшиш,  
 Улуси топди кому осойиш.  
 Барча машғул ўлуб саносиға,  
 Очти тилларин дуосиға,

аъни подшоҳи олийшон, шаҳаншоҳи гетистон Абу-л-музаффар ва-л-мансур ва Абу-л-фатҳ Сайид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон аббадаллоҳу таъоло мулкаҳу ва ижлолаҳу ва зода умраҳу ва иқболаҳу<sup>4</sup>, бу бандайи ҳақир ва ихлостахмир Муҳаммад Ризо мироб ал-мутахаллас би-л-Огаҳий ғафараллоҳу зунубаҳугаким<sup>5</sup>, етти орқадин, балки етмиш орқадин бери ул ҳазратнинг давлатлиғ остоининг ихлосманду дилҳоҳи, балки ...<sup>6</sup> даргоҳидурмен, подшоҳона шафқат кўргузуб, ҳазрати шайх Низомийнинг “Ҳафт пайкар” отлиғ китобин, Баҳром шоҳнинг ҳолоти воқеоти қиссаси маолин, наср ва иймож<sup>7</sup> тариқаси бирла таржума қилиб, туркий таснифиға киргумак хизматин буюрдилар. Мундоқ иноят **2<sup>b</sup>** била маҳзуннинг тими амомасин фалак гунбазининг бошидин ошурдилар. Фақир бағоят масур бўлуб, дарҳол бу хизмат тараддудига иштиғол кўргузуб, қудратим етканича авроқи устида кўшиш қаламин ҳаракатга

<sup>1</sup> Шартли равища шундай ўқилди.

<sup>2</sup> Бизнингча, бу сўз *оясини* - *кафтини* бўлиши керак.

<sup>3</sup> Қўлёзмада *شىنەرەق*. *Шинам* сўзининг луғавий маъноси “учқун”.

<sup>4</sup> Аллоҳ таъоло унинг мулки ва жалолатини абадий қилиб, умри ва иқболини зиёда қилгай!

<sup>5</sup> Аллоҳ унинг гуноҳларини кечиргай!

<sup>6</sup> Шу ўринда форсий изофа ҳолатидаги “ғулом” ёки шунга маънодош бир сўз бўлиши керак.

<sup>7</sup> Қўлёзмада *ايماڭ*. Бундай сўз йўқ. Бизнингча, *ايماڭ* иймож, яъни нақи, олтин суви юритилган тасвир.

киргуздум. Умид улким, ҳақ субҳонаху ва таоло ўз карами бирла бу ишимни итмомиға еткургай ва ҳазрати подшоҳнинг муборак хотирлариға мақбулу марғуб тушургай.

## “Ҳафт пайкар”<sup>1</sup> достонининг ибтидоси

Мусанниф алайҳирраҳма айтурким, қадим замонда Эрон вилоятининг пойтахти Мадойин шаҳри эрди. Ул шаҳрда сосоний табақасидин Яздижурд бинни Шопур подшоҳ эрди. Ул бағоят қувватлиғ, золим, ситамкор киши эрди. Андин кўп фарзанд мавжуд бўлур эрди, аммо ҳеч бири турмас эрди. З<sup>a</sup> Охир саодатлиғ замонда Ҳақ таоло анга бир давлатлиғ ўғул бердиким, ниҳоятсиз масрур ва шодмон бўлиб, ул ўғулға Баҳром от қўйди.

Мадойин мулки бағоят бадҳаво эрди. Яздижурд Баҳромнинг тарбияти учун, жаҳондийдалардин, қайси вилоят хушҳаво эркан, деб сўради. Ҳама иттифоқ бирла жавоб бердиларким, барча вилоятларнинг хушҳавороги Яман вилоятидир. Ул вақт Яманнинг ҳокими Нўъмон шоҳ эрдиким, Яздижурд ани ўз тарафидин ҳоким қилиб қўймиш эрди. Киши йибориб ани Ямандин келтуруб, Баҳромни анго топшурдиким, Яман томониға элтиб, хушҳаво ерда парвариш қилгай ва барча илму ҳунарни ўргаткай. Нўъмон шоҳ шодмон бўлиб, ул хизматни қабул қилиб, Баҳромни жон пардасида асраб, З<sup>b</sup> иззату икром бирла Яманга олиб борди. Донишманд дояларға топширди. Булар кўп саъии кўшиш бирла парваришға машғул бўлдилар.

## Ҳаварнақ қасрининг бино топғани

Баҳром тўрт ёшға киргандин сўнг Нўъмон аниг учун бир баланд ва мунаққаш кўшк иморат этмакни тақозо қилиб, ўзининг ўғли Мунзирнинг иттифоқи бирла бир муносиб жой ахтариб, бир мусафро, хушҳаво, кенг сабзазорнинг ўртасида бир баланд ер кўруб, қасрни анда бино қилмоқни ихтиёр қилди. Яман вилоятининг барча наққош устозларин йиғнаб аларга буюрди, токим, ул жойда бир мусафрою дилкушо, мунаққашу

<sup>1</sup> С.Долимов қўлёзма имлосини тўғрилаб ўқиган.

муалло кўшк бино қилгайлар. Алар Нўймоннинг кўнглига мувофиқ тушкудек иш қила олмадилар. Охир Нўймонга айтдиларким, Рум вилоятида Сом наслидин Симнор отлиғ ҳунарманд уста бор турур- **4а** ким, етти иқлимни сайр этибдур ва жамеъ қасб-ҳунарда, хусусан, биннолик ва наққошлиқда даражайи камолға етубдур ва ҳунари барча оламға машҳурдур. Мисрда ва Шомда кўп олий ва дилкаш иморатлар қилибдур, иморат ишида жаҳон ҳунармандларининг устози турур, аниг бино қилған иморатин ҳар ким тамошо қилса, албатта, ҳайратда қолур, сенинг кўнглунг хоҳлаған кўшкнинг иморатин ул бино қилур, дедилар, эрса Нўймон бу сўзни эшишиб, дарҳол Румға киши йиборди. Бир оз вақтдин сўнг Симнорни келтуруб кўп лутфу навозишлар қилиб, кўшк биноси ишин анга буюрди. Симнор дарҳол иморат ишига даркор асбобни муҳайё қилиб, ғайрат била тош ва лойдин бир олий қаср бино қилурга машғул бўлди ва беш йил муддатида андоқ бир баланд кўшк бино этдиким, кунгира **4<sup>б</sup>** ва гумбазининг боши фалак ҳисорининг буржиға етти ва ичининг тилло нақшларин ва зебо сувратларин ҳар киши кўрса ошуфта, ҳайрон бўлур эрди. Мусаффо деворлари ойинадек жило берур эрди ва ёвук борған кишининг акси кўрунур эрди. Бир алония кеча кундузда уч турлук рангга айланур эрди. Андоқки, тонг отғандин сўнг офтоб чиққунча кўк ранг, офтоб чиққандин сўнг то кун ботқунча сариф ранг ва намозшомдин то сахаргача оқ ранг пайдо қилур эрди. Ул қаср иморатининг иши тамом бўлгандин сўнг анга Хаварнак от қўйдилар. Нўймон ул беҳиштишон кўшкнинг дилкаш намудорин ва турлук нақшнигорин кўнгли тилагандин зиёдроқ кўруб, ниҳоятсиз **5<sup>a</sup>** хурраму хушҳол бўлуб, Симнорға неча тева зар, гавҳар бериб, кўп ваъдалар қилди. Симнор ул гавҳарларни кўруб, бул ваъдаларни эшишиб андоқ вақтлари хуш бўлди, андин сўнг шодмон юзидин деди: “Агар бу кўшкнинг иморатиға қўл урмасдин бурун шоҳнинг мундок инъом ва илтифот қилурин билсан эрди, мундин юз ҳисса яхшироқ кўшк бино қилур эрдим.” Нўймон деди: “Мундин ҳам яхшироқ иморат қила билурмусен?.” Анда Симнор деди: “Агар фурсат бўлса, андоқ хушнамо ва дилкушо кўшк бино қилурменким, бул кўшк аниг ёнида бир вайрон катакчалиқ эътибор топмағай. Агар бул кўшк уч турлук ранг пайдо қилса, ул юз турлук ранг пайдо қилгай ва бул тош ва лойдин бино

бўлса, ул лаъл ва ёқутдин бино бўлғай ва бу катак шаклидек бир гумбаз бўлса, ул фалак қасридек олий гумбаз бўлғай”, - деди эрса, Нўъмон шоҳ Симнорнинг бу сўзин эшитиб дарғазаб бўлди ва яна бошқа вилоятда мундин яхшироқ кўшк бино қилмасун, деб дарқаҳр бўлуб буюрди, Симнорни бул кўшкнинг устидан ерга ташлаб ўлтурдилар. Ул дилкаш гумбазни бино қилдурғандин Нўъмон шоҳнинг оти барча оламда машҳур ва иззати баланд бўлди.

### **Хаварнақ иморатининг итмоли. Нўъмон аҳволининг анжоми ва Мунзирнинг салтанати ва аниг Баҳромға тарбияти**

Хаварнақ қасрининг биноси кўп саъй ва итмоли била тамом бўлғандин сўнг овозаси барча оламға тушуб халойик атроф ва акнофдин гуруҳ-гуруҳ келиб ва аниг гунбази **6<sup>a</sup>** ҳайъатининг намудорин ва ичининг нақшу нигорин тамошо қилиб таажжуб юзидин ҳайрат тиши бирла таҳсин ва офарин бармоқин тишлар эрдилар. Ва ул кўшкни андоқ баланд ва хушҳаво мавзеъда бино қилмиш эрдиким, атрофи васеъ улуғ майдон ва майдонининг бошдин-оёқи тўла гул эрди, ҳар тарафда Фирот дарёсининг суви оби ҳаётдек жонбахшлиқ бирла равон эрди. Нўъмон ул биҳиштнишон қаср ичинда Баҳромға баланд мақом таъйин этиб, субҳу шом итмоли тамом бирла парваришга қиём кўргузур эрди. Бир кун Нўъмон Баҳром бирла ул кўшк устида ўлтуруб, гули дарёйи Чинларни ...<sup>1</sup> тамом бирла тамоша қилиб деди: “Жаҳонда мундин **6<sup>b</sup>** яхшироқ жой йўқтур ва бу биёбонда ҳамиша айшу ишрат қилиб умр сурмак керакдур.” Бу сўзни айтур чоғида Нўъмон шоҳнинг вазири олдида ҳозир эрди ва ул вазир ҳазрат Исо алайҳиссаломнинг ёнида<sup>2</sup> эрди ва кўп диёнатлиғ киши эрди. Нўъмоннинг юзига қараб деди: “Эй шоҳ, агар ҳақ таолони топсанг ва бир билсанг, санга ул вилоятингдаги жамеъ мулку молдин ва зару гавҳардин ва подшолиқингдин яхшироқдур. Агар сан парвардигор маърифатидин хабардор бўлсанг эрди, барча амвол ва авлод ва анжомдин қўл кўтарур эрдинг.”

<sup>1</sup> Шу ўринда *фараҳ* // *разбат* ёки шунга ўхшаш бир сўз бўлиши керак.

<sup>2</sup> Кўлёзмада *پانيدا* - ёнида. Лекин матн мазмунига кўра бу сўз *دینیدا* - динида бўлиши кераклига шубҳа йўқ. Воқеалар ҳам ислом зухуридан олдинги вактда бўлиб ўтмоқда.

Вазирнинг мундоғ ўтлиғ сўзи Нўъмонға таъсир этиб, қаттиқ кўнгли мумдек эриди. Кеч бўлғандин сўнг 7<sup>a</sup> кўшкдин тушуб, мулк ва подшоҳликни ташлаб, дин талаби бирла биёбонга сарсардек шитоб бирла юз уруб, ғойиб бўлди. Андин сўнг ҳеч киши ани кўрмади. Мунзир кўп ахтариб, кўп кишидин сўроғ этиб, отасидин ҳеч ному нишон топмади. Неча кун ғаму мотам бирла ўлтурди. Охир улуғ ва кичикнинг иттифоқи бирла отаси ўрнига подшоҳлик тахтиға миниб, адлу карам бирла сипоҳ ва раиятнинг кўнгулларин олиб, ишиға бурунғидин яхшироқ низом ва саранжом берди. Баҳромға отасидин яхшироқ парвариш қилиб, жонидин азизроқ тутди.

Мунзирнинг Нўъмон отлиғ бир ўғли бор эрди. Баҳром анинг бирла бир доянинг сутин эмишиб эрди. Икковининг 7<sup>b</sup> ёши баровар эрди. Бир мактабда, бир тахтада сабокдош эрди, бирга ўқур эрдилар ва ҳеч вақт бир-биридин жудо бўлмас эрдилар. Мунзир барча илму ҳунарда кўп моҳир ва устод эрди. Шаҳзода Баҳром бир неча йил ул кўшкда Мунзирдин илму ҳунар ўрганди, арабий, форсий ва юноний лафзлариға, алқисса, жамеъ илмга маҳорат топиб, фазлу донишда якто, беназир бўлиб, андин сўнг сипоҳийлик ишига машғул бўлди. Ўқ отмок, қилич урмоқ русумида ва найзабозлиқ ва сайдандозлиқ фунунида ул мартабаға етишдиким, агар ўқин тошға отса ҳарирдин ўткандек ўтар эрди ва агар қиличин темурға урса, сувни кескандек кесар эрди, агар найзасин тариф донасига урса, ҳалқадек тўшар эрди ва бир 8<sup>a</sup> ҳамлада юз шерни ожиз қилиб ва бир зарбда минг филни забун қилур эрди. Ва ҳамиша сарсар сифотлиғ ашқи отға миниб, Яманнинг чобук йигитлари бирла шикорға чиқиб, турлук жониворларни сайд этар эрдилар. Аммо кўпроқ гўзонларни<sup>1</sup>, яъни қулонни шикор қилур эрди. Бир қулонни тирик тутса, ул қулон тўрт ёшидин ўтмаган бўлса, анинг сониға ўзининг тамғасини босиб, халос қилиб йиборур эрди. Андоқ тамғали қулонлар кўп эрди. Ўзга андозлар аларнинг бирин тирик тутсалар, Баҳромнинг тамғасин кўриб, оёқдин бандин олиб, озод қилиб, сахроға йиборур эрдилар.

## Баҳромнинг барс бирла қулонни 9<sup>b</sup> бир ўқ<sup>2</sup> бирла уруб ўлтурғани

<sup>1</sup> Матнда گۈزان – гўзон. Аслида гавзан. Тоғ жонвори. Ҳар йили янгидан шоҳ чикади.

<sup>2</sup> С.Долимов қўлёзма имлосини тўғрилаб ўқиган.

Бир кун Баҳром Яманнинг йигитлари бирла шикорга чиқти. Шикорда кўрдиким, узоқдин бир ғубор пайдо бўлуб осмонға чиқатуур. Дарҳол чобуклик бирла отифа тозёна уруб, барқдек суруб ул ғуборға етти. Кўрдиким, бир йўлбарс бир қулоннинг бўйнидин тишлаб, орқасиға миниб ерга йиқмоқ учун зўр қиладур. Ул вақтда Баҳром садоқдин ўқ олиб ёйға гўзлаб андоқ шаст бердиким, барс ва қулоннинг ичидин ўтуб ерга ғарқ бўлди. Халойиқ бу ишни кўруб ҳама таҳсин ва оғаринлар қилиб, Баҳром Гўр от қўйдилар. Баҳром қайтиб Хаварнаққа келгандин сўнг Мунзир ул ишни, йўлбарс қулонни тишлаб устига миниб турғанин **10<sup>a</sup>** ва Баҳромнинг алар устига келиб бир ўқ бирла иковин ўлтурганин сувратин наққошларға буюрди. Хаварнақ кўшкин деворига зарҳал бирла нақш этарлар.

### **Баҳромнинг аждарҳони ўлтуруб ганж топқани**

Баҳром бир кун Хаварнақ қасридин чиқиб ашқи отға миниб, Яман сипоҳи бирла шикоргоҳға бориб, ҳисобсиз қулонни сайд қилди. Охир бир семуз урғочи қулонким, хўбсуват ва хушандом эрди, Баҳромнинг олдида пайдо бўлуб, дилкаш рафтор бирла хиром кўргузди. Баҳром ани кўруб отифа қамчи уруб то кун ўртағача ани қувди. Барча лашкари бу ерда қолиб, Баҳромнинг ёлғуз ўзи қувиб борур эрди, токим бир улуғ ғорға борди, ҳеч одамийзоднинг **10<sup>b</sup>** қадами анда етмамиш эрди. Баҳром ғор оғзига бориб кўрдиким, бир улуғ аждарҳо ҳалқа уруб ётубдур ва икки кўзи машъалдек ёнадур. Дарҳол садоқдин икки айри ва икки пайконли бир ўқ чиқариб, ёйға солиб андоқ зўр бирла отдиким, ўқнинг икки пайкони аждарҳонинг икки кўзига ботди ва аждарға жаҳон танг бўлди. Жон ҳавли бирла бир наъра урдиким, ер-осмонға зилзила еткурди. Баҳром кўнглиға хавотир келтурмай отдин тушуб, белидин ойболтасин олиб, аждарҳоға ҳавола қилиб, бошин пора-пора қилди ва қорнин ханжар бирла ёриб ишин тамом қилди.

Андин сўнг отифа миниб яна қулон қасдиға равона бўлди. **11<sup>a</sup>** Қулон қочиб ғорнинг ичига кириб пинҳон бўлди. Баҳром қулоннинг изидин ғорнинг ичига кириб, бир ганж кўрдиким,

неча хумлар тўлған зар қуёшдек барқ уруб турубдур. Баҳром зарни кўруб худога шукур қилиб, ғордин ташқари чиқди. Бир оз соатдин сўнг изида қолған чокари ва лашкари бир-бир ва икки-икки Баҳромни талаб қилиб изидин келиб, Баҳромнинг атрофида жамъ бўлур эрдилар. Баҳром буюрди, то лашкари Румға ва камарбанд паҳлавонларға, бу горға кириб барча зарларни ташиб, ғордин ташқари чиқариб уч юз қувватлиғ теваларга юклаб, Хаварнақ қасрига келтурдилар. Ўн тева юки зарни ўзининг отаси Яздижурдға тухфа йиборди, яна ўн тева юки зарни Мунзирнинг 11<sup>6</sup> ўғли Нўймонға берди ва ўзгасин ўз ҳавойижиға сарф қилди. Мунзир зарни сувратчиларга бериб, аларга буюрди, то Баҳромнинг сувратин ва аждархонинг сувратин Хаварнақ қасрининг девориға нақш этдилар.

### **Баҳромнинг Хаварнақ қасрининг ҳужрасиға киргани ва анда етти зебо пайкар сувратларин кўргани**

Баҳром бир сахро сайридин келиб Хаварнақ қасрини сайру тамошо қилур эрди. Ул қасрда бир хос ҳужра бор эрдиким, эшики қуфл эрди. Баҳромнинг кўзи анга тушди. Хозиндин калидин олиб қуфлни очиб ичкари кирди. Кўрдиким, ани ичи биҳишт қасридек минг турлук 12<sup>a</sup> нақш бирла мунаққашдур. Бир тарафдағи девориға етти иқлимнинг етти подшоҳининг етти қизинийиг зебо сувратларин чекибдурлар. Андоқким, бири ройи Ҳиндунинг қизи Фуракнинг суврати, бири Хоқони Чиннинг қизи Яғмонознинг суврати, бири Хоразм шоҳининг қизи Нозпариййнинг суврати, бири Сақлоб шоҳининг қизи Насринпўшнинг суврати, бири Мағриб шоҳининг қизи Озариюннинг суврати, бири Қайсарнинг қизи Ҳумойнинг суврати ва бири Кисронинг қизи Дуристийнинг суврати. Бул сувратнинг ўртасида Баҳромнинг суврати чекилмиш эрдиким, гўё алар бирла кулushiб ва мулоқот қилишуб туриб туур. Ҳар сувратнинг устида ўзининг исми ёзилиб туур. Ва яна бир хат 12<sup>b</sup> ёзилибдурким, Ҳақ таолонинг қудрати бирла етти юлдузнинг гардишидин Баҳром шоҳ етти иқлимнинг подшоҳларининг ушбу сувратлиғ етти қизлари бирла ҳамсуҳбат бўлуб, кўнгли комича, айшу ишрат қилғусидур. Баҳром ул хатларни ўқуб, фалакнинг фусунсозлиқиға таажжуб

кўргузди. Ул гулчехра қизларнинг сухбатини ул кўнглида жой тутуб, ишқ ўти жониға ўт солди. Аммо вақтиға мунтазир булиб сабр қилди. Ва ул хужранинг эшикин илиб, калидин яна хозинға топшируб деди: “Бу эшикни асло очмағил.” Ўзи ҳар вақт келиб, эшикни очиб, ул сувратларин тамошо қилиб, вақтин хуш этиб, ишқи **13<sup>a</sup>** ўтиға таскин берур эрди.

### **Яздижурднинг вафот топғани ва Баҳромнинг отаси ўлғанин эшитиб мотам тутғани**

Ул замонда Яздижурд Форс вилоятида Мадойин шаҳрида вафот топди. Барча акобир ва сипоҳи шабранглар жамъ бўлуб, салтанат бобида маслаҳат қилдилар. Бовужудким, Баҳром зўрмандлигин ва салтанатға лойиқлиқин эшитур эрдилар, аммо отасининг зулм ва тааддисидин ниҳоятсиз танг бўлмиш эрдилар. Бу жиҳатдин Баҳромдин ҳам безор бўлуб, ҳеч киши аниңг салтанатиға рози бўлмади. Жуз ўзга табака подшоҳлар наслидин Кисро отлиғ бир қари кишиким, бағоят оқил, доно ва диёнатлиғ эрди ва подшоҳлиқға асло рағбати йўқ эрди, ани келтуруб ўз **13<sup>b</sup>** ихтиёриға қўймай зўр қилиб, кўп аҳду паймонлар бирла ўзларига подшоҳ қилдилар. Кисро подшоҳлик тахтига ўлтуруб вилоят ишига янгидин саранжом берди ва халойиқни ораста қилиб, ҳамиша доду адлға машғул бўлди.

Баҳром бул воқеанинг хабарин эшитиб, бир неча кун отасин мотамин тутди. Ани қабул қилмай, Ажам вилоятидин бир бегона кишини келтуруб, отаси ўрниға, салтанат тахтиға миндурганлари Баҳромнинг кўнглига бағоят оғир келди.

### **Баҳромнинг Араб диёридин Ажам вилоятиға келгани**

Баҳром отаси ўлганин ва таҳт-тоҷға бегона эга бўлғанин эшиткандин сўнг Ажам мулкин талаб қилмоқ учун ғайрат камарин ҳиммат **14<sup>a</sup>** белига боғлади. Мунзир ва Нўъмонким, Баҳромни ўзларига подшоҳ, бошлариға паноҳ билур эрдилар, мамлакат талабида ёрлик кўргузуб ихлос бирла хизматкорлик қилиб, ҳисобсиз зар бериб, лашкар жамъ этарга машғул бўлдилар. Ямандин то Адангача лашкар олиб юз минг отлиғ жамъ этдиларким, барчаси жавшанпўш, силоҳдор ва шеркирдор эрдилар. Ҳар бири шижаат ва муборизат майдонида

Рустами достон ва шери ғарронни бир мўрча эътибор қилмас эрдилар.

Шоҳ Бахром мундоқ ҳисобсиз лашкар бирла Яман диёридан чиқиб, балойи ногаҳоний янглиғ Форс вилоятининг жонибига юз **14<sup>б</sup>** кўйди. Манзил-баманзил йўл юруб, Мадойин шаҳриға яқин етканда Кисро, Ажам акобири Бахромнинг улуғ дастгоҳ ва сонсиз сипоҳ бирла аларнинг қасдиға озим бўлғанин эшитиб, хавфу ҳарос била бир ерга жамъ бўлуб, сулҳ бирла ани қайтармоқ бобида маслаҳат қилдилар ва ул бобда бир нома ёзиб Кисронинг муҳрини босиб, доно ва тавонолардин бир неча одамни анга элчи қилиб, номани топшуруб, Бахром олдиға йибординар. Элчилар Бахромнинг қароргоҳига бориб, одоб ва эҳтиром бирла мажлисига кириб, номани чиқариб бердилар. Бахром номани очиб кўргандин сўнг ул мажлисда кўп савол бирла **15<sup>a</sup>** бир неча сўзлар бўлди ва охир элчилар мулзам бўлиб, Бахромнинг олдида узроҳлиқ қилиб, қилған ишларига пушаймонлар қилиб дедиларким: “Мулку молнинг эгаси сандурсан ва тахт-тоҷ санингдур. Қаюмарсдан бери обо ва жаддинг тоҷдор, тахтнишиндурлар, сандин бошқа киши подшоҳлиққа лойик эмасдур. Бизлар сенинг фармонбардоринг туурмиз ва хизматкорингдурмиз. Санинг салтанатингни жону дил бирлан қабул қилурмиз ва ҳарна қилсанг рози бўлурмиз. Аммо бизлар фақир ва жамеъ улуғ ва кичикнинг хотири ризосин тилаб Кисрониким, салтанатға рағбати йўқ эрди, ани ўз ихтиёрига кўймай кўтардик **15<sup>b</sup>** ва анинг олдида аҳду паймон қилиб онт ичдукким, ани подшоҳлиқдин азл этмагаймиз ва тоатидин бўйин бўлмағаймиз. Энди сен бизларга меҳрибон бўлуб, подшоҳлиқға бир шарт бирла машрута этгил ва ул шартни бажой келтуруб салтанат тахтида ўлтириғил, токим, бизлар азл иши бирла, нофармонлик бирла аҳду паймонимизни синдуруб, онтимизга хиёнат қилуб, Кисронининг олдида шармисор ва форс халқининг олдида беэътибор бўлмағаймиз.”

Эрса Бахром аларнинг сўзин қабул этиб деди: “Агарчи қилич зарби бирла бир лаҳзада тахту тоҷни олурман, Форс ва Ажам халқининг оросиға юз қиёмат **16<sup>a</sup>** ошубин солурман, лекин Форс вилояти ва Ажам халқи манинг мулким ва муруватли лашкарим туурсизлар. Манинг бободилҳоҳ чокаримдурсизлар, мулкни вайрон ва ўз чокаримни бехонумон этмакни муруват мазҳабида раво кўрмай, сўзларингизни қабул

қилдим. Эмди шарт ўлдурким, икки оч, одамхўр шерни бир улуғ майдоннинг ўртасида бир жойга боғласунлар, Каёний тожини икки шернинг орасинда ерга санчиб қўйсунлар, агар Кисро мардлик билакини зўри бирла шерга ғолиб бўлуб, ўлтуруб тожни олса, ул тождор бўлсун, мен анга хизматкор бўлай ва агар шерларни ўлтуруб, тожни мен олсам, мен тахту тожнинг эгаси бўлай, Кисро ва Ажам халқи манинг даргоҳимнинг бандаси бўлсунлар.”

Ҳамул мазмун бирла бир нома ёзиб, элчи бўлуб келган донишманд **16<sup>6</sup>** акобирнинг қўллариға топшуруб, шаҳрга қайтарди. Алар Кисронинг олдига келиб, номани чиқариб бердилар. Мазкур бўлған шартларни айтдилар. Кисро деди: “Ман шер чангалида жон бериб тож олмоқдин безорманким, икки шернинг ўртасида тиш ва чангол захмидин ўлганимдин тахтнинг остида бандалик мақомида тирик бўлғаним яхшироқ турур. Мол ва мулкнинг ва тахту тожнинг ўраси Баҳромдур, андин ўзга киши подшоҳлиққа сазовор, лойик эрмастуур. Салтанатни тарк этдим ва бандаликка рози бўлдим. Эмди сизлар мамлакатни Баҳромға топшурунглар.”

Акобир ва одамлар анга дедилар: **17<sup>a</sup>** “Бизларнинг хоҳишимиз бирла тахтга ўлтурдинг, яна хоҳишимиз бўлмагунча тахтдин тушмагил. Хабар қилғил, Баҳром икки шернинг орасидин тож олмоқни подшоҳлиққа шарт қилубдур. Бу ўюн иш эрмасдур, Баҳромнинг қўлидан андоқ иш келмасдур. Агар Баҳром шерлардин қўрқуб, тожни ола олмаса, тожнинг эгаси сен бўлурсен. Агар қўрқмай шернинг чангалида ўлса ҳам тахт устида ўлтурурсен. Агар Баҳром шерни ўлтуруб, тожни олса, тожу тахт эгаси ул бўлур. Воқеан подшоҳлиққа муносиб андоқ кишидур, аммо мундоқ ишни қилмоқлиқ мухол ва бекор хаёлдур.”

Алқисса, ҳамул муқаррар бўлған шартга ҳама иттифоқ бирла рози бўлдилар.

### **17<sup>b</sup> Баҳромнинг икки шернинг орасидан чиқиб, тожни олиб тахтға мингани**

Сўнгги кун тонг отиб қуёш анвори жаҳон юзин мунаввар қилғанидин сўнг Арабу Ажам тавойифининг барча акобиру аъён ва доно-ю кордонлари, балки Эрон мамлакатининг жамеъ

улуғ ва кичик улуси ҳар тарафдин равон бўлуб, бир улуғ майдонга йиғналдиларким, қиёмат ғавғосин қилиб ер аъзосига ларза солдилар. Ва Ажам сарҳангларининг бири икки оч ва одамхўр, ғазабнок шерни ул маърака ўртасига келтуруб, иковин бир ерда қўйдилар ва подшоҳлиқ тожин икки шернинг ўртасида санчиб қўйдилар. Ва ҳама иттифоқ бирла дедиларким, **18<sup>a</sup>** аввал Баҳром тож талаби бирла шернинг орасига борсунлар. Эрса Баҳром қабул этиб, ҳиммат камарин белига боғлаб, бир наъра уруб барқдек чобуклук бирла югуруб икки шернинг орасига кириб тожни олди. Шерлар Баҳромнинг далилиғин кўруб, ғазабнок бўлуб оғизларин ва чанголларин очиб, балойи ногаҳондек ҳамла қилдилар. Баҳром мардлик била шерларнинг ҳамласига жавоб бериб, панжаларига шикаст еткурди. Иковин ҳам оёқи остига солди. Баҳту иқбол мададидин, улчаким, коми эрди, олди. Ажам акобири бил мушоҳидасидин сўнг **18<sup>b</sup>** тарабнок бўлуб, подшоҳлиқ тожин Баҳромнинг бошиға қўюб, салтанат тахтига етурдилар. Кисро бошлиқ ҳама улуғ ва кичик байъат қилиб, хизмат мақоминда турдилар.

Баҳром Каёний таҳт устида ўлтуруб, инъом ва эҳсон ваъдалар бирла Ажам умаросин кўнгулларин олиб, уларни хуррам ва шодмон қилди. Ақлу инсоф қоидасин илгари тутуб, Ажам диёрин обод қилди. Анинг адли осоридин Ажам диёрида нарх арzon ва неъмат фаровон бўлди. Халойик кўнгулларида заррадек ғам ва меҳнат асари қолмади. Ҳама хушвакт ва фориғбол бўлдилар.

**19<sup>a</sup>** Баҳромнинг соғ кўнглидаким, пок ишқ жой тутмиш эрди, ҳафтанинг бир кунида мамлакат ва салтанат умурининг саронжомиға машғул бўлуб, ўзга кунларида ошиқлар, дардманлар бирла сухбат тузуб, ишқбозлиқға ва айшу ишратға иштиғол кўргузур эрди. Ва анинг адлу инсофи баракатидин халойикнинг молу неъматлари зиёда бўлди. Бу жиҳатдин ҳама айшу ишрат ва байъатға мувофиқ бўлдилар. Аммо Ҳақ таолонинг лутфу карами ва неъматларининг шукрин бажой келтурмадилар ва балки сипосдорлиқ ва тоатгузорлик русумин билкулл кўнгулларидин чиқардилар. Охир мундоқ исён ва нофармо- **19<sup>b</sup>** илик шумлиқидин ороларида қаҳат балоси зоҳир бўлди. Тўрт йилғача ҳама очлиқ шиддатидин заифу нотавон бўлдилар ва нон ҳасратидин жонлариға еттилар. Баҳром бу

ҳолдин хабар топиб, карам ва муруват юзидин барча хазона ва анборхоналар эшикин очиб, тўрт йил муддатғача фақиру мискинларға ва мұхтожларға нафака беріб, жонларин ҳалокатдин қутқарур эрди. Ва тўрт йилдин сўнг Ҳақ таоло Баҳромнинг соф ниятининг фазилати баракатидин ҳалойиқнинг тавба истиғфорин, дод ва узрин қабул этиб, қаҳат балосин орадин кўтарди. Зироатлариға ва касбларига баракот беріб, оз фурсатда халқ андоқ фаровон **20<sup>a</sup>** ва мамлакат обод бўлдиким, бир харвор ғалла бир тангага келди. Ҳеч кишининг ҳеч нимарсаға эҳтиёжи қолмади. Кўнгулларидин ғаму меҳнат асари кўтарилиб айш ва роҳатға машғул бўлдилар. Баҳром камоли ҳимматдин жамеъ фуқаро ва раиятдин етти йилгача хирож олмоқни ўтди. Ғоят хушҳолликдин ҳар шаҳр ва ҳар диёрга киши йибориб, муғаний, созанда, достонсоз, лўъбатбоз, раққос, хушвозлардин уч минг нафарин келтуруб буюрдиларким, ушбу вилоят ичинда ҳар маҳаллада ва ҳар мажмаъда созандалиқ, гўяндалиқ қилиб, дилкаш нағма ва наволар бирла ҳалойик кўнгулларин **20<sup>b</sup>** хуш қилсунлар. Ўзлари дағи хуррам ва хушҳол бўлсунлар. Ҳалойик Баҳромнинг илтифотларин кўргандин сўнг шоҳона мажлислар тузуб, андоқ ишратға машғул бўлдиларким, сухбату ишрат додин бердилар. Фалак ҳаводисидин билкулл эмин бўлуб, тиф, тийр, жавшан ва ханжар истеъмол этмакни рад этдилар, балки ёдларидин чиқардилар.

### **Баҳром бирла Дилоромнинг достони**

Бир кун Баҳром шоҳ шикорга чиқиб тоғ ва дараларни сайр этиб юрмиш эрди. Бир хуршидманзар, камарпайкар, чангнавоз, хушвоз канизаки ҳамроҳ эрдиким, ани бағоят суяр эрди. Ҳар вақтда анга чангнавозлик қилдуруб, жамолига хуш **21<sup>a</sup>** бўлуб, ишқбозлик қилур эрди. Анинг назарида чусту чобуклик кўргузуб, ҳайратафзо шеваларига қараб, ўқларни отиб, кўп қулонни сайд этди. Умид улдурким, ул канизак анинг ул ишига таҳсину офарин кўргузуб, дуолар қилғай. Аммо ул канизак нозу истиғно кўргузуб, Баҳромнинг бу ишига таҳсину офарин демас эрди. Ул чоғда бир қулон узокдин кўрунди. Баҳромни кўруб қочиб боратуур эрди, Баҳром канизакка дедиким: “Эй нозанин, в-эй нозофарин, айтғил, бу қулоннинг қайси аъзосига

ўқ урай? Кўнглинг нечук тиласа, анга андоқ захм **21<sup>б</sup>** еткурай.” Канизак ноз бирла дедиким: “Бир ўқ бирла қулоннинг боши бирла оёқин тиккил.” Баҳром қабул этиб камонандозлиқ била бир ғўлак оттиким, ул ғўлак кулоннинг қулоқига кирди. Қулон оғриққа чидай олмай, ғўлакни қулокдан чиқармоқ учун туёқин қулоқига еткурди. Ул вактда Баҳром бир ўқ отиб ул қулоннинг оёқи бирлан бошин тикди. Қулон ҳалқадек букланиб ерга йиқилди. Баҳром талаб қилиб, канизга боқиб дедиким: “Кўрдингму, начук урдим ва не янглиғ нодир иш зуҳурга келтурдим?” Ул канизак яна таҳсин кўргузмай, деди: “Подшоҳ бу ишни **22<sup>a</sup>** кўп варзиш қилубдур, ҳар киши бир мушкул ишни кўп варзиш қилса, ул иш анга осон бўлғусидир. Подшоҳнинг бул иши машаққатдур, аммо варзиш кўплиги натижасидур, таҳсину офарин жой эрмастурур.”

Подшоҳ канизакнинг бу сўзидин ғазабнок бўлуб тиладиким, уқубатнинг зарби бирла ҳалок қилгай, яна ўз кўнглида дедиким, ситеза бирла бир хотунни ўлтурмак мардларнинг иши эрмастурур. Ложарам, канизакни сарҳанггаким, бағоят золим ва бераҳм эрди, топшурди ва деди: “Бу канизакни ўз уйингга олиб борғил ва кўзумга кўргузмай ишин тамом қилғил. Сарҳанг канизакни уйига **22<sup>б</sup>** олиб бориб тиладиким, тиф бирла бошин баданидан жудо қилғай. Ул ҳолда канизак зор йиғлаб, “ман бегуноҳни ўлтурмагилким, мен подшоҳнинг хос маҳбуби, хотирининг марғуби, жонининг коми ва кўнглининг оромидурман. Агарчи ҳоло бир густоҳлиқим сабаби бирла қаҳри келиб, сиёсатга буюрди, аммо бу ишдин сўнгроқ пушаймон бўлур. Сен бир неча кун сабр қил ва мени ўлтурмагил ва подшоҳга бориб, ўлтурдим дегилким, агар подшоҳ сенинг сўзингни эшитиб шод бўлса, дарҳол келиб мени ўлтургил. Мен қонимни сенга баҳил қилдим. Ва агар сўзингни эшитгач, **23<sup>a</sup>** дилтанг бўлса, мен ўлумдин қутулурмен, сен подшоҳнинг иноятидин шодмон бўлурсен.” Бу сўзни этиб, киссасидин етти пора лаъл чиқариб сарҳангнинг олдига қўйдиким, ҳар бирининг баҳоси бир иқлимнинг хирожи эрди. Андин сўнг сарҳанг анинг ўлимидин қўл чекиб дедиким: “Эмди мундин буён подшоҳнинг отин тутмагайсен ва ҳар кимни кўрсанг, мен бунинг хизматкори турурмен, десанг, мен сенинг бул ишингга чорасозлиқ қилурмен!” Аҳду паймондин бир хафта ўткандин сўнг бир кун сарҳанг подшоҳнинг эшикига **23<sup>б</sup>**

борди. Подшоҳ ондин канизакни ҳолидин хабар сўрди. Сарҳанг дедиким: “Канизакни ўлтурдим.” Эрса подшоҳ бу сўзларни эшиккач, кўзидин ёш равон булуб, бир охи сарде чекти. Андин сўнг сарҳангни кўнгли ором топди.

Сарҳангнинг узоқ ерда бир яхши боғи бор эрди. Ул боғда бир баланд ва фалакмонанд бир кўшки бор эрдиким, етмиш зина бирла ул кўшк айвонига чиқар эрдилар. Сарҳангнинг бир бўғоз сиғири бор эрди, бир бижак туғурдиким, бағоят хушсуврат эрди. Канизак ул бижакни бир кун бир маротаба **24<sup>a</sup>** кўтариб кўшкнинг устига чиқариб, алаф бермак одат қилди. Ва ул одатни ҳеч бир кун тарк этмас эрди. Бижак улуғ ва оғир бўлған сари канизакнинг ҳам куч ва қуввати кўпаяр эрди. Токим, бижак олти ёшига кириб, бағоят улуғ бўлди, анда ҳам ул ўкузни канизак ҳар кун етмиш зинадан осонлик бирла кўшкнинг устига чиқарап эрди. Бир кун канизак сарҳанг бирла кўшк устида ўлтурған чоғда қулоқидаги осилған гавҳарлардин тўрт гавҳарни олиб, сарҳангни қўлига берди ва деди: “Бу гавҳарларни сотиб зиёфат **24<sup>b</sup>** асбобига харж этгил, подшоҳ шикорга чиқиб бул кўшкка яқин ётқан вақтда отининг жиловидин тутиб, бу жойга киргузуб, кўшкка тушмакни илтимос этгил. Шоҳ Баҳром кўп бир хушхулқ кишидур. Санинг бу ажзу ниёзингни кўрсалар, албатта, илтимосингни қабул қилиб, бу кўшкка тушгайлар. Агар подшоҳ илтифот бирла бу кўшкка тушса, халқ ичида иковимизнинг қадримиз ва иззатимиз баланд бўлур эрди.”

Эрса сарҳанг бу гавҳарларни олмай яна жойинда қўйдурди ва ўз хазинасидаги нафақалардин харж қилиб, подшоҳона зиёфат асбобин муҳайё қилдурди, **25<sup>a</sup>** эрса анинг йўлиға мунтазир бўлуб турди.

### **Сарҳангнинг Баҳром шарафиға зиёфат тузгани**

Бир кун шоҳ Баҳром шикор тариқаси бирла сахро жонибига азм бўлуб йўли сарҳангнинг боғи ва қасри устидин тушди. Ул боқقا ёвуқ етканда кўрдиким, бағоят хушсафо, дилкушо ва табиаторо жойдур. Маҳрамларидин сўрдиким, бу кимнинг боғидур. Ул чоғда сарҳанг Баҳромнинг жиловида шотир эрди. Подшоҳнинг хитобин эшикандин сўнг, таъзим бирла ер ўпуб дедиким: “Бу боғ банданинг боғидурким, ҳазрат

подшоҳнинг давлатидин мұяссар бўлди, ниҳоятда хушҳаводур, **23<sup>б</sup>** жаннатосо жойдур. Бандайи камина умид қилурким, ҳазрат бир соат кўшкка тушуб, меҳмон бўлуб, муборак қадами файзидин биҳишт тароватин еткурса ва фақирнинг бошин фалак гумбазидин ошурса.” Сарҳанг бу бобда кўп муболаға қилуб зору тазарруъ кўргузди. Баҳром банданавозлиқ юзидин сарҳангнинг илтимосин қабул қилиб, деди: “Шикордин қайтиб келиб сенинг қасрингга тушуб меҳмон бўлурмиз, биз келгунча сен зиёфат асбобин тузгил!” - деб шикоргоҳ тарафига равон бўлдилар.

Сарҳанг қасрни ороста қилиб, зиёфат асбобин тайёр қилди, эрса Баҳром шоҳ кеч шикордин **26<sup>а</sup>** қайтиб келиб ул кўшкка тушуб, етмиш зинадин ул кўшк устидаги айвонга чиқиб, тахт устида ўлтуруб хушвақт бўлди. Таому шаробдин фориғ бўлғандин сўнг, сарҳангга деди: “Қасринг бағоят олий ва мусаффо эркан, аммо сенинг ёшинг олтмишдин ўтубдур ва қарибдурсен. Бу баланд кўшк устига етмиш зинадин начук чиқарсен?” Сарҳанг дуо қилиб деди: “Бул иш мендин таажжуб эрмастуур, мундин ҳам таажжуброқ ишни кўргилким, бир қамарпайкарлик ва сарвқоматлиқ, бағоят нозикандом қиз бордурким, бир тоғ ҳайбатлиғ улуғ ўкузни **26<sup>б</sup>** ҳар кун бир маротаба бўйниға кўтариб, бу етмиш зинага қадам қўюб, ҳеч бир ерда таваққуф қилмай, осонлик бирла кўшкнинг устиға чиқиб алаф берадур. Ва яна тўйдуруб бўйнига кўтаруб кўшкдин ошоқға тушурадур. Ўкуз ниҳоятсиз семириб, ўзининг ёғин ўзи кўтаролмайдур. Бу диёрда ҳеч киши зўр уруб ани асло еридин тебратা олмағудек бўлғандур. Ул қизнинг бул иши менинг бу етмиш зинадин қаср учагига чиққақанимдин ажаброқдур.”

Эрса Баҳром бу сўзни эшишиб, таажжуб кўргузуб: “Бир қиз мундок ишни нечук қилур? **27<sup>а</sup>** Мен ўзим то ўз кўзим бирла кўрмагунча бовар қилмағумдур”, - деди. Эрса сарҳанг дархол еридин туруб бу сўзларнинг даъвосин рост қилмоқ учун ошоқға тушуб, канизакига ул ҳикоятни айди, эрса канизак вақтни ғанимат топиб, зару зеварлар бирла ўзин ороста қилиб, кўзларига сурма чекиб, юзига оқ ҳарирдин ниқоб тортиб, юз нозу қарашма бирла ўкузни кўтариб, зиналардин осонлик бирла юруб, кўшк устига чиқариб, Баҳромнинг тахти олдига қўйди ва деди: “Эй шоҳи олам, бу ўкузни сизга пешкаш

қилдим”, яна деди: “Мен худ **27<sup>б</sup>** ўкузни осонлиғ бирла ошоқдин кўтариб қасрнинг устига чиқардим, эмди жаҳонда ким бордурким, минг зўр бирла бу ўкузни кўтариб кўшқдан ошоқга тушургай.” Баҳром деди: “Бу иш сенинг кучинг, қувватинг кўплигидин эрмастур. Балки, бул ишни кўп муддатдин бери варзиш қилибурсен. Машаққат ва таълим бирла бу иш санга осон бўлубдур. Шунинг учун бу ўкузни кўтариб, ҳеч ранж ва машаққатсиз кўшк устига чиқарурсен.” Ул чоғда канизак Баҳромнинг олдида таъзим бирла дуо қилиб, **28<sup>a</sup>** деди: “Подшоҳнинг бу сўзига таҳсину таажжуб жойиздурким, ўкузни кўтариб ошоқдин кўшк устига чиқармоқ машаққат ва таълим бирла бўлгай ва қулонни бир ўқ бирла бошига оёқин тикмак нечук машаққатсиз ва таълимсиз бўлгай. Не учун мен бу ўкузни кўшк устига чиқарғанимга таълим от қўёrlар ва не сабабдин қулоннинг бош-оёқин бир ўқ бирла тикмоққа таълим от қўймаслар?” Эрса Баҳром бу сўзни эшиткач, тахтдин тушуб, югуруб канизакнинг олдига бориб, юзидин пардани кўтариб, таниб, кўзин юзига суртуб, йиғлаб қучоқлади, қилған ишига узрлар айтиб: “Агарчи мастлик **28<sup>b</sup>** ҳолида худройлиқ бирла сенга сиёsat буюрдим ва лекин сенинг фироқингда меҳнату ситам тиғин ўз жонимга урдим”, - деди. Эрса канизак деди: “Шоҳнинг бир ўқ бирла қулоннинг бош-оёқин тиккани ҳайрат мақоли ва таҳсин жойи эрди. Аммо менким, анга таҳсин кўргузмоқда сабр этдим, ғаразим бу эрдиким, подшоҳнинг давлати ёмон кўз заҳматидин йирок ва умри муддати узок бўлғай, дедим.” Эрса канизакнинг бу сўзи Баҳромга андоқ таъсири этдиким, шавқ бирла ани қучоқфа қисиб, жонидин азиз тутди. Сарҳангга ҳам канизакни ўлтурмай сақлагани учун кўп илтифот қилиб, **29<sup>a</sup>** Рай вилоятин ҳукуматин анга берди. Андин сўнг кўшқдин тушуб, шахрга келиб, улуғ тўй қилиб, канизакни ақди никоҳига киргузуб, шароб базмин тузуб, кўп йиллар кўнгли комича айшу ишрат қилурға машғул бўлди эрса, жаҳондин парвойи бўлмади.

## Шоҳ Баҳромнинг хоқони Чиннинг лашкаргоҳига бориб зафар топғани

Баҳром шоҳнинг даргоҳида бир қари доно вазир бор эрдиким, оти Нарсо эрди. Доро шоҳнинг наслидан эрди ва

Баҳромга кўп муқарриб эрди. Анинг уч ўғли бор эрди. Улуғининг оти Зарвонд эрди. Баҳром они амирул-умаро қилди. Яна бирин жамеъ мулкка мушриф ва божбон **29<sup>б</sup>** этти. Яна бирин ўзига хос нойиб қилиб, шаҳру сипоҳ ишин анга топшурди. Бу учовига ва бошқа хосларга мамлакат ва салтанат амволининг кулли ва жузви ихтиёрин топшуруб, ўзи кеча-ю кундуз ошиқшиорлик бирлан айшу ишратға машғул ва рағбат кўргузди. Охир Баҳромнинг маству бехудлиғи, оламдин бехабарлиғи жаҳон чор атрофиға машҳур бўлуб, ҳар бир подшоҳнинг кўнглига Эрон тасхири тамаъи тушуб, ҳар тарафдин қўзғалдилар. Ул жумладин Хоқони Чин уч юз минг шиҷоатпарвар лашкар бирлан Мовароуннаҳра келиб, ул вилоятнинг барча шаҳрларин Баҳромнинг **30<sup>а</sup>** қўйған ҳокимлари қўлидан зўр бирла олди ва Жайҳун дарёсидан ўтуб, балойи осмоний ёнглиғ Хуросонға дохил бўлди. Ул вилоятга охир замон ғавғосин солди. Баҳромнинг умаролари ва сарҳанглари ул ҳолдин хабар топиб ўзларининг мулку молу аёлу атфолларининг эмин ва омони чораси учун Баҳромдин безор бўлуб, ҳар бири Хоқони Чиннинг олдига хат ва киши йибориб арз этдиларким, “Эй подшоҳи олам, тез келгилким, бизлар ҳама хизматкору жонсипорингмиз **30<sup>б</sup>** ва сен бизларнинг подшоҳу шаҳриёrimиз туурсен, Баҳром подшоҳликқа лойиқ эрмас туур, агар ани ўлтур десанг, ўлтуурмиз, йўқ эрса, банд этиб хизматингга еткуурмиз”, - дедилар.

Эрса Баҳром бу сўзларни эшитиб Эрон халқидин умидин узди. Мамлакатни ноибларга топшуруб, ўзи шаҳрдин чиқиб сахро жонибига юз уруб, халойиқнинг кўзидин пинҳон бўлди. Ва ҳалқ орасида машҳур бўлдиким, Баҳром Хоқон лашкарига муқобил бўлмоқдин қўрқуб, юртидан чиқиб қочиб кетибдур. Хоқон бу сўзни эшитиб, **31<sup>а</sup>** шодмон бўлуб, қўлидин уруш яроғларин ташлаб, шароб ичмакка хуруж қилди, душманнинг фикрин қилмай айшу ишратга машғул бўлди. Шароб мастилигидин асло ўзин билмади.

Баҳромшоҳким, вилоятнинг ҳар тарафинда ҳар кун шикор қилур эрди ва чобук жосуслар йибориб, ҳар кун Хоқоннинг ҳолидан хабар олур эрди, токим бир кун жосуслар келиб Хоқоннинг маству бепарволиғин Баҳромға айдилар. Ул вақтда Баҳромнинг хизматидаги лашкари уч юз киши эрди. Аммо ҳар

бири уруш-талашни кўп кўрган, уруш ишини кўп тажриба қилған ва шери ғаррондек саф- 31<sup>б</sup> шикан ва ҳар бири юзга баробар эрди.

Баҳром бир кеча ул уч юз отлиғ бирла балойи мубрам ва қазойи муҳкам янглиғ Хоқоннинг лашкаргоҳига шабохун уруб, душманлариға қиёмат ошубин намоён этди. Хасм қонининг селидин ҳар тарафға неча дарёлар равон бўлди. Лашкарлари уйқусиндин уйғониб, саросима бўлуб, кўп мاشаққатлар бирлан ўзларин тўхтатиб, саваш ва талашга машғул бўлдилар. Баҳром тирандозлиқ ва найзабозлиқ ишига чобуклик бирла уюнлар кўргузуб, тонг отгунча неча душман 32<sup>а</sup> ерга яксон қилиб йиборди. Эрса тонг отғандин сўнг, ёнидаги уч юз сипосдорларнинг иттифоқи бирлан душман сафининг ўртасидин барқдек ҳамла қилиб, шикаст еткурди. Хоқони Чин бошлиқ Чин лашкарларининг баъзилари, душман қиличидин омон қолғанлари, қочиб ўз вилоятига суръат бирла равон бўлдилар. Баҳром аларнинг барча амвол-ашёсига мутасарриф бўлдилар, қайтиб ўзларининг вилоятига келиб, тахт устинда ўлтуруб, адлу додга ва фуқаропарварликка машғул бўлди. Араб ва Ажам шоирлари Баҳромнинг шиҷоати ва улуғ 32<sup>б</sup> душманға зафар топғани бобида неча турлук шеърлар айдилар. Баҳром аларнинг ҳар бириға юз минг хазиналардин этак-этак инъом этиб, барчасин шодмон қилди.

### **Шоҳ Баҳромнинг умаро ва акобирға итоб қилғани**

Баҳром иқбол бозусининг зўри бирла Хоқони Чинга ғолиб бўлуб, қайтиб келиб ўз тахтинда фароғат ўлтурғандин сўнг барча шаҳриёр ва тождорлар, умаролар ва вазирлар атроф жавонибдин келиб Баҳромнинг тахти поясида ўлтурдилар ва яна подшоҳлик расми бирла саф чектилар. Баҳром аларга қараб итоб юзидин деди: “Эй умаролар, 33<sup>а</sup> эй ёронлар, эй сарҳанглар! Подшоҳга лашкар уруш вақтида керакдур, ўзга вақтда хизматкорнинг бори-йўқи баробардур. Сизларнинг барчангиз уруш вақтида мендин қочдингизлар ва иззатларингиз бошига беадаблик туфроғин сочдингизлар. Менинг давлатимдин воғир давлатға етдингизлар ва тузумни еб улуғ мартаба ҳосил этдингизлар. Нон-намак ҳаққидин кўз юмуб, менинг ҳаққимда шиква ва шикоятға тил очиб,

дедингизларким, “оқшом, кундуз май ичадур ва хизматкордин қочадур ва мамлакат аҳволидин хабари ва раият аҳволидин хавфи йўқтуур. Андин ҳеч киши баҳра топиб, шод бўлмоғусидур.” Ори, мен май ичармен. Аммо жаҳондин бехабар **33<sup>6</sup>** эрмасмен, илкимга соғар тутармен, аммо ҳеч вақт қилични кўлдин бермасмен. Эллар май иссалар бехуд, маст бўлурлар. Аммо ҳушёrlарнинг майи бошқадурким, иссалар зўру забардаст бўлурлар. Аммо манинг шаробим душманларнинг қонидур, аёқим<sup>1</sup> бошининг косасидур”.

Баҳром бу сўзларни айтқандин сўнг барча умаро ва акобирлар бу сўзларга дедиларким: “Ҳазрат подшоҳнинг айтқан барча сўzlари ростдур. Бизлар ҳама густохлиқимизга иқрор туурмиз, имону иқболимизга тавба-истифор кўр-**34<sup>a</sup>** гузурмиз. Подшоҳда ҳеч айб йўқтуур ва барча нуқсон бизлардадур.” Эрса Баҳром аларнинг густохлиқин афв этиб, дилжўйликлар кўргузуб, кўнгулларин шодмон қилди. Аммо акобирлар ихлосмандлик бирла дуолар қилиб, эътиқод бирла хизмат камарин беллариға боғлаб, ўз мақомларида барқарор бўлдилар. Андин сўнг Яман вилоятининг ҳокими Мунзир ва Нўймон Баҳромнинг олдинда одоб бирлан туруб, арз этдиларким: “Кўп муддатдин бери ҳазрат подшоҳнинг давлатлиғ рикобида хизматдадурмиз. Алҳамдуиллоҳ, ҳоло ҳазратнинг давлатлари устувор ва мамлакат **34<sup>b</sup>** лари барқарордур. Ҳисобсиз тождор ва шаҳриёрлар хизматда ҳозиртурлар. Эмди бизларга меҳрибон бўлиб ва маъзур тутиб, рухсат берсалар, то бизлар доғи уйларимизға бориб аёл ва атфолларимизға қўшулсок ва мамлакат ва раият ҳолидан хабардор бўлсок. Яна агар ҳар вақт хизматлари бўлса, фармон етушкач бошдин қадам қилиб мулозиматға етушурмиз. Бизлар то ўлгунча фармонбардор, жонсипор хизматкорлари дурмиз, ҳарнаким буюрсалар жон-дил билан қабул қилурмиз”, – дедилар.

Баҳром аларнинг бу сўзларин эшитгач, ондин сўнг буюрди, то аларға неча тева зар ва заррин хилъат- **35<sup>a</sup>** лар ва араби отлар ва турлук ғуломлар ва канизаклар топшурдилар. Мунзир ва Нўймон ниҳоятсиз шодмон бўлиб, мазкур инъом ва неъматларни олиб ўз вилоятлариға равон бўлдилар.

---

<sup>1</sup> Бу ерда идии, зарф, пиёла, жом маъносида

## **Баҳромнинг мулк амволининг саронжомидин фориғ бўлиб, дилжамълик бирла айш-ишратлар тузгани**

Ул чоғда Хаварнақ қасрининг хужрасида кўрган парийчехра қизларнинг сувратлари ва хильялари қошида ёзилған хатларнинг мазмуни Баҳром ёдиға тушуб, [ишқ] ўтининг тоби кўнглинини бетоқат қилди. Охир етти иқлим подшоҳларининг етти парийсувратлиғ 35<sup>6</sup> қизларин сұхбатиға келтурмак тилаб, аввал кайёнийлардин Кисронинг қизин талаб қилиб олди. Андин сўнг Хоқони Чинға лутфомиз ва қаҳрангиз сўзлар бирла киши йибориб, қизин етти йиллик хирож бирла талаб қилди. Хоқон ҳаросманд бўлуб, дарҳол айтқан хирож бирла қизини бериб йиборди. Андин сўнг Баҳромнинг ўзи устиға отланиб бориб, Қайсарнинг қизин олди. Андин Мағриб шоҳға киши йибориб, анинг қизин ҳам олди. Андин сўнг ўзи Румдин Ҳиндистонға бориб, Ройи ҳиндунинг қизин хилват саройиға келтурди. Андин сўнг Хоразмға киши йиборди. Хоразмшоҳнинг қизин 36<sup>a</sup> шабистониға еткурди. Андин сўнг Сақлоб шоҳға нома йибориб, онинг қизин ҳам келтуруб ҳарам сариға дохил қилди. Етти иқлим подшоҳларин гулчехра қизларин жаннатнишон мажлисға жамъ этиб, давлат ғуури ва йигитлик зўри бирла андоқ базморолик бўлди, кеча-кундуз тинмай айш-ишрат қилиб ўлтурди.

### **Баҳромнинг етти гумбаз бино қилғани<sup>1</sup>**

Бир кун Баҳром Гўр подшоҳона базм, мулукона зиёфат тартиб бериб, акобир ва умарони, жамеъ ҳунармандларни ул мажлисга жамъ этмиш эрди. Улар ўзларида турлук 36<sup>b</sup> ҳикоят ва яхши қиссалар айтиб ўтуур эрдилар. Ҳар ким эшиткан ва кўрганин айтар ва ўзлари билган фазлу ҳунарларин таъриф этар эдилар. Ораларида Шида<sup>2</sup> отлиғ бир ширин меъмор бор

<sup>1</sup> С.Долимов қўлёзма матнини тўғрилаб ўқиган.

<sup>2</sup> С.Долимов Шайдо деб ўқиган исм қўлёзмада «Шида», яъни Шийда // Шида. Низомий “Ҳафт пайкари”да ҳам унинг исми Шида (Шийда) бўлиб, исмининг маъноси ҳам изоҳланган:

Дар миён буд мардийе озода,  
Мехтаройин-у муҳташамзода.  
Шида номе, ба равшаний чун шид,  
Нақшпийройи ҳар сиёҳ-у сапид.

эрдиким, иморат ишида ягонайи рўзгор эрди. Ва ҳайъат ва нужум ва нақшбандлик ва суратгарлик ва кўп бошқа яхши хунарлари бор эрди. Хаварнақ қасрини бино қилған устод Симнорнинг шогирди эрди. Хаварнақ иморатида устодига кўп муддат кўмак бермиш эрди.

Шийда ул базмда Баҳромни хушҳол ва шодком **37<sup>a</sup>** кўруб, олдида ер ўпуб, таъзим шартин бажо келтириб арз эттиkim: “Ман беннолик ва наққошлиқ илмида бағоят моҳир ва нодирдурман. Агар рухсат бўлса подшоҳнинг хос базми учун етти фалак янглиғ етти гумбази олий бино қилурмен ва ҳар бирига бир турлук ранг бирла зийнат берурманким, етти иқлимда аларнинг бирин мисли топилмағай, то подшоҳ ҳар кун ул гумбазларнинг рангига мувофиқ либослар кийиб, ҳамул ранглик май ичиб, айшу тарабиға фарифболлиқ ва осуда ҳоллик бирла машғул бўлғай.”

Баҳром Гўр Шийданинг сўзин қабул қилиб, иморат этарга **37<sup>b</sup>** рухсат берди. Кўп ганжлар иморат ишининг харажати учун омода қилиб илкига топшурди. Шийда хушҳол бўлуб, ниҳоятсиз чобуклик бирла саодатлик соатда иморат ишиға иштиғол кўргузди. То икки йил муддатда саккиз биҳишт мисллик етти дилкушо гумбаз бино қилиб, иморат ишин оросталиқ бирла итмомиға еткурди. Баҳромға гумбазлар бағоят маъқул тушуб, Шийдаға кўп иноятлар қилиб, Омул шаҳрининг ҳукуматин анинг ихтиёриға топшурди эрса ул хуввақт ва шодком этдилар.

### Ул етти гумбазнинг **38<sup>a</sup>** сифати

Ул етти гумбазни етти фалак ҳайъатинда бино топиб, бошларин етти гардундин ошурмиш эрдилар. Ҳар бирининг ранги етти фалакдаги етти юлдузнинг, яъни Сабъайи сайёранинг мизожиға мувофиқ эрди.

Андокқим, ул гумбазким, Кайвон мароҳилида эрди –

---

яъни, улар (Баҳромнинг қишдаги базми иштирокчилари) орасида бир покиза мард бўлиб, донишманд ва аслзода эди. Номи Шида, ўзи ҳам равшанликда шид (қуёш) каби эди. Ҳар оқ-қорага нақш ўйиб биларди (оқ-корани таниган эди). Шунингдек, Шида анторопонимининг тарихий илдизи қадимги “ёруғлик”, “порлок” маъноларида “шайта” сўзига боғлиқдир. Буни маълум осмон жисми ва зардуштийлар эътиқодида илоҳлар номидан бири бўлган Хваршайта (Хуршид), “Авесто” қаҳрамонларидан бири Жамшид (Йимашайта) сўzlари таркибида ҳам кўрамиз

ранги қаро эрди.

Ул гумбазким, Муштарий табъида эрди – ранги сандал ранг эрди.

Ул гумбазким, Миррих навоҳида эрди – ранги қизил эрди.

Ва ул гумбазким, Офтоб тобида эрди – ранги сариғ эрди.

Ул гумбазким, Зухра мизожида эрди – ранги оқ эрди.

Ул гумбазким, Уторуд табъида эрди – ранги **38<sup>6</sup>** феруза ранг эрди.

Ул гумбазким, Қамар мароҳилида эрди – ранги яшил эрди.

Эрса Баҳром бу гумбазларни рангин бисотлар бирла ва заррин асбоблар бирла ораста қилиб, ҳар бирин париййчеҳра қизнинг бирига макон этди. Анга ҳамул гумбазнинг рангига мувофиқ ҳуллалардин либос кийдурди ва ҳафтанинг ҳар куни навбат бирла ҳар гумбазда бир кун, бир кеча улар билан суҳбат қилур эрди. Ўзининг либосларин ҳам ул гумбаз рангига ҳамранг этар эрди. То эртадин кечгача ул гумбаздаги нозанин қизлар бирла май ичиб, айш-ишрат қилур эрди. Кеч бўлғандин сўнг ул **39<sup>a</sup>** қизлар Баҳромнинг кўнглин олмок учун юз навъ ғамза ва ишвалар бирла муҳаббатомиз қиссалар ва шаҳватангиз афсоналар айтур эрдилар.

## Бирланчи ҳикоя. Шахри Мадхуш париййлари<sup>1</sup>

### Баҳром шанба куни қаро гумбазга борғани; Ройи ҳинду қизининг афсона айтқани

Шанба куни қуёш тулуъидин сўнг Баҳром шоҳ қаро гумбазға кириб, Ройи ҳинду қизининг сухбатиға дохил бўлди. То кечгача созу сухбат, айшу ишрат бирла ўлтуруб, кеч бўлғандин сўнг Ройи ҳинду қизига афсона айтмоқ буюрди. Ул қиз ширин лабин такаллумға очиб, ҳар сўзда хирмон-хирмон гавҳар **39<sup>б</sup>** сочиб, ул Баҳромға таъзим қилиб, сўнгра дедиким,

#### Ҳикоят

Ёшлигимда қариндошларимнинг биридин эшииттимким, бир тақводор ва парҳезкор хотун бор эрдиким, либослари бошдин оёқ қаро эрди. Ул хотун ҳар ой менинг уюмга келур эрди. мен андин қаро либос кийганин сўрадим. Ул хотун рост сўзламоқдин ўзга чора топмади: “Ман фалон подшоҳнинг маҳрам канизи эрдим. Фалак анга зулм ва ситам бирла қаро кийдуруб, “Шоҳи сиёҳ” от қўйди.

Ул бениҳоят меҳмондўст ва сахий подшоҳ эрди. Ҳамиша меҳмонхонасининг **40<sup>a</sup>** эшиги очилған, дастурхони ғариф ва мусофиirlар олдига ёзилған эрди. Эшикига ҳар ким келса отининг жиловидин тутиб, уйига тушурур эрди. Олдиға турлук таомлар келтурур ва ҳар мусофиirlинг ҳол-аҳволин сўрар эрди. Ул мусофиirlинг вақти хуш бўлур эрди. Алар барча бўлғон сўзларин айтур эрдилар. Ул подшоҳнинг умри бу тариқада ўтар эрди.

Бир кун ул подшоҳ уйидин чиқиб кетиб, ғойиб бўлди ва қайси ерга борганин ҳеч ким билмади. Бир неча муддатдин сўнг бош-оёқ қаро либос кийиб келиб тахтида ўлтурди. Ҳеч киши андин қаро жома кийганин **40<sup>б</sup>** сўрмадилар. Менким, анинг хизматида эрдим, менга меҳрибонлик қилиб, илгин қучоғимға текуруб, фалакдин шикоят қилиб, оҳ чекиб, дедиким: “Мени фалак фироқ ханжари бирла тилди, бошимга бу қаро кун тушуб, эгнимга бул қаро либосни кийганимнинг сабабидин ҳеч кимнинг хабари йўқ.” Ул чоғда мен оёқига кўзимни суртуб, зори тазарруъ бирла сўрадимким: “Эй шоҳи олам, бул қаро либос кийганинг сабаби не турур?” Подшоҳ

<sup>1</sup> Ҳикояларнинг рақамлари ва номлари бошқа котиб томонидан қизил қаламда ёзилган.

мани ўзига мухлис ва маҳрам кўруб, деди: “Ман подшоҳликдин меҳмондорликни яхши кўрар эрдим. Бир кун узоқ йўлдин бир мусофир келди. Яхши-ямонни **41<sup>a</sup>** меҳмон қилиб, яхши-ямон сўрар эрдим. Барча либоси: кафшу дасторигача қаро эрди. Анча кун иззат ва ҳурмат қилиб, қаро либос кийганинг сабабин сўрдим. Ул деди: “Бу сўзни қўйгилким, Семурғдин ҳеч киши хабар бермасдур. Мени маъзур тутгилким, бул қаро либос киймакнинг сабабин то кўрмагунча айтмоқ бирла ҳеч киши билмасдур.” Мен ани ҳар ҳолига қўймай баҳоналар бирла сўрдим. Охир манинг сўзимни ерга қўймай бошидин ўтканларин ноилож **41<sup>b</sup>** бўлуб, деди:

Чин вилоятида бир биҳиштосо шаҳр бордур. Отиға Шахри Мадҳушон дерлар. Уйларининг пайкари кумушдек мусаффодур. Аммо кийган либослари бошдин-оёқ қародур. Ҳар киши ул шаҳрга борса, ўз ҳолига мотам тутуб, қаро киймакдин ўзга чораси йўқтурур. Эмди агар мани ўлтурсанг ҳам шундин зиёда сўз айтмасман”, – деб эшакига юкин юклаб йўлга тушиб бадар кетди. Ва ул кеткандин сўнг менга ул шаҳрни кўрмак орзуси тушуб, кўп бетоқат бўлдим ва неча муддат ҳар кишидин ул шаҳрнинг қайси ерда **42<sup>a</sup>** эрканин сўрдим, асло хабар топмадим. Охир ўз ўрнимға бир қариндошимни подшоҳ қилиб қўйдим. Кўтара олгунча гавҳарларни олиб, вилоятимни ташлаб чиқиб кетдим. Кўп йўлларни юриб ва кўп элдин сўраб, охир ул шаҳрга етдим. Кўрдимким, Боғи эрамдек хуррам шаҳрдур. Халқининг бадани сутдек оқ, либослари сурмадек қародур, тиллари хомушдур.

Ул шаҳрга кириб бир саройга туштум. То бир йилгача шаҳрни аҳволин сўрдим. Ҳеч киши аҳволидин хабар бермади. Охири бир қассобни кўрдимким, бағоят инсофу **42<sup>b</sup>** вафолиғ ва диёнатлиғ ва хушфеъллик ва мулойим одам эрди. Анинг бирла ошно бўлуб, бир неча вақт ҳамсухбат бўлдим. Анго кўп зар ва гавҳар бердим, то анинг меҳри кун-кундин зиёда, вақти хуш бўлуб, манинг эҳсоним домига сайд булди. Бир кун мени уйига олиб бориб, турлук лазиз таомлар билан зиёфат қилди. Эрса таом ва шаробдин фориғ бўлғандин сўнг менга кўп нимарсалар пешкаш қилди. Мендин олған зар- **43<sup>a</sup>** гавҳарларни олдимга қўйиб, узрлар айтиб, дедиким: “Мен худ оз нимарсага қонеъ эрдим. Менга шунча зар-гавҳар берганингдин ғараз не туур, айтгил то қудратим еткунча хизмат қилайин.” Эрса мен дедим:

“Эй хожа, ҳимматлик дононинг олдинда зар бирла тош баробардур, мол-дунёниг ҳеч қадру манзалати йўқтуур.” Бу сўзни деб ўзим ғуломларимға кўз остиндин ишорат қилдим. Бориб хазинадин кўп нақдиналарни кўтариб келдилар. Мен ул нақдиналардин аввал бергандин зиёдроқ нақдина яна қассобга бердим. Қассоб менинг мундоқ эҳсонимни кўруб хижил ва ҳайрон бўлуб, деди: “Мен бурунги инъомингдин хижолатманд бўлмиш эрдим. Мени аввалгидин **43<sup>б</sup>** кўпроқ хижолат қилдинг. Эмди менга сенинг ҳожатинг бўлса айтгил, то қудратим еткунча қилурмен. Йўқ эрса бу нақдиналарингни менинг олдимдин кўтаргил, то мен хижолатдин чиқайин.”

Анинг бу сўзидин умидвор бўлиб дедимким: “Мен фалон вилоятнинг подшоҳидурмен. Ушбу шаҳр халқининг ҳеч нимарса бирлан ҳолин билмадим ва бебаҳра эрканларин, қаро кийганларин эшитиб анинг сабабин билмоқ орзу қилдим. Барча мулку молимни ва подшоҳлиқимни ташлаб бу шаҳрга келдим. Эмди сен **44<sup>а</sup>** бул аҳволдин бизга хабар берғил.”

Эрса қассоб бу сўзин эшишкач ҳайрон бўлуб, бошин ошоқقا солиб, бир оз вақт ўткандин сўнг ўзига андиша қилди, ондин бошин кўтариб ноилож бўлуб, деди: “Ушбу кеча бул ишдин сени хабардор қилайин. Ярим кеча бўлғандин сўнг юргил, менинг изимга тушгил, то сени бу сирдин ва ҳақиқатдин огоҳ қилайин.” Мен ярим кечада анинг изига тушдим. Ул мени бир биёбон ўртасида бир харобахонага олиб борди. Ул вайронада бир сабат турмушдурким, тарозудек **44<sup>б</sup>** атрофида уч еридин иплар боғланмишдур. Ва ул ерда бир узун мийл барпо бўлмишким, учи осмон авжига етишмишдур ва учида тилсим бирла ғарғара банд бўлмиш. Ул сабатга боғланган ипнинг яна бир учи ул ғарғарадин ўтиб, ерга осилмишдур. Қассоб анинг олдига келтуруб қўйди: “Бул сабатға мингил, то бу халойиқнинг хомуш ва сиёҳпўш бўлғанларининг ҳақиқатидин сени бул сабат огоҳ қилғай.”

Мен ул сабатға миндим, қассоб ипнинг учидин чекти, сабат мийлнинг устига чиқти. Қассоб **45<sup>а</sup>** ипни банд этиб, бадар кетди. Манинг кўзимга жаҳон қоронғу кўринди. Ер, осмон назарга кўринмади, жон хавфидин йиғлаб ва афғонлар чекиб, қасообнинг қилған ишидин шикоят қилиб, ўз ишимга пушаймон бўлуб ўлтуриб эрдим, токим бадани тоғдек, оёқлари чинордек бўлуб бир улуғ куш ҳаводин учиб келиб, ул

мийлнинг устига қўнди ва бир замон ўлтуруб уйқуга кетди. Эрса мен ўз-ўзимга маъқул этдим: эмди менга бул жойдин омон қутулмоқим гумон- **45<sup>6</sup>** дурким, бу қушнинг оёқидин маҳкам тутсам, мени бул мийлдин халос қилиб ер юзига тушуруб қўйғай. Ул қуш уйқудин уйғониб учиб кетар чоғида оёқига маҳкам ёпушдим. Ул қуш қанот қоқиб эртадин кун ўртағача учди. Кун қизиғандин сўнг соя истаб андак-андак ошоқға майл этди. То ерга бир найза бўйи етканда қушнинг оёқин қўлумдин йибориб бир сабзазорлиқнинг ўртасиға тушдим. Атроф жавонибға қараб кўрдимким, ҳар тарафга сувлар **46<sup>a</sup>** оқиб, юз минг алвон гуллар очилиб, булбуллар чаҳ-чаҳ уруб, турлук мевалар пишиб турубдур. Бошдин-оёқ биҳишт боғидек сабза-ю хуррам ва оти Боги эрамдур. Мен бағоят хушвақт бўлуб, Ҳақ таолоға шукрлар қилдим. Ул бўстониинг ботдин-оёқин сайр этиб, турлук мевалардии еб, тўюб шукрин бажо келтирдим. Охир бир тарафда бир нимарсанинг соясин кўрдим. Ул сояда ўлтуруб то кеч бўлгунча роҳат қилдим. Кеч бўлуб қоронғу тушкандин сўнг бир жонивор келиб йўлнинг гарду **46<sup>b</sup>** ғуборин супурди. Бир булат келиб саққолар янглиғ ул бўстоннинг қасабасиға сув сепди. Йўл мусаффо бўлуб, гулистон зеб ва оро топғандин сўнг, ногоҳ узоқдин кўрдимким, бир жамоа ҳурсувратлиғ ва париййтальъатлиғ нозанин қизлар юз минг ноз бирла хиромон-хиромон бўлуб келурлар. Баъзисининг қўлида равshan шамълар ва баъзисининг қўлида мулавван тўшаклар ва бирининг илкинда олтундин тузалган мурассаъ тахт. Тахтни келтуруб қўйиб, бисотларни тўшадилар. Бир оз вақтдин сўнг **47<sup>a</sup>** хуршиди тобондек бир қиз келдиким, юзининг нури оламни мунавар қилур эрди. Ўзга қизлар анинг бошида қуёш соясида ушоқ юлдузлардек кўзга кўринур эрди. Юз ишва ва карашма бирла келиб ул тахтга чиқиб ўлтурди. Ўзга қизлар саф тузуб хизмат мақомида турдилар. Ул нозанинларнинг шоҳи бир оз вақтдан сўнг юзидин пардани кўтариб, оёқидин мўзани чиқариб, бошин ошоққа солиб андиша бирла ўлтуруб, бир оз вақтдан сўнг **47<sup>b</sup>** бошин кўтариб қошидаги маҳрамларнинг бирига дедиким: “Бу бўстонда бани Одам зумрасидин бир номаҳрам киши бордур. Ахтариб топиб, менинг ёнимга олиб кел.” Ул нозанин дарҳол еридин туруб чобуклик бирла ҳар тарафга юз уруб, ногоҳ, менинг маконимга келиб, ҳайрон бўлуб, менинг қўлимдин тортиб, дедиким:

“Турғил, сени ул нозанинлар шоҳи чақирадур!”, эрса мен ул сўзни эшиткач, хушим бошимдин учуб, дарҳол жойимдин туруб, чобуклик бирла тахтнинг олдига бориб **48<sup>a</sup>** етдим, юзумни туфроқقا ташладим. Ул нозанин илтифот қилиб, дедиким: “Турғилким, туфроқдин маскан қилмоқ бандаларнинг жойидур, сенинг эрмасдур. биз меҳмондўстмиз, меҳмонни жондин азизроқ тутармиз. Хусусанким, сен ошно-манзар, муҳаббатпарвардурсен, келгил, бул тахт устида менинг қошимда ўлтургил.” Анда мен дедим: “Эй нозанин, Билқиснинг ҳамнишини Сулеймон бўлғусидур. Менингдек ғули биёбоннинг ҳадди эрмастурур.” Анда ул нозанин деди: “Эй йигит, баҳона **48<sup>b</sup>** қилмағил ва мундок афсонани қўйғилким, бул жойлар ҳаммаси сенинг жойингдур, сен ҳокимдурсен.

Лекин бул тахт устида менинг бирла ўлтурмоқ керакдур, то менинг пинҳон розимни билгайсен ва меҳрибонлиқимни не ҷоғли эрканин мушоҳада қилғайсен.” Анда мен дедим: “Менинг жойим тахтнинг пояси ва қасрнинг сояси туур. Бул тахтнинг устинда ўлтурмоқ менга лойик эрмастурур.” Анда ул дедиким: “Бул жой ўзимнинг жойим ва бошим ҳаққи мен меҳмонни жондин азиз тутармен. Кел, тахт устига чиқиб роҳат қилғил.” Эрса **49<sup>a</sup>** бошимни туфроқдин кўтариб, бандалик мақомида оёқ устида турдим. Канизакларин бири келиб қўлумни тутуб тахт устига чиқарди. Ул нозанин кўп меҳрибонлиқ ва ширинзабонликлар кўргузди, эрса канизакларга буюрди, то неча алвон хонлар ёйиб ва неча турлук таомлар, шарбатлар келтурдилар. Таом емакдин фориг бўлғандин сўнг муғанийлар соз тутуб, мутриблар тараннум кўргузуб, ҳофизлар ғазалхонлиқ ва ўюнчилар раққослиқ қилиб базмни қиздурдилар. Соқийлар соғар тутуб, **49<sup>b</sup>** думоғларни гарм қилдилар ва юзлардин ҳаё ва шарм пардасин кўтардилар. Мен нозанинни ўзимга бағоят меҳрибон кўруб, зулфдек оёқиға тушдим ва камар янглиғ нозик белидин қучдим ва кўзимни юзига суртдим, ширин лабидан бўсалар олдим. Дедим: “Эй нозанин, сенинг отинг недур?” Ул нозанин ноз бирла кулуб, дедиким; “Отим Туркноздур.” Мен шароб мастлиқи бирла андин мақсад ҳосил қилур бўлдим. Ул дедиким: “Бул кеча бўса бирла қучоқға қонеъ бўлғил, сабр қил, то манинг ҳакимим ҳоло тиламайдур.” **50<sup>a</sup>** Анда мен: “Бизнинг мулло якназарбой дурмаса, мен нечук қилайин”, – дедим. Ул қиз айтди: “Сен

менинг дўстим туурсен. Дўст дўстға бевафолиқ қилмас”, – деб парийзод ёлбормоқ бирлан бўлдилар. “Агар дўст бўлсанг бул ишни раво кўрмайсен. Агар шаҳват ғалаба қилса ва бетоқат бўлсанг, бул канизакларнинг бирин хушлаб, ҳар кеча бири бирла ҳамсухбат бўлгилким, ҳар кеча буларнииг бирин сенга бағишиладим.” Менга бу сўзни деб покиза канизакларнинг бирисин чақириб, менинг қулумга топшуруб, деди: “Турғил, кўнглинг тилаганча мунинг бирлан комингни сургил!” Ул канизак дарҳол юз нозу карашма бирла илкимдин тутуб, бир олий қасрга олиб борди. Кўрдимким, шамъ ёниб йипак **50<sup>б</sup>** тўшаклар солиниб, оросталиқ бирлан бўлуб турубдур. Канизак бирла ул тўшак устида тонг отгунча айш-ишрат қилиб, гавҳари ҳуққасин муҳрини кўтариб, кўнглум комин ҳосил қилдим. Тонг вақтда ул канизак туруб иссиқ сув келтурди. Мен ғусл қилиб, гулдек покиза бўлуб, қасрдин чиқиб ул сабзазорнииг бир тарафида пинҳон бўлуб ўлтурдим. Ул нозанин қизлар ул бўстондин чиқиб кетдилар. Ул бўston ичида ҳеч киши қолмади. Мен ул сабзазорда бир сарчашманинг канорида ётиб, эртадин то кечгача уйқуладим ва кеч бўлғандин сўнг уйқудин туруб, сув қанорида ўлтурдим. Яна ўткан кечадек бод фаррош-**51<sup>а</sup>** лиқ ва булат саққолиқ қилиб, бўстон қасабасиға зебу оро бердилар. Яна ул парийчеҳра канизаклар заррин тахтни келтуруб раёҳин ўртасида қўйдилар. Устига мулавван тахтпўшлар солиб зеб ва оройиш еткурдилар. Яна ул нозанин қизлар шоҳи келиб тахт устида подшоҳона русум бирла ўлтуруб, ишрат базмин мажидона қиздурдилар. Ул нозанин меҳрибон бўлуб, яна менинг ёнимга канизакларнинг бирин буюрди. Мени кўтариб ул тахт устига миндирдилар. Турлук таомларни чочтилар. Ҳар ким иштаҳаси борича алвон-алвон неъматларни тановул қилди. Овқатдин фориғ бўлғандин сўнг соқийлар май тутиб, ҳамма сармаст бўлди. Ул чоғда менга лутф-карам қилмоқға рағбат кўргузуб, барча қизларга ва канизакларга ғамза бирла ишорат қилди, аларнииг барчаси ул базмгоҳдин йироқ бўлдилар. Мажлис холи бўлғандин сўнг муаъддад якназар ғалаба қилиб, дарҳол туруб бориб, нозук белин тутуб, жон мисллик қучоғимға чекдим ва қўлумни ул пойжомасиға еткурдим. Ул чоғда ул ишдин холи бў- **52<sup>а</sup>** луб, яна деди: “Бекарорлик қилмағил. Бул кеча ҳам бўса олмоқقا қаноат қилғил. Ҳар киши қаноат бирла мақсадга еткусидур”,

эрса мен дедим: “Менинг ҳолимға бир чора қилғилким, тоқатим тоқ ва жигарим сув бўлди. Оқшом ўтуб, тонг яқин етди. Ё мени ўлтургил, ё мақсадимға еткургилким, жон гарғараға келди.” Эрса ул деди: “Бу кеча сабр қилғил, агар бу кеча бу хаёлни қилсанг, қўйғил, йўқ эрса андин бебахра қолурсен. Эмди ихтиёринг. Бир чашмани бир қатрага сотмагил ва бир зарра учун бутун қуёшдин кечмагил. Бир кечалик орзуни тарк **52<sup>б</sup>** этгил, то неча йиллар даврон сурсанг, туганмас ишратға етгил. Ва агар ўзунгни тўхтатолмасанг бу канизакларнинг бири бирла бул кеча ҳам кўнглунг тилаганча комингни сургил.” Эрса они бу ҳолда кўруб, ўзимни куч бирла тўхтатиб, қўлимни изоридин чекиб, шакардек лабидин суруб бўса олмоққа машғул бўлдим. Яна шаҳват ғалаба қилиб рағбатим зиёда бўлди. Нозанин менинг бетоқат бўлғанимни билиб канизакларга буюрди, мунинг иложин кўргил, деб ишорат қилди. Эрса ул канизак бирла бир тарафға бориб ул кечадан зиёдроқ айш-ишрат **53<sup>а</sup>** қилиб, мурод ҳосил этдим. Сахар вакти ғусл қилиб, яна бир гўшада ўлтурдим. Тонг отқандин сўнг ул парийваш нозанинлар ҳаммаси мажлисдин туруб, бўстондин чиқиб кетдилар. Мен саройнинг соясида ганжнинг интизорин тортиб ўлтурдим. Токим ушбу кеча ул нозаниннинг шакаридин ком олиб, муродимни ҳосил қилғаймен. Аммо ул нозанин ҳар кеча мени базмиға хос қилиб, минг ноз-қарашмалар бирла беҳузур қилур эрди. Аммо аввалги кечалардек фириб бериб муродимни ҳосил қилмас эрди.

Бул тариқа бирла ул нозаниннинг ваъдаси ўттуз кечага етди. Ўтузланчи кеча ҳам аввалги кечалардек бод фаррошлиқ ва булат саққолигин қилиб бўстон саҳнига оро бердилар. Канизаклар тахтни келтуруб кўйдилар. Ул нозанинлар шоҳи келиб тахтнинг устида ўлтурди. Мутриблар наво тортиб, соқийлар олтун соғарларни киргуздилар. Ул чоғда нозанин буюрди, эрса мени топиб онинг ёнига олиб бордилар. Ул нозанин еридин туруб, тахт устида ўзининг қошидин жой берди. Яна дастурхон ёйиб, турлук таом тортдилар. Гул шарбат устидин соқийлар жом тутуб, мажлисни қиздурдилар. Мен яна маст бўлуб, шавқим ғалаба қилиб, **54<sup>а</sup>** ул нозаниннинг ширин лабидин бўса қилиб, қўлум ганжинасининг қуфлиға еткурдим, то бандини очиб абдолбойни йиборойин деб. Яна ул нозанин меҳрибонлиқ бирла илкин илкимга уруб, қўлумни

ганжидин олиб, деди: “Ганжинаға ҳоло қўл урмағилким, ганжина бандининг очилур вақти эрмастуур. Сабр қилким, бу ганжина санинг насибинг бўлур. Бир вақтға мавқуф туурман.” Мен дедим: “Эй ҳусну жамол гулшанинг гули, мен шайдо булбул қачонгача интизор бўлуб юурмен ва менга қачонгача фириб бериб, бу сўзлар бирла таскин берурсен? Эмди бир замон турмоқға тоқатим **54<sup>б</sup>** қолмади”, – деб дарҳол жойимдин туруб, ул зулфлариға ёпушдим, оллоберганбой ҳам туриб, йиборгил, мен киравман, мунинг ичинда бир нимарса бор, деб халлос урди. Яна ул нозанин деди: “Меҳмоннинг нозин султонлар кўтарур. Мен сенинг бу айтқан сўзларингни жон бирла чекармен ва ҳарна амр қилсанг, фармонбардор туурмен. Лекин бу орзу қилурсанким, сенга сўнгрок мұяссар бўлур, истамай сабр қил. Андин ўзгаким, ҳарна ком истасанг яна гулдек юзимдин, шакардек лабимдин, кумушдек сийнамдин ўпгил ва қучғил, **55<sup>а</sup>** ва ҳарна қилсанг ихтиёр илкингдадур. Бул бирла тасалли топмасанг, бу қизларнинг бири бирла хилват қилиб, абдолбойга таскин бергил ва менинг этакимдин қўл кўтаргил.” Мен анинг бу сўзларини қабул қилмадим ва юзумдин шарму ҳаё пардасин кўтариб, дедим: “Эмди сенинг этакингдин қул кўтармасмен, ё бул тахт устида абдолбойни жойлагил, йўқ эрса ўзимга бир ханжар уруб ўлтургил, бу сўзни қўйгил, дарҳол иштонни чиқаргил”, – деб қалтираб йиформадим, аввал ганжинаси бандига илик урдум, дарҳол **55<sup>б</sup>** солгайман деб, эрса ул кўп ёлбориб, мухлат тилар эрди. Мен анга қулок солмас эрдим. Охир онт ичиб, деди: “Ушбу кеча сабр қилғил, тонглагача бу ганжина ихтиёрин калидини сенинг муродинг қўлига берурмен.” Ул ҳар нечаким мундоқ сўзлар айтур эрди, менинг абдолбойим қулок солмас эрди, эрса дурган сари қотар эрди, йибор деб. То иш ул ерга етдиким, чустлик бирла пойжомасини бўшатдим. Ул нозанин манинг бекарорлик бўлғанимни кўруб, дейдиким: “Эмдиким қўймадинг, бир замон кўзунг юмуб тургил, то мен ганжина **56<sup>а</sup>** бандин ўз қўлум бирлан очайин, сен муродингни ҳосил қилғил”, – деди. Мен ғариб анинг баҳонасига ишониб, ул вақт ганжинасидин кўзумни юмдум. Бир замондин сўнг деди: “Эмди кўзунгни очгил!..” Дарҳол кўзумни очдим: на ул нозанин, на ул боғ бор. Ўзумни ул миноранинг устинда, сабад ичинда кўрдим.

Фалакнинг гардишидин ўз ҳолимга ҳайрон ва ул

нозаниннинг фироқида нолону гирён бўлиб ўлтурмуш эрдимким, ногоҳ ул минора тебранди, ошоқда қараб кўрдимким, ул қассобким, сабад бирла сутуннинг устиға **56<sup>6</sup>** чиқариб, учин банд этиб кетмиш эрди, ипни бўшатиб мени минора устидин ошоқقا тушурди ва мани қучоқига қисиб, узр этиб, деди: “Агар бу қиссани юз йил айтсан ҳам бовар қилмас эрдинг. Ҳоло ҳақиқатдин хабардор бўлмас эрдинг. Эмдиким, ўзунг бориб кўрдунг, не воқеа бўлғанин билдинг. Мундок қиссани кишига айтиб нечук ишонтуурмиз. Бизлар фалакдин шундоқ зулмни кўруб, тазаллум бирла сиёҳпўш ва хомуш бўлмишмиз.” Мен анга дедим: “Эй ёри ситамдида, менга сенинг ишинг писандида тушти. Мен ҳам хомушлик бирла сиёҳпўшлиқни ихтиёр қилурмен.” Ул қассоб бориб менинг учун қаро ҳулла келтурди. Мен ани эгнимга солиб, ул кеча йўлга тушдим ва кўп масофани юруб, малулиқ ва дилтанглиқ бирла ўз шаҳримга келдим ва қаро киймакни ўзимга шиор қилдим.

Вақтиким, ул подшоҳ бу ҳикоятни эшилти, қиссаҳон деди: “Менким, анинг сотқун олған ва маҳрам бўлған ва кўп яхшилиқ кўрган канизи эрдим, анга мувофиқат қилиб, мен ҳам қаро кийдим. Менинг қаро либос кийганимнинг сабаби будур.”

Ҳинд подшоҳининг қизи Барҳом Гўр олдинда бу шаҳвратангиз афсонани айтиб тамом қилғандин сўнг Баҳром анга офарин деб, ани **57<sup>6</sup>** жондек қучоғига жондек қисиб айшишрат ва роҳат бирла ётдилар.

## **Иккиланчи кеча. Шахри Ироқ подшоҳи ҳикояси. Якшанба куни шоҳ Баҳром Гўрнинг сариф гумбазға бориб Қайсарнинг қизига қисса айттурғани**

Якшанба куни субҳи содик ялангбош, илги зарафшон бўлуб, ер юзи қаҳрабо бўлғандин сўнг, Баҳром сариф либос кийиб, бошига заррин тож санчиб сариф гумбазга кириб сариф май ичиб, Қайсар қизи бирла айш-ишрат қилурға иштиғол кўргузди. Кеч бўлғандин сўнг ул раъно суврат нозанинга афсонахонлик хизматин буюрди. Ул нозанин шакардин ширин лабин дуога очиб, сўнгра такаллум гавҳарин мажлис ичра сочиб мундок **58<sup>a</sup>** дедиким:

**Бир ҳикоят ибтидоси.** Ироқ мулкидан бир шаҳрда бир подшоҳ бор эрдиким, барча ҳунарда ягонаи оғоқ эрди. Ўзининг толеъи дафтарида ўқумуш эрдиким, анга хотунлардин хусумат етгусидур. Ул сабабдин асло хотун олмас эрди. Аммо хушрўй канизаклар олиб, алар бирла ҳамсуҳбат бўлур эрди. Аларнинг ҳар бири бир ҳафтаға етмасдин бурун ўз ҳаддидин ташқари қадам қўюб, хотунлик даъво қилиб, ганжларни истаб саркашлиқ кўргузур эрди.

Подшоҳнинг уйинда қадди хам бўлған бир маккора хотун бор эрди. Подшоҳ бир канизакни сотқун олса, ул маккора юз макр-ҳийла бирла фириб **58<sup>b</sup>** бериб, дер эрдиким: “Сен эмди подшоҳнинг хотуни бўлдинг, барчанинг банди бекасидурсен, бекалардек иш қил!” Канизак анинг сўзи бирла кибру ғуур пайдо қилиб, ўзининг расму одатин тарқ қилиб, ҳаддидин ўтуб, ёқмас иш ҳозир қилур эрди. Подшоҳ ҳар нечаким, сайъ этар эрди, ул канизакларнинг ҳеч бири ўз ҳаддида турмас эрди. Охир подшоҳ аларни, бадхўйлик кўруб, яна сотар эрди. Алқисса, кўп канизак олиб сотғани учун канизакфурушлиқға машҳур бўлиб эрди. Ҳамиша подшоҳ ўз ишига мувофиқ тушкудек соҳибжамол ахтарур эрди. **59<sup>a</sup>** Аммо асло тополмас эрди. То бир кун бир асирфуруш подшоҳнинг хизматида арз этдиким: “Бир хожа Чин вилоятидин минг парийчехра канизак келтурубдурким, бағоят соҳибжамолдурлар. Ҳусусан, аларнинг орасинда бири бордурким, юлдузларнинг орасинда қуёшдек дурахшон ва беназирдир. Менким, неча йилдурким, бу ишга, яъни асирфурушлиқға машғулдурмен, анинг монандин кўрмамишдурмен. Ул гўзал кўнглумга бағоят маъқул

тушубдур. Агар кўрсанг санга ҳам писанд тушкусидир.” Подшоҳ деди: “Бориб хожани канизаклар бирла менинг олдимга келтурғил.” Ул бориб келтурди. Подшоҳ канизакларни кўруб, **59<sup>б</sup>** анинг таъриф этган канизакин хоҳлади ва хожадин сўрадиким: “Бу канизакнинг ҳулқу хўйи нечукдур?” Хожа жавоб бердиким: “Бу канизак ҳусну жамол ва жамеъ ахлоқда ниҳоятсиз хўб, яхшидур. Аммо бир ёмон ҳулқи ва айби бордурким, ҳар киши ани юз орзу бирла сотқун олса, бир кеча ўткандин сўнг менга қайтариб берур. Айби улдурким, агар анинг бирла ётиб, мурод ҳосил қилмоқни истаса ул асло қабул қилмас ва агар зўрлик кўрса, ўзини ўлтурмоқни қасд этар. Эй подшоҳ, муни олмағил. Агар бошқа канизакларни ҳар бирин хоҳласанг, ҳеч бало олмай ҳарамсаройингға йиборурман.”

Подшоҳ **60<sup>а</sup>** ул канизакларнинг барчасига харидорлик кўзи била назар қилди. Аммо ул канизакнинг жамоли ишқи кўнглига жой бўлмуш эрди. Андин ўзгасин назарига илмади ва кўнгли андин бошқани қабул қилмади. Подшоҳ журм баҳосига кўп накд бериб ани сотқун олди. Ул канизак ихлос бирла хизматға машғул бўлуб, ҳарам ахлига кўп иззатлар ва ҳурматлар кўргузди.

Подшоҳнинг олдинда ҳам бир тўшакда ётмоқдин ўзга ҳар турлук хизмат бўлса, жону дил бирла қилур эрди. Ҳар нечаким, подшо анинг қадрин сарвдан баланд қилур эрди, ул ўзин соядек пастлик- **60<sup>б</sup>** ка солур эрди. Ул чоғда ул маккора зан келиб, анга сўз бериб, такаббурликка солиб, ҳаддидин ўткирмак тилади. Ул канизак анга бонг уруб ва эътиroz қилиб, деди: “Кетгил, мени ўз ҳаддимдин ўткармағил ва отимни канизакдин юқори чиқармағил!”

Подшо ул канизакнинг ул маккорадин ихтиroz қилғанин кўруб, бурунги канизакларнинг саркашлиқ қилмоқлариға сабаб ул маккоранинг иғвоси эрканин билиб ани уйдин чиқариб. қувуб йиборди. Ул канизак подшоҳ олдида андок азиз бўлдиким, подшоҳ ўзин анга banda қилди.

Бир кеча подшоҳ канизга кўп меҳрибонлик кўргузуб, муболаға бирла ёлбориб, дедиким: **61<sup>а</sup>** “Сендин бир сўз сўрайин. Агар сен анга ростлик бирла жавоб берсанг, менинг ишим ростлик бирла кушойиш топар ва муродим, осонлик бирла ҳосил бўлур.” Ул ҳолда канизак подшоҳнинг бу сўзига қувват бермак учун, дедиким: “Бир вақт Сулаймон бирла

Билқис бир ерда ўлтурмуш эрдилар. Уларнииг бир фарзандлари бор эрдиким, анинг икки қўли ва икки оёқи ланг эрди. Билқис Сулаймонга дедиким: “Сен худонинг расулидурсен, сенинг ва менинг қўл оёқларимиз соғдур. Бизларнинг фарзандимиз мундок касалга мубтало бўлмағи бағоят ёмон кўринур. Эмди анинг дардига даво ахтармоқ ва илож қилмоқ керакдур. Агар бул ҳолни Жабраил келса анга айт-**61<sup>б</sup>** гил, то ул бориб Лавҳ ул-маҳфузға қараб, қайси нимарса анинг дардига чора ва илож бўлса, келиб сенга хабар берсун, то бу ўғлоннинг қўл-оёқлари сиҳҳат топсун.” Эрса Сулаймон бу сўзларни қабул қилиб бир неча кун Жабраил келурига мунтазир бўлди, эрса бир кун Жабраил келди. Ҳазрат Сулаймон алайҳиссалом Жабраилга анинг сўзин баён қилдилар. Бориб ҳазрат Кирдигордин вахий келтуруб сўрдиким: “Бу ўғлон қўл-оёқи яхши бўлурға давое борму?” Эрса айдилар: “Яхши бўлурға икки нимарса даводур. Бири сен савол сўрсанг, Билқис анга ростлик бирла жавоб берса, яна бири Билқис сендин бир сўз сўрса, сен ҳам анга ростлик бирла жавоб берсанг, ҳеч шак йўқтур- **62<sup>а</sup>**ким, бу ўғлоннинг дардига бу икки жавобдин даво бўлгусидир.” Билқис бу сўздин хуш бўлуб Сулаймонга деди: “Қайси сўзни сўрмоқ истасанг, сўргил, то мен ростлиғ бирла жавоб берайин.” Сулаймон деди: “Бу жаҳонда мендин ўзга кишини сухбатин орзу қилурмусен?” Билқис деди: “Сен ҳам пайғамбардурсен ва ҳам подшоҳдурсен. Барча инсу жинс, деву парий сенинг ҳукми фармонингда ва давлатингни ниҳояти йўқ туур. Сенинг давлатингдин мен ҳамиша иззат ва ҳурматда ва айшу ишратдадурмен, ҳеч нимарсага эҳтиёжим йўқтуур. Бовужуд шундок эрса ҳам агар бир йигит кўзимга кўрунса, анинг сухбатин орзу қилурмен.” Бу сўзни ул ўғлон **62<sup>б</sup>** эшлиб, кож қўлин узатиб, ҳар тарафга тебратиб дедиким: “Эй ота, қўлум соғланди!” Андин сўнг Билқис Сулаймонга дедиким: “Мен ҳам бир сўз сўрармен, сен ҳам ростлик бирла жавоб бергил. то бул ўғлоннинг қўли менинг рост жавобим бирла соғайди, оёқи сенинг рост жавобинг бирла сиҳҳат бўлсин!” Сулаймон деди: “Сўрғил.” Билқис деди: “Мунчаким, молу ганжингни худ ниҳояти йўқтуур, шунинг бирла ҳам кўнглунг кишининг молини орзу қилурму?” Сулаймон деди: “Мен бовужудким, ер юзининг подшоҳидурмен, мулку молимнинг ҳадди ва ҳисоби йўқтуур.

Шунинг бирла ҳам агар бир киши эшикдин кириб салом берса, менга не тухфа **63<sup>a</sup>** келтурди экан, деб кўз остидин онинг қулига қаармен.”

Ул ўғлон бу сўзни эшиткач, еридин сачраб оёқ устида туриб, деди: “Эй ота, оёқим соғлонди!”

Андин сўнг подшоҳ канизакка дедиким: “Рост сўзниң баракатидин Худойи таоло ул ўғлоннинг мушкул дардига шифо берди. Керактурким, бизлар доғи ростлик қилғаймиз, то Ҳақ таоло бизларнинг барча ишимизни осон қилғай. Эй меҳрибон ёр, айғилким, не сабабдин менга сенинг меҳринг суюқдур? Бовужудким, сенинг бирла ҳамбистар бўлмоқ орзузида жоним чиқмоқга яқиндур.” Канизак деди: “Менинг наслимда бир ёмон хислат **63<sup>b</sup>** бордурким, агар хотун эрга бориб ҳомила бўлса, фарзанд туғар вақтида ўладур. Бас, мен нечук ўлумға ўз ихтиёrim бирла ризолик берурмен. Мен жон дўстидурмен, жонон дўсти эрмасмен, бу ишга ўлмагунча розилик бермасмен. Худ айбларимни санга ошкор этдим. Эмди мени хоҳ сотғин, хоҳ қўйғил, ўзинг бил. Мен пинҳон сирримни ростлик бирла аён қилдим. Эмди умид этарменким, сен дағи менинг саволимга ростлик бирла жавоб бергайсен: “Не сабабдин соҳибжамол канизакларни олиб ноз-неъмат ва иззат бирла фалакка чиқариб, оз вақтда **64<sup>a</sup>** тавобеъларга узатарсен?” Подшоҳ деди: “Ҳаргизким, уюмга келиб, менга саркашлиқ қилиб, хизматкорлик ранжин бўйниға олмай иззат ва роҳатға кўнгул қўяр, ҳар кимнииг мақоми ўз мартабасига лойик ва ҳар кишининг номи ўз қадрига мувофиқ бўлмоғи керакдур. Густоҳ киши ҳеч ерда йўл ва ривож топмасдур. Хотуннинг тавозуъи эрнинг муҳаббатин зиёда килур. мен ҳар канизакниким олдим, андин ўзига оро бермакдин ва такаббурлик қилмоқдин ўзга иш кўрмадим. Бу жихатдин алар бирла ҳамсухбат бўлуб, ҳеч бирига кўнгул бермадим. Аммо сен хизматимни бажой келтурдинг. Шунинг учун кун-кундин сени зиёдроқ яхши кўрармен. Анинг учун **64<sup>b</sup>** дилу жоним сенга гирифтор бўлуб, сенсиз бир дам ҳам орому қарорим йўқтуур.”

Подшоҳ мундоқ яхши сўзларни кўп айтди. Аммо канизакнинг кўнглига асло таъсир этмади. Орзузи бул ишда эрмастур, эрса бир неча кун дилтанглик бирла сабр қилди.

Ул вақтда пирзанким, канизак ани қувуб уйидин чиқармиш эрди, рашқ қилдирмоқ учун подшоҳни бошқа бир

канизакка құшуб қўйди. Подшоҳ аниңг бирла шўхлиқлар қилиб ўйнар эрди ва юз муаллақлар уруб бир неча вақтларни хуш қилиб юрур эрди. Подшоҳ кеча-кундуз ётса-турса аниңг бирла машғул эрди. Канизакка илтифот қилмас **65<sup>a</sup>** эрди. Канизак бундай ахволни кўруб, рашқдин мутағайирир бўлур эрди. Аммо бандалик одобин асло кўлдин бермас эрди ва заррача ўз ҳаддидин ошуб, тажовуз қилмас эрди. Бу ишни пирзанинг тадбиридии эрканин билиб, канизак бир неча кун дилтанглик бирла сабр қилур эрди. Токим, канизак бир кеча хилват фурсат топиб деди: “Эй подшоҳи олам, агар ростгўй бўлсанг, менга ростлик бирла хабар берким, не учун аввал менга меҳрибон, хушгўй бўлуб, андин сўнг мени ёмон кўрдинг, ўзга бирла ўйнаб, мени рашкка солмоқни сенга ким ўргатди? Агар бу саволимга ростлик бирла жавоб берсанг, худо ҳаққиким, гавҳарим ганжинасини **65<sup>b</sup>** қулфин очмоқ ихтиёрин сенга берур эрдим ва мен муродингни ҳосил қилур эрдим.” Подшоҳ ростлик бирла деди: “Чун сенинг суҳбатинг орзуси жонимға ўт урди ва сабрим хирмонин бошдин-оёқ куйдурди, сабрим бағоят муҳлик эрди. Охир ул пирзан бу дардимға даво қилмоқни таълим берди, то сен бу ишлар билан менга ром бўлғайсен ва мен сендин осонлик бирлан ком олгаймен, йўқ эрса, мен сенга заррача маломатни раво кўрмасмен.”

Эрса подшоҳ бу сўзларни ростгўйлик билан баён қилғандан сўнг, канизак тавсанлиқни тарқ этиб, **66<sup>a</sup>** ўзин подшоҳға таслим қилди.

Эрса Баҳром бу достонни эшиткандин сўнг ул нозанинни қучоғига олиб, заррин тахт устинда уйқуға мойил бўлди

## **Учланчи кече. Румдағи Башир бирла Малихо ҳикояси.**

### **Душанба куни Баҳром яшил гумбазга киргани ва ул гумбаздағи нозанинға афсона буюрғани**

Шоҳ Баҳром Гўр душанба роҳат уйқусидин уйғониб, яна ишрат базмиға ирода қилиб, **66<sup>б</sup>** яшил ҳулладин жомалар кийиб, яшил гумбазга кирди. Ул гумбаз ичидаги нозанин бону бирла май ичиб, то кечгача мастоナвор айшу ишрат додин бердилар. Кеч бўлғандин сўнг ул нозаниннинг ширин тилидан бўсалар олиб, ҳикоят эшитмак тилади. Нозанин Баҳромга таъзим этиб, сўнгра мундок ҳикоят бошлади:

**Ҳикоят.** Рум вилоятнда бир азиз ҳунаркор киши бор эрдиким, фазлу ҳунармандликда ягонаи рўзғор эрди, оти Башир эрди. Ногоҳ кўнглига уйланмак хаёли тушуб, бир соҳибжамол нозаниннинг **67<sup>а</sup>** изинда эрди.

Бир кун йўлга тушуб бир тарафга борур эрдиким, бир сарвқомат, париййчеҳра нозанин юзига ҳулладин никоб чекиб, қархисидин келиб ўта берди, эрса ул нозанин Баширга пардани кўтарди, юзининг бир тарафи очилди. Башир ани кўруб, ҳайрон бўлуб, ишқ ўтининг ҳарорати кўнглига тушуб тавбасига шикаст етушли ва шавқ ғалабаси илкидин ихтиёрин олди. Сабру тоқати қолмай, қаттиқ овоз бирла шул ерда бир оҳ чекди. Ул нозанин ани эшитиб, юзидин пардани кўтариб, Баширнинг тарафига бир қараб, таваққуф қилмай ноз **67<sup>б</sup>** бирла кета берди. Башир ул нозаниннинг зебо жамолин кўруб, бехуш бўлуб йиқилди. Бир оз муддатдин сўнг ҳушига келиб, ул нозанинни ахтариб топмак тилади. Яна сабр қилмоқдин ўзга чора топмади ва ўз-ўзига деди: “Бу иш расволиғ алматидур. Эмди яхши иш ўлдурким, Байтул-муқаддас зиёратига борай ва ҳожатларимни Худойи таолодин тилаб, сидқ ва ихлос бирла ёлборай, то манинг бул ишимни осон қилғай.” Бул андиша бирла йўлдин қайтиб, уйига бориб сафар асбобин тузди ва **68<sup>а</sup>** биёбонларни сайр этиб, Байтул-муқаддасға бориб, ажзу ниёз бирла тоат ва ибодатга машғуллук кўргузди. Бир неча кундин сўнг Байтул-муқаддасдин мурожаат қилди. Ул сафарда бир худбин ва бадгўй ёмон киши анинг бирла йўлдош эрди. Башир агар бир сўз деса, ул киши анга кохиш қилиб, дер эрдиким:

“Сўзни қоида бирла сўзла, бехуда сўзни айтмаслар.” Бир кун ул киши дедиким: “Сенинг отинг надур? Таниб, сени мундин сўнг ўз отинг бирла айтай.” Башир деди: “Менинг отим Баширдур, сен на от қўярсен?.” Ул деди: “Сен Башардурсен, одам наслининг ёмонидурсен. Мен олам аҳлининг пешвоси ва имомидурмен. Мен андок донодурменким, ерда ва осмонда ҳар нимарса бўлса ўз ақлим бирла билурмен. Бу оламда менинг олдимда асли маълум бўлмаган ҳеч нимарса йўқтуур. Агар бир подшоҳнинг давлатига завол етар бўлса, они эллик йил бурун билурмен. Агар бир дона ердин кўкарур бўлса, мен бир йил бурун андин хабар берурмен. Агар афсун бирла ўтға дам солсам, қаҳрабони лаъл ва гавҳар қилурмен. Қасд этсам, қўлум бирла туфрокни зар қилурмен. Агар ҳар ерда худ ганж тортғон бўлса, мен анинг тилсимин оча олурмен. Агар ҳар ерда осмондин аҳвол сўрсалар, мен, халлоқазо<sup>1</sup>, андин огоҳ **69<sup>a</sup>** қила олурмен. Ҳар илм ва ҳунарда мендин донороқ киши ер юзида йўқтуур.”

Эрса мундок сўзларни ул киши ҳаддин ошурди. Башир дилтанг бўлуб, ноилож сабр қилиб ўлтурди. Ул вактда ҳаво юзидин бир қаро булат келди. Ани кўруб ул киши Баширга қараб деди: “Не учун баъзи булат қаро ва баъзи булат оқ бўлур?” Башир деди: “Худонинг ҳукми бирла мундоғ нимарсалар кўп бўлур, ани сен ҳам билурсен.” Ул деди: “Мундок баҳонани қўйғил, ўқни нишонига отмоқ керакдур. Мунинг аслин мендин эшитгилким, қаро булат бир **69<sup>b</sup>** тутундурким, табъида ҳарорати бордур ва оқ булат бир тутундурким, мизожида рутубати бордур.” Ул чоғда бир қаттиқ шамол эси. Ул Баширга қараб дедиким: “Айтгил, бу елга ҳаракат берадурғон недур? Ўкуздек хира бўлуб ўлтурмагил, бу саволнинг жавобин бергил!” Башир деди: “Бу ҳам худонинг тақдири бирла ҳаракат қилур.” Ул киши деди: “Ҳикмат бирла сўз айтгил, қачонгача хотунларнинг сўзидин айтурсен? Елнинг асли ҳаводур, ани ернинг бухороти тебрантурадур.” Андин сўнг бир баланд тоғни кўруб, Баширга қараб дедиким: “Бу тоғ не учун ўзга тоғлардин баланддур?” Башир деди: “Худонинг қудратидиндур, бири баланд, бири паст- **70<sup>a</sup>** дур.” Малиҳо деди: “Яна мени меҳнатга солдинг, эмди мендин эшитгилким,

---

<sup>1</sup> Бу сўз шартли ўқилди.

булутдин ҳар вақт қаттиқ сел келиб, тоғни пастга тушурур. Ҳар тоғнинг тепаси баланд бўлса, селнинг йўлидан узоқ бўлур.” Ул ҳолда Башир бетоқат бўлуб, қаттиқ овоз билан Малиҳоға деди: “Барча нимарсани Тенгри таолонинг ҳукмидин билгил ва ўз ақлинг бирла сўз демагилким, мен иш сирридин бехабар эрмастурмен ва ҳар илмда сендин донороқдурмен. Лекин ҳар киши ўз ройи бирла ғалат баён этмак ва гумон бирла Ҳақ таолонинг ҳукми баробарида сўз айтмоқ яхши эрмастур. **70<sup>б</sup>** Бизлар парда ичиндадурмиз, рост йўл қайси тарафда эрканин билмасмиз. Пардадин ташқаридағи нақшни нечук эрканин не билурмиз. Ҳақиқатни билмай йўлға каж қадам қўймоқ ва хатни ғалат ўқумоқ доно кишининг иши эрмастурур. Кўрқарманким, ҳар вақт ородин парда кўтарилса, бевакт йўлга тушкан киши шармисор бўлғай. Бас худонинг қудратига ҳар важҳ бирла қўл урмаған яхшироқдур.”

Башир мундок сўзларни ҳар нечаким айтди, Малиҳога таъсир этмади. Бир неча кун иккови ҳамроҳ бўлуб, биёбонларни қатъ этиб, иссиф ҳавода сувсиз **71<sup>а</sup>** чўлнинг ўртасинда бир йўғон баланд дарахтнинг остиға етдиларким, атрофи бағоят мусаффи бўлуб, сабза ва райхон кўкариб турубдур. Ул дарахтнинг остида бир хум ерга кўмулубдур. Сувук сув анга тўлуб, оғзи очуқ турубдур. Хум ичидағи сувни кўриб Малиҳо Баширга деди: “Не учун бу хум ичига сув тўлуб ерга кўмилгандур?” Башир деди: “Бу чўлда ташна бўлған халқ келиб ичин, деб хайр учун сув тўлдуруб кўмиб қўюбдурлар. Андоқким, баъзи жойларда бу тариқа хайрли ишлар бордур.” Малиҳо деди: “Бу сўзунг ғалатдур. Ҳеч бир киши бошқа киши учун сув ташиб юрмас. Хусусан, мундок ҳароратлиғ чўлда **71<sup>б</sup>** хаёл эрмастурур. Билгилким, бу сайёҳларнинг камингоҳидур. Сувни хум бирла ваҳший жониворларни сайд этмоқ учун кўмуб қўймишлар, то кийик ва қулон ва ўзга ваҳший жонварлар бу биёбонда ташна бўлуб, сув ичмакка келганларида сайёдлар камингоҳдин ўқ отиб аларни сайд қилурлар. Эй Башир, мушкулни шундок ҳал қилмоқ керакдур.” Андин сўнг Башир деди: “Эй Малиҳо, ҳар кишининг ўз эътиқоди ўзига хўб ва ўз иши ўзига маъқулдур. Оқибат андишали киши хайр жонибиға ва бад киши шарр тарафиға майл, рағбат қилур.”

Ул икови хумнинг лабида **72<sup>а</sup>** ўлтуруб, суфра тўшаб, нон еб, хумдин сув олиб ичдилар, эрса сув бағоят мусаффи ва

хушбўй эрди. Нон еб бўлғандин сўнг Малиҳо Баширга қаттиқ қичқуруб, хоҳиш бирлан деди: “Турғил, бу ердин йироқ бориб ўлтиргил. Мен сувга тушуб баданимнининг чирку ғуборин ювуб покиза қилурмен. Андин сўнг бу хумни синдуурмен, то жониворлар сайёдларнинг қўлиндин қутулсунлар.” Башир деди: “Эй Малиҳо, сен бу сувға аъзойингнинг чиркин ювиб мурдор қилмағилким, мундин неча ташна бўлған мусулмонлар келиб сув ичарлар ва роҳат топарлар.”

Малиҳо Баширнинг **72<sup>6</sup>** сўзига қулоқ солмай, либосларин чиқариб қўйиб хумга кирди. Хумнинг ости бир қудук эрдиким, ниҳоятсиз чукур эрди, оғзиға бир хумни синдириб ярмин қўймиш эрдилар. Малиҳо ул сувга тушкач, остида чўкуб ғарқ бўлди ва кўп уруниб чиқа олмади. Турлук азобларға қолиб охир жон берди. Баширким, бир тарафда анинг бул ишига кўп танг бўлуб ўлтурмиш эрди, эрса кўп вақтлар ўтди. Малиҳо хумдин чиқмади. Охир хумнинг устига бориб Малиҳодин асар топмади. Ҳайрон бўлди. Охир ул дарахтнинг бир шохасинким, узунлиги найза миқдори бор эди, кесиб олиб хумнинг ичига сукди. Кўрдиким, бағоят улуғ ва чукур қудуқдур ва яrim хумни анинг оғзиға қўймушлар. Баширким, сувда юзмоқда зиёда уста эрди, Ҳақ таолонинг мадади бирла Малиҳодин асар топмоқ учун сувга чўмди. Қудуқнинг остидин Малиҳонинг ўлукин топиб олиб чиқди ва ерга дағн қилиб устида малолат бирла ўлтурди ва деди: “Қани ул доно ва бийнолиқингким, барча улум ва фунунға моҳирмен, дер эдинг. Етти қат **73<sup>6</sup>** ернинг ва етти қат осмоннинг аҳволи авсофи менга маълум, дер эдинг. Оёқинг остидағи қудук ва ё хум эрканнин билмадинг. Ўз ихтиёринг бирла қудуқни хум гумон этиб, ичига кириб, сувга ғарқ бўлуб, жондин ва хонумондин айрилдинг. Худройлик ва бадкорлиқнинг оқибати будур. Ҳар киши ўз кирдорининг жазосига еткусидур.”

Бу сўзлардин сўнг анинг амома ва жомаларин қараб киссасидан минг қизил топди. Тиллони яна киссасига қўйиб, оғзини боғлаб барча либосларин бир-бириға чўлғади ва ўзига айди: “Омонатнинг шарти улдурким, анинг тиллосин **74<sup>a</sup>** ва либосларин сақлаб ўзим бирла олиб юргаймен ва анинг уйин сураб, топиб, ворислариға топширгаймен.” Андин сўнг йўлға тушуб, бир неча кунлар йўл юруб биёбондин чиқиб шахрға етди. Бир-икки таом ва шаробдин баҳра олиб, осудалик

топғандин сўнг Малиҳонинг амома ва жомаларин бир кишига кўргузуб сўрадиким: “Буларнинг эгасин танирмусизлар?” Эрса улар бу амомани таниб деди: “Фалон йўлдин юруб, фалон кўчага борғил, ул кўчанинг фалон тарафидағи уйларни санаб қадам урғил, еттиланчи уйнингким, бир баланд қаср <sup>74<sup>6</sup></sup> айвони бордур, ул уй эгаси бу дасторнинг эгасидур. Бориб ул уйнинг эшикин қоқсанг, очиб чиқарлар ва сенинг бирла хабарлашурлар.”

Башир ул соат ул уйга бориб, уй эшикин қоқди. Бир шакарлаб нозанин юзига парда солиб чиқиб, эшикни очиб, деди: “Не ҳожатинг бордур?” Башир деди: “Ҳеч ҳожатим йўқтуур. Аммо Малиҳо дасторин ва нақдин хотунига топширмок учун келтурубмен. Малиҳонинг аҳволини айтиб воқеасидан хабар берурмен.” Эрса хотун Баширни уйига киргузуб, бисотни устида ўлтурғузуб, <sup>75<sup>a</sup></sup> Малиҳо воқеасидин хабар сўрди. Башир Малиҳонинг ўзига ҳамсухбат бўлғанин ва барча улум ва ҳунарда лоф урғанин ва ранжу озор еткурғанин, ул қудукнинг воқеасини ва Малиҳонинг анга тушуб, ғарқ бўлиб ўлганин, ҳамма бўлған қиссасин бир-бир баён қилди, Эрса ул бағоят кордон ва доно хотун эрди. Бир лаҳза йиғлаб ва парийшон бўлуб ўлтурди. Сўнgra Баширга қараб мундок жавоб бердиким: “Агар Малиҳо ўлган бўлса, сен соғ бўлғил, бағоят ҳалолзода ва озода киши эркансенким, бизлардек бекас ва бечораларнинг ҳақида <sup>75<sup>6</sup></sup> узр қилмай, мундок муруват ва жувонмардлик кўргуздунг. Малиҳо сенинг айтганингдин юз ҳисса зиёдроқ бехудагўй ва турушрўй ва ситамкор киши эрди. Анинг жавридин озор топқан киши кўп эрди. Мен неча йилдин бери анинг ҳамхоналиқидин қутула олмай кўп ранжу меҳнат чекар эрдим. Ҳақ таолонинг меҳрибонлиқи била ул жазосиға етубдур ва анинг ғавғо ва балоси бошимдин кетубдур. Эмди ҳар тариқа бўлса ўлганнинг изидин ёмон сўз айтмоқ яхши эрмастуур ва анинг жойи худоға ҳаволадур. Эй поктийнат ва софният йигит, қабул этиб <sup>76<sup>a</sup></sup> қулоқинг бирла эшитгилким, мен сени эрликка қабул этиб, сенга хотунликқа ихтиёр қилдим. Менинг мулку жоним ва ҳусну жамолим бағоят кўпдур. Менингдек ҳалол ва жуфти bemалол сенга кам топилур. Эмди тез бўлғил, мени никоҳингга киргузгил. Сенинг мардлигингни кўруб, хизматкорлиқни қабул қилдим.”

Бу сўзларни айтиб, юзидин пардасин кўтарди. Башир ани

кўруб танидиким, ул йўл устида парда остидин жамолин кўрсатиб, аниг ҳушин олған нозаниндуру. Дарҳол бир наъра уруб, бехуш бўлуб йиқилди. Ул нозанин бу ҳолни кўргач, ҳуш доруни келтуруб ўтға солиб, **76<sup>6</sup>** анинг думогига дуд қилиб, ҳушиға келтурди. Эрса Башир деди: “Эй париййчехра, мен неча муддатдин бери сенинг ишқингда девона эрдим. Андоқким, фалон кун, фалон йўлда сен менга йўлукдинг. Ул чоғда бир ел келиб юзингдин никобингни кўтарди. Мен сенинг бу жамолингни кўруб, ошиқи зор бўлуб юурур эрдим. Эрса бу сирларни кишига ошкоро қилмадим ва Байтул-муқаддасға бориб висолингни тилаб зору тазарруъ бирла худоға нолишлар қилдим. Эмди Худойи таолонинг fazлу раҳмати бирлан менинг ишимга кушойиш берди. Чун бул ҳаваслардек ҳеч **77<sup>a</sup>** кишини молу жамолиға тамаъ қўлин узатмадим. Бу сабабдин мундок ҳалол мол менга мұяссар бўлди.”

Ул нозанин Баширнинг мундоғ рағбатидин вақти ҳуш бўлғандин сўнг аниг рағбати ўн ҳисса зиёда бўлди.

Эрса Башир они никоҳиға киргузуб, бир неча вақтлар айш-ишрат тузуб, икови ҳам мурод ва мақсадиға етдилар.

Ул нозанин базм аро бу қиссани тамом қилғандин сўнг Баҳром аниг шавқи бирла тамом оғушиға олиб, тахт устида ётиб ором қилдилар.

## Тўртланчи кеча. Малика Бону Ҳисорий<sup>1</sup> бирла...

### Сешанба куни Баҳромнинг қизил гумбазға келгани ва ул гумбаздағи нозанинға қиссаҳонлик қилдурғани

Шоҳ Баҳром Гўр сешанба сабоҳ қизил жомалар кийиб, 77<sup>6</sup> қизил гумбазга келган қизил юзлик нозанин бирла сухбат тузди. Кечгача жоми майни пайдар-пай ичиб, айш-ишратға майлу рағбат кўргузди. Кеч бўлғандин сўнг ул нозаниннинг чучук тилидин ширин афсона эшитмак тилади. Ул нозанин шоҳ Баҳромга таъзим этиб, сўнгра фасоҳат баён тилидин мундок афсонахонлик қилди.

**Афсона оғози.** Ўрус вилоятинда бир яхши шаҳр бор эрди. Ул шаҳрнинг подшоҳи иморат солурға машғул бўлди. Ул подшоҳнинг бир қизи бор эрдиким, соҳиби жамол бутун вилоятда анингдек қиз йўқ эрди. Ҳусниға ой, қуёш 78<sup>a</sup> ҳайрон бўлур эрди. Жаҳон ҳалқи ани кўрсалар гирёну нолон бўлур эрдилар. Ул қиз барча илму ҳунарни касб этмиш эрди ва ҳар бобинда даражайи камолга еткан эрди. Бу важҳдин асло эрга борурға майли ва жуфт қабул этарға рағбати йўқ эрди. Аммо ҳар тарафдин номдор шаҳриёрлар ва соҳибиқтидор тождорлар анинг жуфтлигига раҳт кўргузуб ва баъзилар зўрлиқ ва баъзилар зар бирла ҳаваскорлик қилур эрдилар. Отаси қизининг эрга борурға ризолики йўқлиги сабабдин саросима ва ҳайрон эрдиким, хосткорларға не жавоб берурмен ва не сўзни аларға маъқул қилғаймен, дер эрди. Охири қиз хосткорларнинг сўзларин эшитиб ва отасининг 78<sup>b</sup> норизолигин кўруб, анинг гавғосидин фароғат бўлмоқ учун ул вилоятда бир баланд тоғнинг устинда бир маҳкам қалъа солдурди ва отасидин рухсат олиб, ўзин ул қалъага еткурди ва ул ҳисорда фароғат топди. Бу жиҳатдин онинг оти Бону Ҳисорий қолди.

Ул нозанин барча илму ҳунарға доно, хусусан, фалакиёт илмида якто эрди. Камоли ва донолиқидин бир неча тилсимлар боғлади ва ҳар тилсимда тош ва темурдин ҳар турлук суврат тузаткан эрди. Ул сувратларнинг ҳар бири қўлида пўлот тиф маҳкам эрди. Ҳар киши ул йўлға қадам кўйса, ул тиглар зарбидин

<sup>1</sup> Қўлёзмада حصاری. Назарда тутилган маънода Ҳисорий حصاری шаклида ёзилиши керак эди.

баданлари пора бўлур, боши кесилур эрди. Ул **79<sup>a</sup>** қалъанинг дарбонларидин ўзга кишининг ул йўлдин юрмаки мумкин эрмас эрди. Алар ҳам юрсалар, қадамларин санаб юрар эрдилар. Агар юз қадам ғалат қўйсалар, аларнинг ҳам бошлари ул тилсим тиғларнинг зарбидин кесилур эрди. Ул ҳисорнинг йўлин ажал риштасидек фавж-фавж дарвозаси фалак ҳисори дарвозасидек пинҳон қилмиш эрдилар.

Ул нозанинким, наққошлиқда ва сувратгарликда беназир эрди, ул ҳисор буржида ойдек баландлиғ топиб, маснадорой бўлғандин сўнг ўзининг сувратин қоғазға камоли зеболик бирла бошдин-оёқ нақш **79<sup>b</sup>** этди ва ул сувратнинг устида мундоқ хат битдиким, “сувратни кўруб ҳар киши менинг ишқим камандига гирифтор бўлса, ишратға талабгор бўлса, тўрт шартни қабул қилмоқ ва бажо келтурмоқ керакдур. Аввалги шарт будурким, покдоман ва некном бўлгай. Иккиланчи шарт улким, ҳикмат бирла бу тилсимларни очгай. Учинчи шарт улким, тилсимларни очгандин сўнг бул ҳисорнинг дарвозасин топгай. Тўртинчи шарт булдурким, дарвозани топғандин сўнг бу ҳисордин қайтиб шахрга боргай, то мен ҳам бу ҳисорднн шахрга бориб, отамнинг олдида андин бир неча савол қилурмен. Агар барча сўзимга мувофиқ жавоб берса, мен анинг **80<sup>a</sup>** жуфтлигига рози бўлурмен ва барча комин кўнгли тилаганча раво қилурмен. Агар бу шартларни қабул қилмай, бу йўлга қадам қўйса, қони ўз бўйнигадур.”

Нозанин бу хатларни ул сувратнинг остига ёзғандин сўнг ул қоғазни бир маҳрамнинг қўлига бериб деди: “Бу варақни олиб бориб шахрнинг дарвозаси олдида бир баланд жойга банд этгил, то бул сувратни кўриб ҳар киши менингдек нозаниннинг васли ишратидан ҳавас қилса, ушбу шартлар бирла бу йўлга тушсун, мақсадига етушсун. Ул маҳрам вақти етиб, печ-печ йўлдин юруб, шахр жонибига кетдилар ва **80<sup>b</sup>** шахрга етиб, дарвозанинг юқорисига ул қоғазни банд этди.

Бул ҳикоятнинг хабари атрофга ёйилди. Ва яна бир шахр бор эрди. Жамеъ аҳли иқтидор ва соҳибэътибор эрдилар. Барча халойиқлар ани кўрмакка майл этдилар. Ул сувратни кўрган киши ошиқ бўлуб, ул нозаниннинг талабига майл этдилар. Ҳар ким бу йўлга қадам қўйса, тиғ зарбидин боши кесилиб охиратга қараб кетар эрди. Ҳар кунда ададсиз киши зоеъ бўлур эрди. Аммо қалъа тилсими ҳеч тадбир бирла очилмас эрди. Баъзи киши чора

ва афсун бирла бир неча тилсимни очар эрди. Ўзгасин очарға қудрати етмас, расволик бирла ўлар эрди. **81<sup>a</sup>** Ва ҳар кишиким, ул тарафга борур бўлса, албатта, анинг боши тиф зарби бирла кесилур эрди. Ҳар бошким кесилур эрди, ани шахрнинг дарвозасига келтуур эрдилар. Алқисса, шахрнинг деворида, кўча ва бозорида кесилган бошдин тўлмаган ер қолмади. Тумон минг киши бу ком талабида ўлди.

Ногоҳ шаҳр улуғзодаларидин бир йигит шикор иродаси била шаҳрдин чиқиб дарвозадаги сувратга кўзи тушди ва кўнглига ишқ ўти ҳароратидин бекарорлик етушди ва ўзига деди: “Агарчи бу суврат соҳибининг висоли талабида **81<sup>b</sup>** мунча бошлар кесилубдур ва лекин менга эмди андин қўрқуб, ишқ таркин қилмоқ мушкулдур. Бошим кесилгунча талаб қилмоқ керакдур.” Ва яна деди: “Бу сувратни парийлар афсун била нақш этиб, одам қасди учун қўюбдур. То афсунгарлик ҳунарин камолга еткургунча бу йўлга қадам қўймоқ ўз жонига ўзи қасд қилмоқдур. Ҳар киши бу ишни сахл тутса, албатта, ишига халал етар, балки бадандин боши кетар. Бас, ишни маҳкам тутуб чорасозлик қилмоқ керакдур.” Бу андиша бирла бир неча муддат иш чорасин истаб жустужў қилур эрди. Бир чорасоз киши ахтариб, кеча-кундуз **82<sup>a</sup>** сўроғ этар эрди, токим бир кун жаҳонгашталарнинг бири анга деди: “Фалон тоғнинг ғорида бир ҳаким бордурким, ҳунармандлик ва афсунгарликда андоқ киши йўқтуурур ва ҳар турлук мушкул иш бўлса, анинг олдида күшойиш топар. Магар сенинг ишинингга ул ҳаким чора қилур ва ҳар эшик берк бўлса, анинг раъи тирноғи бирла очилур.”

Ул йигит бу хабарни эшиткандин сўнг ул ҳакимни ахтариб топди ва бир неча муддат ихлос бирла хизмат қилиб, ул ҳакимнинг ҳунаридин баҳраманд бўлди.

Бир кун ул ҳакимнинг хизматларида ул нозанин сувратининг, ул **82<sup>b</sup>** ҳисорнинг ва ул тилсимнинг ва кесилган бошларнинг, ул нозанин ишқига ўзининг гирифтторлиқи воқеасин бир-бир таҳрир қилиб, ишга андин чора тилади. Ҳаким анинг иши күшойиши учун бир неча пинҳон асфунларни анга ўргатди. Ул йигит ҳакимдин таъзим бирла рухсат олиб қайтди. Бир неча кун тилсимкушолик асбобин тузатиб, соҳибҳунарлардин мадад тилаб фотихалар олди. Андин сўнг иш шуруви учун шаҳр подшоҳидин рухсат олиб, ҳисор жонибига юз қўйди. Тилсимларнинг устига етиб, афсун ўқуб, дам солиб йўлдаги

барча тилсимларни очди ва дарҳол ҳисорнинг олдига бориб бир кўс **83<sup>a</sup>** қоқди. Кўс овози баланд чиққач, бир раҳна пайдо бўлуб, ҳисор дарвозаси очилди. Ҳисорнинг нозанин бул хабар ва воқеани эшитиб, ул йигит олдига киши йиборуб, деди: “Эй соҳиби иқбол, вақтиким, тилсимлар бандин очдинг, муродинг ганжига эга бўлдинг. Эмди шаҳр тарафиға қайтғил, мен ҳам бул ҳисордин тушуб шаҳрға, отамнинг олдига борурмен. Отамнинг руҳсати бирла савол қилурмен. Агар сен дағи ул саволларга имо бирла мувофик жавоб берсанг, мен сенга бебаҳона ва жондин жуфт бўлурмен ва муродингни ҳосил қилурмен.”

Ул йигит бу сўзни эшиткандин **83<sup>b</sup>** сўнг камоли шодмонлиқ бирла ҳисордин чиқиб шаҳр тарафига равона бўлди. Шаҳрга келиб дарвозадин ул сувратни олиб, қоғаз бирла чулғаб бир чокарига топширди. Барча бошларни шаҳр дарвозасидин олдуруб, бир ерга дағи қилдурди. Андин сўнг ўзининг уйига боруб, шодмонлиқ бирла ўлтурди. Шаҳр халқи йигитнинг бошига гавҳар нисор қилиб, онт ичдиларким, агар подшо анга қизин бермаса, иттифоқ бирла подшоҳни ўлтуурмиз ва ани ўзимизга подшоҳ қилурмиз, Нединким, ул бизларнинг бошимизга кўп бало келтурди. Бу йигит эса бошимизни ўлумдин қутқариб, осудаликга еткурди.

Ул тарафда **84<sup>a</sup>** ҳисорнишин нозанин доғи жуфтликка шодмон бўлуб, кеч бўлғандин сўнг отига миниб, ул ҳисордин чиқиб шаҳрга келди. Отаси анинг келганин эшитиб хушвақт бўлди. Эрса қиз отасига ул йигитнинг аҳволин ва авсофин айтиб, деди: “Ман жуфтликни тўрт шартга машрут қилмиш эрдим. Ул йигит тилсимларни очиб уч шартни бажо келтурди. Эмди тўртланчи шартни нечук қилурин билмасмен.”

Подшоҳ сўрдиким: “Тўртланчи шарт недур?” Қиз деди: “Сенинг ҳузурингда уч мушкулни савол қилурмен. Агар уч мушкулни билса. бошига давлат тожин қўйсун. Агар ани била олмаса, ўз бошига **84<sup>b</sup>** кетиб овора бўлсун. Эмди керакдурким, эртанг келсун. Эрса сиз тахт устида ўлтууруб, ул йигитни меҳмон қилиб чақиринг, то мен ул вақтда парда ичинда ўлтууруб, андин мушкул саволларни сўраб, имтиҳон қилай. Агар мувофик жавоб берса, сенинг рифаътнинг бирла онинг никоҳига кирай”

Эрса подшоҳ қизин сўзин қабул этиб, тонгла мажлисни ороста қилиб, ўзи тахт устида ўлтууруб, зиёфат асбобларини муҳайё қилди. Ул йигитни чақириб бошига дуру гавҳар сочди.

Олдига турлук таомдин қўйди. Тўлған дастурхонларни очди ва мажлис аҳли таом емакдин фориғ **85<sup>a</sup>** бўлғандин сўнг, подшоҳ тахтдин тушуб ул йигитни ўзи ўрнига тахтга миндурди. Ўзи уй ичига кириб ўлтурди.

Қиз йигитнинг олдинда парда ичинда ўлтуруб қўлидаги дурни бир канизакка бериб, буюрдиким: “Дарҳол муни меҳмонга еткургил ва жавобин тез келтургил!”

Канизак дурларни ул йигитга еткурди. Йигит дурларни олиб, ўлчаб ўзининг жавҳаридин аларга баробар қилиб уч дурни қўшуб канизакка берди. Канизак ул беш дурни келтуруб қизға берди. Қиз ул беш дурни тош бирла ушатиб, ундеқ майда қилиб, **85<sup>b</sup>** анга бир овуч шакар қўшуб, аралаштуруб ул йигитга йиборди. Йигит бир коса сут талаб қилиб, анга қўшуб йиборди. Эрса сутни олиб ичди, қолғанин хамир қилди, хамир қилғандин сўнг ўлчади. Аввалғи оғиридин бир қил учидек кам бўлмади дарҳол бармоқидин юзукин чиқариб йигитга йиборди. Йигит ани олиб ўз бармоқига солиб, қизга бир дур бериб йиборди. Қиз ул дурри яктони олиб, ўзининг ҳуққасидағи дурларнинг орасин ахтариб ул дурри яктоға баробар дур топиб, иккавин бир риштага чекиб, йигитга йиборди. Йигит аларга назар қилиб, ўзининг муборак дурри яктоси қайси эрканин **86<sup>a</sup>** фарқ этмади. Ғуломларидин муҳрайи азрак олиб, ани ул икки гавҳари яктонинг устига қуюб, қизнинг олдиға йиборди. Қиз муҳрни дурларнинг устинда кўруб вақти хуш бўлди, муҳрни қўлига боғлаб, дурларни қулоқиға осди ва отасига деди: “Турғил, тўй саронжомин қилғилким, бахтим мададкорлик қилиб ўзимга баробарин топдимким, бу рўзғорда анинг кўнглин топмок душвордир. Анинг дониши менинг донишимдин юз ҳисса ортуқроқдур.” Эрса отаси қизиға деди: “Сенинг саволинг бирла анинг жавобиға мен асло тушунмадим. Пинхон зумрада ишоратларнинг аслин менга баён қил- **86<sup>b</sup>** ғил!” – деди. Қиз ул роз юзидин пардани кўтариб отасига деди: “Ул қулоқимдин икки дурниким, олиб анга йибордим, бу умр икки кундур, тез ўтар, уни ғанимат тут, деганга ишорат эрди. Улким ул икки дурга уч дур қўшуб йиборди, агар умр беш кун бўлса ҳам тез ўтади, дегани эрди. Дурларни ун этиб, майда қилиб шакар бирла аралаштириб йибордим, умр бирла шаҳват бу дур бирла шакардек аралашибдур, буларни ҳйла ва тадбир бирла ким жудо қилур, деганимдин иборат эрди. Ул ким, дур бирла шакарга сут қўшуб бир-биридин жудо қилиб йиборди,

агар шакар бирла дур бир-бирига аралашса, **87<sup>a</sup>** бир қатра сут бирла айрилур, дегандин ишорат эрди. Мен ким, дур бирла шакарга аралашган сутни ичдим, сенинг донишинг қошида бир сут эматурғон боладекмен, деганимдин ишорат эрди. Андин сўнг мен ким, анга юзукимни йибордим, сенинг никоҳга ризолик бердим, деганим эрди. Ул ким, менга гавҳари яктони йиборди, бу мендек гавҳари жуфт топмассан, дегани эрди. Менким, анинг йиборган гавҳари яктоси бирла накдимдан бир гавҳари якто олиб бир риштага тизиб йибордим, мен сенинг ҳаққингмен, деганим эрди. Ул ким, ул икки гавҳардек гавҳари қийр топмай, аларнинг устига бир муҳрайи **87<sup>b</sup>** азрак йиборди, ул икки гавҳарга ёмон кўз тегмак дафъин қилғани эрди. мен ул муҳрани қўлимға боғладим, анинг ризосидур. Дўстлик риштасин жон бўйнига маҳкам қилғаним эрди”.

Подшоҳ қизининг рағбатин, ул йигитни хоҳлаганин билгандин сўнг, эрса подшоҳона тўйлар қилиб, йигитга никоҳ қилиб берди. Йигит бирла қиз неча кунлар ҳамсуҳбат бўлуб, кўп айш-ишратлар қилиб муродлариға ва мақсадлариға етдилар.

Илоҳий, уммати Муҳаммадни икки дунёлиқин бергайсан!

Ул гулчехра нозанин бул ҳикоятни ширин сўзлар бирла тамом қилғач, шоҳ **88<sup>a</sup>** Баҳром кўнгли гулдек очилиб, вақти хуш бўлуб, ани қучоғиға олиб тахт устинда ётиб ором олдилар.

## Бешланчи кеча

### Чаҳоршанба куни шоҳ Баҳромнинг кўк гумбазға борғани

Баҳром чаҳоршанба куни тонг вақти қизил гумбаздин чиқиб, кўк ҳулладин тикилган либосларни эгнига кийиб, ферузагун гумбазга кириб, ферузафом жомни илкига олиб, ферузаранг жомалиғ бонуи маҳрӯ бирла айш-нишот бодасин нўш этди. Кеч бўлғандин сўнг ул бонунинг фасоҳатбаён тилидин афсонахонлик қилдурди. Бонуи нозанин одобу икром бирла шоҳ Баҳромга таъзим қилиб, бул афсонани бошлади.

**Афсона оғози.** **88<sup>6</sup>** Миср вилоятида Моҳон отлиғ бир хушрой киши бор эркан. Кўп хушрафт, гўё Юсуфи Мисрий анинг хусни моҳига харидор эрди. Ул ўзи бирла баробар йигитлардин бир жамоа бирла дўст ва ҳамсуҳбат эрди. Ул жамоа бир кун бирининг боғида ва ё уйида жамъ бўлуб, айш-ишрат қилур эрдилар. Бир кун аларнинг бири барча дўст-ёрларини боғифа чакириб, меҳмон қилди. То кечгача ул боғда турлук мевалар еб ва рангин шароблар ичиб, айш-нишотға машғул бўлдилар, эрса базмлари бағоят гарм бўлди. Иттифоқ бирла ул кеча ҳам боғдин кетмай базм этмак маслаҳатин қилиб, янгидан **89<sup>a</sup>** айшу тараб асбобин туздилар, дилжамълик бирлан шароб ичарга рағбат кўргуздилар. Маҳтоб тобидин қоронғу кеча кундуздек равshan эрди. Моҳоннинг боши шароб тобидин қизиб, маҳтоб тобин кўруб, еридин туруб боғнинг сайрига кетди. Бўстонларни сайр этиб бир жойга еткан вақтда кўрдиким, узокдин бир киши бу тарафга келадур. Яқин келгач танидиким, ўзининг мол шерикидур. Анга деди: “Бу вақтда бу ерга не сабаб бирла келдинг?” Ул деди: “Бу кеча узоқ йўлдин келдим ва ҳисобсиз мол-сутур<sup>1</sup> келтурдим. Қальянинг қопу – **89<sup>b</sup>** дарвозаси боғлиқ эркан. Бул молларни муҳр босиб, ташқарида қўйдим. Андин сўнг эшиттимким, сен бу боғда меҳмон эркансен. Сени кўрмакка келдим. Яна кетмак осондур. Агар сен менинг бирла шаҳрга молинг устига борсанг яхшироқ бўлур эрди. Яна мумкиндурким, кеча қоронғусида судимизнинг ярмин божбонлардин пинҳон қилғаймиз.”

Моҳон бу сўзни эшиткандин сўнг кўнгли мол муждасидин

<sup>1</sup> Кўлёзмада “пўстун” сўзи “сутур”га алмаштирилган.

хушвақт бўлуб, ёронлари бирла хабарлашмай шерики изига тушуб, боғнинг эшикин очиб чиқиб кетдилар. Иккилари шамолдек бўлуб, шерики олдинда, ул изинда бир неча йул юргандин сўнг **90<sup>a</sup>** ўзига деди: “Шаҳр бирла боғнинг ораси бир милдин узоқ эрмас эрди. Ҳоло тўрт фарсаҳдин зиёда масофани қатъ этдук ва мақсад ҳаддидин ўтдук. Яна ўзига-ўзи деди: “Мен мастмен. Ғалат хаёл этмиш бўлғаймен. Улким, раҳбар ҳушёрдир, мендин яхшироқ билур.”

Шу сўзлар билан Моҳон анинг изидин шитоб бирла юрди. Шерики тезроқ юруб, уни чақирур эрди. Эрса тонг отди. Моҳоннинг шерики кўздин ғойиб бўлди. Моҳон қайси тарафга юарин билмади<sup>1</sup>. **90<sup>b</sup>** Ложарам ўз ҳолига нолон ва гирён бўлуб, ул ерда уйқуга борди. То кун ўртагача етди. Охир қуёш ҳароратидин уйғониб, атрофига қаради. Кўрдиким, тоғларнинг ичинда, горларнинг оғзинда ётибдур. Агарчи оёқида йўл юргудек қувват йўқ эрди, лекин ул диёрда турмоқни лозим кўрмай, бир тарафга азимат қилди ва кеч бўлгунча йўл юриб ва ҳориб, оч қолиб бир горнинг оғзида бехуд бўлуб йиқилди. Андак ором олғандин сўнг қулоғига бир овоз келди. Кўзин очиб кўрди. Узокдин **91<sup>a</sup>** икки киши кўриндиким, бири эркак ва бири хотундур. Ҳар бири қучоқ ўтун орқасига кўтариб келурлар. Эркаги яқинроқ келиб унга дедиким: “Не кишидурсан ва отинг недур?” Ул дедиким: “Одамзодман, отим Моҳондур.” Ул киши деди: “Бул жойлар девларнинг жойидур. Бу ерга нечук келдинг?”

Эрса Моҳон деди: “Эй меҳрибон, менга бир тараҳхум кўргузгил ва мени саргузаштимни эшитгилким, мен бул жойга ўз ихтиёrim бирлан келганим йўқ. Ўткан кеча бир боғда меҳмон эрдим. Бир киши менинг қошимга келиб: “Мен сенинг савдогар шерикинг **91<sup>b</sup>** бўлурман, кўп суд бирла узоқ йўлдин келдим, юргил, молларингни кўргил”, – деб мени ул боғдин чиқариб бул ёққа келтурди ва тонг отқандин сўнг ўзи ғойиб бўлди. Билмадимким, не ерга кетди. Эмди, эй меҳрибон, худо учун мен гумроҳга бир йул кўргазгил!” Эрса ул киши: “Эй йигит, ул одамзод эрмас туур, Бобили Биёбоний отлиғ бир девдурким, сенингдек юз минг кишини алдаб, бул ерга келтурубдур ва ҳар бирин бирла ғор ичинда кўп ситамлар бирла ўлтурубдур. Ман, бу хотун бу оқшом сенинг ёнингда бўлурмиз, кўнглингни хуш

<sup>1</sup> Кўлёзмадаги “ва ҳам борған эрди” жумлалари ортиқча бўлгани учун С.Долимов нашрага киритмаган.

тутуб, **92<sup>a</sup>** бизларнинг изимизга тушуб юргил”, – деди, эрса Моҳон аларнинг изига тушуб, тонг отғунча йўл юрдилар. Эрса тонг отғандин сўнг кўрдиким, ул кишилар ҳам кўздин ғойиб бўлди. Андин сўнг Моҳон ул ерда ҳайрон ва саросима бўлуб, ҳориб ул ерда йиқилди. Офтоб чиққанидин сўнг ердин туруб, тоғистон ичинда ҳар тарафга югуруб, кўкарган гиёҳларнинг томурларин, баргларин еб, ул кун кечгача йўл юрди ва кеч бўлғандин сўнг ҳайрон ва саросима бўлуб, бир чуқурга кириб ётди. Бир замондин сўнг от **92<sup>b</sup>** оёқиннинг овозин эшитиб, ердин туруб, йўл тарафига назар қилди. Кўрдиким, бир киши бир отни миниб ва бир отни етаклаб келадур. Моҳонга яқин келиб жиловин чоқиб туруб, дедиким: “Не кишисен ва бу ерларда на ишлаб ётибсан? Бу жойлар санинг келатурған жойинг эрмастур. Энди ростлиқ бирла бизга хабар бергил. Йўқ эрса бошингни фалакка учурурман”, [деди] эрса Моҳон қўрқуб анга бошидин ўткан ишларни бир-бир баён қилиб берди. Ул отлик Моҳондин бу воқеаларни эшиткандин сўнг Моҳонга деди: “Ўзингга “лоҳавла” ўқуб, худога шукур қилким, ўлимнинг хавфидан эмди омон бўлдинг. Нединким, ул иккави нар ва мода икки девдурким, сенингдек кўп одамизодни йўлдин озғуруб, ҳар бирин бир ғорға элтиб ўлтуурлар. Ҳар вақтким, тонг отса ташлаб қочарлар. Модасининг оди Хайло ва нарининг оди Ғайлодур. Шукур қилким, **93<sup>a</sup>** ўлумнинг хавфидин эмди омон бўлдинг ва офатдин омон бўлдинг. Эмди ҳеч сўз демай бу етак отни мингил. Кўнглунга ҳеч нимарсани солмағил ва менинг изимдан қолмай юргил!”

Эрса Моҳон ожиз ва ҳайрон бўлуб, ул отга миниб ул кишининг изидин юрди. Ондоқ тез юрдиким, барқ аларга ҳамроҳ бўла олмади. Бир оз юргандин сўнг тоғистондан чиқиб бир улуғ майдонга кириб юрдилар. Майдоннинг ҳар тарафидин Моҳоннинг қулоғига юз минг турлук созларнинг овози келди. Андоқким, созанда ва гўяндалар, сурнайнинг садоси ва ўюнчилар алолоси, шароб ичиб маст бўлған кишиларнинг ғавғоси жаҳонни тўлдуруб, узоқдан неча турлук ва ёмон сувратлик девлар ул майдонга қараб юрдилар эрса булар бир тарафдин кўрдиларким, ҳисобсиз машъаллар ёниб турубтур. Бир оз юргандин сўнг ул жамоанинг **94<sup>a</sup>** қошига келиб кўрдиким, аларнинг ҳар бири бир турлук ҳайбатлиғ ва салобатлиғ сувратлари бирла мусаввар бўлған девдурким, баъзининг узун хартуми ва бир нечасини

баланд шохи бордур. Ҳар бири қўлига ўт олиб ўйнайдур, оғзидин ўт сочадур. Бир нечаси байтлар ўқуб, турлук нолалар қиладур ва бир нечаси даф қоқиб, бир нечаси раққослиқ қиладурлар. Ул вақтда Моҳон кўрдиким, остидаги отнинг аъзосидин бири чиқиб бири хайбатлик аждаҳо сувратинда бўлдиким, оёки ва етти боши ва икки қаноти бордур. **94<sup>b</sup>** Ул нағмаларга мувофик усул қилиб, қўл ва оёқларини ва бошларини тебратиб рақс ўйнашга машғул бўлди ва ҳайбатли ҳаракатлар зоҳир қилди. Моҳон аниг устида юраки ёрилиб, жон ҳавлидин аниг бўйниға маҳкам ёпишиб йиғлаб ўлтурди. Тонг отғандин сўнг ул девлар ва аларнинг ғавғолари йўқ бўлди. Моҳоннинг остидаги дев ҳам Моҳонинг бўйнидин ташлаб, кўздин ғойиб бўлди.

Моҳон ул ерда бехуш бўлиб ётди. То офтоб чиқиб, қуёшнинг ҳарорати баданига иссиғ еткандин сўнг ҳушига келиб, кўзин очиб ериндин туруб **95<sup>a</sup>** кўрдиким, бир улуғ биёбонда ётиб турурким, асло аниг учи ва қирғоғи йўқтур. Охир ул ерда турмоқни яхши кўрмай, шитоб бирла бир тарафга юриш қилди ва кеч бўлғандин сўнг бир сабзазорлиқға ва бир чашма ёнига етушдиким, бағоят кўп файзли жой эркан. Ул сувдин ичиб, барча аъзосини ювиб, ётиб уйқуга кетар бўлди. Жой ахтариб бир тарафга юрди, эрса кўп юргандин сўнг бир ерга етдиким, анда бир узун нақиб қазилибдур. Ул нақибнинг ичинда уй сувратида бир чуқур қудук қазилибдур. Анга тушмак учун бир тарафида минг поялиқ зина турубтур. Моҳон зинадин **95<sup>b</sup>** ул қудук остига тушуб кўрдиким, бағоят салқин жой эркан. Барча оғатдин омон бўлуб, ани уйқуга муносиб жой кўруб, анда ётиб ухлади. Ва бир оз вақтдин сўнг уйғонди ва кўзин очиб ул қудуқининг атрофига қараб кўрдиким, бир тангадек тешукдин бир озғина ёғду кўрунур. Ул тешукнинг оғзиға бориб кўрдиким, ул ёғду ойнинг ёғдусидир. Аммо ойнинг ўзи кўрунмайдур. Эрса тирноғи бирла тирмалаб ул тешукни бир бош суқкудек кенг қилиб, бош суқуб кўрдиким, ул тараф боғдур ва бўстондур. Ул тешукни яна зўр **96<sup>a</sup>** бирла ковлаб, одам ўтардек кенг қилиб ичкари кирди. Кўрдиким, биҳиштдек бир улуғ боғдур. Турлук мевалар пишиб ва гуллар очилиб, булбуллар чаҳ-чаҳ уруб турубтур. Моҳон бағоят хушвақт бўлуб, ҳар турлук мевалардин қоқиб еб ўлтурмуш эрдиким, ногоҳ узокдин кўп кишининг овози ҳар тарафдин ҳайбат бирла чиқдиким: “Боқға ўғри кирибдур, тутунглар!” Ул вақтда бир қари киши қўлига бир узун таёқ олиб ғазаб бирла унинг устига келди,

дедиким: “На кишисан ва бул боғ ичинда не ишлаб юрибсан? Не йилдин бери бул боғ ичиндадурман, ҳануз бу боқға ўғри киргани йүқ эрди. Сен не учун бу боқга кирдинг? Кимдурсен, аслингни менга баён қилғил?”

Моҳон зору тазарру бирла ёлбориб, деди: “Мен ўз вилоятимдин айрилған бир мусофирдурмен ва фалакдин кўп ситамлар кўрган ва бегона жойга келган бир ғарибдурмен. Менинг ҳолимга раҳм қилгайсиз ва менга жабру жафо кўргузмагайсиз!”

Эрса пир анинг сўзларни эшитиб, раҳми келиб, қаҳрин тарк этиб, таёқни илкидин ташлаб, омон берди ва деди: “Бошингга на иш тушкан бўлса барчасин менга баён қилғил!? Эрса Моҳон **97<sup>a</sup>** пирнинг мулойим бўлғанин кўруб, бошидан ўткан ишларни пирга баён қилиб, бу боқға кирганларини айтди. Анда ул пир деди: “Кўп балолардин осонлик бирлан кутулубсен. Эмди шукур қилғилким, омонлик мақомига келибсен. Ул биёбонларким, кўрубсен беҳад поёнсиз чўлдур ва мардумхўр девларнинг маконидур. Аларнинг иши ҳамиша одамизодни алдаб, йўлдин оздурмокдур ва биёбонларда ғорга элтиб ўлтурмакдур. Аксар нодон ва аглаҳларни юз ранж бирла ҳалокатга еткурмакдур. Сенким, бағоят паривашсадда эркансен ва росткирдор **97<sup>b</sup>** эркансен, бу хислатинг сенга дастгир бўлуб, ул навъ балолардин кутулубсен. Аммо содаликдин кўнглунгга бир неча хаёлни келтуруб, қўркубсен. Бу сабабдин девлар сенга дахл қилмабдур. Агар ул ёмон девлар кўрунган вактда кўнглунгга ҳеч ваҳм тушмай барқарор бўлсанг эрдинг, девлар сени озғура олмас эрди. Ҳар тариқа бўлса, Тенгри таъоло сенга ёр бўлуб, ул балолардин кутулуб омон қолибсен. Сени адамдин янги вужудга келтурубдур ва онадин ушбу оқшом туғулубсен. Бу жаннатосор боғ менинг мулкумдур. Яна неча дилкушо саройларим ва неча харвор зар ва гавҳарларим бордур. Ўзга асбоб ва амволки, ҳисобин ҳам билмасмен. **98<sup>a</sup>** Аммо молу мулкка эга бўлгудек фарзандим йўқтуур. Сени оқил, доно, жўшкор кўруб, фарзанд ўқуб, сенга кўнгул боғлабдурмен. Агар сен ҳам фарзандлик қабули бирла менинг кўнглумни шод этсанг, сенга бу боғни ва ўзга амволимни бағишлиб, хат берурмен ва ҳар кимнинг қизин хоҳласанг ани олиб берурмен. Ўзим хушҳоллиқ бирла олдингда хизмат қилурмен. Агар менинг бу сўзимни қабул этсанг, вафо қилмоққа ҳам аҳду паймон этгил!” Анда Моҳон ул пирга деди: “Мундок

сўзларни демагилким, агар сен мени фарзандликка қабул қиласанг, мен сени банданг бўлурмен, балки хизматингда жонимни фидо **98<sup>б</sup>** қилурмен!”

Эрса бу сўзни Моҳон айтди, пир онинг қўлин ўпуб, ўз қўлин анинг қўлига текурди. Пир онинг қўлин тутуб аҳду паймонни мустаҳкам қилиб, деди: “Ерингдин тургил!” Моҳон турди. Пир ани тутуб, сўл тарафдин ўнг тарафга юруб, бир улуғ боргоҳнинг олдига олиб бордиким, бошдин оёки заррин ва рангин бисотлар тушалибдур. Ул боргоҳнинг олдинида бир улуғ суфа тузалибдурким, ҳар хишти лаълу зумуррад ва рангин жавоҳирдандур. Ул суфанинг баромадинда бир улуғ баланд сандал дарахти кўкарибдурким, шохлари бағоят қалиндур. **99<sup>а</sup>** Шохалари орасида улуғ тахтлардек ўлтургидек жой тузатмишлар ва анинг устида бир заррин тахт қуруб, устига тўшаклар тушамишлар.

Эрса пир Моҳонга деди: “Бу дарахтнинг устига чиқиб, шул тахтнинг устида ўлтиргил. Дастурхонда неча турлук таом ва косалардан шарбат ва кўзаларда сув омода ва муҳайё бўлубтур. Агар иштаҳанг бўлса алардин егил ва ичгил, то мен ичкари кириб сенинг учун бир уй тушатиб, ороста қилиб қайтиб келурмен. Сен то мен қайтиб келгунча сабр этиб, дарахт устидин ошоқа тушмагил, **99<sup>б</sup>** ҳеч кишининг сўзига қулоқ солмагил! Мен келгандин сўнг бул боғни, бул кўшкни аҳду паймон бирла сенга топширумен. То сен анда хоҳлаган арус бирла туганмас айшишратга машғул бўлурсен. Кўнглунг муродинча ком сўргайсен. Шарт улдурким, ушбу кеча сабр қилиб, ҳеч кишининг сўзига алданиб ва макрига фаромуш бўлуб, ҳеч важҳ бирла дарахтдин тушмагайсен, то ниҳоятсиз айшишратга дучор бўлуб, тамоми умрингда бир қадарча ғам ва маломат кўрмагайсен.” Эрса нир Моҳонга мундоғ сўзлар бирла ул дарахтдин тушмасликка онт бериб, онинг учун бир уй ороста қилмоқ бўлуб, ул қасрнинг ичига кириб кетди.

**100<sup>а</sup>** Тасмадин тузалган бир узун зангу ул дарахт устидин осилиб ерга етиб турмуш эрди. Моҳон зангудин дарахт устига чиқиб, зангуни тортиб олиб, дарахтнинг бир шохига чўлғаб қўйди ва ўзи тахт устида қарор тутуб, дастурхонни очиб таом еди ва шарбат ичиб қорнини тўйдирди. Эрса вақти хуш бўлуб ул боғнинг атрофларига тамошо қилиб, улардин баҳра олиб ўлтурди. Ногоҳ узокдин кўрдиким, сулув париййзоддек қизлар, ҳар бири қўлида шамъ ёқиб келадурлар. Эрса орасинда бир

париваш нозанин бордурким, юзи гўё қуёшдек кўзларни хира **100<sup>б</sup>** қиладур. Бир ғамзада бир жаҳон одамизодни минг турлук расвониқ бирла ўлтурадур. Ул қизлар боғдин ул суфа олдига келиб, шамъларни равshan қилиб қатор турдилар. Ул парийвашким, аларнинг подшоси – сарвари эрди, келиб суфа устида базмгоҳда ўлтурди. Ўзга парийзодларни доги атрофида ўлтурғузди. Аларнинг баъзиси созанда, баъзиси гўянда, баъзиси раққослик ва баъзиси соқийлик қилиб, нағмагарлик базмин андок қиздурдиларким, ҳаводаги қушларни бехуш қилиб ерга тушуур эрди, эрса Моҳон аларни кўруб неча мартаба қасд этдиким, ўзин дарахт **101<sup>a</sup>** устидин ерга ташлагай. Яна у пирнинг сўзлари ёдига тушиб ўзин зўр бирла тўхтатиб, сабр қилди. Ул парийлар бир соз қилғандин сўнг ўртага рангин дастурхонларни ёйиб, неча турлук ширин неъматлар ва лазиз таомлар чектиларким, таърифиға рост келмас. Эрса таомга қўл узатмасдин аввал парийваш айди: “Сандал дарахтидин одамизоднинг иси келадур, магарким менинг жуфтим келиб дарахт устида ўлтуруб, менинг соз сухбатимни орзу қиладур. Эмди сен бориб анга айтгилким, ошоқга тушуб, бу мажлисга келиб, менинг бирла айш-ишрат қилсун. Агар келмасаким, мажлисда **101<sup>b</sup>** дастурхонлар ёйилиб неча алвон таомлар чекибтурлар, ул нозанинлар шоҳи то сенингдек меҳмони хос бўлмагунча таомга қўл урмағусидур. Сенинг ҳузурингга ниҳоятсиз мунтазирдур, тезроқ ошоқға тушкил, дегил!” Ул парийзод парийзодлар шоҳининг фармонини қабул қилиб, дарҳол сандал яғочнинг остига бориб, булбулдек хушгўйлик бирла Моҳонни гулдек дарахт устидан ерга тушурди ва қулидин тутиб ул хўблар шоҳининг қошига келтурди. Моҳон чун шавқ ғалабасидин пирнинг насиҳатларини ёдидан чиқарди, бехудлик бирла дарахтдин **102<sup>a</sup>** тушуб, ўзин ул мажлисга еткурди. Ул парийвашлар сарвари Моҳонни кўргач, ериндин туруб, таъзим қилиб тахт устида ўзининг қошинда жой берди. Ўзига табакдош қилиб, юз турлук ишва ва ноз бирлан ўз қўли бирла онинг оғзига луқмалар солиб, шарбатлар ичуур өрди. Таомдин фориғ ўлғондин сўнг соқийлар олтун пиёлалар бирла шароб тутуб, ҳаммани мастилик мақомига еткурди. Ул ҳолда Моҳоннинг юзидин шарм пардаси кўтарилиб ва шавқи ғалаба қилиб, паривашни жон мисиллик қучоғига қисиб, лабаридан ўпди. Андин сўнг кўнгул муродин хосил қилмоқ учун лаълигун олмосни ёкут- **102<sup>b</sup>** ранг ҳуққанинг оғзига еткурди. Ул чоғда

кўрдиким, қучоғидаги париваш нозанин худонинг ғазабидин мавжуд бўлған аждаҳо суратлиғ бир девдурким, кўзлари муғ ўтидек ёнадур ва бурни танурдек шуъла, дуд чиқарадур. Юқори лаби осмонга етубдур, ошоқ лаби ер сиюур ва оғзи ғордек очилиб жаҳонга бадбўйлик еткурадур. Оғзиции икки тиш чиқиб, бири мағриб халқига ва бири машриқ улусиға ниш урадур. Оғзин йилон наҳангдек ҳайбат бирла очибдур. Моҳоннинг бошин ва кўзин ўпуб, дедиким: “Чанголимға ажаб тушдинг ва ўз рағбатинг бирла қучоғимга яхши етушдинг. Эмди юзимни ва лабимни **103<sup>a</sup>** бўса қилғил ва бурунги рағбатингни асло суст қилмағилким, ўзингни рағбат бирла менга еткурдинг. Энди мени ўпуб, қучоғлағил ва ўзга муродингни ҳам ҳосил қилғил. Мен сенга танимни бағишиладим. Кел, кел, бир лаҳза сустлик қилмағил. Бўл суҳбатимдин қолмай тонг отгунча кадхудолик ва шаҳватзорлик додин бергил! Йўқ эрса сенга андоқ ишлар қилурменким, тамом умрингда кўзунг кўрмаган ва қулоқинг эшитмаган бўлган.” Анда Моҳон ёмон бечора бўлуб, жон хавфидин қўркуб аниг юзин ва лабин ўпар эрди ва гоҳ қаттиқ ун бирла ўз ҳолига йиғлар эрди. Ва ул девнииг қучоқида қўрқунчидин беҳуш **103<sup>b</sup>** бўлуб, гоҳо ўзидин кетар эрди. Тонг отқунча ҳол бу эрди. Тонг отиб, тонг қуши нола қилғандин сўнг ул хаёлот ўртадин кўтарилиб ва барча оғат барбоду нопадид бўлуб, Моҳон ҳушидин кетиб йиқилди. Чош вақтида ҳушига келиб ва кўзин очиб кўрдиким, дўзах оташигоҳидек бир ҳавлнок дашт ичинда ётубдур. Боғ хаёл эткан ери сувсиз биёбон, бўстон деган жойи гаронсиз хористон, сарву шамшод гумон қилғани ҳама хас ва хор, мева эътиқод этканлари барча мўру мор ва еган таоми бадбуй ва мурдордур. Чанг ва рубоб дегани жониворларнинг сассиғ терилари **104<sup>a</sup>** ва ҳавуз хаёл эткани чуқурларнинг бадбўй бўлған сувларидур. Райхон деб эътиқод этканлари ҳаммаси сасифан нажосатдур, гул гумон қилғани барча меҳнат тифининг жароҳатидур.

Моҳон ўз ҳолига саросима бўлуб, астағбуруллоҳ ўқиб, ўзига дам солиб, дедиким: “Тавба, бу начук воқеадурким, ўткан кеча андоқ дулкушо бўстонда эрдим, бу кун мундок меҳнатга гирифтормурмен. Бу нечук фосид хаёлдирким, мен қилурмен ва ҳар кун бир турлук бало ва меҳнатга гирифтормен.”

Эрса бу сўзларни айтиб, охир ўз аклига иш буюруб, барча ботил андишани кўнглидин чиқариб, яхши ишларни ният қилиб, эткан ишларидин тавба ва **104<sup>b</sup>** истиғфор қилиб, пок ният бирла

Ҳақ таъоло даргоҳиға йиғлаб йўлга тушуб, бир тарафга азм қилди. Бир оқиб турған сувнинг ёнига етиб, ул сувга тушуб, тоза таҳорат қилиб, бошин саждага қўюб, ихлос бирла худога нолиш қилиб, дедиким: “Эй дармондаларнинг мушкулкүшоси ва эй гумроҳларнинг раҳнамоси, бул мушкулларимни ўзинг осон қилиб, менга йўл кўргазгил ва бузулғон аҳволимни ўзунг тузатгил. Қутулмас балоларга гирифтор рўсиёҳ ва гумроҳ бандангдурман!”

Бир неча лаҳза мундоғ зору тазарруъ қилиб сўнгра бошин саждадин кўтариб кўрдиким, боши устида яшил либос кийган бир нуроний киши ўлтурубдур. **105<sup>a</sup>** Моҳон хушвақт бўлуб, дедиким: “Не муборак қадам кишисанким, бул ҳолда менинг саре қаддимга етушдинг?” Эрса ул киши дедиким: “Мен ҳазрати Хизр алайҳиссалом туурмен. Сенинг яхши ниятни илгари тутғанингни билиб, сенинг қошингга келдим. То сени омон-эсон уйингга еткуурмен. Эмди қўлингни менга бергил ва кўзунгни бир дам юмуб яна очғил!”

Эрса Моҳон ҳазрати Хизр алайҳиссаломнинг сўзин эшитиб, хушвақт бўлуб, қўлин анинг қўлига берди. Эрса кўзин бир замондин сўнг очди ва ўзин ул боғда кўрдиким, ёронлари бирла Миср шаҳридин чиқиб, анда **105<sup>b</sup>** бориб айшу тараб базмин тузмиш эрди. Дарҳол боғнинг эшикин очиб чиқиб шаҳрга келиб кўрдиким, ёронлари анинг мотамида бошдин-оёқ кўк либос кийиб, маломат бирлан ўлтурмишлар. Эрса алар бирла кўрушуб, тамом бошидин ўткан саргузаштларини бир-бир баён қилиб берди. Ёронлари онинг ҳикоятин эшитиб ҳайрон бўлдилар. Эрса Моҳон оларга мувофақат кўргузуб, феруза либос кийиб, бир неча кун айш-ишрат қилиб, мурод ва мақсадларига етди.

Афсонахон нозанин бу ҳикоятни тамом қилгандин сўнг шоҳ Баҳром ани шавқ ва завқ бирла жон мисиллик **106<sup>a</sup>** қучоғига олиб, шаҳватронликга машғул бўлди.

## Олтиланчи кеча

### **Панжшанба куни шоҳ Баҳромнинг сандалранг гумбазға келгани ва хоқони Чиннинг қизига қиссаҳонлик қилдурғани**

Панжшанба куни қуёш Баҳроми субҳ толибига жабинсой фалак гумбазидин чехранамой бўлғандин сўнг, шоҳ Баҳром ферузагун гумбаздин чиқиб барча либосин ва жому саҳbosин сандал ранг қилиб, подшоҳона дабдаба бирла сандали гумбазга кириб, Бонуйи Чин бирлан нашот додин берди. Ва кеч бўлғандин сўнг Чин нозанинидин рангин ҳикоят эшитмак тилади. **106<sup>6</sup>** Бонуйи Чин аввал Баҳромға таъзим қилиб, сўнгра гавҳарафшон тилидин мундоқ қиссаҳонлик қилдиким, нозаниннинг қисса қилғани:

Кунлардан бир кун икки ёш йигит бир-бирининг иттифоқи бирлан сафар қилиб, ҳар бири ўзининг хуржиниға керак нимарсаларин ва озуқасин солиб, ўз шаҳридин чиқиб ўзга шаҳр тарафиға равона бўлдилар. Бирининг оти Хайр ва бирининг оти Шарр эрди ва ҳар бирнинг феъли ўзининг отига мувоғиқ эрди.

Уларнинг иккави бир неча кун йўл юрдилар. Хайр хуржинга солған озуқин ер эрди ва Шарр емай сақлар эрди. Аммо бир чўли биёбонга етдиларким, иссиғлиқда **107<sup>a</sup>** тамуғ ўтидин ёмонроқ эрди. Хайрнинг йўл сувсизлиқидин хабари йўқ эрди, кўтарган суйин бесарфа ичар эрди. Аммо Шарр биёбонда сув йўқлиқидин хабардор эрди. Бир меш суйин ичмай хуржинида пинҳон қўяр эрди. Яна неча кун биёбонда йўл юргандин сўнг, Хайрнинг суйи тамом бўлди. Бир оз йўл юргандин сўнг ташналиқ ғолиб бўлди. Хайр дедиким: “Эй ҳамроҳ, менга бир коса сув бергил!” Шарр деди: “Бермасмен, бақавли берурманким, менга икки кўзунгни берсанг.” Хайр деди: “Мен икки кўзимдин айрилғандин сўнг ҳаётимдин не баҳра топгаймен, андок **107<sup>b</sup>** тириклиқдин ўлғаним яхшироқдур. Адоқ қилмағил, муруват қилиб менга бир коса сув бергил, икки лаъли обдоримни ва ўзга бор заримни ва бор нимарсаларимни олғил ва мундоғ карам бирла мени хушҳол қилғил, мен шодлиқ бирла барча амволимни сенга хат қилиб берурмен. Бу воқеаларни ҳеч ерда ва ҳеч кишига то ўлгунча айтмаслиққа онт ичармен.” Шарр деди: “Мундоқ афсоналарни қўйғилким, менга сенинг икки кўзунг керакдур. Андин ўзга ҳеч

нимарса керакмас. Икки кўзунгни менга бермагунча сенга бир қатра сув бермасмен.” Хайр бу сўзни эшитиб, ўз жонига ҳайрон ва **108<sup>a</sup>** гирён бўлди. Кўрдиким, ташналик шиддати бирла баданидин қувват кетибдур, жони оғзига етубдур. Охир ноилож бўлуб Шаррга деди: “Ина, кўзим керак бўлса, турғил, пичоқни чиқариб кўзимга ургил ва ани ўюб олиб, манга бир коса ичгудек сув бергил ва ўлумга таскин еткургил!” Хайрнинг умиди бу эрдиким, Шарр онинг мундоқ ризолиқини кўруб, раҳми келиб, кўзин ўюб олмай сув бергай. Шарр шарорат юзидин дарҳол пичоқин чиқариб Хайрнинг кўзига урди, эрса ани нобийно қилиб, бошидин оёқгача қизил қондин осудалиқ еткурди ва анинг кўзин кўр килиб, бир қатра сув бермай, икки гавҳарин ва ўзга асбобларни олиб, жомаларин ҳам олиб, биёбонға ёлғуз ташлаб, йўлға тушуб, бадар кетди.

Эрса Хайр танҳо қолиб, бошдин оёқига қон бўялиб ва туфроқға булғаниб ва кўз дардига, ташналик шиддатига чидолмай оҳ-фиғон чекиб йиғлаб ётди.

Ул замонда чорва бойлариндан бир бой бор эрдиким, қўй ва тевада ўзга чорва бойидин кўп асбоблари бор эди. Ул ўзининг хеш ва ақрабасидин етти-саккиз уйлук бирла чаҳорпойлар учун биёбонларда ўтлук ва сувлиқ ерлар топиб, ҳар ерда бир ҳафта **109<sup>a</sup>** ва икки ҳафта бўлуб, ондин кўчуб, яна бир ўтлиқ ва сувлиқ жой ахтариб топиб, ашёсин анда олиб борур эрди. Иттифоқан Хайрнинг кўзи кўр бўлған куни ул бой отланиб, ўшул тариқа бирла яхши жой ахтариб юрмиш эрди. Хайрнинг ётған ери ёнида улуғ ҳавз андозасида бир улуғ чуқур бор эрдиким, ёмғур суйи атроф жавонибдин оқиб келиб, анда жамъ бўлур эрди ва ёнида улуғ дарахтлар кўкориб эрди. Атрофи кўп ергача сабзазор ва ўтлок, яйлоқ эрди. Ул бой ул жойни кўруб молларини ва ўрда-**109<sup>b</sup>** син ул ўтлоқнинг ёнига келди эрса ўрдасин анда кўрди.

Ул бойнинг бир соҳибжамол қизи бор эрдиким, оқил ва доно эрди, андок хушрўй қиз атрофу жавонибда йўқ эрди. Ул қиз сув талаби бирла ул чуқурнинг ёниға бориб, кўзасин тўлдуруб уйға қайтди эрса йўлнинг бир тарафида узоқдин бир кишининг йиғлаған овозин эшитди. Ул овоз тарафига бориб кўрдиким, бир йигит қонга ва туфроқға булғаниб ётибдур. Кўзи кўр бўлуб, узун ун бирла йиғлаб, худога нолиш қиласадур. Ул қиз анга дедиким: “Не кишидур сен, ўзингни бу биёбонга начук еткурдинг ва қайси кишидин мундоқ ситам кўрдинг?” Анда Хайр дедиким: “Сен

фариштамусанким, бул ҳолда муборак **110<sup>a</sup>** қадамингни менинг бу шум бошимға еткурдинг? Бул сўз бирла ўлған баданимга жон бердинг. Мендин бу вақтда сўрмағилким, менинг сўзим кўпдур. Мен ташналиқдин жоним чиқарға етибдур. Агар суйинг бўлса менга бир коса бергил, йўқ эрса ўз йўлингга кетгил!”

Эрса ул нозанин анинг бул ҳолиға тараҳхум қилиб, дарҳол бошин кўтариб, қўли бирла анга дарҳол сув ичуруб, ўлумдин халос қилди. Хайр сувни ичкандин сўнг оёқ устиға турғудек бўлди эрса ул нозанин бир эски бирла онинг кўзин боғлаб, жойидин турғузуб ва қўлидин тутуб ўз **110<sup>b</sup>** жойиға оҳиста оҳиста еткурди. Эрса ул ерга борғандин сўнг анинг қўлин чокариға тутқазиб, дедиким: “Бу кишини оҳиста юрутуб озор бермай бизнинг жойимизга еткургил!” ва ўзи таъжил бирла ичкарироқ бориб, отасиға ул воқеани баён қилди. Отаси дедиким: “Ани не учун уйга келтурмадинг, эрса онинг дардига илож қилиб жониға роҳат еткургайсен.” Қиз деди: “Келтурдим, ҳоло қошингға келадур.” Ул вақтда чокар Хайрни келтурди эрса ани уйда ўлтурғузуб, дарҳол шўрва ва кабоб пишуруб бердилар. Хайр таом **111<sup>a</sup>** еб, фориғ бўлғандин сўнг, кўзи дардиға чидай олмай бошин ерга кўюб ётди. Кеч бўлғанидин сўнг ул бой сахродин келиб, уйига кириб, Хайрни бу ҳолда кўруб, ондин сўрдиким: “Бу на кишидур, недин мундоғ нотавон ва хаста бўлубтур? Муни на иш бирлан мундок бўлғанларин сўрдингизларму?” Эрса алар дердилар: “Бизлар ҳоло келибдурмиз, на азоб кўрганларин бизлар билмадук.”

Эрса булар сўрдилар, ул айдики, бир киши кўзига пичоқ бирла уруб кўр қилибдур, бу воқеанинг асли не эрканин билмасмиз, деди эрса бой кўруб, дедиким: **111<sup>b</sup>** “Мунинг давоси сандал дарахтининг шохасидин бир-икки баргни олиб бонунга солиб, тугуб, сиқиб суйин тўкуб ташлаб, ўзин кўзига ёпса дарҳол сиҳат топар, нур ҳосил бўлур, муни ўшал даво бирла илож қилмоқ керакдур.” Эрса қиз ул сўзни эшитиб, отасидин ул дарахт маконин ва нишонин сўради. Отаси деди: “Ул чуқурким, бизлар андин сув олурмиз ва манзилимизнинг чап тарафидадур, анинг канорида бир сандал ёғочи битибдурким, мўридин юқорироқقا ул икки шоха бўлуб турар, ҳар бири бир тарафга қараб ўсуб, камолға етубдур, фалон тарафга кетган шохасининг **112<sup>a</sup>** ёпроғи кўр бўлған кўзга нур берур, фалон жонибға мойил бўлған шохасининг ёпроғи бош оғриғиға даво бўлур.”

Эрса қиз отасидин ул дарахтнинг маконин ва нишонин эшитиб, дарҳол анга илож этмакка рағбат кўргузуб, ул дарахтдин ёпроқ келтурмак учун отасидин рухсат олди. Эрса бориб бир этак ёпроқ олиб келтурди ва ҳованга солиб, тугуб, сиқиб, суйин Хайрнинг кўзига суртди, дурдин марҳам қилиб, кўзига ёпиб бир эски бирла боғлади. Хайр бошин болишга қўюб ётди. Беш кундин сўнг эскини ешиб марҳамни олдилар эрса кўрдиким, кўзи сиҳат бўлубтур. Эрса кўзин очиб **112<sup>6</sup>** ҳар тарафга шодлиқ бирла қараб, Ҳақ таъолоға шукрлар қилди. Ул кўз дардидин, уй эгалари кўнгул ранжидин қутулдилар. Бойнинг қизи Хайрға кўп хизматларни қилиб, анинг пок сийрат йигит эрканин билиб, муҳаббат пайдо қилиб, меҳрибон бўлмиш эрди. Кўзи очилиб, меҳнатдин қутулиб бўлғандин сўнг, аларнинг муҳаббатлари зиёдароқ бўлди. Хайр дағи ўзининг ҳақида анинг меҳрибон эрканин билиб, анга меҳрибон бўлуб кўп муҳаббатлар пайдо қилди, имоомиз сўзларин эшитиб анга кўнглин боғламиш эрди.

Хайр кўзининг жароҳати дардидин қутулғандин **113<sup>a</sup>** сўнг бойнинг хизматига ихлос бирла камар боғлаб ҳар сахар қўй ва теваларин ўтлиғ ва сувлиқ ерларга олиб бориб боқиб, офатлардин омон сақлаб, жонфидолик қилур эрди эрса бой анинг ихлос ва эътиқодин кўруб жони осойиш топиб, ани бағоят азиз тутди ва уй, жамеъ асбоб ва аҳволининг ихтиёри сарриштасин анинг қўлиға берди. Хайр бойнинг уйига соҳибихтиёр бўлуб, барча иш ўз жойинда қарор топғандин сўнг бой ва аҳли хона анинг кўзин **113<sup>b</sup>** ким ўйғанин ва не воқеа бўлғанин бир-бир сўрдилар. Хайр воқеанинг аввалидин то охиригача сўзлаб, Шарр бирла йўлдош бўлғанин, Шарр сув бермай, ваъда қилиб, жафо тифи ажзи бирла анинг кўзин ўйғанин, сўнгра сув бермай шундек қилиб кетканин бир-бир баён қилди. Эрса барча аҳли хонадон бул Хайрнинг сўзларин эшиtkандин сўнг, сўзлари ишга мувофиқ эрканин билиб, ҳаммалари яна кўпроқ дилбанд бўлдилар ва меҳрибон бўлуб ани бағоят азиз тутдилар. Хусусан, ул нозаниннинг муҳаббати анча кун-кундин зиёда бўлуб, юзига парда солиб **114<sup>a</sup>** жону дил бирла олдида хизмат қилур эрди. Хайр ул қизнинг мундек ихлос ва меҳрибонликларин кўруб, ишқ ўти шуъла уруб, сабру тоқати жигарларин куйдирди. Анинг жуфтлигини орзу қилиб, кўп фикр-андишалар қилди эрса бу мақсадига ҳеч чора топмай ўз-ўзига дедиким: “Бой ниҳоятсиз соҳиби молдур ва қизи ғоятсиз соҳибжамолдур. Ани хосткорлик қилмоқға ва

жуфтлигини тиламоқقا улуғ хазина ва кўп мол керакдур. Менким, муфлислик бирла анинг нонин еб авқот 114<sup>6</sup> ўткарурмен, менга бу мақсуд мумкин эрмастур. Энди яхиси улдурким, мундоқ хатарлиқ жойдин ҳазар қилиб, боридин рухсат олиб, бир тарафга сафар қилғоймен.”

Бу андиша бирла бир кеча сахродин уйига келди. Ул уйдин айрилмоқға ва нозаниндин жудо бўлмоқға асло тоқати йўқ эрди. Бир лаҳза ўлтуруб, сабр қилиб, сукун этакига илик уруб, бойнинг олдида хафалиқ бирла зор-зор йиглаб, деди: “Эй ғариб ва бечоралар ҳолиға чорасоз, мен ўлар ҳолға етканда сенинг лутфунг бирла ўлумдин қутулдим. Кўзим нури кетканда сенинг караминг бирла равshan кўзлук бўлдим 115<sup>a</sup> ва сенинг турлук неъматинг бирла бу вақтгача ком сурдим. Ҳеч кишидин кўрмаган мурувват ва шафқатни сендин кўрдим. Агар минг йил сенинг шукрингга тил очсан, бу неъматинг адо қила олмасмен ва агар қиёматгача сенинг олдингда хизмат қилсан, бир мурувватинг мукофоти уҳдасидан кела олмасмен. Магар Ҳақ субҳона таъолонинг ўзи сенинг бу яхшиликларингга лойик ажри азим бергай ва ҳар турлук мақсадинг бўлса, анга сени осонлиқ бирлан еткургай. Кўп вақтдин бери сенинг уйингда меҳмон бўлуб, кўп нонингни еб, оз хизматингни қилибмен. Эмди менга рухсат бергилким, мен неча 115<sup>b</sup> йилдин бери ўз вилоятимдин айрилибмен, эмди уйимга бормоқни ҳавас қилибмен. Агар мен ҳар ерда бўлсан ҳам сенинг банданг ва дуогўйинг ва шукргузорингдурмен. Умидим шулдурким, сен дағи ҳиммат бирла икки жаҳонда вайрон кўнглумни шод ва обод эткайсен. Гоҳ-гоҳ мени шафқат бирла ёд қилгайсен.”

Хайр сўзни бу ерга еткургач, ул уй ичиндаги барча ҳозир халқ бетоқат бўлуб, ҳар тарафдин фарёд-фиғон тортиб, ул нозанин қиз ҳам кўпроқ беором ва бекарор бўлуб йиғлай-йиғлай малул ва тангдил бўлуб, бир лаҳза бошларин ошоққа солиб ғаму андуҳ 116<sup>a</sup> бирла ўлтурдилар. Бой кўп андишадин сўнг бошин кўтариб мажлис ҳозирларин ташқари чиқариб уйини ҳоли қилди эрса Хайрга қараб ёлбориб, деди: “Эй поксийрат, уйинга бормоқдин мақсадинг недур? Агар мол даркор бўлса менинг молимнинг сони йўқтур. Агар ғаразинг аҳли аёл бўлса, бул оламда ҳеч бир қиз менинг қизимча йўқтуур. Барча мол асбобимга соҳибихтиёрдурсен. Қизим жону дил бирла ҳамиша олдингда хизматкордур. Менинг андин бошқа фарзандим йўқдур.

Агар мени ўзунгдан рози қилмоқ тиласанг, **116<sup>б</sup>** вилоятингга кетмакни тарк этгил ва менга меҳрибон бўлуб кўзу кўнглингни бергил. Агар мундоқ қилсанг, мен сени жондин азизроқ тутуб, ўзимга куёв қилурмен ва қизимни улуғ тўй бирла сенинг никоҳингга киргизурмен ва барча мол-асбобимни сизларга топширурмен. Ўзим сизларнинг давлатингиз соясида ўлгунча роҳат ва фароғат бирла ўлтуурмен ва кеча-кундуз дуойи хайрингизга машғул бўлиб туурмен.

Эрса Хайр бу сўзларни эшиткандин сўнг, бойнинг оллинда ер ўпуб илтимосин қабул қилди ва бул ҳолдин ҳама хушҳол бўлуб, ул кечани шодлиқ бирла ўткардилар. Эрса тонг отқандин сўнг бой улуғ тўй қилиб, қизин **117<sup>а</sup>** Хайрнинг никоҳига киргузди. Хайр ул нозанин бирла ҳамхона бўлуб, ташна қолған киши оби ҳаётға, балки ўлук бадан жонга еткандек, ширин лабидин ком олиб, муродин ҳосил қилди ва иккави ширу шакардек бир-бирига мувофиқ бўлуб, айшу ишратға машғул бўлдилар.

Эрса ул бой жамеъи амвол ва асбобин қизга топшуруб, ўзи ором олиб, ибодат қилмоқ учун бир гўшада ўлтурди, то бир кун ул макондин кўчуб яна бир яйлоқға бормоқни ирова қилди. Хайр ул сандал дараҳтининг остига бориб, **117<sup>б</sup>** икки шохасидин ёпроқ олиб, икки сожни тўлдирдиким, бири бош оғригининг давоси, яна бири кўр бўлғаннинг давоси эрди. Ул сожни ҳеч кишига кўргузмай бир тева юкининг орасинда пинҳон жой қилди. То кўчуб ўтлуғ на сувлик манзил қилиб, кўч-бакўч юруб бир шаҳрга бордиларким, ул шаҳр подшосининг қизи бош оғриғи аламига мубтало эрди. Кўп табиблар анга муолажа қилур эрдилар, асло фойда қилмас эрди. Ҳамма ҳакимлар анинг дардига илож **118<sup>а</sup>** қилолмай ҳайрон бўлур эрдилар. Эрса подшоҳ шарт қилмиш эрдиким, агар ҳар киши мунинг иложин қилиб, қизим дардига шифо еткурса, ани куёв қилиб, қизимни анга берурман ва ҳар кишиким, қизимнинг жамолин кўруб дардига чора қила билмаса, ани ўлтуурмен, дебдур. Эрса бу сўзни эшитиб атрофдаги вилоятлардин кўп табиблар қизни олмоқ ҳаваси бирла келиб, кўп муолажа қилиб, қизнинг дардига ҳеч даво тополмас эрдилар, бошларин берур эрдилар.

Эрса Хайр бу сўзларни эшитиб, подшоҳнинг олдига **118<sup>б</sup>** киши йибориб, арз қилдиким: “Мен бу мушкул ишни, Ҳақ таъолонинг fazли бўлса, иншооллоҳ, осон ҳал қилурмен ва

муҳлиқ маразга сиҳчат берурман. Подшоҳнинг шартин бажо келтуурман. Аммо менинг шартим улдурким, Худойи таъоло учун қилурмен, қизни олмок умиди учун қилмасмен. То Худойи таъоло ўз карами бирла менга бу ишда раҳнамо эрди, шикаст бериб шарманда қилмағай.”

Эрса Хайрнинг бу сўзи подшоҳга етишуб дарҳол ани талаб қилдилар. Хайрға фармон етушкач, подшонинг хизматига келди. Эрса подшоҳ деди: “Оting недур?” **119<sup>a</sup>** Ул деди: “Отим Хайдур”. Эрса подшоҳ анинг отин эшиткач, “Яхши ихлос бирла қарағил, ишингга машғул бўлғил, иншооллоҳ, ишинг оқибати хайдур”, – деди. Андин сўнг подшоҳ Хайрни бир маҳрами бирла қизнинг хилват саройига йиборди.

Хайр бориб ул қизни кўрдиким, жамоли офтобдек оламға барқ уродур. Аммо бош оғриғи шиддатидин кеча ва кундуз алам ва озор тортиб, кўзиға бир дам уйқу келмай бағоят ожиз бўлубдур, балки ўлар ҳолатга келибдур. Хайр сандал дарахти япроғинким, ёнида сақлаб эрди, ҳавонға солиб, тугуб майда қилиб, сувга **119<sup>b</sup>** эзиб, шарбат қилиб ул нозанинға ичурди. Ул қизнинг касаликим, савдо ғалабасидин эрди, дарҳол савдоси заҳил бўлуб, бош оғриғи кетиб, ётуб уйқуға борди. Хайр анинг уйқуға барғанин билиб, сиҳчат бўлғанин кўруб, хушҳоллик бирла маҳрам саройидин чиқиб ўзининг манзилига борди. Эрса ул қиз уч кеча-кундуз уйқуда ётди. Учинчи кун уйқудин туриб кўрдиким, дарди сиҳчат бўлубтуур. Шодлик бирла бошин кўтариб, таом еб қувват топди.

Эрса подшоҳ ани эшитиб, югуруб ҳарам саройига келиб кирса, қизи таҳт устинда хушҳол ва тавоно кўруб, қизидин сўрдиким: **120<sup>a</sup>** “Касалинг нечукдур?” Эрса қизи жойидин туруб, таъзим бажо келтириб, шукр қилиб дедиким: “Бошимнинг оғриғи йўқ бўлди ва аввалгиди ҳам яхшироқдурмен ва тавонодурмен.”

Эрса подшоҳ, хушвакт бўлуб ҳарамдин ташқари чиқти. Андин сўнг қизи отасига бир маҳрами бирла айтиб йибордиким: “Подшоҳ бўлған кишининг аҳди бир бўлғусидир, асло аҳду паймон хилоф қилмағусидур. Шарт қилиб эрдингизким, ҳар киши менинг қизимнинг дардига дармон қилса, қизимни анга берурмен, дедингиз. Бул орзу бирла кўп кишилар менинг **120<sup>b</sup>** дардимга чора қила олмай, бошин бердилар. Ва ул кишиким, менинг дардимга илож қилди ва мушкул ишимнинг тугуни анинг тадбири бирла ечилди ва анинг хунари қадрин ва донолики

мартабасин билмак керакдур. Бу жаҳонда менга андин ўзга жуфт йўқтуур. Эмди яхши иш ўлдурким, бизлар аҳдимизга вафо қилғаймиз ва ул кишининг куёвлигини ўзимизга ғанимат билғаймиз. Ул бу ишдин ибо қилса ҳам ани ўз ҳолиға қўймағайсиз.”

Эрса подшоҳ ўз ваъдасига вафо қилмоқ учун Хайрни олдига чақириб **121<sup>a</sup>** заррин хилъат ва мурассаъ камари афсар бериб, деди: “Бизнинг фармонимиздин бош чекмагил ва куёвликни қабул қилғил!” Эрса Хайр подшоҳнинг илтимосин қабул қилди. Подшоҳ анга мусаффо қаср айвон тайин этиб улуғ тўй бирла қизин никоҳ қилиб берди. Хайр мусаффо қаср ичинда тахт устида подшоҳнинг қизи бирла айш-ишратга машғул бўлуб, қизнинг гавҳари хазинасин қуфлин лаълигун калид бирлан очиб, муродин ҳосил қилди. Ва қирқ кунгача ичиндин чиқмай ётдилар эрса қиз бир замон ичиндин чиқмай **121<sup>b</sup>** йиғлар эрди. Алқисса, бир неча кунлар подшоҳнинг давлатидин ҳар нечаким, коми эрди сурди.

Иттифоқан, ул айёмда подшоҳнинг бир мустаҳкам ва мукаррам вазири бор эрди. Ани сарвқомат гулжабин қизи бор эрди. Чечак чиқиб, кўзи кўр бўлмиш эрди. Вазир подшоҳдин рухсат олиб, подшоҳнинг ўз қизининг касали бобида қилған шарти бирла Хайрға қизининг кўзига илож қилдурди. Хайр вазир қизининг дардига ҳам сиҳҳатлик еткурди ва ани ҳам никоҳига киргузиб, ёқутгун мисқаб бирла носуфта гавҳарин тешди.

Хайр **122<sup>a</sup>** ул уч зебо арус бирла кеча-кундуз айш-ишратға машғул бўлди. Гоҳо вазирнинг қизи бирла, гоҳо подшоҳнинг қизи бирла, гоҳо бойнинг қизи бирла айш-ишрат қилур эрди. Эрса ҳаммалари анга фармонбардор бўлдилар. То охир ул шаҳрнинг салтанати анга барқарор тутиб, подшоҳнинг тахтида ўлтурди ва адлу инсоф бирла мамлакатни обод қилиб, фуқароларнинг кўнгилларига роҳат ва шодлик-омонлик еткурди.

Кунлардин бир кун қасридин чиқиб боғ сайрига борур эрди. Ногоҳ анга ибтидоий ҳолатда ҳамроҳ бўлуб сафар қилған ва кўзин кўр қилиб, бир қатра сув бермай сув бермай, **122<sup>b</sup>** икки гавҳарин ва ўзга ашёларин олиб, биёбонга ёлғуз ташлаб кеткан, зулм эткан кишини узокдин кўрдиким, бир жуҳуд бирла сўзлашиб турубтур. Чокарининг бирига деди: “Ул кишини тутуб, менинг изимдин боғқа олиб борғил!” Ўзи бой бирла ҳамроҳ бўлуб, боғқа бориб бир хушҳаво жойда ўлтурди. Чокар ул вақтда Шарни тутуб Хайрнинг олдига олиб борди. Хайр Шаррдин

сўрдиким: “Отинг недур?” Шарр деди: “Отим Мубашширдур, Сафарийдур.” Хайр деди: “Рост айтгил, йўқ эрса бошингни баданингдин жудо қилурмен.” Шарр деди: “Менинг мундин ўзга отим йўқтур. Хоҳ тиф бирла ўлтургил ва хоҳ ўзга уқубат еткургил, ихтиёр ўзингдадур.” **123<sup>a</sup>** Анда Хайр деди: “Эй ҳаромзода, сенинг қонингни тўкмак барча халқға ҳалолдурким, сен халойиқни шадидроқисен ва отинг Шаррдур. Ул Шарр эрмасмусенким, сафарда йўлдошиға не жафолар қилиб, икки кўзин ўйуб ва икки лаълин олиб, бир қатра сув бермай чўлда ёлғуз ташлаб, кўксига ўт солиб кетдинг. Ул йўлдошинг мендурменким, сен мени ўлсун, деб ташлаб кетдинг Ҳақ таъоло мени ўлтурмай ўз карами бирла кўзимга шифо ва равшанлик берди ва подшоҳлик мартабасига еткурди. Вой сенинг ҳолингғаким, манинг қўлимга тушдинг ва қилған **123<sup>b</sup>** жафоларинг жазосига етушдинг. Эмди агар минг жонинг бўлса ҳам омон қутулмассен.”

Шарр Хайрга яхши назар қилиб таниди ва зор-гириён йиғлаб, ўзин Хайнинг оёқи остига ташлаб, деди: “Менга омон бергил. Мен агарчи сенга ёмонлик қилдим, сен яхшилик қилғил. Нединким, фалак менинг отимни Шарр ва сенинг отингни Хайр қўюбдур. Мен ўз отимга лойик иш қилдим. Сен дағи ўз отингга мувофиқ иш қилғил.” Эрса Хайр Шаррдин бу сўзларни эшиткандин сўнг камоли мардликдин **124<sup>a</sup>** Шаррни озод қилди. Шарр ўлимдин қутулуб, Хайнинг олдидан туруб, шод бўлуб борур эрди. Бой орқасидин бориб, бир тиф зарби бирла бошин ерга тушуруб деди: “Хайр агар сени ўлтурмаса мен ўлтуурмен. Нединким, сен Шаррдурсен. Шарнинг олдига шаррдин ўзга нимарса келмагусидур.” Бой либосларини очиб ахтариб, камаридин ул икки гавҳарни топиб олиб, Хайнинг олдиға келтуруб қўйди ва деди: “Гавҳар яна гавҳар эгасига етушди.” Хайр гавҳарни қўлига олиб, бўса қилиб яна бойнинг қўлиға берди. Андин сўнг Хайр бир неча йил подшоҳликда ўлтурди ва адл бирла халқнинг кўнгулларига роҳат ва осойиш еткуруб, неча йил айш-ишрат қилиб ётди ва мурод-мақсадлариға етдилар.

Ва Чин нозанини бул ҳикоятларни тамом қилғач Баҳромшоҳ ани шавқ бирла жон янглиғ оғушиға чекиб, тахт устида коми роҳатни солиб, айш-ишрат қилиб ётдилар.

Илоҳий, ҳаммаларни бул Хайдек икки дунё муродин бергайсен.

## **Еттиланчи кеча**

### **Баҳромнинг жумъа куни оқ гумбазга кириб, оқ хулла кийган нозанинға афсона буюргани**

Жумъа куниким, Куёш хусрави субхи содик оқ ҳулласининг фалак қасри ишратгоҳиға азм бўлди, Баҳром сандалгун гумбаздин чиқиб, ҳарирдин либос кийиб, оқ гумбазға кирди ва оқ, жомалиғ нозанин бирла сиймин **125<sup>a</sup>** қадаҳ ичинда кофургун бода ичиб, нашот додин берди ва кеч бўлғандин сўнг ул нозаниндин афсона эшиитмак тилади. Ул нозанин шоҳ Баҳромға таъзим этиб, **125<sup>a</sup>** сўнг ширин тилидин шаккарафшон бўлуб, мундоғ афсонахонлик қилди.

**Афсона оғози.** Онамдин ёш вақтимда эшитиб эрдимким, ошно ва қариндошларимдин бир жамоа хушрўй ва хушхўй нозанинилар бирла мени уйига меҳмон қилиб, улуғ зиёфат тартиб бериб, турлук-турлук таомлар, гуногун шарбатлар, ранго-ранг мевалар, табақ-табақ наботлар ва қандолатлар муҳайё қилмиш эрди. Таом ва шарбатдин иштаҳомиз борича еб- **125<sup>b</sup>** ичиб, бир-бирилизга дахл қилишиб, ўйнаб-кулушкиб, ҳар ким навбат бирла бошдин ўткан ишин айтишиб ўлтурмиш эрди. То навбат бир сийминбадан ва ширинсухан нозанинға етди. Ул нозанин ширин лабин рангин такаллумга очиб, ошиқона оҳлар бирла ҳар тарафга унлар сочиб деди:

“Бир зебо суврат ва мусаффо сийрат йигит бор эрдиким, хусну малоҳат бозорида Юсуфи Мисрий анга гирифтор ва харидор эрди. Порсолик ва донишмандликда ягонаи рўзгор эрди. Анинг бир мусаффо боғи бор эрдиким, боғи Эрамдек ҳамиша тоза ва хуррам эрди. Анда неча турлук сарву шамшодлар камолга этишмиш эрди ва **126<sup>a</sup>** гуногун мевалар пишиб ва ранго-ранг гуллар очилиб ва хушоҳанг булбуллар нола қилур эрди. Боғ ўртасида биҳиштосо қасрлар оллинда кавсармонанд ҳавз ичинда оби ҳайвондек жон берур, зилолдек сув тўлуб, ичкан кишига тоза ҳаёт берур эрди. Ул йигит ҳар ҳафтада бир мартаба шаҳрдин чиқиб ул бошқа бориб атроф жавонибин айланиб, бўстон, гулистонларни сайр қилиб, хуррам ва хушҳол бўлуб қайтур эрди.

Бир кун пешин вақтида ул дастур бирла бокқа бориб кўрдиким, боғнинг эшики ичкаридин илиниб, маҳкам бўлубдур

ва боғнинг ичинда турлук созлар садоси ва хушилҳон мутриблар **126<sup>б</sup>** овози ва соқийлар алолоси камоли дилкашлик бирла келадур. Ул йигит ҳамул ошиқона овозни эшиткандин сўнг, воқеа не эрканин билмай, изига қайтиб кета олмай эшикни бир неча мартаба қоқти, ҳеч киши эшитмади. Охири боғнинг атрофин айланиб киргудек йўл топмай, деворнинг бир ериндин раҳна қилиб ичкари кирди. Боғнинг қасри саҳнида бир неча нозанинлар жамъ бўлуб, ишрат базмин тузуб, номаҳрамнинг кўзи тушмасун, деб эҳтиёт юзидин икки канизакни атрофга қоровуллиқға буюрмиш эрдилар. Ул икки каниз қўллариға таёқ олиб боғнинг ичинда айланиб, хабардор **127<sup>a</sup>** бўлуб юрмиш эрдилар. Ул йигит раҳнадин боқقا киргач, канизлар кўруб, ўғри гумон этиб, югуруб келдилар ва ғазаб бирла кўп таёқ уруб, аъзосин мажруҳ қилдилар. Эрса икки қўлин орқасига боғлаб дедиларким: “Сен начук бадбаҳт, бадкирдор ўғридурсенким, бул боғнинг деворин тешиб ичкари кирибсен? Бу ерда боғнинг эгаси йўқ туур ва анинг учун бизлар сени кўп урмай ва озор бермай боғладук. Агар боғнинг эгаси бўлса эрди, сенинг пўстингни тириклайн сўяр эрди.” Анда ул йигит деди: **127<sup>b</sup>** “Боғнинг эгаси мандурман. Бу боғ менинг боғимдур. Эшикин қоқиб кўп қичқурдим, ҳеч киши эшик очмади. Охир деворни тешиб ичкари кирдим.” Эрса канизлар бул киши боғнинг эгаси эрканин билдилар эрса хижолат бирла кўп узрлар айтиб, олдида ер ўпуб оёқиға йиқилдилар ва қўлларини банддин бўшатиб, йиғлаб бўсалар қилдилар ва таёқ зарби озорин кўнглидин чиқардилар. Андин сўнг икки қучоқ чангал топиб боғнинг девори тешукига ёпиб раҳнани маҳкам қилдилар. Андин сўнг ул йигитнинг олдида ўлтуруб, ўз қиссаларин бошладиларким: “Букун бу боғда гулчехра нозанинларнинг зиёфати бор туур **128<sup>a</sup>** ва бу шаҳрнинг ичинда ҳар на қизу хотунким, соҳибжамол бўлсалар, барча букун бу боғда жамъ бўлмишлар. Сенинг табъинг бизларнинг табъимизга мувофиқ ва юзунг кўзимизга ошно кўрунур. Эмди бизлар сенга густохлиғ қилғанимизнинг узри учун олдингда ихлос бирла хизмат қилиб, айш-ишратдин кўнглунг тилаганча комингға еткуурмиз, турғин бизлар бирлан ҳамроҳ юргил ва нозанинлар сухбатининг бир тарафиға бориб, ўзингни кўргузмай йирокдин тамошо қилиб ўлтургил. Агар кўнглунг ул нозанинларнинг бирин тиласа, бизлар ани сенинг қошингга келтур-**128<sup>b</sup>** урмиз. Сен анинг бирла кўнглунг тилаганча ишрат

суруб муродинингни ҳосил қилғил.”

Ул йигит агарчи бағоят порсо эрди, аммо анинг кўнгли шаҳватга ошно эрди. Ул икки канизакнинг шаҳватангиз сўзларидин анинг оромида бўлган шаҳвати ҳаракатга кириб, умидворлиғ бирла аларга ҳамроҳ бўлди. Ул нозанинлар ўлтурған қасрнинг бир тарафида бир болохона бор эрдиким, равзанасидин нозанинларнинг базмгоҳи кўрунур эрди. Ул йигит ўзин пинҳоний ул болохонага еткуруб, ичкари кириб, эшикни маҳкам қилди. Ул нозанинларнинг соз сухбату айш-ишратларин туйнукдин қараб, тамошо қилиб ўлтурди. Мехрибон канизлар анинг қошидии кетиб, ўзларин **129<sup>a</sup>** нозанинлар базмига еткурдилар.

Ул қасрнииг олдида бир гўшада ҳавз бор эрди. Ул нозанинлар бир оз вакт соз базмин тамошо эткандин сўнг, иттифоқ бирла базмгоҳдин туруб, юз нозу ғамза бирла қадам уруб, ўзларин ҳавз канориға еткурдилар ва юзларидин ниқобларини ва баданларидин либосларини ташлаб, кумушдек оқ пайкарларин урён ва замину замон кўзин ишларига ҳайрон қилиб, сиймгун балиқлардек юз турлук ўйин ва шўхликлар бирлан сувга тушуб, бир-бирларин тутуб сувга босар эрдилар. Бирор бирорин чумуруб ўзгаси қочар эрди. Барчаси иттифоқ бирла ул тутулғанни сувга чумурагар эрдилар, ул қувуб яна бирорин тутар эрди, ани доғи чумуруб қочар эрди. Гоҳо сувдин мусаффо балиқдек ўйнаб ташқари чиқар эрдилар ва гоҳо обдори гавҳардек қочиб сувга кирап эрдилар.

Бул ҳолда ул йигит болохонада ўлтуруб, мундоғ ишларни кўруб, уларнинг ишларидин ҳайрон қолур эрди эрса шаҳвати ғалаба қилиб, қирда қолған балиқдек бетоқат бўлур эрди ва ўзин беихтиёр сувга уруб нозанинлар орасиға кирмак тилар эрди. Яна густоҳлик қилмоқни ўзига лойик кўрмай, ўзин куч **130<sup>a</sup>** бирла тўхтатар эрди.

Ул нозанинлар бир замондин сўнг сувдин чиқиб, баданлариға оқ ҳуллаларин кийиб, яна қасрнинг сахнида ўлтуруб сухбатларни созлиқ ва навозанда, бозандалиқ ва гўяндалиқ бирла қиздуруб ўлтурдилар. Аларнинг орасинда бири андоқ хўшрўй ва хушгўй эрдиким, ҳаводаги қушларни соз овози бир ерга тушуур эрди ва ғамза-ю ноз бирлан хушманларини девоналиқ мақомига еткуур эрди.

Ул йигит узокдин тамошо қилиб, ул нозаниннинг жамолига ошиқ бўлди. Бир соатдин сўнг ул икки каниз йигитнинг қошиға

келиб сўрдиларким: “Бу париваш нозанинларнинг **130<sup>б</sup>** қайси бирига кўнглунг мойил бўлди?” Эрса ул йигит деди: “Ул нозанинким, қўли чанг олиб соз қилур, ғамза-ю ноз бирла кўнглумни олди.” Эрса бул сўзларни эшиткач, ул икки каниз қайтиб нозанинларнинг мажлисига бориб, ул чангнавоз нозанинни юз макру афсун бирла ўзга нозанинларга билдурмай мажлисдин чиқариб, ул йигитнинг қошиға олиб бордилар. Ул каниз паривашга ишқибозлиқ қилиб, ул йигитни кўп таъриф қилиб, бир неча сўзларни айтиб эрдилар. Ул париваш андин сўнг ани кўрмай ғойибона анга ошиқ бўлди эрса **131<sup>a</sup>** ани кўруб эшиткандин ҳам зиёдароқ топди ва ул йигитнинг олдида таъзим шартларин бажой келтурди. Йигит они кўруб бесабру беором бўлуб паривашга дедиким: “Оting недур?” Ул деди: “Отим Бахтдур.” Йигит деди: “Маконинг недур?” Ул деди: “Тахтдур.” Йигит деди: “Аслинг недур?” Ул деди: “Аслим нурдур”. Йигит деди: “Шеванг недур?” Ул деди: “Ноздур”. Йигит деди: “Бўса бергил!” Ул деди: “Ина, олғил!” Йигит деди: “Кўлға кирамусен?” Ул деди: “Ина, кирдим.” Йигит деди: “Муродимни ҳосил қилурмусен?” Ул деди: “Ина, қилдим.”

Бул жавоб-саволдин сўнг **131<sup>b</sup>** йигитнинг шавқи ва завқи ғалаба қилиб, аъзойи андоми ларзага кирди ва нафс ўти шуъласидин шаҳвати жўшга кириб, анга қаттиқ бетоқатлиғ даст берди. Охир юзидин шарм пардасин кўтариб, париваш нозанинни қучоқлаб лабидин бўса қилди. Эрса онинг бирла ором топмай муродин ҳосил қимоқ учун ханжари обдорини ғилофи нигорнинг оғзиға еткурди. Эрса айди: “Урайинму?” Ул нозанин деди: “Урганинг йўқми?” Шул чоғда иттифоқо ул болохонанинг девори кўхна эрди, аларнинг қаттиқ ҳаракатларидин ларzon бўлуб, деворининг **132<sup>a</sup>** бир тарафи йиқилди. Алар ўз муродларин ҳосил қилолмай андин хавотир тортиб, киши кўрмасун деб, болохонадин чиқиб ҳар бири ҳар тарафга қочиб кетдилар. Йигит ул боғнинг бир гўшасига бориб ғаму ҳасрат бирла ўлтурди. Париваш нозанин ҳам юз кулфат ва андуҳ бирла ўзин ўз ёрларига еткурди. Бориб қўлиға созин олиб ўтлуғ нолалар пайдо қилди ва ҳар ноласида юз кўнгилни шайдо қилди эрса шаҳвангиз ва дардомиз байтлар ўқуб, бир неча имо ва ишоралар бирла ўзини ёр васлидин маҳрум бўлғанларин ва оғат етиб, муродига ета олмағанин **132<sup>b</sup>** изҳор қилди.

Ул икки канизким, икки ёр орасида миёнчи эрдилар,

фалакдин бир ҳодиса воқеъ бўлуб икки ёр бир-бирининг васлидин ком ололмай айрилишғанини билиб, ахтариб ул йигитни топдилар эрса, канизаклар аларнинг ҳолиға таассуф қилиб, дедиларким: “Бу кеча боғда бўлурмиз ва сенинг ишингга тадбир қилурмиз ва нозанинларнинг ҳеч бирин ўз уйига йибормасмиз. То бу охшом бизлар комингга еткургаймиз. Бас, бул оқшом боғда вақтга мунтазир бўлиб фалон дарахтнинг **133<sup>a</sup>** остида ўлтурғил, то бу кеча ёринг бирла [ҳам]оғуш бўлғайсен. Нединким кечанинг қоронғуси ошиқлар ҳолининг пардасидур.”

Бу сўзларни айтиб анинг қошидин туруб кетдилар ва кеч бўлуб қоронғу тушкандин сўнг ул икки каниз ваъдасиға вафо қилиб, ул паривашни йигитнинг қошиға йибординлар. Йигит ани кўруб, ташна киши оби ҳаёт кўргандек ва ўлук бадан жон топғандек еридин сачраб туруб паривашни қучоқлаб, оқ сийнасиға сийнасин қўюб, икки лаби шаҳдидин шакар сўрмоқға машғул бўлди. Анинг бирла ҳам сабр қила олмай **133<sup>b</sup>** мурод ҳосил қилмоқ учун мулло якназарни дўғрилаб эрди, ул чоғда бир пишак дарахтнинг бир баланд шохасида бир сичонни сайд қилмоқ учун ўлтурмиш эрдиким, ул пишак сакраб шиддат бирла ерга тушди. Ул садодин икки ёри нигор кўнгулларига бирор келди, деб ҳар бири бир ёнга қочиб кетдилар. Ул йигит боғнинг бир гўшасида қолди. Париваш ул мажлис аҳлининг орасиға келиб, яна қўлиға созин олиб ўзининг йўлиға нолалар қилиб, ул икки канизни ўз ҳолидин огоҳ қилди. Алар яна ул йигитни ахтариб топиб, на бўлди, деб аҳволин **134<sup>a</sup>** сўрдилар. Анда йигит ул бўлған воқеаларни бир-бир баёни қилди эрса йигитдин бу сўзларни эшитиб, айтдилар: “Булар зиёда танг бўлған эрканлар.” Андин сўнг канизлар ул паривашнинг олдига бориб, мажлис аҳлиға бўлған ишларни бир-бир баён қилдилар эрса булар айдилар: “Бул йигит хафа бўлған эркан, боргил, сурнайни, албатта, бўшатиб келгайсен. Ўлум берган, ҳарна нимарсадин қўрқармусен?”, – деб яна ул йигитнинг қошиға йибординлар эрса нозанин неча ишва бирла йигитнинг ёнига борди. Йигит қўлин тутиб ҳавозаға **134<sup>b</sup>** чирмашған узум токининг остига олиб борди ва фароғат ётғудек жой тузатди. Эрса паривашни қучоғига олди. Эрса иштонларин чиқардилар, бир-бириға яқин бориб жуфтлаган вақтда, беш-олти сув каду бир ипга терилиб бир токдин осилиб турмиш эрди. Иттифоқо, бир сичқон кадуларни кўриб, токнинг устига чиқиб тиши бирла ул ипни қирқди. Кадулар ерга тушуб

ҳар бирининг овози бир кўснинг ва ё бир таблнинг садосидек баланд бўлуб чиқти. Эрса буларнинг садоси узоқ ерларга етушди. Ул садони эшитгач, ул йигит бирла паривашнинг юраки ёрилиб, сачраб турдилар. Гумон қилдиларким, муҳтасиблар ва ё миршаблар аларнинг қасдига келибдур. Дарҳол йигит бош яланг ва оёқ яланг **135<sup>a</sup>** қочиб, боғнинг бир тарафига кетди. Париваш дағи қочиб ўз ҳамсуҳбатларининг базмгоҳига борди. Кўлига яна созни олиб, ўтлиғ нолалар қилди. Ўз ҳолиға мувофиқ ошиқона, дардмандона ғазалларни ўқуб, эшитканларни бекарор қилиб, зорзор йиғлади. Ул икки канизлар ғазаллар мазмунидин икки номуроднинг муродларига етмай бир-бирларидин жудо бўлғанларини фаҳм қилиб, хижолатдин бошларин кўтара олмай, ул йигитни ахтариб топдиларким, оёқларин узатиб туфрокқа булғаниб ётибдур. Анга дилдорлик ва ғамғусорлик кўргузуб мулойимлиқ бирла ҳолин сўрдилар. Ул йигит бўлған **135<sup>b</sup>** ишларни зор гирён йиғлаб, аларнинг қулоғига еткурди.

Эрса булар бу сўзларни ул йигитдин эшишиб яна аларнинг ҳолига чорасозлик қилмоқ учун кўп ваъда бирлан кўнгул бериб, дедиларким: “Эй йигит, мардана бўлғил, меҳрингни зиёда қилғил. У иш вақтида эмди борича оғатлардин пинҳон жойга киргилким, бизлар сенга посбонлик қилиб, узокдин хабардор бўлуб турамиз.” Бу сўзлардин сўнг қайтиб паривашнинг қошиға келиб, ани яна йигитнинг ёнига йибордилар. Эрса йигит чобуклик бирла аниңг қўлидин тутуб, бир койим паноҳ жой ахтариб, боғнинг гўшасига етдиларким, ток ва ёсуман **136<sup>a</sup>** бирбирига чирмасиб, дарахтларга ёпишиб қалин кўкариб эрди, кўп ерни тутуб эрди, ул бошинг девори бирла баробар бўлмиш эрди ва орасига шамол йўл топмас эрди.

Эрса йигит ул ерни ётмоққа муносиб кўруб, қалин токнинг орасинда зўр бирла икки киши ётқудек жой очиб паривашни анда киргуди. Шармни орадин кўтариб, пойжомасин бандин узди. Мурод ҳосил қилмоқ учун оқ сийнасининг устига миниб, ҳануз милни сурмадонға суқмомиш эрдиким, фалакнинг иши ўзга турлук ҳодиса ошкор этди. Андоқким, бир суруқ тулку боғнинг бир **136<sup>b</sup>** гўшасида жамъ бўлуб турмиш эрдиларким, бир бўри узокдин кўруб аларнинг устига ҳамла қилиб югарди. Ул тулкулар жон ҳавлидин шитоб бирла қочиб, бул икки номуроднинг ётған жойига қараб юз урдилар. Аларнинг губурдуси жаҳонни тутди ва ғубори фалакдин ўтди. Эрса йигит ул тарафга қараб кўрдиким,

бир улуг лашкар суръат бирла аларнинг устига келадур. Дархол ериндин сачраб туруб, ҳайрон ва гирён бўлуб, жон ҳавлиндин қочиб боғдин нечук чиқарин билмади. Юз дарду доғ бирла афтону хезон, урён ва гуризон ҳар тарафга **137<sup>a</sup>** югуур эрдилар эрса париваш қочиб ул нозанинлар мажлисига юз урди. Ул икки канизакким, аларга пособон эрдилар, булар ҳам на иш бўлди, деб ҳайрон бўлуб турмуш эрдилар. Паривашнинг олдига чиқиб этакидин тутуб, қаттиғ овоз бирлан хитоб қилиб, анга дедиларким: “Нечук бадхўйлик ва сахтрўйликдурким, сен қилурсен ва бу не турлук макр ва ғадрдурким, сан қилурсен. Бу йигитга кўп жафолар еткурдинг ва бизларни хижолат остида ўлтурдинг. Бу кеча анга нечанчи маротаба фириб бердинг? Сен начук бераҳм, ҳийлагар ва афсунгор эрдинг? Бир покиза ва обрўлиғ ва содалиғ йигитни мунча хижил ва шармсор қилдинг?”

**137<sup>b</sup>** Эрса ул париваш онт ичиб узрлар айтди: “Ўзимнинг танг бўлғонимни кимга айтайин?”, – деб зору гирён йиғлади.

Алар париваш сўзиға қулоқ солмай яна дашном азоб бердилар. Шул вактда ул йигит узокдин кўрдиким, икки каниз ул паривашни ўртаға олиб, дашном бериб, азоб берадурлар. Эрса ул йигит яқин келиб аларга дедиким: “Анга озор еткуруманглар. Бизларнинг ҳеч биримизда гуноҳ йўқтур. Бул воқеада бир иш қилмоқ керакдур. Барча ишни Тангри тақдиридин билмоқ керакдурким, ҳамоно бизларнинг аслимиз ва зотимиз покдур. Ҳақ таълононинг инояти бизларни мундоқ хатолардин пок тутди.

**138<sup>a</sup>** Кўзимизни ибрат ва порсолик нури бирла ёрутди. Ҳар кишиким, ҳаром ишга кўнгул қўюб, мундоқ покдомон паривашга беникоҳ бадназарлик қилиб, ўзига бу ёнглиғ зулмни рано кўрса, албатта, ҳаромзодадур. Эмди мен ёмонлиғ қилған афъолимдин тавба қилдим ва ғафлат шаробидин айилдим. Агар ажалим таъхир топиб, умрим муддати узун бўлса ва ул париваш қабул этса, ани никоҳ қилиб ҳалоллик бирла ўзимга жуфт қилурмен ва аниг иззатларин ўзимга лозим билурмен”.

Алқисса, ул кеча саҳар вақтида барча нозанинлар сухбат асбобларни йиғнаб, боғдин чиқиб уйга кетдилар. **138<sup>b</sup>** Тонг отиб, қуёш нури жаҳонни ёрутғандин сўнг йигит дағи боғдин чиқиб, шахрға бориб ўзининг мақомида ором тутди. Ўтган оқшомдаги воқеа ёдига тушуб, ишқ ўти бирла хотирига жўшу хуруш тушти. Вафодорлик бирла ул парийрухсорин талаб қилиб, кобин боғлаб, ани никоҳиға киргузди ва фароғат бистарида ётиб, носуфта

гавҳарин олмоси сахти бирла тешди. Бир неча кун айш-ишратлар қилиб мурод ва мақсудига етушди”.

Ул афсонахон нозанин бу лотнишон афсонани мундок хушбаёнлик бирла ҳикоя қилғандин сўнг, шоҳ Баҳром ани қучогиға **139<sup>a</sup>** чекиб, жони ичинда жой бериб, ором топди. Бу тариқада ҳар кун бир гумбазда ўлтуруб, ишрат жоми бирла базмни қиздуруб, неча замонлар давлат суруб айш-ишрат додин берди.

### **Шоҳ Баҳромнинг вазир зулмидин огоҳлик топиб, сиёsatға еткургани**

Шоҳ Баҳром бир куни баҳор вақтида подшоҳона мажлис тузуб, айш-ишрат қилиб ўлтурмиш эрди. Ногоҳ жосусларининг бири келиб хабар бердиким, хоқони Чин аҳду паймонин синдуруб, ниҳоятсиз лашкар жамъ этиб, Эрон мамлакатининг қасдида Чин вилоятидин чиқиб суръат қадами бирла саҳро-ю биёбонларни қатъ этди. Касрат бирла ер юзини тутуб, балойи ногиҳондек Жайҳун канориға **139<sup>b</sup>** етди. Агар тезроқ аларнинг дафъи чорасин қилмасангиз, Чин халқининг жафосидин хонумонимиз вайрон ва қонимиз ёмғур селидек ҳар тарафга равон бўлғусидур. Шоҳ Баҳром ул қиссадин огоҳлик топғандин сўнг, дафъ чорасин қилмоқ учун жоми майдин илик чекиб, ул бобда андиша қилиб, ўз кўнглига дедиким, бу ишнинг чораси кўпроқ ва қаттиқ лашкар бирла бўлғусидур. Нединким, душманга зафар топмоқ асбоби ганж ва лашкардур. Бу андиша бирла лашкарни талаб қилди – эшикида бир киши топа билмади, хазиналарни ахтарди – кўзига бир танга илинмади. Яроғни борлади – қўлиға бир кўхна газлик илинмади. Ложарам, тиҳсиз қоплондек кенг жаҳон бошиға зиндан бўлди.

**140<sup>a</sup>** Ул замонда Баҳромнинг бир вазири бор эрди. Бағоят пастҳиммат, бадкирдор, золим ва ситамкор эрди. Шоҳ Баҳром айш-ишрат бирла ётди, мамлакат бирла иши бўлмади. Бу ишлар бўлғандин сўнг, зулм ва фитна бедоди кўп бўлди ва вазир мулку мол жамъ этмакка машғул бўлди. Баҳромнинг нойибига зар ва хильъатлар бериб, фитна турғузмоқ учун фириб бериб, дедиким: “Халойик бу замонда бағоят давлатманд ва молдордур, паст, густоҳ ва беадаб бўлмишлар. Агар аларга танbih ҳаётини гўшмол еткурмасанг, бир фитна турғузуб мамлакатни хароб қилурлар.

Андоқким, Жамшидға хорлиқ еткурдилар ва вазирни қаҳр бирла ўлтурдилар. Эмди бизларга аларнинг **140<sup>б</sup>** гўшмолу тадбириң қилмоқ керакдурким, подшоҳ кеча-ю кундуз душманларга ҳушёрдур. Шаҳаншоҳ субҳу шом уйқуда, ўғрилар бедордур. Агар подшоҳнинг сиёсати бўлмаса мамлакат вайрон бўлғусидир ва агар подшоҳ сиёсат ҳозир қилса, душман манкуб ва гуризон бўлур. Агар фуқаро ва раъоёга мулойимат кўргузуб, ўз бошига йиборсанг, албатта, бошингға бир бало келтуур. Эмди сиёсатға жаҳду кўшиш қилғил ва раҳмдиллик бирла обрўйингни тўкмагил. Ҳеч кишининг ошнолигига алданмағил ва қўлингдағи қилични ўзингға ошно билғил. Андин сўнг ўзга кишини ўзингга ошно қилмағилким, подшо бизларга инониб, фароғатда **141<sup>а</sup>** ўлтуруб, бодапастлик бирла айшу тарабга машғулдур. Менинг қўлумда ва сенинг қўлингда тиф бордур. Сендин сиёсат ва мендин тадбир воқеъ бўлсун ва мен ҳар сўз десам ани қилғил. Молдорнинг молин олмоқ бирла ва молсизнинг қонин тўқмоқ бирла танbihҳ ва гўшмол бергил ва ҳар тариқа бирлан халқни хор тутгил, аларнинг кўзига азиз бўлғайсен. Агар раият ожиз ва хор бўлса, мамлакат обод бўлур”

Бахромнинг ноиби вазирнинг бу фирибларига алданиб, анга мувофиқ ҳалойиққа андоқ зулм ва ситам қилдиларким, андак муруват қолмади, мамлакат ҳаробалиқға юз қўюб, ҳеч кишида молу мулк **141<sup>б</sup>** қолмади. Ноиб раиятга жафо қилур эрди. Вазир фуқаронинг мол ва асбобин қору ва ришва учун олур эрди. Ҳеч кишида гавҳар, мулк ва ўзга асбобин ҳам асар қолмади. Ҳалойиқ дағи вилоятдин чиқиб даштларга юз уруб, овораву бехонумон бўлдилар. Барча ерлар зироатдин қолди ва хазона пулдин ҳоли бўлди. Вазир бошқа ерда бир тангалик важни истаб топмади.

Шоҳ Бахром танг бўлуб, қошига келган халқдин мамлакат ҳаробалигин сабабин сўрар эрди. Вазирнинг зўридин қўркуб, ҳеч киши рост сўзни айта олмай, ҳар ким бир турлук ёлғон сўзни айтиб қочиб кетар **142<sup>а</sup>** эрди. Шоҳ Бахром кўб<sup>1</sup> фикр қилиб, ҳеч ишнинг саранжом чорасин қила олмай тангдил бўлуб, ўзига дедиким: “Мамлакатға мундоғ вайронликлар ўзимнинг бекарорликимдин келди, ҳар на танглик Аллоҳ таъоло тақдири эркан бўлди. Ҳа подшоҳким, инон-ихтиёрин ўзга кишининг

---

<sup>1</sup> С.Долимов матнни тўғрилаб ўқиган.

қўлига бериб, мамлакат ва раият аҳволидин бехабар бўлса, икки дунёда зиёнкорлиқға гирифтор бўлур, юз ҳасрат ва надомат бирла жаҳондин борғусидир.”

## **Шоҳ Баҳромнинг шикорға чиқиб ўз ғафлатидин огоҳ бўлғани**

Шоҳ Баҳром ишига чора топа олмай танг ва малул бўлуб, ҳар кун ёлғуз ўзи шикорға чиқиб жониворларни сайд қилур эрди ва кўнгли ғамин **142<sup>6</sup>** дафъ этиб шодлик бирла қайтиб келур эрди.

Кунлардин бир кун бир сайднинг изидин от чопиб. ҳаво иссиқлиқидин ташна бўлуб, сув ахтариб бир тарафға от сурди. Асло сув топмай, ул ҳолда кўрдиким, узокдин бир қалин тутун чиқиб фалакка етадур. Ул тутун жонибиға маркаб сурди. Бориб кўрдиким, бир улуғ хиргоҳ ва хайма барпо бўлубтур ва ҳар тарафида бир суруқ ариқ мурда бўлған қўй қуёш ҳароратидин ётибдур. Бир итнинг қўл-оёқи боғланиб бир дарахтга осилибдур. Ул хиргоҳ бир давлатманд молдор чўпоннинг хиргоҳи эрди. Ул чўпон кўрдиким, эшикка бир иззатнишон **143<sup>a</sup>** меҳмон келибдур. Дарҳол очук юз бирла кулуб хиргоҳдин чиқиб меҳмоннииг оти инонин тутуб хиргоҳга тушурди. Таъзим ва хизмат шартин бажо келтурди. Олдида нон-сув қуюб, дедиким: “Ҳозир таом ушбуудур. Агарчи сенингдек азиз меҳмонға бу бир неча қурук нонни чиқармоқ лойик эрмастур, аммо маъзур тутгилким, менинг маконим биёбондур, шаҳр ва ободон жойлар бағоят узокдур”.

Баҳром анинг суйин ичди ва таомига қўл урмай дедиким: “То бу осилиб турған итнинг воқеасин менга айтмасанг, нонингни емасмен.” Чўпон деди: “Эй зебо йигит, бу ит менинг қўйларим-**143<sup>b</sup>** нинг посбони эрди. Мен анга эминликини бериб, вафодорлик учун қўйларимни топшуруб ва анга эътимод қилиб ўзим фароғат бирлан ўлтурмиш эрдим. Кўп йилдин бери бу қўйларимни боқиб, бўрилар оғатидин омон сақлаб келар эрди ва қўйларни ўзи сахродин уйга келтируб, уйдин сахроға элтар эди. Мен қўйларимни анга инонур эрдим. Токим, бир кун қўйлар кўзимга оз кўруниб санадим, етти қўй кам чиқти. Бир ҳафтадин сўнг санадим, яна етти қўй кам чиқти. Алқисса, кўп ҳафталар эҳтиёт қилиб санадим, бурунғидек ҳар ҳафта етти қўй кам бўла берди. Охир ўғридин гумон этиб, оқшомлар уйқудин кечиб, огоҳ-**144<sup>a</sup>** лиқ бирла посбонлиғ қилдим. Ўғридин асло асар топмадим.

Кўйлар тамом бўлурға ёвуқ етди. Итни хиёнат қилур, деб ҳаргиз гумон этмас эрдим. Ҳайрон бўлуб ҳамиша ғаму ғусса ер эрдим. Иттифоқо, бир кун қўйларнинг ёвуқида сувнинг канорида ётиб уйқуламиш эрдим. Уйқудин уйғониб кўрдимким, ит бошин бир чўпға қўюб, қўл ва оёқин узатиб фароғат ётибдур. Ул чоғда бир ургочи бўри бир тарафдин итнинг муқобиласига келиб қаттиқ овоз чиқариб, ўз тили бирла итни чақирди. Ит жойидан сачраб туриб бўрининг атрофин айланиб, қуйруқин тебратиб, бўрининг устига миниб жуфт бўлди ва ишин бўткарғандин сўнг қўйларни бўриға **144<sup>6</sup>** ташлаб яна ўз жойиға келиб ётди. Бўри қўйларнинг орасидин бир семиз қўйни олиб кетди ва оз вақтда еб тамом этди. Мен неча маротаба камингоҳда ўлтуруб, имтиҳон қилиб итнинг хиёнат қилғанин кўрдим ва мундок хиёнатин неча марталаб ўткардим. Асло ит бу ишни қўймади. Охир ани бўри бирла тутуб уйга солиб қўйдим, сўнгра чиқариб дарахтга осдим. Ҳар кишиким, кўруб билиб, қудрати етиб золимларга, гуноҳкорларга мундоғ жазо бермаса, охир мулки вайрон ва лашкар паришон, ўзи бехонумон бўлуб, кўп ҳасрат ва пушаймонлик бирла ўлғусидир.”

Шоҳ Баҳром бу сўздин сўнг ибрат олиб, ўзига дедиким: “Ман бу чўпоннинг сўзин **145<sup>a</sup>** эшлитиб ўзимнинг ғафлатимни билдим. Подшоҳлик қоидасин мундин ўргандим. Андоқким, чўпон мендурмен, қўй раиятдур ва ит вазирдур. Мен вазирни ўз тарафимдин мамлакат ва раиятга эмин этиб қўймишмен. Эмди мамлакат харобалиги, ганж ноёблиги ва раият парийшонлиги сабабин андин сўраб, мундок бесаранжомлиқнинг аслин билмак керакдур.”

Шоҳ Баҳром бу андиша бирла сахродин қайтиб шаҳрға келди. Ҳакимларни ва зинданбонларни олдига чақириб, алардин мужримларнинг дафтарларин олиб кўрдиким, бир жаҳон мажруҳ ва мазлумларнинг отлари дафтарларда бир-бир ёзилибдурким, ҳар бири уқубат занжирига **145<sup>b</sup>** гирифтордур. Подшоҳни жабру ситам бирла бадном, ўзини афв ва карами бирла некном қилибдур. Шоҳ Баҳром дафтарни кўргач кўзига жаҳон қоронғу бўлуб, дедиким: “Подшоҳ ҳар вақт бир маҳрамға қатл ҳукмин буюрса, вазир шафоат қилиб аниг қаҳри ўтиға таскин еткурса керак эрди. Менинг юртимни вайрон қилғучи ўғри ўз уйимда эркан.”

Бу сўздин сўнг вазирни банд ва хибс этмакни маслаҳат кўрди. Сўнгги кун улуғ даргоҳда ўлтуруб кўриниш берди. Барча

акобир келиб, ҳар ким ўз жойинда саф чекиб ўлтиридилар. Вазир дағи густохона барчадин юқори чиқиб ўлтурди. Шоҳ Баҳром анга ғазаб бирла қараб, қаттиқ овоз бирла итоб қилиб, дедиким: “Эй кўрнамак золим, сен менинг неъматимдан тарбиятлар топибдурсен. Менинг давлатимдин олий мақомларга етушдинг. Мен сени эмин билиб мамлакат, мол, раият ва лашкаримнинг ихтиёри зимомин иқтидоринг қўлиға топшурдим. Сен омонатга хиёнат кўргузуб, зулму ситам бирла менинг мулкимни хароб этмишсен. Лашкаримни пароканда қилибсен, хазиналаримнинг нақдига ғорат ва торож еткурмишсен ва ўз уйингни нақд зару асбобдин ва яроғдин тўлдирмишсен. Зулм ўти бирла фуқаронинг жамеъи хизматин куйдирмишсен. **146<sup>6</sup>** Ва мени маstu ғофил билмишсен ва ўзга шаробхўрлардек гумон қилмишсен. Мен агарчи зохирда маст ва бодахўрдурмен, аммо ботинда хушёр ва фалакул қаллобдурмен. Сен мунча хизмат қилмоққа ҳақдин ва халқдин уёлмадингму ва менинг сиёсатимни ёдингға солмадингму?”

Шоҳ Баҳром мундоғ сўзларни кўп айтмоқ бошлади ва барча гуноҳи вазирнинг бўйнига ташлади. Андин сўнг буюрди, то вазирнинг дасторин бошидин олиб бўйниға боғладилар ва қўл-оёқин занжир бирла банд этиб зиндонға ташладилар. Андин сўнг шоҳ Баҳром шаҳр ва саҳрова мунодий **147<sup>a</sup>** қилдурдиким, ҳар ким вазирдин ситам кўрган бўлса, даргоҳга келиб додин талаб қилсунким, подшоҳ адл бирла анинг додин берғусидур. Бундай хабарни эшиткач жамеъи пароканда ва афтода бўлған сипоҳ ва лашкар келиб Баҳромнинг остонасига бошларин қўюб зор-зор йиғладилар, вазирдин кўрган жабру жафоларин бир-бир баён этдилар. Андин сўнг Баҳром зиндонбонларға буюрди – бандиларни ҳибсдин чиқариб даргоҳга келтурдилар. Бандиларнинг адади минг нафардин зиёда эрди. Баҳром алардин етти кишини интихоб этиб, олдиға чақириб, ҳар бирининг гуноҳин, аслин ва касбин танҳо-танҳо сўраб, дедиким: “Рост сўзлаб, банддин халос **147<sup>b</sup>** бўлгунглар!”

**Аввалги мазлумнинг шикояти.** Аввалғи мазлум шоҳ Баҳромнинг олдида ер ўпуб, зор-зор йиғлаб, дуо қилиб дедиким: “Мен сенинг вилоятинг раиятларидин биридурмен. Менинг бир зебосуврат ва поксийрат биродарим бор эрди. Вазирани ҳеч гуноҳсиз кўп азоблар бериб, зулм бирла ўлтурди ва барча моли асбобин олди. Биродарим ўлгани учун ҳамма хешу акраболарим

ҳасрат бирла йиғлашдилар. Мен ҳам сабр қила олмай қаттиқ ун бирла фарёд қилиб йиғладим. Бу сабабдин вазир мени тутуб, сен душманларға бош қўшмишсен, деб ёлғондин тухмат қилиб **148<sup>a</sup>** уйимни хизматкорларига буюруб талатди. Қўл-оёғимни банд этиб зинданға ташлади. Биродарим аниг зулми бирла ўлди. Мен бир йил бўлдиким, қўл-оёғим банд бўлуб, зинданда маҳбус ётибдурмен.”

**Иккиланчи мазлумнинг шикояти.** Иккиланчи мазлум йиғлаб, шоҳ Баҳромға дуо қилиб дедиким: “Мен бир боғбондурмен. Отамдин мерос қолған бир дилкушо боғим бор эрдиким, неча алвон гуллар очилиб, турлук **148<sup>b</sup>** мевалар анда топилур эрди. Андин ўзга ҳеч мулким ва давлатим йўқ эрди. Ани бағоят яхши кўрар эрдим, кеча-кундуз масканим ул боғ эрди. Авқотгузорлиқимға сабаб аниг мевалари эрди.

Бир кун вазир бетакаллуф боғимга келиб меҳмон бўлди. Мен ихлос бирла меҳрибонлик қилиб, қудратим етканча турлук таом тартиб бериб олдига келтурдим. Вазир таомдин фориғ бўлғандин сўнг боғнинг атрофин айланиб, сайру тамошо қилиб, менга деди: “Бу боғни менга сотғил!” Мен дедим: “Бу боғни нечук сотурменким, муни жонимдин азиз **149<sup>a</sup>** тутармен. Бу жаҳонда менинг бор ватаним ушбу боғдур. Аҳли аёлимнинг авқотгузорлиқи ушбу боғ сабабидандур. Агар мен бечора бу боғдин айрилсам хонавайрон бўлғумдур. Ёш тифларимнинг ҳолиға раҳм этгил! Бу боғни менинг қўлумдин олмағилким, боғ ўзингнинг боғингдур. Мен бечора сенинг боғбонинг, балки ғуломингдурмен. Олдингда жон бирла хизмат қилурмен.” Ул золим менга деди: “Бу баҳоналарни қўйғил, боғни менга сотғил!” Мен яна ёлбориб узрлар айтдим. Алқисса, боғимни анга сотмадим. Охир менга гина қилиб, ёлғон тухмат бирла бўйнимға бир улуғ журмни ташлаб, ул журм **149<sup>b</sup>** учун ул боғни қўлумдин олди. Подшоҳға бу ҳолни арз этмасун, деб мени зинданға солди. Икки йил бўлдиким, мен зиндандадурмен.”

Шоҳ Баҳром андин бу сўзни эшиткач, боғин ўзига бериб шод қилди ва ғаму андуҳдин озод қилди.

**Учланчи мазлумнинг шикояти.** Учланчи мазлум дуо қилиб, саргузаштин мундоқ маълум этдиким, дарё сафариға озим бўлубтурмен. Гавҳар келтуруб сотиб, кўп фойда қилур эрдим. Бир мартаба бир неча луълуъий обдор келтуруб сотмоқ тиладим. Вазир эшитуб мени олдига чақириб, луълуъларни олиб баҳойи

учун андак нимарса бермак ваъда қилиб, мени қўрқутуб рози қилди. **150<sup>a</sup>** Неча муддатлар ўтди. Луълуъларнинг пулин бермади. Мен аниг олдига талаб қилиб борур эрдим. Ул турлук баҳоналар қилиб, мени қайтарур эрди. Бу янглиғ мен аниг олдиға умид бирла борур эрдим. Вазир мени ул баҳона бирла ноумид қилиб қайтарур эрди. То мени бир кун олдига пинҳоний чақириб тухмат этиб, хунийларға қўшуб зинданға солди. Бу баҳона бирла луълуъларни ҳам бебаҳо олди. Уч йил бўлдиким, ул золимнинг зулмидин зиндан азобиға мубталодурмен.

Шоҳ Баҳром аниг луълуъларин олиб берди ва озод қилиб, шодлик гўшасин қуёш афсаридин ошурди.

**Тўртланчи мазлумнинг шикояти.** Тўртланчи мазлум **150<sup>b</sup>** дуо қилиб, дедиким: “Мен бир ошиқ мутрибдурмен. Ҳунаrim уд, барбатнавозликдур. Бир канизакка ошиқ бўлмиш эрдим ва ани баҳойин тамом бериб эгасидин сотқун олиб ўзимга никоҳ қилмиш эрдим. Ул канизак ниҳоятсиз соҳибжамол эрди. Муҳаббатим анга кундин-кунга зиёда бўлуб, анга барбатнавозлик ва нағмапардозлик ҳунарин ўргатмиш эрдим. Гоҳ-гоҳ икковимиз бир уйда ўлтуруб, соз бирла базмимизни қиздируб вақтимизни хуш қилур эрдик. Мен анга ошиқ эрдим. Ул менга мувофиқ эрди. Вазир ани мендин зўр бирла босиб олди ва жонимга ҳижрон **151<sup>a</sup>** ўтун солди. Мен ул ўт ҳароратиға тоқат қилолмай гоҳ-гоҳ вазирнинг базмгоҳиға бориб, йироқдин ул канизакнинг жамолига назар қилур эрдим. Бу тадбир бирла фироқ ўтига таскин берур эрдим. Ул золим мени тутуб, банд этиб, ҳеч гуноҳсиз зинданга солди. Тўрт йил бўлдиким, мундоғ балоға гирифтдормен.”

Шоҳ Баҳром бу сўзларни эшиткандин сўнг, аниг канизакин келтуруб, қўлиға топшуруб, нақд зар ато қилиб, зиндан бандидин озод қилди.

**Бешланчи мазлумнинг шикояти.** Бешланчи мазлум шоҳ Баҳромнинг олдида зорлик бирла дуо қилиб, дедиким: “Мен сизнинг вилоятингизда фалон кент- **151<sup>b</sup>** нинг кадхудосимен. Сизнинг давлатингиз баракатидин Ҳақ таъоло менинг мулку молу нақдимни зиёда қилди. Зироатгоҳим ҳосилиға баракат берди. Мен сизнинг хайрингиз учун, неъматим шукронаси учун очларга таом ва яланғочларга либос берур эрдим. Афтодаҳолларға дастгир бўлур эрдим ва дармондаларнинг мушкулин осон қилур эрдим, бева ва етимларға нафақа бериб, кўнгулларин олур эрдим. Барча зироатгоҳимдин ҳосил бўлған

ғалла меҳмонларға сарф бўлур эрди ва ҳамиша мендин худо рози ва халқ хушнуд эрдилар. Вазир бу ҳолни билиб зулм ва ситамлар қилур эрди. Менинг мулк ва молимға **152<sup>a</sup>** тамаъ қўлин еткурди. Мени олдига чақириб, шитоб бирла дедиким: “Сен мунча мулк ва молни ранжу меҳнатсиз бир оз вақтда нечук пайдо қилдинг ва халқға мунчаким, хайру эҳсон қилурсен ё бир бойни ўлтуруб молин олмишсен ва ё бир ердин ганж топмишсен. Эмди ул молдин менинг ҳиссамни бергил, йўқ эрса бошингни бари қилурмен.”

Мундоқ сўзларни айтиб, неча турлук азоблар бериб, менинг барча мулку молимни олди ва ўзумни банд этиб зинданға солди. Беш йилдурким, мулку молу хонумонимдин айрилиб, зиндан уқубатиға мубталодурмен.”

Шоҳ Баҳром анга раҳму шафқат кўргузуб, озод қилиб, ўз мулкининг устига **152<sup>b</sup>** йиборди.

**Олтиланчи<sup>1</sup> мазлумнинг ҳикояти.** Олтинчи мазлум дуо қилуб, дедиким: “Мен сизнинг лашкарингиз жумласидан бир ихлосманд баҳодирнинг ўғлидурмен. Отам сизнинг хизматингизда ўлди. Мен анинг ўрниға хизматингизда бўлур эрдим. Кечакундуз душманларингизнинг қасдида қўлимға ҳам жон ва ҳам тиф олиб югуур эрдим. Сиз менга хизмат ҳаққимни вақтида берур эрдингиз. Мен ани аёлу аҳволим бирла еб, баҳузур авқот ўткарур эрдим. Андин бошқа дахл ва насибам йўқ эрди. Золим вазир соҳиби ихтиёр бўлғандин сўнг, улуфимни кесиб **153<sup>a</sup>** ҳеч нимарса бермади. Мен неча маротаба анинг олдига бориб йиғлаб дедимким: “Худо учун дастгир бўлғил, аёлу атфолим ҳолиға раҳм қилғил!” Ул чоғда ул золим қаттиғ овоз бирлан менга арз қилиб, дедиким: “Подшоҳға навкар керак эрмастур. Ҳоло шаҳрнинг дарвозасига душман келмамишдур. Бориб муздварлик қилиб фарзандларингға нафака топиб берғил!” Мен дедим: “Эй вазир, ожизлиқимға раҳм қилғил ва худодин қўрқғил. Мен манглойи қаттиқнинг ҳақимда бу миқдор қаттиқлик қилмағил! Сен кеча-кундуз оёқ узатиб ётиб **153<sup>b</sup>** роҳатдадурсен ва мен ҳамиша қўлумда қилич, душман бирла урушуб меҳнатдадурмен. Сен агар варак юзига қараб қалам урсанг, мен қўлумға тиф олиб душман юзига урармен. Сен аҳли сафонинг қонин тўқмакка қалам сурсанг, мен шоҳнинг душманларин бошин кесмакка тиф

---

<sup>1</sup> اولغى деб хато ёзилиб, тўғриланган.

сўрармен. Эмди сен подшоҳнинг тайин эткан вазифасни мендин кесмағилким, агар кессанг подшоҳға арз қилурмен.”

Вазир бу сўзларни эшиткондин сўнг, ғазаб бирла ўтдек тулашиб дедиким: “Эй аблаҳ, нодон, сен мени подшоҳдин қўрқузурмусенким, подшоҳни тахт устида ўлтурғузған **154<sup>a</sup>** мендурмен. Подшоҳнинг боши менинг оёқим остидадур. Анинг бирла гил қиласен. Агар менинг этагимга қул урмаса эрди, қачон хослукларин қарғалар еб кетар эрди.” Бу сўзни айтиб қўлиға қалам олиб, дафтардин отимни ўчирди ва қўлимдин яроғимни олиб ғазаб бирла зинданга топшурди. То мени юз минг уқубат бирла хунийларнинг уқубатгоҳиға еткурди. Бу йил олти йилдурким, мен зинданда турлук азоб бирла нотавон ва хастажондурмен”.

Баҳром анга, от, яроғ ва хилъат инъом бериб, улуфасин икки чандон қилиб, ҳаддин афзун **154<sup>b</sup>** шодмонлиғ еткурди.

**Еттиланчи мазлум шикояти.** Еттиланчи мазлум шоҳ Баҳромнинг олдида қул кўтариб дуойи давлат қилиб, дедиким: “Мен бу жаҳоннинг ошноларидин илик чеккан бир худопараст зоҳидменким, менда мулку молу зану фарзанд йўқтурур. Кечалар намоз ўқуб, кундузлар рўза тутар эрдим. Ҳақ таълонинг ибодатиға машғул бўлуб, ҳеч киши бирла ишим йўқ эрди. Ҳар ким кўзумға кўрунса ризолиқин тилар эрдим ва ҳар киши ёдимға тушса дуосин қилур эрдим.

Бир куни вазир мени олдига чақириб, ҳақорат бирла ошоқда ўлтурғузуб, юзумга ёмон кўз **155<sup>a</sup>** бирла қараб, дедиким: “Сенинг ҳаққингда менинг гумони бадим бордур. Сенга ҳар начук азоб берсам лойики сазовордурсен.” Мен дедим: “Эй саййид, гумонинг надур, айтгил, то мен ани тарк этиб, сенинг раъйинг бирла иш қилайн.” Ул деди: “Бад гумоним ўлдурким, сен менинг ҳаққимда дуойи бад қилурсен. Худодин менинг ўлумимни тиларсен ва мен қўрқарменким, сенинг дуойинг қабул бўлғай. Эмди сенинг дуойи бадинг таъсиридин менга бир оғат етушмасун, деб мен сенинг қўлунгни дуога кўтармакдин боғлармен ва оёқингни банд этиб, бўйнингға тасбех ўрниға занжир солурмен.” Ул золим бу сўзларни айтиб дарҳол **155<sup>b</sup>** оёқимни занжирбанд этиб зинданға солди. Етти йилдурким, мен зинданда Ҳақ таълонинг шукру ибодатиға машғулдурмен. Ул менинг қўлумни дуодин боғлади ва мен қўлин мамоликдин ва риоёдин боғладим. Охи сардим бошидин дасторин учурди, дуойи

бадим баданидин бошин ерга тушурди.”

Шоҳ Баҳром бу сўзларни эшиткандин сўнг, вазирнинг барча амволин келтуруб зоҳиднинг олдинда қўюб деди: “Муни олғил!” Зоҳид деди: “Менга бул нимарсалар даркор эрмасдур. Менга яхшироқ нимарса бергилким, мен сенга яхшироқ нимарса бердим.” Бу сўзни **156<sup>a</sup>** айтиб мастоナвор кулуб бир чарх уруб, қуёш янглиғ учуб халойиқнинг кўзидин ғойиб бўлди. Андин сўнг ани ҳеч киши кўрмади.

### **Шоҳ Баҳромнинг вазирга итоб қилиб, дорға остурғани**

Шоҳ Баҳром бир неча вайрон бўлган мамлакатларни адл бирла обод этмак андишасида ўлтурмиш эрдиким, вазирнинг қилған зулму бедоди ва ўзининг ғафлат ва бепарвонлиқи ёдига тушуб ниҳоятсиз хижил ва шармисор бўлди. Ғаму надомат ғалабасидин тонг отгунча уйқуси келмади. Тонг отқандин сўнг буюрди, улуғ боргоҳ барпо қилдилар. Боргоҳнинг олдинда баланд дор **156<sup>b</sup>** қурдилар ва ўзи боргоҳда ўлтурди. Барча умаройи акобир дағи келиб атрофида ўлтурдилар. Эрса жаллодшиор ва чобукдаст хизматкорлар қўллариға тиғи обдорни олиб, оёқ устида хизмат учун саф чекиб турдилар. Барча улуғу кичик тамошо учун боргоҳ атрофида жамъ бўлуб, маҳшаргоҳ низомин ошкор қилди. Баҳром жаллодларға буюрди. Ул жафокор вазирни қўл оёқинда занжир, бўйнида гул бирла келтуруб, барча саркашларга ибрат етурмак учун дорга осдилар.

Шоҳ Баҳром дедиким: “Ҳар кишиким, ўз ҳаддидин ўтуб **157<sup>a</sup>** саркашлиқ қилса, жазоси будур ва ҳар одамким, ўз валинеъмати ҳаққиға хиёнат этмакни ўзиға лозим билса жазоси ушбуудур.”

Андин сўнг ул чўпонниким, даштда кўруб анинг сўзидин ибрат олмиш эрди, олдиға чақириб кўп лутфу навозишлар қилиб, мартабасин баланд ва халойиқ орасида аржуманд қилди. Андин сўнгadolat ва саховат ишига саъй ва кўшиш бирла илик урди. Фуқаро ва раъоё аҳволиға рафоқат ва осудалиқ еткурди. Бу жиҳатдин сахл вақтида ганж ва лашкари кўпайиб, мамлакати ободликқа юз қўйди.

Хоқони Чин бу хабарни эшитиб Жайҳундин ўтмай, ўз юртиға қайтди **157<sup>b</sup>** ва узроҳлиқ бирла элчи йибориб дедиким:

“Подшоҳким, ул фитнахез ва фасодангиз вазирни ўлтурди, барча фитна ва фасод ўтин ўчурди. Эмди кетган давлати келди, ҳар наким, мақсуди эрди Ҳақ таъоло ҳосил қилди. Ул кўрнамак вазир менга кўп ваъдалар бирла номалар йибориб, дедиким: “Эрон вилоятининг эгаси йўқтур тезроқ етушгулким, мен сенга вилоятнн топширумен. Подшоҳ кеча-кундуз мастдур, жаҳондин хабари йўқтур. Агар мамлакат кераклик бўлса, бетавқиф ҳаракат қилғилким, тиғ чекмак сендиндур, бош кесмак мендин!” Мен, чун ҳоло подшоҳнинг адлу инсофин ва ҳушёриқин **158<sup>a</sup>** эшитдим, ул фасодангиз вазирнинг барча сўзлариға ва макру фирибига алданиб келмиш эрдим. Эмдиким, ҳоли ҳақиқатни билдим, деганимга пушаймон бўлубдурмен. Эмди ўз вилоятимға мурожаат қилдим. Мен ҳам подшоҳнинг фармонбардори ва бандасидурмен ва қизим давлатлиғ ҳарамининг хизматкор канизакидур.”

Хоқони Чин бу сўзларни айтиб, вазирнинг анга йиборган номаларин жамъ этиб бериб йиборди. Шоҳ Баҳром ул номаларни ўқуб кўруб, вазирни ўлтурғани учун бошин саждага қўюб худонинг меҳрибонлиғиға шукр қилди.

## **Шоҳ Баҳром <sup>158<sup>b</sup></sup> воқеаларининг итмоли ва рўзғорининг саранжоми**

Чун Ҳақ таъоло шоҳ Баҳромнинг аслин хок яратмиш эрди, олтмиш ёшиға кирганидин сўнг комил ақлининг дастёриклиари бирла ўз кўнглиға андиша қилиб билдиким, олам подшоҳлиқининг давлати вафосиз, умр шарбатининг лаззати бақосиздур. Барча нолойик афъолидин пушаймон бўлуб, жамъларидин қўл кўтариб ва жаҳоннинг ташвишидин этак силкиб, етти гумбазни етти донишманд зоҳидға берди. Ўзи сидқу ихлос бирла Тангри таъоло ибодатин қилмоқ керак деб билди. Анинг учун бир гўшага бориб, бир неча муддат риёзат **159<sup>a</sup>** чекиб, тақво ва тоатға машғул бўлди.

Бир кун тахту тожин ташлаб ов қилмоқ учун шикорға чиқди. Сайдгоҳда бир қулонни кўруб изиндин қувлади. Лашкари анга ҳамроҳ ва teng бўла олмай кейинга қолди. Шоҳ Баҳром икки маҳрами бирла қулоннинг изидин от чопдилар, кўп биёбонларни ва харобаларни қараб топмадилар. Ул харобаларнинг оросинда бир ғор бор эрди.

Қулон қочиб бориб ул ғорға кирди. Шоҳ Баҳром ҳам аниңг изидин ғорға кирди эрса андин чиқмади. Ул икки маҳрам ҳайрон бўлуб шоҳ Баҳромнинг изиндин ғорға киролмай ғорнинг оғзинда посбонлиқ қилиб ўлтурдилар эрса бир оз вақтдин **159<sup>б</sup>** сўнг лашкари ҳам келиб ул ғор оғзида жамъ бўлуб, ул икки маҳрамдин шоҳ Баҳромнинг воқеасин сўрдилар. Алар кўрган воқеани баён этдилар. Лашкар ахли аларнинг сўзларин бовар қилмай, дедилар: “Бу начук сўздурким, сизлар нодонлиқдин подшоҳнинг ҳолидин ғофил бўлуб, қайси ерга кетганин билмайдурсизлар?” Алар онт ичиб кўрган воқеаларин айтдилар. Лашкар сарҳанглари аларга дашном қилиб, озор бермакға машғул бўлдилар. Ул чоғда ғордин бир гуруҳ чиқиб, гуруҳ орасидин мундок садо келдиким: “Кетинглар, шоҳ ғордадур, анда иши бордур!”

**160<sup>a</sup>** Бул садони эшиткандин сўнг сарҳанглар ғорнинг ичига тушуб кўрдиларким, ости ердур, шоҳ Баҳромдин ҳеч асар йўқдур. ҳамма ғорнинг атрофида саф чекиб ўлтуруб эрдилар, кулфат бирла йиғлашмоққа машғул бўлдилар.

Шоҳ Баҳромнинг онаси бу ҳодисани эшитиб келиб, кўзи ёшидин даштни дарё қилиб, оху дудидин фалак юзини қаро этди ва кўп зар бериб, ул ғорни то сувга еткунча қаздуруб, то қирқ кунгача атроф жавонибин ковлатди. Аммо ўғлидин асло ному нишон топмади, юзин йиртиб, яқосин чок этди. Ул вақтда онинг қулоғиға хотифдин мундоғ овоз келдиким: “Эй ғофил хотун, **160<sup>б</sup>** Ҳақ таъоло сенға бир омонат топшурмиш эрди. Вақт еткандин сўнг ул омонатни сендин олди. Мундоғ бекарорлиқни қўйғил ва ўз ишингга борғил ва бехуда ранж чекмагил!”

Хотифдин бул нидони эшиткандин сўнг, онаси Баҳромдин умидин узуб, ҳасрат ва маломат бирла шаҳрга мурожаат қилди. Анда кулфат бирлан ўз ишига машғул бўлди.

Фалаки кажрафторминг ул кирдори будурким, агар киши минг йил подшоҳликда ўлтуруб, етти иқлимға ҳукумат сурса ва юз йил мурод бодасин ичиб, кўнгли комига хушҳол ва масрур бўлса, **161<sup>a</sup>** охир аниңг комин ажал заҳри бирла шўр ва мақомин тийра гўр қилғусидур. Оқил киши бу ҳолдин ибрат олғай ва ўзин факру фано тариқиға солғай.

Тамматул китоб баавн-л-Малики-л-ваҳҳоб.

## **МУНДАРИЖА**

<b>МУҲАММАД РИЗО ОГАҲИЙ ТАРЖИМАСИДАГИ АСАРЛАРНИНГ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ. Ҳилола Назирова.....</b>	<b>3 – 10</b>
<b>ГУЛИСТОН.....</b>	<b>10 – 133</b>
<b>Нашрга тайёрловчидан.....</b>	<b>134</b>
<b>ҲАФТ ПАЙКАР.....</b>	<b>135 – 221</b>